

ISSN 2181-8738

# ВОДИЙНОМА

ИЮЛЬ-СЕНТЯБРЬ

2017 ЁИЛ

№4 (6)



## МУНДАРИЖА

### «ВОДИЙНОМА»

(Тарихий мерос)

Ижтимоий-тарихий, илмий ва оммабоп журнал

2017 йил №4 (6)

**Муассис:** «Мерос» халқаро илмий-амалий экспедиция жамоат фонди

**Бош муҳаррир:**  
Рустамбек Шамсутдинов

**Бош муҳаррир ўринбосари:**  
Абдулла Шаропов

**Таҳрир ҳайъати:**  
Абдулхамид Анорбоев  
Екатерина Смесова  
Маҳбуба Темирова  
Мирсодиқ Исҳоқов  
Музробжон Абдуллаев  
Муҳаммадҷон Исомиддинов  
Наим Каримов  
Поён Равшанов  
Ташманбет Кененсариев  
Шамсиддин Камолитдин  
Шухрат Ризаев

**Масъул котиб:**  
Маъмуржон Саидхонов

**Техник муҳаррир:**  
Иқболжон Жумаев

**Жамоатчилик кенгаши:**  
Бахтиёр Аминов  
Дилмурод Қуроноф  
Маҳмуд Ҳасанов  
Мансур Хужаев  
Сойибжон Ҳошимов

Андижон вилояти Матбуот ва ахборот бошқармаси томонидан 2016 йил 18 майда № 04-049 рақам билан рўйхатга олинган

**Нашр индекси:** 170112

**Нашр учун масъул:** Р.Т.Шамсутдинов

**Таҳририят манзили:** 170100, Андижон шаҳри Университет кўчаси 129-уй.

**Телефон:** (99890) 253-26-32

**Факс:** (99874) 223-83-52.

**Почта:** vodiynoma@inbox.uz

Босишга рухсат этилди: 28.08.2017 й.  
Қоғоз бичими 60x84 <sup>1</sup>/<sub>16</sub>. Босма тобоғи: 13,5  
Офсет босма. Офсет қоғози.  
Адади: 1 400 дона. Буюртма № 112

Баҳоси келишилган нарҳда.

Чоп этилган мақолаларда билдирилган фикр-мулоҳазалар таҳририят нуқтаи назарига мос келмаслиги мумкин. Келтирилган факт ва рақамларнинг аниқ ва холислиги учун муаллиф жавобгар ҳисобланади.

Муқова дизайни ва оригинал макет «Akademashr NNM» МЧЖ томонидан тайёрланган «Print Media» МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди. Тошкент шаҳри Ўзбекистон овози кўчаси 32-уй

### БУЮК ТАРИХИЙ ШАХСЛАР

**Равшан Шамсутдинов**  
Икки буюк сиймони хотирлаганда ..... 2

**Акмал Саидов, Люсен Керен**  
Амир Темур ва тарих сабоқлари ..... 9

**Байболот Абытов**  
Алымбек Датка ..... 13

**Наим Каримов**  
Назир Турақулов – биринчи ўзбек дипломати ..... 20

**Наим Каримов**  
Атоқли артист ва режиссёр ..... 36

**Рустамбек Шамсутдинов**  
Адуллаев Ҳабиб Муҳаммадович (1912 – 1962) ..... 41

### РОССИЯ ИМПЕРИЯСИ ВА СОВЕТ МУСТАМЛАКАЧИЛИГИ ДАВРИ

**Рустамбек Шамсутдинов, Искандар Мадғозиев**  
Чўлпон ва «Дархон» газетаси ..... 56

**Рустамбек Шамсутдинов**  
«Катта қирғин» қурбони бўлган журналистлар ..... 60

### ҲУЖЖАТЛАР ВА МАТЕРИАЛЛАР

**Рустамбек Шамсутдинов**  
Советларнинг Ўзбекистондаги миллий сиёсати ўзбек зиёлилари талқинида (ОГПУ материаллари асосида) ..... 66

**Рустамбек Шамсутдинов, Соибжон Ҳошимов**  
«Қосимовчилик иши» ОГПУ талқинида ..... 71

### ЭСДАЛИКЛАР, РИВОЯТЛАР ВА ЁЗИШМАЛАР

Отрывки из воспоминаний Гафура Хайдарова ..... 89

### ТАРИХШУНОСЛИК ВА МАНБАШУНОСЛИК

**Бахтиёр Расулов**  
Колхозлаштириш тарихшунослигига доир ..... 90

### ТАНҚИД ВА ТАҚРИЗ

**Фарҳод Мақсудов**  
Водийнинг узок ўтмишига бағишланган тадқиқот ..... 96

### ИЛМИЙ ҲАЁТ

**Шамек Тлеубаев**  
Алашўрда, Туркистон Мухториятининг 100 йиллигига бағишланган халқаро анжуман ..... 101

**Маъмуржон Саидхонов, Тожиддин Раҳмонов**  
Олтойшуносликка бағишланган халқаро форум ..... 106



# ИККИ БУЮК СИЙМОНИ ХОТИРЛАГАНДА

**Бизнинг ҳавас қилса  
арзийдиган буюк тарихимиз  
бор. Ҳавас қилса арзийдиган  
улуг аждодларимиз бор.  
Ҳавас қилса арзийдиган  
беқиёс бойликларимиз бор.  
Ва мен ишонаман, насиб  
этса, ҳавас қилса арзийдиган  
буюк келажагимиз, буюк  
адабиётимиз ва санъатимиз ҳам  
албатта бўлади.**

*Ўзбекистон Республикаси Президенти  
Шавкат Мирзиёевнинг  
Республика ижодкор зиёлилари вакиллари  
билан учрашувдаги маърузасидан.*

Яқинда муҳтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёев Саудия Арабистонига ташрифи давомида қирол Салмон бин Абдулазиз ас-Сауд билан кўришаётиб: **«Сизга буюк ал-Бухорий юртидан салом»**, – деганида қирол ҳазратлари тўлқинланиб кетгани ва: **«Сиз менинг энг азиз меҳмонимсиз»**, – деб кўплаб давлатлар раҳбарлари қатнашаётган анжуманда алоҳида таъкидлагани бежиз эмас. Бу кўҳна тарих, бой маданий меросга, жаҳон тамаддунига беқиёс ҳисса қўшган буюк олиму фузалоларга эга бўлган юрт халқига ва унинг вакилига берилган юксак баҳодир.

Мазкур воқеа беихтиёр мустақиллигимизнинг дастлабки йиллари кўз олдимдан ўтишига сабаб бўлди. Ҳа, Яратганнинг инояти билан замонамизнинг буюк давлат арбоби, Ўзбекистоннинг биринчи Президенти И.А.Каримов

раҳнамолигида Ўзбекистон мустақил давлат сифатида дунёда ўз ўрнига эга бўлди.

Ўша йиллари хорижда гарчи илм одамлари, сиёсатчилар ва айрим матбуотчилар билса-да, лекин асосий афкор омма собиқ Иттифоқ кўп миллатли алоҳида республикалардан таркиб топганлиги, унда Ўзбекистондек юрт ва ўзбек миллати борлигини яхши билмас эди.

Россия ташқи ишлар вазирлиги ҳузуридаги Дипломатик академияда ўқиётган давримда инглиз тили бўйича малакамни ошириш мақсадида Лондонга ўқишга бордим. Бу менинг Европага қилган илк сафарим эди.

Дарсга борганимда гуруҳда Лотин Америкаси, Африка ва Европанинг баъзи давлатларидан талабалар борлиги, ўзбеклардан ёлғиз ўзимлигимни билдим. Ўқитувчимиз синфдагилар билан бирма-бир танишаркан, менга: «Қаердансиз?» – дея савол берди. «Ўзбекистонданман», – дедим. У бўлса: «Пакистан?» – деб қайта сўради. «Йўқ», – дедим. Ўқитувчи ишонқирамай: «Афганистан?» – деди. Мен унга: «Ўзбекистон», – деб бўлиб-бўлиб, секин айтдим. Ўтирганлар ҳайрон бўлишди, юртимиз ҳақида эшитмаганлиги кўришиб турарди. Шунда уларга тушунарли қилиб қисқача маълумот бермасам бўлмаслигини сездим.

– Мен сизлар яхши биладиган Ҳиндистонда 300 йил ҳукм сурган буюк салтанатга асос солган Бобурнинг она юрти бўлмиш Ўзбекистонданман. Боз устига, унинг киндик қони тўкилган Андижон шаҳриданман, – дедим.

Синфдагилар қизиқиб мени саволга тутишди. Шунда инглиз ўқитувчиси узр сўраб, давлатимиз ва миллатимиз ҳақида қисқача сўзлаб беришимни илтимос қилди. Уларга Ўзбекистон Ўрта Осиёда (улар Марказий Осиё дейишади) жойлашгани, қадимий тарихга, бой маданий меросга эга юрт эканлигини, унинг 2750 – 2500



йиллик Самарқанд, Бухоро, Хива, 2000 йиллик Тошкент, Андижон каби шаҳарлари, жаҳон цивилизациясига улкан ҳисса қўшган Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Бухорий, Термизий, Амир Темур, Улугбек, Навоий ва, албатта, Заҳириддин Муҳаммад Бобур сингари фарзандлари борлигини айтганимда синфдагилар ҳайратини яшира олмадилар. Чунки улар кўҳна ва навқирон шаҳарларимизнию илм дунёсига машҳур бўлган, Европадаги уйғониш даврига катта туртки берган олимларимизни ва уларнинг илмий ишларини озми, кўпми билишарди. Инсон қўли билан яратилган мўъжизалардан бири Тож Маҳал ҳам бизнинг бобокалонларимиз томонидан бунёд этилганини эшитганларида ҳайратлари янада ошди.


Маълумки, Лондоннинг рамзи сифатида эътироф этиладиган Вестминстер саройида (The Palace of Westminster) Британиянинг икки палатали парламенти жойлашган, у Парламент уйлари (Houses of Parliament) деб ҳам юритилади. Бу бино 1016 йили қурилган, 1834 йилги ёнгин сабабли вайрон бўлган ва 1840 – 1870 йилларда қайта қурилган. Ҳозирда жаҳондаги энг машҳур тарихий обидалардан бири ҳисобланади. Унга кираверишда ўнг томондаги девордаги қатор портретларга кўзингиз тушади. Бу қаторнинг бошида Англиянинг дастлабки элчиларидан бири Бобурийлар салтанатига элчилик ишонч ёрлигини топшираётгани тасвирланган. Англия қироллигининг бу заминдаги илк элчилари Акбаршоҳ (1556 – 1605) ва Жаҳонгиршоҳ (1606 – 1627) даврида фаолият юритган. Улар қўйидагилар бўлган: Ралф Фитч (Ralph Fitch) 1583 – 1591; Жон Милденҳол (John Mildenhall) 1599 – 1606; Вильям Ҳоукинс (William Howkins) 1608 – 1613; Вильям Финч (William Finch) 1608 – 1611; Николас Витингтон (Nicolas Withington) 1612 – 1616; Томас Корият (Thomas Coryat) 1612 – 1617; Сер Томас Рой (Sir Thomas Roe) 1615 – 1618 ва ҳ.к. Улар Бобурийлар давлатининг имкониятларини ўрганган ва қиролликка ахборот бериб туришган. Масалан, биринчи элчи бўлмиш Ралф Фитч Агра ва Фатехпур, Сикри шаҳарлари ҳақида қиролликка ёзган ҳисоботида: «Агра ва Фатехпур жуда катта шаҳарлар, ҳар иккиси ҳам майдони ва



Вестминстер саройи олдида.  
Лондон, 1995 йил январь

аҳолиси жиҳатидан Лондондан анча катта», – деб баҳо берган.

Яна бир қизиқ воқеа. Товер оф Лондон (Tower of London) деган музейда ҳазрат Бобурдан мерос қолган машҳур Кўҳинурни кўрдим. Буюк Британия қироличаси тожигга ўрнатилган бу ажиб тош ўқ ўтмас ойнадан ясалган қутига жойлаштирилган бўлиб, ташриф буюрувчилар яқиндан узоқ вақт кўра олмаслиги учун юриб турувчи лента ўрнатилган экан. Музейда улуг аждодларимизга тегишли бўлган бу мўъжаз олмосни мириқиб томоша қилиш мақсадида ҳалиги лентадан бир неча марта ўтдим. Буни кўрган полиция ходими дарров келиб: «Тинчликми, нега айланиб қолдингиз, бундай қилиш мумкин эмас», – деди. Унга бу антиқа тош тарихини айтиб берганимда ҳайратини



Кўхинур

яширолмади, хоҳлаганча кўришингиз мумкин деб рухсат берди.

Кўхинурнинг бу ерларга келиб қолиши тарихига қисқача тўхталсак. 1849 йил 29 мартдаги Лаҳор шартномасига асосан Кўхинур қиролича Виктория мулкига айланган, баъзиларнинг фикрича, бу тош Ҳиндистонни забт этишда катта роль ўйнаган «Ост-Индия» компанияси («East India Company») томонидан қироличага совга тарзида берилган. Жавоҳир 1850 йилнинг 3 июлида, яъни юқорида зикр қилинган компаниянинг 250 йиллигини нишонлаш арафасида Букингем саройида қиролича Викторияга топширилган. 1852 йил июль – август ойларида ҳолландиялик мутахассис томонидан Кўхинурга ишлов берилгач, 186 каратдан 105,6 каратга тушиб қолади (ривоятларга кўра, бу олмос XIII асрда топилган ва бошида 793 карат бўлган). Ундан қиролича Виктория умрининг охиригача ўзининг шахсий тақинчоги сифатида фойдаланган. Унинг вафотидан кейин Кўхинур қироллик мулки сифатида тожга ўрнатилган. 1902 йили қиролича Александра тожига ўрнатилган бу мўъжаз тош 1911 йили қиролича Мари тожини, 1937 йили она қиролича тожини, 2002 йили унинг тобутини безайди.

Шотландия пойтахти Эдинбургдан қайтаётиб Манчестерда поезддан тушиб қолдим, чунки бу ерда буюк бобокалонимиз Бобурнинг авлодларидан бири доктор Али Навозхон Бобур яшарди. Вокзалдан қиблагохим (Р.Т.Шамсутди-

нов) берган телефон рақамига қўнгироқ қилдим. Ўзимни таништирганимдан сўнг у киши мени уйига таклиф қилди. Хурсанд бўлиб дарров таксига ўтириб манзил томон йўл олдим. Таксичи ҳам афғонистонлик экан. Бобур юртиданлигимни, айниқса, унинг она шаҳри Андижонданлигимни эшитиб мамнун бўлди. Бобур ва бобурийлар ҳақида илиқ суҳбат қуриб кетдик. Унинг қabri Кобулнинг Боги Бобур деган жойида эканлигини афғонистонлик ҳайдовчи аллақандай меҳр билан таъкидлади.

Тез орада манзилга етиб келдик ва мени кутиб турган Али Навозхон Бобур билан кўришдик. Шунда таксичига йўл ҳақини бериб хайрлашмоқчи бўлдим. У: «Йўк, Бобурдек инсонни ёд айлаб, унинг авлодини зиёрат қилгани келган кишидан пул ололмайман. Қолаверса, сиз туфайли Бобур авлоди билан кўришиб турганим мен учун катта мукофот», – деганида қалбимда чексиз гурур ва ифтихор ҳиссини туйдим. Ҳайдовчи билан қучоқлашиб хайрлашдик.

Али Навозхон Бобур билан суҳбатимиз жуда мазмунли бўлди. Ундан ҳозирги кунда бобурийлар авлодлари дунёнинг турли жойларида (асосан Покистонда) яшаши, деярли 100% олий маълумотли эканликлари ҳақида маълумот олдим. Ўзи Манчестердаги катта касалхонада хирург, фан доктори экан, ўғли дизайн бўйича катта мутахассис, қизи эса Глазго (Шотландия) тиббиёт институти талабаси.

Мен ҳам унга Лондон ҳақида таассуротларимни сўзлаб, синфда Бобур юртиданман деб уларга Ўзбекистонни танитганимни, Бобур ва унинг салтанати ҳақида турли миллат вакилларига маълумот берганимни, қолаверса, биз ана шундай буюк инсонлар авлоди эканимиздан гурурланишимизни ҳаяжон билан айтиб бердим. Али Навозхон Бобур кўзларига ёш олиб: «Ҳа, тўғри айтасиз, ўзбек халқи инсоният цивилизациясига улкан ҳисса қўшган халқдир, улардан бири бизнинг бобомиз Заҳриддин Муҳаммад Бобур ва у асос солган салтанат вакиллари эканлигидан жуда фахрланамиз», – деди.



Доктор Али Навозхон Бобур ва Равшанбек Шамсутдинов. Манчестер, 1995 йил февраль

\* \* \*

Аллоҳ таолонинг марҳамати, юртимиз раҳбарияти, забардаст ўзбек халқининг фидокорона меҳнати ва шижоати ила мустақил Ўзбекистон дунё ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини эгаллади ва янада равнақ топиб бормоқда. Ҳукуматимиз олиб бораётган одилона сиёсатдан ва буюк аждодларимиз қолдирган беназир меросдан руҳланган фуқароларимизнинг сиёсий, иқтисодий, маданий ва спорт соҳаларидаги самарали меҳнати туфайли жаннатмонанд Ватанимиз байроги дунё миқёсидаги турли анжуманларда баланд кўтарилиши қалбимизда юксак ифтихор ҳисси уйғотмоқда.

Шу боис Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг «Биз буюк аждодларимиз етишган бетакрор марралар билан фахрланиш билан бирга ўшандай буюк зотларнинг авлодларига лойиқ бўлишимиз керак» деган сўзлари нақадар долзарб аҳамиятга эгаллигини кўрамиз.

Зеро, бой маданий меросимиз анъаналарини давом эттириш бугунги авлодларнинг бурчидир.

Мозийга назар ташлаб ҳар бир миллат, давлат тарихида бурилиш нуқталарида инқилобий ўзгаришлар амалга оширилишида фавқулудда истеъдодли, бошқаларни ўз ортидан эргаштира оладиган харизматик шахсларнинг роли жуда катта бўлганини кўрамиз. Масалан, Россия тарихида Пётр I Европага «дарча» очган, Крим хонига (у даврда хонлик Усмонлилар империяси васали эди) бож тўлашдан халос бўлган ва қатор ислохотлар билан Россиянинг дунё миқёсидаги ўрнини, келажагини белгилаб берган. Мустафо Камол Отатурк қарийб 600 йил ҳукм сурган Усмонлилар империясининг парчаланиб, турк давлатчилигини йўқ бўлиб кетишдан сақлаб қолган ва ҳозирги даврда ривожланган Туркия Республикасига тамал тошини қўйган. Ватанимиз тарихида буюк Амир Темур мамлакатни мўғуллар зулмидан озод этиб буюк салтанатга асос солгани, бу салтанат жаҳон тарихида мислсиз шухрат қозонгани, унинг давомчиси Заҳрирдин Муҳаммад Бобур Ҳиндистонда Бобурийлар салтанатини барпо қилгани ва бу давлат 332 йил умр кўрганини эслаймиз.

Аввал чор Россияси, сўнгра Совет давлатининг мустамлакаси бўлган Ўзбекистонни мус-



тамлакачилик исканжасидан халос этиб, уни мустақил тараққиёт йўлига олиб чиқишдек буюк тарихий миссия Ислом Каримовга насиб этди. Етук давлат арбоби Ислом Каримов тўғрисида батафсил сўз юритишга кўплар қатори мен ҳам ожизман. Чунки халқимиз фаровонлиги, буюк мақсадлар йўлида бутун борлигини сафарбар этган бу арбобнинг ички дунёсини тўла идрок этиш ўта огир юмуш.

Мен Ташқи ишлар вазирлиги тизимида ишлаган йилларим халқимизнинг буюк сардори билан учрашиш бахтига муяссар бўлганимдан бағоят фахрланаман.

1994 йил 3 – 4 март кунлари Ўзбекистон биринчи Президенти Ислом Каримовнинг Россия Федерациясига расмий ташрифи вақтида биринчи бор учрашганман. Ўшанда Россиядаги элчихонамизда 2-котиб вазифасида эдим. Кремлда бўлиб ўтган расмий учрашувлардан сўнг элчихонамизда Президентимизнинг Россиянинг атоқли фан ва маданият ходимлари билан учрашуви бўлди. Учрашувда Ислом Каримов Ўзбекистон – Россия муносабатлари ҳақида, тенг ҳуқуқли алоқаларни ривожлан-

тириш ва бунда тарихий тажрибага таяниш лозимлигини айтиб ўтганди.

Эртаси куни Ислом Каримов элчихона ходимлари билан учрашди, ҳар биримиз билан қўл бериб сўрашди. Айниқса, биз каби ёш дипломатлар билан алоҳида гаплашиб, юксак ватанпарварлик руҳи билан доимо изланишда яшаш лозимлигини уқтирди. Учрашув тугаб, кетиш пайтида элчимиз (Ю.Н.Абдуллаев): «Ислом ака, илтимос, Сиз билан дипломатларимиз суратга тушишмоқчи», – деди. Хавфсизлик ходими вақтимиз тигиз дейишига қарамай, юртбошимиз: «Сизларда доим вақт бўлмайди, қани, келинглар, албатта, расмга тушамиз», – деб пальтосини ечиб биз билан суратга тушганди.

Бу унинг қанчалик самимийлигини, ходимларга, айниқса, ёшларга эътибори баландлигини кўрсатади. Ўша сурат кўпчилик ҳамкасбларим қатори мен учун ҳам унутилмас эсдалик бўлиб қолди.

Кейинчалик Москвада Ҳамдўстлик давлатлари саммитлари вақтида бир неча марта кўришишга муяссар бўлганман. Шу саммитлардан



бирида Ўзбекистон – Украина ҳукуматлараро комиссияси тузилиши тўғрисидаги битимни имзолаш маросими бўлиб ўтди. Бу пайтда мен элчихона протоколи бошлиғи эдим. Имзолаш маросимини Кремнинг «Ананас» залида ташкил қилдик. Маросим ҳар иккала давлат раҳбарлари ва расмийлари иштирокида бўлиб ўтди.

Яна бир учрашув Россия ҳукуматининг меҳмон давлат раҳбарлари яшаши учун мўлжалланган қароргоҳида бўлиб ўтди. Шунда тарбиявий аҳамиятга эга қизиқ воқеа содир бўлди. Эрталаб протокол ходими сифатида Ислон Абдуганиевичнинг Россия премьер-министри Е.Примаков билан учрашувини тайёрлаш мақсадида қароргоҳнинг иккинчи қаватига, Президентимиз турган хона томонга кўтарилдим. Юртбошимиз хавфсизлик хизмати ходими (Рустам Хўжаев) билан нонуштани тугатиб, биргаликда дастурхонни йиғиштираётганининг гувоҳи бўлдим. Президентимиз мен томонга ўгирилиб самимий назар ташлади, саломлашиб ортимга қайтдим. Бу ҳолатни ҳеч ёдимдан чиқармайман, чунки давлати-

миз раҳбарининг нақадар камтарлигини кўрган эдим ва бу менга бир умрлик сабоқ бўлиб қолди.

1999 йил апрель ойида НАТОнинг 50 йиллигини нишонлаш юзасидан АҚШда аъзо ва ҳамкор давлатлар раҳбарлари иштирокида саммит бўлиб ўтди. Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг АҚШга сафари Ҳолландиянинг пойтахти Амстердам орқали амалга ошди. Бу даврда мен Ўзбекистоннинг Амстердамдаги бош консулхонаси вице-консули эдим. Ҳар доимдагидек, Президентимиз ташрифи юқори савияда ташкиллаштирилди. Қолаверса, бу 1999 йил 16 февраль воқеаларидан сўнг Президентимизнинг хорижга қилинган биринчи сафари эди. Самолёт ёнилги олиш ва экипаж алмашиши учун Амстердамда 40 дақиқага тўхтар экан. Хавфсизлик чораларини кўриш борасида Нидерландия қироллик гвардияси жалб қилинди. Юқори мартабали меҳмонни қиролича Биатрикснинг вакиласи ва ҳукумат аъзолари кутиб олдилар. Албатта, бу Президентимиз И.А.Каримовга билдирилган юксак эҳтиром намунаси эди.





Аэропортда Нидерландиянинг Европа Иттифоқидаги комиссари Ван ден Брук билан учрашув ташкил қилинди. Учрашув якунланиб, Президентимиз Ҳолландия комиссари ҳамроҳлигида учрашув залидан чиқиб келди, улар ташқарида кутиб турган қиролича вакиласи олдида тўхташди. Мен уларни 3-4 қадам нарида кузатиб турар эдим. Шу он тўсатдан Ислом Абдуганиевич мен томонга қараб «бу ёққа кел» деб ўзига чорлаб қолди. Бехосдан бўлган бу чақирувга жавобан зудлик билан ёнига бордим. Юртбошимиз қиролича вакиласига ўзбек миллий ҳунармандчилик санъати намунасини тақдим қилмоқчи бўлиб мени таржимага чақирган экан. Совгани оларкан, қиролича вакиласи: «Нозик дид билан ясалган ушбу совгани шахсан Сизнинг қўлингиздан олишим менга катта қувонч ва фахр туйғусини бермоқда, қиролича Биатрикс ва ўзим номимдан чуқур миннатдорчилигимни қабул қилинг», – деган эди. Бир қарашда оддий ҳолатдек кўринса-да, бу Ислом отанинг қанчалик эътиборли, олийжаноб ва юксак маданият соҳиби эканлигига яна бир исбот эди.

**Равшан ШАМСИТДИНОВ**, тарих фанлари номзоди, халқаро муносабатлар бўйича мутахассис, АнДУ тарих факультетини, Москвадаги П.Лумумба номли Халқлар дўстлиги университети аспирантурасини битирган, Фарғона водийсида ер-сув ислоҳоти тарихи бўйича диссертация ёқлаган, Москвадаги Дипломатия академиясини битирган, Лондон (Буюк Британия), Сан-Франциско (АҚШ) инглиз тили малака ошириш курсларида, Сан-Антониода (АҚШ) Америка ҳаво кучлари базаси коллежида таҳсил олган, 1993 – 2001 йилларда Ўзбекистоннинг Россиядаги элчихонаси иккинчи котиби, матбуот котиби, протокол бўлими бошлиғи (Москва), Америка бошқармаси бўлим бошлиғи (Тошкент), Амстердамдаги бош консулхона вице-консули, Бенилюкс давлатларидаги (Брюссель) элчихонамиз биринчи котиби, Ўзбекистоннинг НАТО, Европа Иттифоқидаги вакили ва вақтинча элчи вакифаларида хизмат қилган.

Ўтган йили халқимиз бошига огир синов, мусибат тушди. Ўзбекистон Республикасининг асосчиси ва биринчи Президенти Ислом Абдуганиевич Каримов бу фоний дунёни тарк этиб, боқий оламга риҳлат қилди. Миллионлаб халқимиз қатори мен ҳам бу мўътабар инсоннинг жаноза намозини ўқирканман, «Инна лиллаҳи ва инна илайҳи рожиъун» (Албатта, биз Аллоҳникимиз ва, албатта, биз Унга қайтувчимиз) деб Яратгандан у кишига раҳмат ва магфират сўрадим.

У босиб ўтган шарафли йўл ҳозирги ва келажак авлодларимиз учун ҳаёт мактаби вазифасини ўтаб, амалга оширган бунёдкорлик ишлари, теран гоёлари мужассамлашган китоблари халқимиз учун доимо дастуриламал бўлиб хизмат қилади ва ўзига садақаи жория сифатида савоблари бориб туради, иншааллоҳ.

Албатта, бебаҳо нарса мисоли зар, эгилади, букилади, лекин асло зангламайди, қимматини йўқотмайди. Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Абдуганиевич Каримов сиймоси ҳам халқимиз қалбида абадий қолажак.



# АМИР ТЕМУР ВА ТАРИХ САБОҚЛАРИ



2016 йили Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 25 йиллиги ҳамда Амир Темур таваллудининг 680 йиллигига бағишлаб таниқли ҳуқуқшунос, тарихчи олим, дипломат, жамоат арбоби Акмал Холматович Саидов ва француз олими, профессор Люсен Керен ҳаммуаллифлигида «АМИР ТЕМУР ВА ФРАНЦИЯ» китоби нашрдан чиқди. Мазкур капитал асардан айрим лавҳаларни бир оз қисқартирган ҳолда журналимиз саҳифасида бериб боришни лозим билдик.

Маълумки, ўтмишни билиш ҳозирги кунни тўғри англаш тақозосидир. Шунинг учун Ўзбекистоннинг ҳар бир ватанпарвар, миллатпарвар фуқароси Амир Темур ва темурийлар даври тарихи ҳақидаги бор ҳақиқатни ўрганиши лозим.

**Амир Темур ва темурийлар сулоласи тарихини чуқур билиш нима учун зарур?**

**Биринчидан,** ўз тарихини, насл-насабини, меросини билмаган миллатнинг келажаги бўлмайди. Чунки ҳар бир халқнинг ўз тарихи мавжуд. Ўз тарихини билмаган, унинг ижобий ва салбий тажрибаларини ўрганиб, тегишли хулосалар чиқармаган халқ бугунги ҳаётнинг қадрини ва муаммоларини тушуниб ета олмайди, ўз келажаги ҳақида аниқ тасаввурга, пухта ишланган дастурга эга бўла олмайди. Биз келажаги буюк Ўзбекистонни барпо этишга киришган эканмиз, Соҳибқироннинг ибратли ҳаёт йўли ва бунёдкорлик фаолияти бизга катта ишонч ва интилиш, қатъият ва куч-қувват бахш этади.

**Иккинчидан,** Амир Темур ва темурийлар тарихини ҳар томонлама чуқур ўрганиш фақат илмий ва маърифий аҳамият касб этиб қолмасдан, тарбиявий ва амалий аҳамиятга ҳам эгадир. Бу даврда шаклланган ва ривожланган тарих сабоқларидан мустақилликни мустаҳкамлаш ва асраб-авайлаш йўлида фойдаланиш зарур.

Тарих ҳар бир инсонни ўз Ватанига муҳаббат, садоқат, ўз халқининг ўтмиши ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш, унинг ҳозирги кунини ва келажаги билан гурурланиш руҳида тарбиялашнинг муҳим воситаларидан биридир. Шу маънода, Амир Темур ва темурийлар даври тарихини ўрганиш ва таҳлил қилиш ҳозирги кунда янада долзарб аҳамият касб этмоқда.

**Амир Темур тарихи сабоқларининг энг асосийлари қуйидагилардир:**

**Биринчиси,** Амир Темур бир юз эллик йиллик қарамликдан сўнг ўзбек миллий давлатчилигининг мустақиллигини тиклаган, мамлакат ва минтақаларни бирлаштирган, ўз замонаси учун дунё миқёсидаги тараққийпарвар марказлашган давлат бошқаруви тизимини яратган.

**Иккинчидан,** Соҳибқирон ўз салтанатида тинчлик, осойишталик ва барқарорликни таъминлашга энг асосий вазифа деб қараган ва бу борада барча чораларни ишга солган. Бунинг натижасида иқтисодий, сиёсий ва маданий соҳаларда улкан ютуқларга эришилган. Бундай муваффақиятлар ул зотнинг адолатли ва халқпарвар сиёсати натижасидир.

Соҳибқироннинг оқилона ва одилона сиёсати туфайли халқ билан давлат ўртасида ўзаро ҳамкорлик, бир-бирини қўллаб-қувватлаш юзага келган, давлат бутун чоралар билан ўз фуқаролари ҳақида гамхўрлик қилган, аҳолига жабр-зулм ўтказганларни, ўғри-талончиларни, босқинчиларни қаттиқ жазолаган, халқ эса бунга жавобан Амир Темур олиб борган сиёсатни қўллаб-қувватлаб, салтанат қонун-қоидаларига риоя этган.

*Амир Темур ва темурийлар сулоласи тарихини ўрганиш шуни кўрсатдики, ҳар бир мустақил давлат ўзининг миллий воясига эга бўлиши шарт. Бусиз том маънодаги миллий давлатнинг бўлиши мумкин эмас.*

**Учинчиси,** Амир Темур деҳқончилик, ҳунармандчилик, ички ва ташқи савдони ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратган. Соҳибқирон салтанатни бошқарган даврда ва ундан кейин ҳам мулкчилик муносабатлари, солиқ тизими тараққий этган.

**Тўртинчиси,** Амир Темур илм-фан ва маданият равнақига кенг имкониятлар яратган, дин пешволари, олимлар, санъаткорлар, меъморлар, ёзувчилар, шоирларга алоҳида гамхўрлик кўрсатиб турган. Бундай сиёсат натижасида Шарқ уйғониш даврининг иккинчи босқичига асос солинган.

**Бешинчиси,** Амир Темур моҳир ва музаффар саркарда сифатида мамлакатнинг мудофаа қудратини мустаҳкамлаш, жанговар

қўшиннинг моддий таъминоти, уни қуроллантириш, ҳарбий интизом масалаларига алоҳида эътибор берган.

**Олтинчиси,** Амир Темур ўз салтанатининг барча минтақаларидаги ҳақиқий аҳвол, маҳаллий амалдорларнинг халққа муносабати, бозорлардаги нарх-наво, жойлардаги тартиб-интизом ҳақида аниқ ва тўғри маълумотга эга бўлишга катта эътибор берган. Бунинг учун махсус ахборот тўпловчилардан, алоқа хизматларидан, жойларга топшириқ билан юбориладиган ишончли вакиллардан фойдаланган. Соҳибқирон бевосита халқ билан учрашиб турган, арз ва шикоятларни тўғридан-тўғри арзчиларни кўриб ва эшитиб ҳал қилган.

**Еттинчиси,** Амир Темур мансабдор шахсларни танлаш, уларни жой-жойига қўйиш, улар фаолиятини назорат қилиш масалаларига катта эътибор берган. Бирор кишини муайян мансабга танлашда унинг насл-насабини, билимини, қобилиятини, ҳаётий тажрибасини, ахлоқий хислатларини, ўз касбига, Ватанига, халқига садоқатини ҳисобга олган. Мансабдорлар фаолиятига баҳо беришда халқнинг улар ҳақидаги фикри, адолат ва инсоф билан иш кўришлари, масалаларни қонуний ҳал қилишлари асосий меъёр бўлиб ҳизмат қилган.

**Саккизинчи,** Амир Темур салтанатида давлат аҳамиятига молик масалалар кенгашларда бамаслаҳат ҳал этилган. Соҳибқирон ва темурийлар ўз атрофига олиму фузалоларни тўплаб, давлатни бошқаришда уларнинг фикрларини ҳисобга олиб иш кўрганлар.

**Тўққизинчиси,** Амир Темур ислом ҳуқуқи, тўра (қоида) ва «Тузуқлар» асосида жамият ҳуқуқий ҳаётини бошқаришни йўлга қўйган.

**Ўнинчиси,** Амир Темур жамият ривожига барча ижтимоий табақалар фаолиятини назардан қочирмаган.

**Ўн биринчиси,** Амир Темур ўз даври шарт-шароитига кўра ташқи сиёсатда қатъий, фаол ҳамда мақсадга мувофиқ ҳаракат қилиб, салтанати нуфузи ва қудратини жаҳон миқёсига олиб чиққан.

Албатта, Амир Темур салтанатида ибратли ижобий жиҳатлар ва эзгу тадбирлар билан бир қаторда айрим иллатлар, қонунбузарликлар,



ҳақсизликлар, ёвузликлар ҳам бўлган. Бундан кўз юмиш мумкин эмас. Зотан, бу давр халқимиз ўтмишида оламшумул тарихий ва сиёсий воқеаларга, турли қарама-қаршиликлар ҳамда кучли зиддиятларга бой даврдир. Энг асосийси, бу даврни ёритишда бир томонламаликка – фақат ижобий ёки салбий жиҳатларини бўрттириб кўрсатишга ҳаракат қилмаслик зарур. Умуман, Амир Темур ва темурийлар тарихига ҳар томонлама, илмий, умуминсоний нуқтаи назардан ҳолис ёндашиш ва ҳаққоний баҳо бериш тақозо этилади.

Амир Темур ва темурийлар сулоласи тарихини ўрганиш шунини кўрсатадики, ҳар бир мустақил давлат ўзининг миллий гоёсига эга бўлиши шарт. Бусиз том маънодаги миллий давлатнинг бўлиши мумкин эмас. Шунинг учун миллий истиқлол гоёсини шакллантириш ҳамда ривожлантиришда Амир Темур салатанатининг шонли тарихи, шавкатли Соҳибқирон шахсиятининг ибратли тажрибалари назарий, амалий ва тарбиявий жиҳатдан гоёт улкан аҳамиятга эгадир.



«Амир Темур ва Франция» китобининг биринчи наشري. Тошкент: «Адолат», 1996.

Шу эзгу мақсад йўлида мазкур китобнинг биринчи наشري муҳтарам китобхон эътиборига ҳавола қилинганидан буён ўтган 20 йил мамлакатимизда, қолаверса, дунё миқёсида Амир Темур номи билан боғлиқ янада муҳим янгиликлар юз берди. Амир Темур ва темурийлар ҳаёти ҳамда фаолиятига доир кўплаб янги манбалар,

қизиқарли тадқиқотлар нашр этилди. Кейинги даврда камина ҳам изланишларимни давом эттирган ҳолда Соҳибқирон ҳаёти ва фаолияти ҳақида бир неча китоб ва матбуотда қатор мақолалар эълон қилдим.<sup>1</sup> Ҳаммуаллифим, атоқли француз олими профессор Люсьен Керен

(Lucien Kehren) ҳам умрининг охиригача айнаи мавзуда янги китоблар, илмий мақолалари ва таржималарини мунтазам чоп эттириб борди.<sup>2</sup>

Буларнинг барчаси, ўз навбатида, бирга ёзилган мазкур китобнинг қайта ишланган ва тўлдирилган нашрини тайёрлашни тақозо этади. Шу маънода, муҳтарам ўқувчи, қўлингиздаги китобни айнаи мавзуда янада кенгроқ маълумотлар билан бойитиб эътиборингизга ҳавола этишга жазм қилдик.

Ўзбекистон мисолида қарайдиган бўлсак, мамлакатимиз истиқлолга эришгач, Амир Темур шахси яна қайта Ватан ва миллат тимсолига айланди. Мустақиллик даврининг ҳар бир тадбирида ул буюк зот руҳи ҳамроҳу ҳамнафас бўлиб бормоқда. Амир Темур ва темурийлар шахсияти, уларнинг фаолиятини ўрганиш йилдан-йилга кенгаймоқда. Китобда шу каби долзарб воқеа ва янгиликларни имкон қадар қамраб олишга ҳаракат қилинган.

Энг муҳими, мазкур китоб йигирма йил аввал чоп этилган рисоаларнинг узвий давоми бўлиши билан бирга янги нашрда фақат Францияга доир маълумотлар билан чекланиб қолинмай, балки бутун Европа миқёсида Амир Темур ва темурийлар тарихининг ўрганилишини имкон қадар таҳлил этишга интилдик.

Яна бир эътиборли факт: айнан Л.Керен ташаббуси ва Фредерик Бопертюи-Брессан саъй-ҳаракатлари натижасида Парижда махсус «Темурийлар» (La Temuride) бюллетени чоп этилмоқда. Мазкур бюллетен 1988 йили Францияда ташкил этилган Темурийлар тарихи ва санъатини ўрганиш ҳамда француз – ўзбек маданий алоқалари уюшмаси муассислигида нашр қилинмоқда.

*Темурийлар тарихи ва санъатини ўрганиш ҳамда француз – ўзбек маданий алоқалари уюшмаси ҳам шахсан Л.Керен ташаббусининг меваси бўлиб, у мазкур уюшмани умрининг охиригача гоётда масъулият ва самарадорлик билан бошқарди.*

<sup>1</sup> Китобда келтирилган асар ва мақолалар жуда кўплиги учун таҳририят уларни қайд этишни лозим топмади.

<sup>2</sup> Китобда келтирилган асар ва мақолалар жуда кўплиги учун таҳририят уларни қайд этишни лозим топмади.



Ушбу уюшма ва бюллетенни ташкил этишдан асосий мақсад Марказий Осиё ва Ҳиндистондаги темурийлар тарихи ва санъатини кенг тарғиб қилишдан иборат бўлиб, бу эзгу ташаббус муваффақият билан амалга оширилмоқда. Китобда ана шу уюшма ва бюллетен ҳақида апрофлича маълумот берилган.

Шунингдек, «Амир Темур ўзбек ва француз олимлари нигоҳида» сарлавҳаси остида китоб муаллифларининг темурхонлик мулоқоти тақдим этилмоқда. Китобдан Соҳибқирон бобомизнинг Европа қироллари билан олиб борган дипломатик ёзишмаларидан намуналар ҳам жой олган.

Л.Керен билан ўзаро ижодий ҳамкорликда ёзилган ушбу китобнинг янги, тўлдирилган нашрларида Л.Керен асарларидан айрим намуналарнинг ўзбекчага таржималари ҳам ўрин олган.

Шу ўринда сиз азиз китобхонларнинг эътиборингизни масаланинг бир жиҳатига қаратишни истар эдик.

Француз ва Ғарб адиблари ҳамда олимлари Амир Темур номининг эшитилиши ва ёзилишини ўз тилларига мослаштирган ҳолда уни Тамерлан (Tamerlan) деб атаганлар ва Европанинг айрим манбаларида Соҳибқирон ушбу ном билан юритиб келинмоқда. Бу Ғарб ҳамжамиятида Амир Темур ҳақида баъзи бир ноҳолис муаллифлар қаламига мансуб манбаларда мазкур табаррук зотнинг шахси аламзадалиқ кайфиятида камситиб ёзилганлиги оқибати дейиш ўринли бўларди.

Амир Темур ҳузурига элчи сифатида ташриф буюрган Султония архиепископи Иоанн ўзининг «Хотиралар»ида Амир Темурнинг айрим ажралиб турувчи хусусиятларини тилга олиб, Соҳибқирон исмининг аниқ этимологиясини келтирган: «Темир ҳукмдор» исми «Темир» ва «Бек» сўзларидан олинган бўлиб, «Темир ҳукмдор» деган маънони англатади: «Тамерлан» сўзи эса форсча салбий бўёққа эга бўлиб, «Темур оқсоқ» деган маънони билдиради».

Амир Темур шахсини ўрганишга ярим асрдан ортиқ умрини сарфлаган темуршунос олим Л.Керен Европада қўлланилган «Тамерлан» сўзи Европадаги манбаларда учрашини, бу ном

XVII асрдан бери қўлланиб келинганлиги, тарихий манбаларни тузатишнинг ҳожати йўқлигини, ҳозирги кунда тарихий изланишларда Темурбек ва Амир Темур деб ёзган маъқуллиги, шу ҳақиқатга яқин эканлигини таъкидлайди.

*«Агар Амир Темурга тугилганиданоқ Темур исми қўйилганлигини билмаганимизда, бу исми унинг лақаби деб ўйлаш мумкин эди. Темур биз французлар учун ҳам темир, маҳкам, бақувват, буқилмас маъносидаги металл маъносини англатади. «Темурбек» дейишганда эса мустаҳкам иродали ҳокимият эгасини ҳам тушуниши мумкин. «Темур» сифати бирон инсонга нисбатан ишлатилганида унинг кучини, мустаҳкам иродасини ҳам ифодалайди».*

**Жан Пол Ру, Франция**

Шу сабабдан мазкур китобнинг айрим жойларида Амир Темур номининг икки хил шаклда ишлатилишига чалғимаслик лозим.

Ушбу камтарона изланишларимиз зукко китобхоннинг қаламга олинган мавзу бўйича билим ва тасаввурини янада кенгайтиришга хизмат қилади деган умиддамиз.

Фурсатдан фойдаланиб ушбу мавзуда самарали илмий изланган ва ижод қилган, бу борадаги улкан тажрибалари билан каминага доимо руҳий-маънавий қувват, илмий-амалий ва ижодий нуқтаи назардан катта рағбат берган ҳаммуаллифим Люсьен Керен ва устоз аллома, академик **Бўрибой Аҳмедов**нинг ёрқин хотираси олдида бош эгаман.

Темурийлар тарихи ва санъатини ўрганиш ҳамда француз – ўзбек маданий алоқалари уюшмасининг раиси **Фредерик Бопертю-Брессан** хонимга, шунингдек, таниқли олим ва адибларимиз, академик **Эдвард Ртвеладзега**, ушбу китобнинг биринчи нашри масъул муҳаррири **Убайдулла Тожихоновга**, Ўзбекистон халқ ёзувчиси **Муҳаммад Алига**, профессорлар, шарқшунос олим **Убайдулла Уватов** ва ҳуқуқшунос олим **Зиёдулла Муқимовга** ҳамда ушбу китобнинг тайёрланиши ва нашр этилишига ҳайрихоҳ бўлган темурийлар ихлосмандларининг барчасига ўзимнинг самимий миннатдорчилигимни изҳор этаман.



# АЛЫМБЕК ДАТКА

**Байболот АБЫТОВ,**

доктор исторических наук, профессор, проректор по учебной работе Ошского государственного юридического института



*Никто из кыргызских исторических личностей ни до него, ни после него, не сделал столько, сколько сделал он для Оша.*

*В 27-летнем возрасте Алымбек был приглашен Мадали-ханом в Коканд на службу.*

*В 31-летнем возрасте ему было присуждено тем же Мадали-ханом звание датка (дадох – справедливый правитель), а в следующем году его назначают беком, правителем Андижанского вилайета, который включал всю территорию Андижанской области нынешней республики Узбекистан, большую часть Ошской и часть Джалал-Абадской областей Кыргызской Республики.*

*Таким образом, с 27-летнего возраста начинается его активная деятельность в Кокандском ханстве и на общественно-политической арене не только южных, но и северных кыргызов. Алымбек-датка один из редких выдающихся деятелей, который продержался на политическом олимпе Кокандского ханства длительное время в течение 35 лет вплоть до смерти.*

## **I часть.**

### **Участие в политических событиях**

Алымбек-датка имел непосредственное отношение к восстанию ошских кыргызов в 1845 г., упомянутом в «Тарих-и Шахрухи» [19]. Правда, там не называется его имя, зато говорится, что восстанием охвачены территории от Алайских гор до Уч-Кургана, включая город Ош. Это были территории, подвластные Алымбеку. Кстати, об его участии в Ошском восстании кыргызов не упоминается в «Тарих-и Туркестан» Муллы Алима и в «Ансаб ас-салатин ва таварих-и ал-хавакин». А «Бадавлат-наме» Умара Маргилани (псевдоним Умидий) сообщает, что Ошское восстание кыргызов возглавили Мулла Юсуф и Туланбай [20]. Возможно, что эти руководители восстания кыргызов

еще малоизученные личности нашего города и народа.

Однако, по каким-то нам неизвестным причинам, они обошли фигуру Алымбека. Нам представляется, что Алымбек-датка в силу своего положения и как патриот своего народа не мог не принимать участия и не быть одним из руководителей этого восстания кыргызов.

Наше предположение подтверждает другие источники. Так, отметим, что если в сочинении муллы Нийяз Мухаммада Хуканди, Муллы Алима и других прямо не указывается об руководстве Алымбека-датки восстанием 1845 г., то другие ферганские источники «Мирот ул-футух» и «Тарих-и джаханнамаи» непосредственно подчеркивают не только участие, но и указывают на то, что возглавив восстание ошских кыргы-



зов, он собрал вокруг себя и других сподвижников, авторитетных их родоправителей. Вполне возможно, что вышеуказанные люди были его сподвижниками.

Следует отметить, что Ошское восстание кыргызов, направленное против фактического господства и жестокости кипчаков в правящих кругах ханства, было жестоко подавлено и обогрено кровью ханскими войсками во главе с лидером кипчаков Мусулманкулом. Это было одним из трагических периодов в истории Оша, когда для подавления восстания было направлено более 20 тыс. войск и было взято 5 – 10 тыс. пленных. Некоторые из руководителей, точнее кыргыз Мулла Юсуф был повешен в Оше [21]. Нам думается, что Алымбек-датка не мог быть сторонним наблюдателем в таких событиях в жизни своего народа. В целом, мы полагаем, что он имел непосредственное отношение и к этому восстанию.

Несмотря на все занимаемые высокие должности в Кокандском ханстве, он никогда не забывал интересы своего народа и региона. Дело в том, что, по мнению Т.Кененсариева, в Кокандском ханстве противостояли и претендовали на верховную власть, оставляя формальную наследственность власти за династией мингов, сразу четыре этнополитические силы: кочевые узбекские племена, сарты (оседлое население), тюрки (тюркские племена), андижанские кыргызы (условное название южных кыргызов).

Однако нам думается, что фактически претендентами на верховную власть и ее обладателями выступали в основном три этнополитические силы: узбеки из династии мингов, кыргызы и таджики. Об этом свидетельствует многочисленная литература по истории Кокандского ханства, в том числе и «Тарих-и Шахрухи» [10]. Именно между ними шла непрерывная борьба за политическое господство.

Разумеется, Алымбек-датка стремился поднять политический авторитет, положение кыргызов в ханстве. Он всегда пытался усилить влияние кыргызов не только в ханском дворце, но и по всему ханству. В этих целях он как

бы подготовил своих сподвижников, опору из числа кыргызских правителей на местах. Как утверждает К.Молдокасымов, благодаря Алымбеку на политической арене Кокандского ханства появились Сейитбек-датка – правитель Ходжента, Сатыбалды-датка – правитель Исфары, Молдо Касым – правитель крепости Нау, Кадыр, Кудайназар – чиновники ханского дворца и другие [11].

Известно, что он возглавил восстание кыргызов в 1860 г., когда узнал о недоброжелательном сообщении Канаат Шаа Малля-хану о том, что во время битвы кокандских войск с русскими в Узун-Агаче Алымбек-датка якобы предательски бежал с поля боя. Малля-хан вынес в отношении Алымбека приговор о смертной казни [12]. Узнав об этом, Алымбек-датка ушел в Нарын, где к нему присоединились крупные правители северо-кыргызских племен и родов: Уметалы – сын Ормон хана, Ажы-бий, Адыл, Торогелди и другие. Тогда же, возглавив всех кыргызов левого крыла, Алымбек поднял восстание и выступил против хана.

По свидетельству Ч.Валиханова, «во время кипчаков Алимбек-датха нынешний кокандский визирь, враждуя с кипчаками, ушел в Нарын и поднял всех киргиз. Куртка была осаждена, комендант... убит» [13]. Объясняя причину смертного приговора, русские военачальники сообщали, что андижанский правитель Алымбек парваначи был коварно вызван в Коканд, где его хотели убить. Поводом для этого послужило сообщения Канаат-ша Малля-хану, что в 1860 г. Алимбек предательски бежал из-под Узун-Агача во время сражения с царскими войсками. Поэтому кокандский хан приговорил его к смертной казни [14]. Оповещенный о готовящемся против него заговоре Алымбек скрылся у своих родичей-киргизов. Он сумел привлечь на свою сторону весь род крыла Сол и выступил против хана. Восстание кыргызов во главе с Алымбек-даткою быстро набирало силу что грозило чреватými последствиями. Он хотел сделаться независимым правителем своего народа, предварительно вступив с русскими в дружеские отношения [15].



Кстати, относительно утверждения Канаат Шаа о предательском бегстве Алымбека с поля боя. Полагаем, что Алымбек-датка, осведомленный о силе, вооружении, обученности и дисциплине, бесстрашии и героизме русских, которым противостояла плохо вооруженная кокандская армия, не хотел обрекать на неминуемую смерть свое 12-ти тысячное войско.

Узбекский историк Х.Бабабеков отмечал, что «восстание Алымбека заслуживает особого внимания и дополнительного поиска материалов. На наш взгляд, если предыдущие восстания кыргызов в основном ставили своей целью решение экономических вопросов или смену правителей ханства, а также первенство в государственной иерархии, то Алымбек стремился к образованию самостоятельного и независимого государства» [16]. Во многом Х.Бабабеков совершенно прав. Зная о том, что на юге все кыргызские роды и племена поддержат его, Алымбек отправился на север, где тамошние правители с особым почетом, уважением встретили и поддержали его. Там созрели планы и идеи о создании самостоятельного государства кыргызов.

Известно, что Алымбек-датка ушел из жизни в 1862 году. Однако, о смерти Алымбека-датки нет единого мнения. Ч.Валиханов утверждал, что он погиб в очередной дворцовой смуте в 1863 г. от руки своего соперника Алымкула [1]. «Туркестанские ведомости» писали о том, что Алымбек казнен в 1863 г. [2]. Согласно сообщению Г.А.Колпаковского, Алымбек убит чернью в 1862 г. [3]. А.Х.Хасанов полагал, что Алымбек задушен заговорщиками, недавними своими сподвижниками в 1862 г. (Валиханов Ч. Собр. соч. Т.3. – С.359). Академик В.М.Плоских и В.П.Мокрынин утверждали, что он казнен в 1862 г. [4]. Т.Омурзакова подтверждает версию об убиении Алымбека по велению Алымкул-аталыка неким Чотоном. При этом она ссылается на сообщения своих информаторов-правнуков Алымбека-датки [5].

Мы склонны принять сторону авторов версии о том, что его убили, а не казнили публично заговорщики в 1862 г. Это подтверждают события, происходившие в Кокандском ханстве.

Ибо, согласно «Тарих-и Шахрухи», 24 февраля 1862 г. был умерщвлен Малля-хан и на трон был посажен малолетний Шах Мурад, при котором в роли аталыка – регента выступил Алымбек-датка [6]. Тем самым он сосредоточил в своих руках фактически всю полноту власти, что не понравилось его недавним сподвижникам и вскоре, в том же 1862 г. он поплатился за это жизнью.

Таким образом, с 1827 по 1862 гг. он принимал активное участие почти во всех значительных событиях в Кокандском ханстве. В своей деятельности он стремился к сохранению паритета, равновесия власти внутри трех этнополитических сил.

### Ссылки к 1 части

- [1] Валиханов Ч. Собр. соч. Т.3. – С.359.
- [2] Туркестанские ведомости. 1907 г. 16 февраля.
- [3] Омурзакова Т. Курманжан датка... – С.85.
- [4] Плоских В.М., Мокрынин В.П. История кыргызов (досоветский период). – Бишкек, 1992. – С.77, 103.
- [5] Омурзакова Т. Курманжан датка... – С.85.
- [6] Бейсембиев Т.К. «Тарих-и-Шахрухи» ... – С.161.
- [7] Портрет Алымбека-датки скопирован из книги Кененсариева Т. Кыргызстандын ... – Б.3.
- [8] Автор подсчитал это согласно «Тарих-и Шахрухи». См.: Бейсембиев Т.К. ... – С.159 – 161.
- [9] Наливкин В. Краткая история ... – С.188 – 189.
- [10] Бейсембиев Т. К. «Тарих-и Шахрухи»... – С.144 – 152.
- [11] Молдокасымов К. Алымбек датка – Кокондун баш вазири // Кыргыз руху. 10, 17 марта; Его же. Исхак молдо Асан уулу Кокондун акыркы ханы // Заман Кыргызстан. 1994. 18, 25 ноября, 2 декабря.
- [12] История Киргизской ССР ... – С.518; История кыргызов и Кыргызстана... – С.135.
- [13] Валиханов Ч.Ч. Собр. соч... Т.2. – С.200, 255.
- [14] Бабабеков Х. Народные движения в Кокандском ханстве и их социально-экономичес-





кие и политические предпосылки (XVIII – XIX вв). – Ташкент, 1990. – С.79.

[15] Там же.

[16] Бабабеков Х. Народные движения... – С.80.

[17] Терентьев М.А. История завоевания Средней Азии. – СПб., 1906. Т.1. – С.252 – 259.

[18] Бабабеков Х. Народные движения... – С.80.

[19] МИКК... – С.233 – 234.

[20] Бабабеков Х. Народные движения... – С.63 – 65.

[21] Бабабеков Х. Народные движения... – С.64.

## II часть. Социально-экономическая деятельность


Важным политическим достижением Алымбека-датки является то, что став правителем Андижанского вилайета, он перенес центр вилайета из Андижана в Ош. Об этом косвенно свидетельствуют материалы, собранные М.Эркебаевым [1].

Предположительно, что Ак-Ордо (Белая ставка) Алымбека находилась на месте нынешнего здания Автотреста, ресторанов Кара-Алма, «Чолпон», областной филармонии и гостиницы «Алай». Именно там он, а в последующем и его жена Курманжан-датка принимали высоких гостей – правителей Бухарского эмирата, Кокандского ханства, Ташкента, а также чиновников Восточного Туркестана и Туркестанского генерал-губернаторства Российской империи, путешественников, дипломатов, торговцев, военных чинов. Там же принимались важные политические и социально-экономические решения.

В социально-экономической деятельности Алымбека-датки важное значение имели его попытки соединить два берега реки Ак-Буура. В этих целях он за свой счет построил девять мостов вдоль нее, соединив две стороны города. Это создавало важные социально-экономические связи жителей обоих берегов. На сегодняш-

ний день сохранилось три реконструированных моста через Ак-Бууру.

В целях улучшения жизни горожан и жителей прилегающих деревень, кишлаков Алымбек-датка опять же за свой счет построил внутри и вокруг города девять арыков-каналов: Тюлейкен, Джапалак, Джоош, Баргы, Увам, Анжиян, Сабай, Конурат и Кыдырша. К сожалению, заслуги Алымбека в развитии ирригационной системы незаслуженно забыты.



Памятник Алымбеку-датке в Гульче



Арыки – каналы Алымбека также создавали условия для дальнейшего развития социально-экономического уровня жизни горожан и пригородных деревень, многие из них до сих пор служат народу.

Алымбек-датка построил несколько (говорят, девять) мельниц и маслобоен (май жуубаз). Примечателен тот факт, что ни одно из этих сооружений он не назвал своим именем или именами своих родных и близких, а давал названия того рода или племени или же той местности, жители которой за счет Алымбека построили мост, арык – канал или мельницу. Все это создало ему огромную популярность.

Он также решил одну из социальных, морально-психологических проблем местных жителей: выделил специальные земельные участки под кладбища в черте города [3]. Это было одним из важных его решений, ибо ныне, чтобы похоронить умершего горожанина, люди выезжают на 15 – 20 км за пределы города, что составляет массу неудобств для традиционных мусульманских обрядов и обычаев.

Не менее важной была его деятельность по улучшению градостроительства в Оше. К сожалению, письменных сведений об этом не сохранилось или еще не обнаружено. В народе хранится память о том, как он построил, упорядочил первые четыре классические улицы, умощенные каменным покрытием по образцу средневековых городов. Это были нынешние Курманжан-датка (бывший Андижан кочо), Ленина, Гагарина и проспект Исхака Раззакова.

Сознавая особую значимость Оша, Алымбек датка приобретает здесь огромные территории земли как в городе, так и в пригороде. При этом он оформляет на нее вакф, вакф-авлод и передает в пользу своего знаменитого Ак-Медресе. Известно, что земли Алымбека-датки, согласно вакфу, выданного Шах Мурад-ханом в 1859 г., составляли 10000 танапов, т.е. 1660 десятин или 1825 га [4]. Впоследствии вакф-наме от правителей Коканда на медресе отца получил Абдылдабек, они же (земли) были перерегистрированы в пользу его медресе при русских властях [5]. Следует учесть, что при медресе существовали многочисленные торговые лавки: в 1877 г. 71, в

1882 г. 80, а в 1906 – 1907 гг. 120 [6]. Разумеется, на доходы от них содержались медресе, мечети и семья. Все они служили людям, обеспечивая их предметами повседневного быта и обихода. Скорее всего, исходя из целей служения своему народу и для поднятия его статуса, он и приобрел эти земли.

Алымбек-датка отличается еще и тем, что из исторических личностей кыргызов это был единственный известный правитель, который заботился о культуре своего народа и мечтал о его просвещении. Он построил ряд мечетей и медресе не только в Оше, но и в других районах Андижанского вилайета. Наиболее важным культурным центром было Ак медресе Алымбека – мусульманская школа, на которую имеется вакф-наме кокандских правителей [7]. Это было одно из редких красивых архитектурных комплексов не только города, но и всей Ферганской долины. Фотоснимки его дошедшие до наших дней, а также рассказы старожилов [8] свидетельствуют, что это было архитектурное сооружение, выдержанное в стиле восточного, исламского культового назначения. Многие его элементы и атрибуты были очень схожи с дворцом самого Худояр-хана в Коканде. Об этом же свидетельствуют фотоснимки двух вышеуказанных архитектурных сооружений.

Согласно архивным документам, обнаруженным и введенным в научный оборот академиком В.М.Плоских и В.Галицким, Ак медресе Алымбека-датки было построено «из жженого кирпича... состоит из дарс-ханы, ханаки и 28 келий. Доходы вакфа должны идти на ремонт медресе, а остаток делится на 10 частей: 1 мутавалию, 3 мударису, 1 имаму, 1 муэдзину, сторожу и цирюльнику и 4 в пользу учащихся» [9]. Для нас важно то, что доходы медресе шли не только на оплату услуг его работников, но и на его содержание. Ежегодно здесь обучалось 120 детей за счет Алымбека и его медресе.

Дарсы читали именитые домоллы из Бухары, Самарканда, Хивы и других городов Средней Азии. Выпускники медресе ликвидировали безграмотность на местах. Несмотря на религиозное образование, благодаря Алымбеку многие сотни, тысячи людей Оша и



близлежащих районов получили возможность доступа к сокровищницам культуры Востока, арабоязычной литературе. Сам этот факт уже говорит о многом. Примечателен тот факт, что продолжая дело отца, Ак медресе содержали и его сыновья Абдылдабек, Асанбек, Баатырбек. Известно, что вакф-наме было выдано Абдылдабеку Пулат-ханом в 1875 г., причем академик В.М.Плоских выявил два документа. Второй – это вышеуказанное вакф-наме. Первый – это иная наме (ханская грамота), подписанная и скрепленная печатью Худояр-хана, в которой утверждается покупка им, Абдылдабеком, земельного участка и передача в вакфное владение медресе своего отца [10]. Таким образом, медресе и мечети, построенные Алымбеком-даткой, долго служили народу.

#### Ссылки ко 2-ой части

- [1] Эркебаев М. Алымбек датка... – С.216.
- [2] Захамова А.Е. Историко-архитектурное... – С.61.
- [3] Эркебаев М. Алымбек... – С.118 – 122.
- [4] ЦГА РУз. Ф. И.-19. Оп. 1. Д.34947. Л. 2, 3, 4, 8. Д.33514. Л.13 – 14. Д.36602. Л. 7 – 10; Д.33337. Л.39 – 40; Плоских В.М. Вакф... – С.46.
- [5] Плоских В.М. Вакф... – С.50 – 52.
- [6] Там же.
- [7] Плоских В., Галицкий В. Старинный... – С.73; Захамова Е.А. Историко-архитектурное... – С.7.
- [8] В данном случае автор использовал рассказы старейшин своего рода Айткула, Абд-рая, деда Абыта, знатоков жизнедеятельности Алымбека-датки, а также некоторых выпускников этого медресе из Араванского района.
- [9] ЦГА РУз. Ф. И.-19. Оп. 1. Д.34947. Л.2 – 3; Плоских В.М. Вакф... – С.49 – 50; Плоских В., Галицкий В. Старинный.. – С.73; Фотоприложение.
- [10] ЦГА РУз. Ф. И.-19. Оп.1. Д.23022. Л.313-314. Д.34944. Л.3 – 4. Д.34947. Л.3 – 4; Плоских В., Галицкий В., Старинный Ош... Фотоприложение.
- [11] Касымбеков Т. Сынган кылыч. – Фрунзе, 1976; Его же; Кел-кел. – Фрунзе, 1986; Стамов А. Жортуулдар. – Бишкек, 1992; Осмоналиев К. Кочмондор кагылышы. – Бишкек, 1994.

## Заключение

**Во-первых**, в 1991 г. во время празднования юбилея – 180-летия Курманжан-датки, да и ныне когда идет год Курманжан-датки, жены Алымбека, незаслуженно было забыто его имя. Ведь она не стала бы даткой, не достигла бы той высоты не только в общественно-политической жизни кыргызов и Кокандского ханства, но и среди туркестанских военно-государственных чиновников Российской империи, не будь она женой знаменитого Алымбека-датки. Будь она стократ мудрой, но не будучи женой представителя высшего аристократического сословия, она не смогла бы получить это звание и доступ к вершине политической власти не только в Алае и Андижанском вилайете, но и всей Ферганской долине. Не будь Алымбека-датки с его положением, Курманжан так и осталась бы одной из обычных, мудрых женщин, которая пользовалась авторитетом и славилась в своем роду, каких было сотни, тысячи среди кыргызских женщин. Следовательно, роль Алымбека-датки в становлении Курманжан-датки как крупного, влиятельного общественно-политического деятеля бесспорна весома.

**Во-вторых**, одной из главных заслуг Алымбека-датки как политического деятеля XIX в. не только кыргызов, но и Кокандского ханства, является тот факт, что подобно Барсбегу, Кубат-бию, Алымбек вынашивал идею о кыргызском национальном, суверенном государстве.

**В-третьих**, Алымбек-датка как истинный патриот защищал интересы своего народа в политических играх и действиях Кокандского ханства. Он всегда стремился к сохранению паритета внутри государства и верховной власти ханства и добивался, чтобы в этом отношении за кыргызскими представителями в ханском дворце сохранялись значительные посты во властной структуре. Алымбек имел непосредственное отношение к дворцовому перевороту, в результате которого на трон возшел Шералихан – ставленник кыргызов.



**В-четвертых**, Алымбек датка всегда стремился к сохранению межэтнического согласия, взаимопонимания и мира. Известно, что Ферганская долина издревле являлась перекрестком разных культур и религий. Это был регион, где проживало множество этнических общностей и Алымбек, прекрасно понимая последствия межэтнических столкновений, всегда старался сохранить мир между ними и с уважением относился к их истории, традициям и культуре. Вероятно также, что именно стремление Алымбека к сохранению согласия между народами завоевало ему огромную популярность и авторитет. История свидетельствует о том, что там, где он правил, не возникало проблем или столкновений на этой почве.

**В-пятых**, вся общественно-политическая, социально-экономическая и культурная деятельность Алымбека-датки свидетельствует о том, что он владел всеми или почти всеми тонкостями восточной дипломатии. Через торговцев Великого Шелкового пути, путешественников, послов различных стран он был в курсе всех событий соседних государств и по мере возможности поддерживал отношения и с Бухарским эмиратом, ибо понимал какое значение имеет покровительство последнего для Кокандского ханства. Большие дипломатические усилия были затрачены на объединение многих кыргызских племен и родов с необычной целью – создания самос-

стоятельного кыргызского национального государства. Эта его идея была осуществлена почти через 150 лет.

**В-шестых**, став правителем Андижанского вилайета, он перенес свою ставку Ак-Ордо в Ош. Это было благородным актом со стороны Алымбека по повышению статуса города, придания ему особого политического, социально-экономического и культурного значения.

**В-седьмых**, особого внимания и уважения заслуживает просветительская деятельность Алымбека-датки. Необходимо признать, что она частично носила религиозный характер, ведь самые просвещенные, прославленные своими крупными учеными, мыслителями Самарканд, Бухара, Хорезм начинали развивать образование с обычных медресе, которых было множество в этих городах. Алымбек же, желая видеть представителей своего народа грамотными, построил несколько медресе, главным из которых было его Ак медресе.

**В-восьмых**, учитывая историко-политическую заслугу Алымбека-датки Асан-бий уулу перед своим народом и городом Ош, следовало бы широко отмечать и освещать его 210-летний юбилей, одну из четырех построенных им улиц, рынков и площадей назвать его именем. Ведь создается впечатление, что вся та работа, которая идет, в основном отражает деятельность Курманжан-датки, которая достигла своих высот благодаря Алымбек-датке. Этого не следует забывать всем нам.



# НАЗИР ТЎРАҚУЛОВ – БИРИНЧИ ЎЗБЕК ДИПЛОМАТИ

*(Таваллудининг 125 йиллиги муносабати билан)*

Наим КАРИМОВ,

филология фанлари доктори, профессор

## Муқаддима

Ҳар бир давлатнинг гуллаб-яшнаган ва инкирозга учраб, ҳарбий, сиёсий-ижтимоий, иқтисодий ва маданий салоҳиятини бой берган даври бўлади. Амир Темур асос солган қудратли ўзбек давлати ҳам бундан истисно эмас. Бир замонлар жаҳонни титратган салтанатнинг те­мурий шаҳзодалар ўртасида тақсимланиши ва улар ўртасида тез-тез пайдо бўлиб турган низолар ўзбек давлати асосларини заифлаштириб юборди. Бу жараён асрдан асрга янги омиллар эвазига кучайиб борди. Хуллас, XVIII аср ўрталарига келиб уч хонликка ажралиб улгурган давлатлар Ҳинд океанига қадар бўлган ҳудудларни забт этишга киришган Россия империясига бас кела олмадилар. XIX асрнинг 60-йилларида Россия ҳудудлари дастлаб Қўқон, кейин Хоразм (Хива) хонликлари ҳисобига кенгайди. Бухоро амирлигининг инон-ихтиёри ҳам Россия қўлига ўтди. Ўрта Осиё халқлари тарихи шу вақтдан бошлаб икки даврга – мустамлакачиликка қадар бўлган ва мустамлакачилик дав­ларига ажралди.

Маҳаллий тарихчи ва археологларнинг тахминларига кўра, Қўқон камида икки минг йиллик тарихли шаҳардир. «Қўқон» топонимининг хитой манбаларида «Гуйшан» ва «Хухан» шаклида, араб манбаларида эса «Ҳавоқанд» шаклида (гўзал, ёқимли ёки шамол шаҳри маъноларида) учраши ҳам Қўқоннинг узоқ тарихи бўлганидан шаҳодат беради. Кўҳна шаҳарнинг XVIII асргача бўлган тарихи ҳақидаги маълумотлар гоят оз. Аммо аниқ айтиш мумкинки,

Қўқон XVIII аср бош­ларидан Қўқон хон­лигининг пойтахти этиб белгиланганидан сўнггина Туркистон­нинг замонавий ма­даний шаҳарлари­дан бирига айланган. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» да қайд этилишича, 1709 йили Қўқон хонлиги



ташқил топгач, 1711 йили Эскиқўргон қалъаси ўрнида ҳозирги Қўқон шаҳрига асос солиниб, истехком ва қалъа барпо этилган. 1732 йили эса Абдурахимбий (1722 – 1734) бу ишни ниҳоясига етказиб, шаҳарни хонлик пойтахтига айлан­тирган. Шу даврдан шаҳар Қўқон деб атала бошлаган<sup>1</sup>. Қўқон 1842 йилга қадар Абдулка­римбий (1733 – 1750), Ёрдонбий (1750/51 – 1777), Норбўтабий (1766 – 1798), Олимхон (1801 – 1810) ва Муҳаммад Алихон (1822 – 1842) ҳукмронлик қилган йилларда Ўрта Осиёнинг савдо-сотик, ҳунармандчилик, фан ва маданият ривожлан­ган марказларидан бирига айланди. Аммо 1842 йили Қўқоннинг Бухоро амири Насруллохон томонидан осонгина босиб олиниши катта ҳар­бий салоҳиятга эга бўлмаганидан шаҳодат бе­ради.

Биз тилга олган 1842 йилдан 1867 йилга, яъни Туркистон ҳарбий округи ташқил этилган вақт­га қадар Қўқон хонлигини Шералихон (1842 –

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 11-жилд. – Тошкент, 2005. – Б.206.



1845), Муродхон (1845), Худоёрхон (1845 – 1852), Маллахон (1852 – 1862), Шоҳмуродхон (1862 – 1863), яна Худоёрхон (1863), Сайидхон (1863 – 1865), Худойқулихон (1865) сингари хонлар идора этадилар. Ушбу рўйхатдаги Худойқулихон Қўқон хонлиги тарихидаги энг шармандали хон бўлиб, атиги 14 кунгина тахт сурурини тотган. Сўнгра барча хазина ва қимматбаҳо нарсаларни ўмариб Қашқарга қараб қочиб кетган. Бундай фактлар хонликда нафақат замонавий яроғлар билан қуролланган қўшин, балки давлат тизими ҳам ночор бўлганини яққол кўрсатади. Шунинг учун ҳам Қўқон хонлигининг 1876 йили рус қўшинлари томонидан осон-гаров босиб олиниши ажабланарли ҳол эмас эди.

1867 йили Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил этилиши билан Қўқоннинг сиёсий, ижтимоий ва маданий мавқеи янада пасая бошлади. Туркистон генерал-губернаторининг фармони билан Янги Маргилон Фаргона вилоятининг маркази этиб белгиланди. Қўқон эса водийнинг йирик уезд шаҳарларидан бири бўлиб қолди. Энди шаҳар аҳолиси анъанавий ҳунармандчилик ва тўқувчилик билангина шугулланиб қолмай, мустамлакачилик даврининг талаби билан пахтачиликни ҳам ривожлантиришга киришди. XIX аср охири – XX аср бошларида Қўқон ва Қўқон атрофида пахта тозалаш, ёғмой, пилла қуриштириш ва бошқа заводлар ишга туширилди. Қўқонда пахта харид қилиш ва уни ташиш билан шугулланувчи рус ҳамда чет эл ширкатлари очила бошлади. Худди шу йилларда генерал-губернаторлик даъвати ҳамда рус ва чет эл ширкатларининг хоҳиши билан Қўқонга яқин ўлкаларда истиқомат қилган, рус ва маҳаллий тилларни билган ёки шу ширкатлар билан илгари ҳам ҳамкорлик қилган кишилар Қўқонга кўчиб кела бошладилар.

Шундай оилалардан бири қозогистонлик Тўрақул оганинг оиласи эди.

### Қўқон

Биз ўз юртимизнинг узоқ ва яқин тарихини мустақиллик шарофати билан эндигина жиддий ўргана бошладик. Шу важдан суронли давр шамоллари она юртидан учиб кетган,

шўролар даврида эса сиёсий қатагонлар ва талотўплар гирдобига тушиб бедарак кетган ватандошларимизни яхши билмаймиз. Ҳолбуки, масалан, ушбу рисола «қаҳрамон»и Назир Тўрақулов тўғрисида Саудия Арабистони, Россия, Қозогистон мамлакатларида жилд-жилд китоб ва мақолалар нашр этилиб, бир неча ҳужжатли фильмлар суратга олинган. Яхши билмаслигимиз боиси қисман шундаки, Назир Тўрақуловнинг ота-боболари...

Келинг, шу ҳақда кейинроқ сўзлайлик...

...Чор қўшинлари томонидан босиб олинганидан сўнг Туркистон йил сайин эмас, балки ой сайин, ҳатто кун сайин куч олиб бораётган Россия капитализмининг темир исканжасига кириб борди. Қўқон хонлиги гарчанд ҳали тугатилмаган бўлса-да, хонликнинг ўзи ҳам, сўнги хони Худоёрхон ҳам аллақачон ўз мавқеини бой берган эди. Рус босқинчилиги даврида рўй бераётган даҳшат ва бедодликлар 1873 – 1876 йилларда Фаргона водийсида сабр қосади тўлган халқнинг қўзғолон кўтаришига сабаб бўлди. Генерал-губернаторлик қўзғолоннинг келиб чиқиш сабабларини ўрганиш ва ўлкани идора қилишда йўл қўйилган хатоларини бартараф этиш ўрнига Фаргона шаҳрига қўшин киритди ва 1876 йили Қўқон хонлигини тугатиб, уни Туркистон генерал-губернаторлиги таркибига узил-кесил қўшиб олди.

Фаргона водийси 1917 йил февраль инқилобига қадар чор ҳокимиятининг тасарруфида яшади.

Петербургда февраль инқилобининг галаба қозониб, романовлар сулоласининг Россия салтанатидан кетиши Туркистоннинг эрксевар зиёлиларида ҳуррият орзусини уйғотди. Улар дастлаб «Турон», «Шўрои ислом», «Шўрои уламо» сингари ташкилотларни тузиб, халқни шу ташкилотлар атрофида бирлаштирмақчи бўлдилар. Сўнгра большевикларнинг Тошкентда ҳокимиятни ўз қўлига олиш режасидан хабар топиб, 1917 йил ноябрь ойида Қўқонда мусулмонларнинг IV қурултойини чақирдилар ва Туркистон мухторият ҳукуматининг тузилганини эълон қилдилар. Мазкур ҳукумат Россия тасарруфида яшовчи миллатларга ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи берилгани ҳақидаги



декларация билан уйгун бўлганига қарамай, большевиклар 1918 йил февралда мухториятни зўравонлик билан ағдариб ташладилар.

Юқорида айтиб ўтилганидек, XIX асрнинг 80-йилларида, аниқроғи, 1884 йили ака-ука Каменских ва Лахтинлар Қўқон шаҳрида 2 та пахта тозалаш ва ёғ-мой заводини қуриб ишга туширган эдилар. Бу заводлар Ўрта Осиёдаги биринчи саноат корхоналари эди. Шу санадан хийла кейин, 1899 йили Қўқонда бир томони Тошкент билан, иккинчи томони Россиядаги марказий шаҳарлар билан боғловчи темир йўлнинг барпо этилиши ишчилар синфининг вужудга келишига шароит яратди. Айни пайтда, паровоз деполари, темир йўл устахоналари, йирик заводлар, босмахоналар ва бошқа корхоналарда хизмат қилаётган кишилар онгига инкилобий гоялар кириб кела бошлади.

Бу ҳол қадимдан Фаргона водийсининг маданий маркази бўлиб келган Қўқоннинг ижтимоий ҳаётига катта таъсир кўрсатди. Тўғри, ҳали ҳам Қўқон мадрасалари ва эски мактабларда диний фанлар ўргатилар, адабий давраларда форс ва ўзбек адабиётининг мумтоз намояндалари, жумладан, Нодира, Увайсий, Амирийнинг сўлим газаллари жаранглар, Муқимий, Фурқат, Завқий сингари шоирлар уларнинг гўзал анъаналарини давом эттириб, арузнинг ўйноқи ва вазмин оҳангларида жўшиб ижод қилаётган эдилар.

### Болалик ва ёшлик йиллари

Лекин замоннинг кундан-кунга ўзгариб бораётганини сезиш қийин эмас эди. 1892 йилнинг шундай кунларидан бирида Қўқоннинг Бойбўтакўприк маҳалласида истиқомат қилаётган Тўрақул ака оиласида янги «меҳмон» туғилди. «Меҳмон»нинг отаси Тўрақул ака, асли, жанубий қозогистонлик бўлиб, капитализм шабадалари эсиб турган даврнинг истиқболли соҳаларидан бири – пахта савдоси билан шугулланиш мақсадида дастлаб Самарқандга кўчиб келган, сўнгра Фаргона водийсининг пахтачилик саноати тетапоя қила бошлаган шахри – Қўқонда яшашни ихтиёр қилган эди. Унинг хотини, айрим манбаларда айтилишича,

Тошкент вилоятида туғилган художўй аёллардан бўлган. Назир Тўрақулов 1922 йил 10 мартда таржимаи ҳолида ёзишича, «болалик чоғида онаси раҳбарлигида жуда ва жуда диний тарбия олган ҳамда унинг қистови билан 12 яшар пайтида кўхна Бухородаги мусулмон оламига машҳур авлиё Баҳоуддиннинг саганаси олдида шайхлар томонидан шу авлиёнинг муридлари қаторига киритилган».<sup>2</sup>

Шуни назарда тутиш керакки, Назир Тўрақуловнинг ўз қўли билан ёзган таржимаи ҳоли Туркистон коммунистик партияси шахсий таркибини текшириш ва тозалаш марказий комиссиясининг талаби билан ёзилган. Шунинг учун у таржимаи ҳолида болалик ва ёшлик йилларида оиласи бағрида ва жадид мактабида олган тарбиясига танқидий ёндашган, ҳаётининг мазкур комиссия учун мақбул бўлмаган томонларини эса бутунлай четлаб ўтган. Шу сабабли биз қуйида Назир Тўрақуловнинг болалик ва ёшлик йиллари ҳақида умумий маълумотларни баён қилиш билангина кифояланамиз.

Яна шу нарсани надомат билан айтиш лозимки, Назир Тўрақулов мазкур таржимаи ҳолида ота-онаси тўғрисида бошқа бирор маълумот бермаган, ҳатто онасининг номини ҳам қайд этмаган. Аммо айрим манбалардан маълум бўлишича, онасининг исми Назира бўлган. Тўрақул аканинг тўнғич фарзандига Назирқул деб исм беришининг сабабларидан бири рафиқасига ҳурмати бўлса, иккинчиси сулоласи анъаналарига садоқатидир.

Шуни таъкидлаш жоизки, қозоқ тарихшунос ва сиёсатшунос олимлари Назир Тўрақулов ҳаёти ва ижтимоий фаолиятини ўрганишда катта ютуқларга эришган. Улар бу ишга ўтган асрнинг 90-йилларидаёқ киришиб, 1997 йили Н.Тўрақуловнинг 1 жилдлик, 2007 – 2008 йилларда эса 5 жилдлик «Асарлар»ини нашр этганлар. Сиёсатшунослик фанлари доктори Тоир Мансуров Россия Ташқи ишлар вазирлиги ва ФСБ архивларида ишлаб, Москва нашриётларида Назир Тўрақулов ва унинг дипломатик фаолият

<sup>2</sup> Тореғулулы Назир. Шығармалары // Сочинения. 2007. – С.16. Бундан кейин шу манбага мурожаат этилганида саҳифаси кучирмадан кейин қавс ичида бериб борилади.



тига багишланган бир неча монографияларни эълон қилган.

Проф. Таир Мансуров берган маълумотга кўра, Тўракул ака рус тилини билган, рус маданиятига қизиққан кишилардан бўлиб, фарзандлари Назир билан Қодирни ўқимишли, ўз даврининг илгор қарашли кишилари қилиб тарбиялашга уринган.

Шу йилларда Қўқон ва бошқа шаҳарлардаги рус тилидан озми-кўпми хабардор кишилар турмуш сўқмоқларида турли-туман ҳақсизлик ва адолатсизликларга дуч келиб, бошларини қаерга уришни билмай юрган ватандошларига аризалар ёзиб бериб, «халқона юридик амалиёт» билан шуғулланганлар. Назир Тўрақуловнинг отаси ҳам шундай кишилар жумласидан эди. У рус тилини яхши билганлиги туфайли «юридик ёрдам»га муҳтож ватандошларига ариза ва шикоятлар ёзиб бериш билан ҳам рўзгор тебратган. Аммо унинг асосий касби пахта етиштирувчи аҳоли билан пахтани сотиб олувчи рус ва чет эл савдо ширкатлари ўртасида воситачилик қилиш, яъни пахта савдоси билан шуғулланиш эди. Гарчанд воситачилик, комиссиянерлик мавсумли ишлардан бўлса-да, Тўракул ака шу касб-кори орқасида каттагина сармоя орттирган. Биринчи жаҳон уруши арафасида унинг 60 минг сўмлик сармояси, етти десятина пахтазор ери ва учта дангиллама уй бўлган. У маҳаллий аҳолининг қозихоналар ва чор ҳокимияти идораларига ариза ва шикоятларини ёзиб бериш, пахтакор аҳоли билан пахтачи ширкатлар ўртасида воситачилик қилишдан ташқари ижарага уйлар бериб ҳам маблағ орттирган. Унинг воситачилик фаолияти бевоқифа қишлоқ хўжалиги билан, аниқроғи, пахтачилик билан боғлиқ бўлган. Шу сабабли Назир Тўрақулов отасининг ижтимоий келиб чиқиши ҳақидаги анкета саволларига жавоб бериб «деҳқонлардан» деб ёзган. Укаси Қодир Тўрақулов 1924 йил 12 январда ўз қўли билан ёзган таржимаи ҳолида эса отасининг «ижтимоий аҳволига кўра чўпон бўлган»и, «кейин темир йўлда десятник (ўн боши) бўлиб ишлаган»и айтилган. Бу сўнгги маълумот Тўракул ака ҳаётининг дастлабки саҳифаларига озми-кўпми ойдинлик киритади.

Манбаларда қайд этилишича, Хусаин Тункачев исм-шарифли татар миллатига мансуб бойнинг топшириги ва саъй-ҳаракати билан 1897 йили Қўқонда биринчи янги усул мактаби очилган ва бу мактабда маҳаллий татар муллаларидан бири Шарафуддин Абдунафе ўгли дарс берган. Тахмин қилиш мумкинки, мазкур мактабда асосан татар болалари таълим олишган. Орадан уч йил ўтгач, 1900 йили Қўқонда «усули савтия» мактаби очилиб, Тўракул ака ўглини шу мактабга ўқишга берган. Назир Тўрақулов таржимаи ҳолида шу мактабда кечган ўқувчилик йиллари тўғрисида ёзиб, унинг Қўқондаги биринчи жаҳид мактаби бўлганини айтади. Назир Тўрақулов Салоҳиддин домла очган ибтидоий жаҳид мактабида икки-уч йил сабоқ олади.

«Туркистондаги (савияси ва очилиш вақтига кўра) биринчи жаҳид мактабининг раҳбари Салоҳиддин Мажидов мурасага ҳаддан зиёд мойил муаллим бўлиб, – деб ёзади Назир Тўрақулов таржимаи ҳолида, – бутун гайрат-шижоятини ва бутун кучини ўз мактабига (маҳаллий маъмурият ҳамда патриархал ва фанатик мусулмон жамияти олдида) қонуний тус беришга йўналтирган эди. Мактаб эски усулдаги мактаблардан деярли фарқ қилмаган. Бу мактаб биз ўқувчиларни уриш ва масжидларга мажбурий равишда олиб боришдан бошлаб, фақат «Жуфрофия», «24 000 ислом авлиёси тарихи», Шифо (Ҳоди Мақсутов ёзган араб тили) ва дарс жадвалини истисно этганда, ўрта аср схоластикаси ни ўрганишга қадар бўлган ҳамма жиҳатлари билан ўз моҳиятига кўра эски мактабдан асло қолишмасди. Ернинг юмалоқлиги ҳақидаги таълимотга эътиқод қўйганимиз эвазига эски мактаблардагидан кўра ҳам гайрат билан масжидларга бориб, диний мадҳияларни («салавотлар») хор бўлиб айтар эдик» (16 – 17-бетлар).

Назир Тўрақуловнинг бу сўзларига бугун танқидий ёндашиш лозим. Зеро, биринчидан, бу таржимаи ҳол Туркистондаги партия аъзоларини текшириш ва тозалаш мақсадида тузилган марказий комиссия учун ёзилган бўлса, иккинчидан, Назир Тўрақулов шу йилларда «художўй» она бағрини тарк этиб, «худосизлар партияси» сари яқинлашган ва шу партиянинг





кўзга кўринган арбобларидан бирига айланган эди. Назир Тўрақуловнинг давлат ва партия арбоби эканлиги унга жадид Салоҳиддин Мажидов мактабига ва унда берилган таълим-тарбия тизимига салбий муносабатда бўлишни тақозо этган.

Салоҳиддин домла, асли, сибирлик татарлардан бўлиб, XIX аср охирларида ота-онаси билан бирга Қўқонга кўчиб келиб, Аҳмадбой исмли кўнчи бой қўлида хизмат қила бошлаган. У Аҳмадбойнинг гумаштаси Али Асқар Сутушевнинг илтимоси билан унинг ўғлини ўқиш ва ёзишга ўргатган. Ёш домладан таълим ола бошлаган бола бир ой ичида шунчалик кўп нарсаларни билиб-ўзлаштириб олганки, Салоҳиддин афандида муаллимлик иқтидорини кўрган Али Асқар афанди бойдан унга мактаб очиб беришни илтимос қилган. Бу мактаб 1900 йил 11 февраль куни очилган. Тўрақул ака ўғлини шу мактабга ўқишга берган. Кўп ўтмай Салоҳиддин афандининг додуси бутун Қўқонга ёйилиб, у Фаргона водийсидаги янги усул мактабининг ташкилотчиларидан ва моҳир муаллимларидан бири сифатида катта ҳурмат ва эътибор қозонган.

1913 йили «Шўро» журналида қўқонлик Аҳлулло Хайрулло ўғлининг «Туркистон вилоятинда усули жадид тарихи» сарлавҳали мақола-си босилган бўлиб, унда Салоҳиддин Мажидов педагогик фаолиятининг дастлабки кунлари ҳақида биз учун бундай қимматбаҳо маълумот берилган: «Туркистон вилояти ўлан Фаргона музофотидаги Хўқанд шаҳрина келиб, Хўқанд мусулмонларининг болаларин «усули савтия» ила бошлаб ўқитувчи муаллим Салоҳиддин афандидир. Мунинг отаси (1909 да Хўқандда вафоти) Сирожиддин бобой Симбир губернаси, ёшлиқда «Ажи» қарасина ҳижрат қилуб, анда муаллимлик қилмиш. Муаллим Салоҳ афанди Хўқанд шаҳрина келуви ила марҳум Аҳмадбой Хусаинофнинг Хўқандда кўн кебати шўбасида хидматга кирмиш. Мунда бир неча ойлар тургондан сўнг Аҳмадбойнинг довериниси Али Асгар афанди Сутушеф жанобларининг ўғлини ўқутмиш. Муаллим афанди бутун қувватини бир болагагина сарф қилгонига, табиий, бир ой ичинда-да болага бик кўб нарсалар билдир-

миш. Али Асгар афанди Салоҳиддин афандида муаллимликка иқтидор борлигини билгач ўзининг бир неча дўстлари ила маслаҳатлашуб, бир мактаб очуб берарга қарор қилмишлар ва бу тўғрида Аҳмадбойдан ёрдам сўрамишлар. Марҳум Аҳмадбой жавобинда: «Маним хидматим вақтида олатургон жалувасин бериб турурман», – демиш. Маслаҳатлар бир ерга жавилгач, бир ерда бир уйни ижарага олуб мактабни очуб, 1900 санада 11 февралда «бисмилло...» деб муаллим Салоҳиддин афанди Фаргонада Хўқанд шаҳринда «усули савтия» ила болалар ўқута бошлади...

...Салоҳ афанди болаларни бик гўзал ҳозирлади ва халққа кўрсатмак учун олти ой тўлганда имтиҳон қилди. Имтиҳон мажлисини татарлардан, сартиялардан ҳам кўб одамлар ҳозир бўлдилар. Биринчи мартаба ўлароқ Хўқанд шаҳринда «усули савтия» имтиҳони бўлди. Яъни олти ой ичида ёш болаларнинг нарса ўқуб-ўргандикларин халққа кўрсатдилар. Имтиҳонга ҳозир ўлмиш татарлар ила сартлар 8-9 яшар болаларнинг ёзув танувлари, китоб ўқувлари, ҳисоб, жўғрофия ва тарихдан билувлари, гўзал овоз ила Қуръони карим ва саловат ўқувларин кўруб ҳайрон қолдилар... Бу имтиҳондан сўнг мактабда кундан-кун болалар кўпайди, мактабга болалар сигмагонликдан бошқа бир ўриндан уй олинуб, мактабни бирга кўчирдилар.

«Усули савтия» ила сарт болаларин ўқитуб, бунларга тездан ёзув танитув хабари бутун Хўқанд уезина таралди. Салоҳ афанди кундузлари юздан ортиқ ёш болаларни, кечалари зўрроқ йигитларни ўқутди; кундан-кун шухрати ортди...»<sup>3</sup>

Камина 1913 йили эълон қилинган бу мақола-нинг таниқли адабиётшунос олим, педагогика фанлари доктори Улуғбек Долимов монографиясида эълон қилинган парчасини ўқир эканман, унда Назир Тўрақуловнинг айнан шу мактабга борган йили тасвирланганидан ҳайратга тушаман. Тўрақул ака, менимча, Али Асқар Сутушевнинг дўстларидан бири бўлган. У Али Асқар афандининг Салоҳиддин муаллим ҳақида ҳаяжон билан айтган сўзларидан таъсир-

<sup>3</sup> Долимов У. Туркистонда жадид мактаблари. – Тошкент: Университет, 2006. – Б.19.



ланган, Қўқондаги илк жаид мактабларидан бирининг очилишига ёрдам берган ва ўғлини шу мактабга етаклаб олиб борган десак, балки, янглишмасмиз.

Назир Тўрақулов замона зайли билан Салоҳиддин домла ва унинг мактаби шаънига но-жўя сўзларни айтганига қарамай, мазкур мактаб, маълум бўлишича, ҳукумат томонидан қувгинга учраб ҳатто бир марта ёпиб ҳам қўйилган. Демак, мактаб ўқувчилар ўртасида чор ҳокимияти манфаатларига зид бўлган илгор фикрларни тарғиб қилган.

Назирқул шу уч йиллик жаид мактабини тугатгач (1904) Қўқондаги рус-тузем билим юртида ўқишни давом эттиради. Уни 1906 йили битириб, шу йилиёқ саккиз йиллик Қўқон тижорат билим юртига ўқишга киради. Маҳаллий рус савдогарлари ва савдо-саноат фирмалари ташаббуси билан ташкил этилган мазкур билим юртида таълим ола бошлайди.

### Икки ўт ўртасида

1903 йил ноябрида Қўқондаги паровоз депо-сида Россия социал-демократик ишчи партия-сининг (РСДРП) дастлабки ячейкаси тузилди. (Илк шаҳар партия ташкилоти ҳам шу ерда юзага келган.) Паровоз депосининг шу ташкилотга аъзо бўлган ишчилари Россия ишчилари-дан ибрат олиб биринчи маёвқаларни ташкил этадилар, махфий сиёсий рисоалар ёзиб тарқатадилар, маҳаллий камбагал оммани бирлашиб меҳнаткаш халқнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва озодлиги учун чоризмга қарши курашга даъват эта бошлайдилар. Агар улар XIX асрнинг 80-йилларида Қўқонда солиқларнинг оширилишига қарши иш ташлашларни ташкил этган бўлсалар, XX аср бошларида инқилобий гоёлар билан «қуролланиб», сиёсий талаблар билан ҳам чиқа бошлайдилар. Бундан ташқари, улар паровоз деполари ва устахоналарда социал-демократик тўғаракларни ташкил этишга киришадилар.

1905 йил рус инқилоби гулдираклари Қўқонга қадар етиб келади. Шу йилнинг октябр ойида иш ташлашлар авж олиб, партия ташкилотига аъзо бўлган ва сиёсий тўғаракларга бир-

лашган ишчилар Қўқон кўчаларида «Йўқолсин мутлақ ҳокимият!», «Яшасин озодлик!» деган шиорларни кўтариб намойиш ўтказадилар. Намойиш ташкилотчиларига қарши сиёсий чоралар кўрилиб, бир қанча ишчилар депо ва устахоналардан ҳайдаб чиқарилади. Шунга қарамай, 1906 йили Қўқоннинг майдон ва кўчаларида 63 та митинг, маёвқа ва намойишлар ўтказилади. Қўқондаги рус миллатига мансуб кишилар бу тадбирларда варақалар тарқатиб «эски дунё»ни бузиш истакларини ошқора намойиш этадилар.

Қўқонда эса бошлаган инқилоб шабадалари Назир Тўрақуловга таълим бераётган айрим муаллимлар дилидаги мудроқ майлларни уйғотиб юборди ва улар большевиклар ташкил этган намойишларнинг олдинги қаторидан ўрин эгалладилар. Бу ҳол чор амалдорлари эътиборидан четда қолмади. Билим юрти директори доктор Е.В.Корчиц инқилобий ҳаракатларда иштирок этгани учун Қўқондан сургун қилинди. Математика ўқитувчиси, Россия социалистик партияси аъзоси Андроников 1906 йили ҳибсга олиниб, каторгага жўнатилди, бошқа бир муаллим эса чор оҳанкаси чангалидан аранг қочиб қутулди.

Маълум бўлишича, директор Е.В.Корчицнинг ижозати билан билим юртида махсус тўғарак ташкил этилиб, талабалар француз инқилоби ва рус инқилобий ҳаракати тарихи билан таништирилган, хуллас, билим юрти Қўқонда бошланган инқилобий ҳаракатнинг яширин ўчоқларидан бирига айланган экан.

1906 йили Қўқонда мусулмонлардан иборат кичик бир жамоа ҳам ташкил топган. Тўғаракка ўхшаган бу жамоанинг ўз олдига қўйган бош мақсади аҳоли ўртасида жаидчилик гоёлари-ни тарқатиш эди. «Тўғарак» жаид мактабида таълим олган ёшлар ташаббуси билан тузилган бўлиб, улар орасида Назир Тўрақулов ҳам бўлган. Тўғарак жаид мактабларида хизмат қилган муаллимлар ва либерал буржуазия вакиллари ҳисобига кун сайин кенгайиб ва кучайиб борган. У шундай кучга эга бўлганки, ҳатто харобага айлана бошлаган мусулмон мактаб-ларига амалий ёрдам кўрсатиб, уларнинг қадди-қоматини ростлаб олишига имкон берган.



Назир Тўрақуловнинг ёшлиги ана шу тарзда Қўқонда, бир томондан, рус инқилобчилик ҳаракати, иккинчи томондан, ўзбек жади́дчилик ҳаракати тугила бошлаган мураккаб ва ўта зиддиятли даврга тўғри келди. У дастлаб билим юртида уриш, калтаклаш деган ҳолларнинг йўқлигини, муаллимларнинг ўқувчилар билан «оддий» муносабатда бўлганларини кўриб севинган бўлса, уларнинг қамоққа олинганларини, ҳарбий қисмлар билан Қўқон депоси ишчилари ўртасида рўй берган тўқнашувларни кўриб ҳайратга тушади. Булар ҳаммаси унинг мурғак онгига секин-аста муҳрланиб боради.

Шу йилларда Қўқон эски ва янги шаҳарларга ажралган эди. Эски шаҳарда шу юртнинг асл эгалари – мусулмон оламига мансуб кишилар истиқомат қилар, янги шаҳарда эса куни кеча ўзбек юртига кўчиб келган ва ўзларини шу юртнинг асл эгалари деб ҳис этувчи, туб аҳолига паст назар билан қаровчи кишилар яшарди.

Назир Тўрақулов ёш бўлишига қарамай, ўзи яшаётган ва таълим олаётган икки муҳитнинг мусбат ва манфий зарралардек кундан-кунга электрланиб, чақмоқ янглиг ўқтин-ўқтин чарақлаб бораётганини сезади.

Унинг отаси оқ-қорани таниган, ақл-фаросатли киши бўлган. У фарзандининг икки ўт ўртасига тушиб «кабоб бўлмаслиги», аксинча, тезроқ малакали мутахассис бўлиши учун билим юртини тугатиши билан 1913 йили уни Москвага, Тижорат институтига ўқишга юборади.

### 1916 йил воқеалари

Суронли ХХ асрнинг дастлабки гулдираклари тинган бўлса-да, Россия империясида истиқомат қилаётган халқларнинг озодлик ва тенглик тўғрисидаги талаблари қондирилмаган эди. 1914 йил августда Биринчи жаҳон урушининг бошланиши рус жамияти олдида турган муаммоларни янада кўпайтириб юборди. Урушга тортилган Россия танг аҳволда қолди. Фронтга нафақат галла, озиқ-овқат, от-арава, балки мардикорлар ҳам керак бўлиб қолди.

1916 йил 25 июнда рус императори Николай II имзо чеккан «Империядаги рус бўлмаган эркак

аҳолини ҳаракатдаги армия районида мудофаа иншоотлари ва ҳарбий алоқа йўллари қуриш учун олиб бориладиган ишларга, шунингдек, давлат мудофааси учун зарур бўлган бошқа ҳар қандай ишларга жалб этиш ҳақида»ги фармон эълон қилинади. Шу фармонга кўра, Туркистон ўлкасидаги Сирдарё, Фаргона, Самарқанд, Еттисув, Каспийорти вилоятларидан, шунингдек, Қозогистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистон ҳудудларидан ҳам 19 ёшдан 43 ёшгача бўлган кишилар мардикорликка сафарбар қилиниши лозим эди. Фармон Ўрта Осиёга етиб келиши билан сокин ўлка бўрон чоғидаги денгиз янглиг чайқалиб кетди.

«1914 йили бошланган Биринчи жаҳон уруши, – деб ёзади тарих фанлари доктори Ҳамид Зиёев, – Россиядаги барча миллат ва элатларнинг бошига кўпдан-кўп азоб-уқубатлар ва ташвишлар солди. Халқ хўжалигининг издан чиқиб кетиши империяда очарчилик ва қашшоқликни гоят кучайтириб юборди.... Рус ҳукумати уруш кетаётганлигини рўкач қилиб ўлка аҳолисини янада қаттиқроқ талаб, зулмни кучайтирдилар. Улар беш панжаларини огизларига тиқиб иш юритдилар».<sup>4</sup>

Хуллас, рус императорининг фармони мустамлакачилик кишанлари остида эзилиб ётган бечора халқни янада огир аҳволга солиб қўйди. Куни кеча галласи, пули, от-сигири, пичани фронтга деб олинган халқ энди фарзандларини ҳам фронт орқасидаги қора ишларга юбориши лозим эди. Масаланинг нозик томони яна шунда эдики, дала-даштлардаги ҳосил йигиштириб олинган долзарб бир пайтда йигитлар мардикорликка олина бошлаган эди. Тогдек суянчларининг бегона юртларга сафарбар этилажаги ҳар бир ота-она юрагида кўзғолон оловини ёқиб юборди. Ўрта Осиё кўзғолонларнинг оловли ҳалқаси ичида қолди.

\* \* \*

Ўрта Осиёнинг шаҳар ва қишлоқларида кўтарилган мислсиз кўзғолонлар овозаси Москва ва Петербург шаҳарларида ҳам катта акс садо бериб, Россиянинг гарбий, шимолий минта-

<sup>4</sup> Зиёев Ҳ. Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш. – Тошкент: Шарқ, 1998. – Б.441.



қаларига ҳам етиб борди. Мамлакатда рўй беражак сиёсий воқеаларни олдиндан сезувчи Москва ва Петербургдаги олий ўқув юрти талабалари жунбишга келдилар. Она ватан ҳудудларида рўй бераётган воқеалар Назир Тўрақулов ҳаётини тубдан ўзгартириб юборди. Шундай тарихий-ижтимоий шароитда иқтисодчи домлаларнинг маърузаларини тинглаб, тижорат сирларини ўрганиб ўтиришга унинг виждони йўл қўймади. У институтнинг учинчи курсини тугатар-тугатмас Тижорат институти билан хайрлашиб, ўрта осиелик ватандошлари ҳолидан хабар олиб туриш, уларнинг инсоний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида бошқа илгор қарашли талабалар қатори мардикорлар карвони юборилаётган манзиллардан бири – Минскка йўл олди.

Минск ва Барановичи районлари Фарбий фронт ихтиёрида бўлиб, ўрта осиелик мардикорларнинг катта қисми шу фронт этагидаги ҳудудларга жойлаштирилди. Мол ташувчи вагонларда келтирилган, бир неча кунлик йўл азобини тортиб ҳолдан тойган «қора кўзлар»ни кўрган Назир Тўрақулов «Юртдошлар иттифоқи»га йўриқчи (инструктор) бўлиб киради. Туркистонлик мазлум ватандошларига амалий ёрдам кўрсатиш истагида «Эркин дала» деган яширин ташкилот тузади. Бу ташкилотга бошқа ҳур фикрли талабалар билан бирга ўқитувчилар ҳам аъзо бўладилар. Хуллас, у чор ҳокимиятининг устунлари нураб, мардикорлар она ватанларига қайтгунларига қадар ўша ерда улар билан бирга яшаб, бирга нафас олади.

Назир отаси ҳузурига олис кишлоқлардан ҳақиқат ва адолат излаб келган бева-бечораларни кўриб, мустамлакачилик зулми остида яшаётган ватандошларининг огир турмушидан озми-кўпми хабардор бўлган эди. Энди у Фарбий фронт ва фронт орқасидаги воқеаларни, ватандошларининг ачинарли аҳволини ўз кўзи билан кўриб, чор ҳокимиятининг чириганига имон келтиради.

1917 йил февраль инқилобининг содир бўлиши 1905 йилдан бери давом этаётган ижтимоий-сиёсий жараённинг қонуний натижаси бўлди.

Февраль инқилобидан кейин Биринчи жаҳон уруши фронтларида ҳам, Россия империя-

си ҳудудларида ҳам мавҳум ва мужмал шароит вужудга келди. Ўз ихтиёрига ташланган мардикорлар она юртларига қайта бошладилар. Назир Тўрақулов ватандошлари билан бирга Туркистонга қайтар экан, «Эркин дала» жамиятида бошлаган ишларини давом эттириш истагида Оренбургда поезддан тушиб қолади. Мустамлакачилик қамчисидан азоб чекаётган Ватан ва ватандошлари тақдири унга тинчлик бермайди. Мустамлакачилик зулмидан қутулишнинг бирдан-бир йўлини чоризмни ағдаришда кўрган, шундай қарашлари билан рус инқилобчиларига сафдош ва маслакдош бўлиб бораётган Назир Тўрақулов Тўрғай чўлларида бориб, юртдошлар иттифоқини ташкил этмоқчи бўлади. Унинг шу кезлардаги сиёсий қарашлари сўл эсерларнинг қарашларига яқин бўлгани учун уларнинг партиясига аъзо бўлиб киради

Лекин Тўрғай чўлларида яшаётган қозоқларга унинг – бегона кишининг инқилобий қарашлари мутлақо ёт бўлиб, улар ўз оқсоқолларининг сўзларига, панду насиҳатларига, йўл-йўриқларига қулоқ соладилар. Барча хатти-ҳаракатлари зое кетиб, Н.Тўрақуловнинг она заминга қайтиб кетишдан бошқа иложи қолмайди. У октябрь тўнтариши юз берганидан сўнг Қўқонга қайтиб келади.

### Сиёсий кураш майдонида

Шу вақтда Қўқоннинг сиёсий-ижтимоий ҳаётида муҳим ўзгариш рўй берган эди. Февраль инқилобидан кейин ташкил этилган «Шўрои ислом» жамиятининг ташаббуси ва саъй-ҳаракати билан эрксевар маҳаллий кучлар ўзаро бирлашиб, ҳокимиятни Ишчи-деҳқон ва солдат депутатлари совети қўлидан олишга ва Туркистон мухторият ҳукуматини тузишга муваффақ бўлган эдилар. 1917 йил 26 ноябрда очилган Ўлка мусулмонлари IV фавқулодда қурултойи маҳаллий аҳоли манфаатларидан келиб чиқиб Туркистонни Россия Республикаси таркибидаги автоном (мухтор) республика деб эълон қилган эди. Мухторият маҳаллий аҳолининг Тошкент, Андижон ва Наманган шаҳарларида ўтказилган кўп минг кишилик на-



мойишларида қўллаб-қувватлангани, ўлкада истиқомат қилган 10 млн аҳолининг 98 фоизи манфаатларини ҳимоя қилувчи орган бўлганига қарамай, П.Г.Полторацкийнинг кўрсатмаси билан Мухторият ҳукумати ҳисобидаги ва уни қўллаб-қувватлаган барча шахсларга тегишли маблағ «музлатиб» қўйилди. Бу ҳол Мухториятнинг, айниқса, ҳарбий салоҳиятига катта зарар келтирди. Натижада 1918 йил 19 февраль куни чор армияси поручиги Е.Л.Перфильев қўмондонлик қилган ҳарбий қисм дашноқ гуруҳлари ёрдамида Мухториятни тор-мор келтириб, Қўқонни «ўликлар шаҳри»га («Наша газета» ифодаси) айлантирди.

Қўқон шахрининг вайрон қилиниб, минглаб одамларнинг қириб ташланиши, Қўқон атрофидаги қишлоқларга ўт қўйилиб, уйлар, дўконлар, омборларнинг таланиши, бегуноҳ болалар, аёллар ва кексаларнинг ваҳшиёна суратда қатл этилиши беиз кетмади. Кўзи қонга тўлган фаргоналиклар «босмачилик ҳаракати»ни бошлаб маҳаллий халққа мислсиз даражада зулм ўтказган большевиклар ва уларнинг ҳамтовоқларидан ўч олишга киришдилар

1916 йил қўзғолонининг келиб чиқиш сабабларини тушунган, чор Россияси давлат тизимининг чириганини яхши билган Назир Тўрақулов октябрь тўнтаришидан кейин, 1918 йил ўрталарида она ватанига қайтгач бундан тўрт йил илгари осуда ҳаёт огушида яшаган Қўқоннинг вайронага айланганини, ярим кечада ўқтин-ўқтин пайдо бўлиб қолувчи «босмачилар»нинг шўроларга ён босган кишиларни ўлдириб ёки олиб қочиб кетаётганини эшитади. У шундай тарихан ўта мураккаб шароитда Туркистоннинг ёруғ келажаги чор ҳокимиятини ағдарган большевиклар билан боғлиқ ва фақат уларгина маҳаллий халқни мустамлакачилик кишанларидан озод қилиши мумкин деган қарорга келади. 1918 йил баҳорида сўл эсерлар партиясига аъзо бўлиб кирган Н.Тўрақулов шу партия вакили сифатида Қўқондаги Ишчи ва солдат депутатлари советига котиб этиб тайинланади. Кўп ўтмай у Қўқон ижроия комитетига аъзо бўлиб киради, айти пайтда, маориф комиссари лавозимида хизмат қила бошлайди.

Назир Тўрақуловнинг Қўқонни қонга ботирган кишилар билан ёнма-ён шўро ҳокимияти идораларида хизмат қилаётганидан хабар топган «босмачилар» унинг отасини ўғирлаб кетдилар, агар у большевиклар билан ҳамкорлик қилишда давом этса, отасини ўлдиражакларини маълум қиладилар. Н.Тўрақулов иродасиз кишилар тоифасидан бўлмаганлиги боис «босмачилар»нинг маънавий раҳбарларидан бири Миён Қудратулла ҳазратни ҳузурига чақириб, ундан отасини озод қилиш ҳақида кўрсатма беришни талаб этади. Миён ҳазрат «босмачилар» унга бўйсунмасликларини айтиб, ёрдам беришдан бош тортади. Шу воқеадан кейин «босмачилар» Тўрақул акани сўйиб ўлдирадилар. 1910 йили онасидан жудо бўлган Назир Тўрақулов учун бу гоят огир мусибат эди. Аламзада раҳбар шу ҳодисадан кейин большевиклар гоёсига садоқат билан хизмат қилишга киришади.

Н.Тўрақулов 1918 йил сентябрида Скобелев (Фаргона) вилояти инқилобий комитети ҳайъати аъзоси этиб тайинланади. Сир эмас, шу йилларда ҳар бир мусулмон фарзанди турли даражадаги инқилобий комитет аъзолари кўзига душман бўлиб кўринган. Н.Тўрақулов Ишчи ва солдат депутатлари совети котиби бўлиб ишлаган кезларда Қўқон ҳарбий полки командир И.А.Сааков билан бир неча бор «сан-ман»га борган, дашноқлардан чиққан бу жанговар командир туфайли қанчадан-қанча бегуноҳ юртдошларининг жабр-зулмга гирифтор этилганини ўз кўзи билан кўрган эди. Шунинг учун ҳам у қанчалик шўропараст бўлмасин, «босмачилик ҳаракати»га алоқаси бўлмаган, аммо манглайига айбдорлик тамгаси ёпиштирилган юртдошларининг ёнини олишга уринди. Мадаминбек сингари қўрбошилар билан учрашиб, уларни ўз йигитлари билан шўролар тарафига ўтишга ташвиқ этди. Акс ҳолда, уларнинг яхши қуролланган ва уюшган қизил аскарларга бас келиши маҳоллигини тушунтирди.

У мазкур лавозимда узоқ ишламай, ўша йили халқ маориф бўлими мудири этиб тайинланади ва шу лавозимда ватандошларига хизмат қилади.

Шу йилларда Назир Тўрақулов ҳам, унинг аксар замондошлари ҳам бир муассасада бир



йил-ярим йил ишлаб улгурмай бошқа ишларга ўтказилаверган. Ҳаёт чархпалагининг шундай тез айланиши натижасида Н.Тўрақулов сингари «арбоблар»нинг қачон, қайси идора ва қандай лавозимда ишлаганларини аниқлаш осон эмас. Н.Тўрақуловнинг ҳатто ВКП(б) аъзоси сифатида тўлдирган анкеталаридаги маълумотларнинг тўғрилигига ҳам ишонки қийин. Масалан, 1936 йили тўлдирилган анкетада қайд этилишича, у 1919 йилнинг май ойидан ноябрь ойига қадар бўлган муддатда Тошкентда, Ўлка мусулмон бюросида ишлаб, «Иштирокиюн» газетасига муҳаррирлик қилган; 1919 йил ноябридан 1920 йил мартига қадар Туркистон fronti сиёсий бошқармасида ишлаб, сиёсий курсларда муаллим, 1920 йил мартдан июнига қадар Маориф халқ комиссарлигида халқ комиссари, 1920 йил июнидан 1921 йил майига қадар Туркистон компартияси Марказий Комитетида масъул котиб, 1921 йил майдан 1922 йил июнига қадар эса Туркистон Республикаси Марказий Ижроия Комитети раиси лавозимларида хизмат қилган.

Лекин тарихдан шу нарса маълумки, Туркистон советларининг 1920 йил сентябрида бўлиб ўтган IX сессиясида йигирма етти яшар Назир Тўрақулов Туркистон Республикаси Марказий Ижроия Комитети раиси этиб сайланган. Шу мураккаб йилларда Туркистон fronti қошидаги инқилобий-ҳарбий кенгаш аъзоси, Ўлка мусулмон бюроси қошидаги таржима ва таҳрир сифатини назорат ва таҳрир қилувчи ҳайъатга, Ўрта Осиё республикаларида бошланган миллий ёзувни лотинлаштириш ишларига раҳбарлик қилиш, «Қўшчи» союзини ташкил этиш сингари инқилобий даврнинг бошқа долзарб ва муҳим ишлари ҳам унинг зиммасига тушган.

### **Ёш республика раҳбари**

Туркистон Мухториятини тугатиш вақтида большевиклар ўзларининг «инқилобий шафқатсизликлари»ни қанчалик ёрқин намоиш этган ва «инқилоб душманлари»ни келгусида ҳам шундай жазолашлари мумкинлигини кўрсатган бўлишларига қарамай, 1919 – 1921 йилларда Туркистонда пайдо бўлган шароит ёш

шўро давлати учун фавқулодда огир эди.

Маълумки, 1920 йил сентябрида Бокуда Шарқ халқларининг қурултойи бўлиб ўтган. Москва шўро Шарқи халқларига ўз таъсирини ўтказиш мақсадида қурултой ишига аралашибгина қолмай, бундан кейин ҳам уларни қурултой қарорлари асосида назорат этиб туришни ўз олдида мақсад қилиб қўйди. Москванинг қурултойдаги ишончли вакиллари ташаббуси ва саъй-ҳаракати билан «Шарқда қилинажак ҳаракат ва тарғибот кенгаши» деган уюшма ташкил этилган эди.

1921 йили СССР Миллатлар халқ комиссарлигининг масъул ходими Турор Рисқулов Бокуда очилажак мазкур кенгаш мажлисига боришдан аввал Тошкентга келиб, шу ерда истиқомат қилаётган оиласидан хабар олади. Иттифоқо шу кунларда кимнингдир уйида тўй маросими ўтказилиб, маросимга Турор Рисқулов ҳам ҳурматли меҳмонлар қаторида таклиф этилади. У тўй дастурхони атрофида Саъдулла Турсунхўжаев, Юсуф Алиев ва Мунавварқори Абдурашидхоновдан иборат даврада суҳбатлашиб ўтирар экан, ҳозир бўлганлардан бири дафъатан: «Биродарлар, шўро ҳокимиятининг куни битганга ўхшайди», – деб қолади. Шундан кейин улар агар шўро давлати ағдариладиган бўлса, нима қилишимиз керак деган масала атрофида баҳслашиб кетадилар. Шўро давлати ўша кезларда мушкул даврни бошидан кечираётганлиги учун ҳатто давлат арбобларининг ҳам бундай хаёлларга бориши табиий эди. Турор Рисқулов даврадошларининг сўзларини давом эттириб, мабодо аксилнқилобчилар ҳокимият тепасига келиб қолгудек бўлсалар, биз миллий фронтни кенгайтиришимиз лозим бўлади дейди. У миллий яқдилликни сақлаб қолиш учун, бошқа пайтларда бўлганидек, ҳозирги долзарб пайтда ҳам аҳолининг ҳамма қатламларига, шу жумладан, миллий зиёлиларга таянишимиз лозим деган фикрни ўртага ташлайди. Шу вақт Мунавварқори Абдурашидхонов суҳбатга аралашиб, шўро ҳокимияти сиёсатининг чоризм сиёсатидан фарқ қилмай қолганини айтади. Турор Рисқулов Мунавварқорининг фикрига қўшилмайди, аксинча, нафақат Туркистон Автоном Республикаси, балки Россия Федерация-



си таркибидаги бошқа миллий республикалардаги халқ маорифига оид мисолларни ҳам келтириб эътироз билдиради.<sup>5</sup>

1921 йили Тошкентда бўлиб ўтган тўй маросимидаги шу суҳбатни эслашдан мурод Туркистонда шўро ҳокимияти ўрнатилгунига уч йил бўлганига қарамай, ўша кезларда унинг тақдири қил учида турганини айтишдир. Вазиятнинг огирлиги шунда эдики, инглиз қўшинлари Туркистоннинг шимоли-ғарбий ҳудудларидан ҳали чиқариб юборилмаган, ўлканинг шимолий ҳудудларида шўроларга қарши бош кўтарган кучлар эса ҳали тугатилмаган, «босмачилик ҳаракати» гоҳ пасайиб, гоҳ кучайиб ҳамон давом этаётган, энг муҳими, маҳаллий аҳолининг асосий қисми шўро ҳокимияти олиб бораётган сиёсатдан батамом норози эди. Шундай шароитда ёш шўро республикаси Марказий Ижроия Комитетига раҳбарлик қилиш осон эмасди.

Юқорида тилга олинган тўй ва суҳбатда Назир Тўрақулов ҳам иштирок этган. У ҳам ўша кезларда шўро давлатининг куни тугаб қолганини сезган бўлса ажаб эмас. Аммо Турор Рискуловдек у ҳам шўро давлатининг Шарқ халқларига озодлик берувчи давлат эканига ишонган киши бўлганлиги учун ўзи идора қила бошлаган кемани шикастлантirmай, сувости тошларига урмай нажот соҳилига олиб чиқишга ҳаркат қилди. У ўздан аввал Туркистон Автоном Республикаси Марказий Ижроия Комитетига П.А.Кобозевнинг, ундан кейин А.А.Казаков, И.Апин ва Т.Рискуловнинг раислик қилганидан яхши хабардор бўлгани учун улар фаолиятидаги яхши ва ёмон томонларни ўрганишга, улар йўл қўйган хатоларни такрорламасликка, айна пайтда, Москванинг унга бўлган ишончига гард юқтирмасликка алоҳида эътибор берди.

1918 – 1919 йилларда Туркистонга раҳбарлик қилган большевиклар нафақат маҳаллий аҳоли, балки шу аҳоли орасидан етишиб чиққан зиёлиларни ҳам менсимай, уларга нисбатан ўта шовинистик муносабатда бўлишда давом этдилар. Шовинизм руҳи билан заҳарланган кимсаларнинг Туркистонни «қизил» мустамлакага

айлантirmoқчи бўлганини кўрган Т.Рискулов, Н.Хўжаев сингари сиёсий арбоблар 1920 йил 17 январда Туркистон компартияси Ўлка комитети, Мусулмонлар бюроси ва Туркистон комиссиясининг қўшма йигилишида Туркистон Республикаси ва Туркистон Компартиясини тузиш таклифи билан чиқдилар. Улар тузган режага кўра, Туркистон Республикаси ва Туркистон Компартиясининг раҳбар органларини маҳаллий халқ вакиллари бошқариши, алоҳида мусулмон армияси тузилиши, энг муҳими, мусулмон бўлмаган барча ҳарбий қисмлар ўлкадан олиб чиқиб кетилиши лозим эди.

Рискулов бошчилигидаги Туркистон делегацияси ўзи тузган «Туркистонда давлат қурилиши тўғрисидаги Низом» лойиҳасини ҳимоя қилиш учун 1920 йил 17 майда Москвага борди. Туркистон МИКнинг шу йиллардаги раиси Т.Рискулов мазкур лойиҳа матнини ўша куниёқ партия Марказий Комитетигага топширади. Ленин танишиб чиққан, сўнг МК архивига топширган мазкур ҳужжатда РКП(б) МК олдиға, жумладан, қуйидаги талаблар қўйилган эди:

а) Туркистонда кучли мусулмон армиясини ташкил этиш ва руслардан тузилган қизил армия қисмларини тугатиш;

б) Туркистон Республикасида ҳарбий комиссариатни тиклаш, унга қизил армия тузиш ва тарбиялашни топшириш, ...Туркистонда ҳарбий қисмларни фақат маҳаллий аҳолидан тузиш;

в) Туркистонда бутун ҳокимиятни Советлар съездиға, Туркистон МИК ва ХКСга топшириш;

г) Турккомиссияни тугатиш;

д) Туркистонга мусулмон ҳарбий ва сиёсий ходимларни жўнатиш...<sup>6</sup>

Шубҳасиз, Туркистонни «ўзиники» қилиб олган большевиклар бу режанинг амалға ошишиға йўл қўймадилар. Аксинча, режа муаллифлари «миллий огмачилик»да кескин айбланди. РКП(б) МК республика партия ташкилотининг аввалги номи – Туркистон Коммунистик партияси номини «сақлаб қолди». ТуркАССР эса РСФСРнинг Туркистон Автоном Республикаси номи билан қолдирилди. «Миллий огмачилар»

<sup>5</sup> Қаранг: Устинов В.М. Турор Рыскулов. Очерк политической биографии. – Алматы, 1996. – С.237.

<sup>6</sup> Кўчирма қуйидаги манбадан олинди: Ражабов Қ., Ҳайдаров М. Туркистон тарихи. – Тошкент: Университет, 2002. – Б.72.



гуруҳи РКП(б) МКнинг мазкур қарорига қўшилмай, ТуркКПнинг Ўлка комитети таркибидан чиқиш тўғрисида ариза берди. 1920 йил 19 июлда Туркистон комиссияси ТуркКП Ўлка комитетини тарқатиб юборди ва Туркистон Коммунистик партиясининг Н.Т.Тўрақулов, В.П.Билик, Қ.С.Отабоев, И.Габор, С.Қосимхўжаев, Й.Иброҳимов, Д.Устабоев, К.Ҳақимов ва бошқалардан иборат Муваққат МКни тузди. Туркистон Марказий Ижроия Комитети таркиби «тозаланиб», «байналмилал кайфият»даги маҳаллий ва рус коммунистлари билан «мустаҳкамланди». Москва ўлкадаги марказ сиёсатидан кучайиб бораётган норозиликни сусайтириш мақсадида бу сафар Туркистон Марказий Ижроия Комитетига бирор русийзабон большевикни эмас, балки Назир Тўрақуловни раис этиб тайинлашга мажбур бўлди.

1920 йил 27 сентябрда Туркистон Республикаси Советларининг IX сессияси ўтказилиб, Назир Тўрақулов Туркистон Марказий Ижроия Комитети раиси, Любимов раис ўринбосари, Ўразбоев, Петерс, Г.Сафаров, С.Асфандиёров, А.Алимбоев Ижроия Комитет хайъати аъзолари, Султонхўжаев билан Файзи Хўжаев эса аъзоликка номзодлар этиб сайландилар. Сессия Туркистон Республикаси Халқ Комиссарлари Советининг қуйидаги таркибини тасдиқлади:

1. Халқ Комиссарлари Совети раиси Отабоев.
2. Ички ишлар халқ комиссари Хўжанов.
3. Юстиция халқ комиссари Рақимбоев (Рақимбоев).
4. Маориф халқ комиссари Шагид Ахмедиев.
5. Молия халқ комиссари Измаилов.
6. Темир йўллар халқ комиссари Праздин.
7. Меҳнат халқ комиссари Бретт.
8. Ишчи-деҳқон инспекцияси халқ комиссари Каганович.
9. Халқ хўжалиги Марказий Совети раиси Плетнёв.
10. Озиқ-овқат халқ комиссари Долженков.
11. Почта ва телеграф халқ комиссари Розенталь.
12. Ижтимоий таъминот халқ комиссари Познер.
13. Ер ишлари халқ комиссари Асфандиёров.
14. Соғлиқни сақлаш халқ комиссари Геллер.

Агар бу рўйхатга назар ташласак, Туркистон Халқ Комиссарлари Совети таркибига Абдулла Раҳимбоевдан ташқари ўзбек миллатига мансуб бошқа бирорта арбобнинг киритилмагани маълум бўлади. Бу ҳол шўро давлатининг Т.Рисқулов, Н.Хўжаев сингари арбоблар томонидан кўтарилган муҳим ижтимоий-сиёсий масалаларга мутлақо нописандлик билан қарагани ҳамда шовинизмга асосланган миллий сиёсатни юзсизлик билан давом эттиражанидан далолат беради.

Назир Тўрақулов қанчалик уринмасин, турли миллатларга мансуб кишилардан ташкил топган Туркистон Марказий Ижроия Комитетининг куни кеча чоризм зулмидан халос бўлган маҳаллий халқ манфаатлари йўлида бирор жиддий иш қилиши амримаҳол эди. Шунга қарамай, ўйлаймизки, чор мустамлакачилигининг сўнгги ва шўро мустамлакачилигининг дастлабки кунларида ватандошларининг қандай ижтимоий ва иқтисодий мушкулотларни бошидан кечирганлари ва кечираётганларини ўз кўзи кўрган Н.Тўрақулов ТуркМИК раиси лавозимидан халқ ҳаётини яхшилаш йўлида фойдаланмаслиги мумкин эмас эди. Агар 1920 йил ноябридан 1921 йил майигача бўлган вақтда МИК йигилишларида кўриб чиқилган энг муҳим масалаларни назардан ўтказсак, қуйидаги манзара кўз олдимизда гавдаланади-қолади:

1920 йил 5 ноябрь. Россия жанубида барон Врангель ва Антанга (Англия) қўшинларига қарши давом этаётган урушнинг тезроқ ва галаба билан тугашига ҳисса қўшиш мақсадида армияга зарур бўлган барча зарур нарсалар, шу жумладан, кийим-кечак билан моддий ёрдам кўрсатиш.

1920 йил 17 ноябрь. Болалар ва катталарнинг ўқиши учун маҳаллий тилларда зарур ўқув қўлланмаларини яратиш; ўқувчилар учун ўқув қўлланмалари ва буюмларини ишлаб чиқаришни бир неча мартаба ошириш; ўқувчиларни нушта билан таъминлаш.

1920 йил 9 декабрь. Пахта саноатини миллийтириш бўйича чиқарилган декрет, буйруқ ва қарорларга қўшимчалар киритиш (пахта бозорларини ёпиш; пахта ва чигитни хусусий йўл билан сотиш, сотиб олиш ва сақлашни тақиқ-





лаш; хусусий шахслар қўлидаги пахта тозалаш машиналари, жинлар ва линтерларни давлат ихтиёри ўтказиш ва ҳ.к.).

1920 йил 7 февраль. Барча шўро муассасаларининг ҳафталик ҳордиқ кунини жумага кўчириш.

1921 йил 20 февраль. Турк республика ҳудудларида халқаро вақтнинг қабул қилиниши муносабати билан белгиланган вақтга зид ҳолда соат милларининг бошқа вақтга ўтказилишини ман этиш.

1921 йил 5 март. Ёшлар оммасини ҳарбий хизматни ўташга тайёрлаш мақсадида 1921 йил 15 – 21 апрель кунларини «Ҳарбий хизматни ўташга тайёргарлик» ҳафтаси деб эълон қилиш ва «Ҳарбий хизматни ўташга тайёргарлик» ҳафтасини юксак савияда ўтказиш чораларини белгилаш.

1921 йил 20 апрель. Хўжаликни тўғри олиб бориш ва аҳолининг моддий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда озиқ-овқат, ем-хашак ва хомашё развёрсткасини натурал солиқ билан алмаштириш.

1921 йил 29 апрель. *Ҳукумат қонун ва қарорларини бузишда айбланиб 1921 йил 1 майга қадар бўлган муддатда жазоланган ёки жазоланиш олдидан турган кишиларга афв эълон қилиш.*

1921 йил 29 апрель. *Ота-онасиз қолган болалар ҳаёти ва сиҳат-саломатлигига масъул бўлган муассасаларга озиқ-овқат, тураржой, ёқилги ва бошқа масалаларда ёрдам бериш.*

1921 йил 14 июнь. *Қирғиз ва туркман қизларининг ор-номуси ва инсоний гурурини кўпол равишда топтовчи, уларнинг мол сифатида сотилиши, бир томондан, бойларнинг янада бойиши, иккинчи томондан, камбағалларнинг янада қашшоқланишига имкон берувчи омил – «қалин» олишни тақиқлаш.*

1921 йил 23 июнь. Тошкент шаҳрида вагонлардан ишчилар ва бошқа йўловчиларни тушириш лозимлиги муносабати билан ишчиларнинг маиший ҳаётини яхшилаш бўйича Янги ва Эски шаҳарлар учун махсус комиссиялар тузиш.

1921 йил 24 июль. *Губернияларда яшовчи очларга ёрдам кўрсатиш учун марказий ва маҳаллий комиссияларни тузиш.*

1921 йил 28 июль. «Қизил байроқ» газетасида турк ҳукумати шаънига нолойиқ мақолани эълон қилгани учун газета коллегияси аъзоси Шермухамедовни вазифасидан четлаштириш ва газета муҳаррирлигини ўр. Бурнашевга топшириш...

Агар Туркистон МИК йигилишларида кўриб чиқилган ва махсус буйруқ билан мустаҳкамланган, бинобарин, амалга оширилган масалаларнинг курсив билан таъкидланган қисмига эътибор қаратсак, уларнинг ўша йилларда маҳаллий аҳоли бошига тушган ташвиш ва қийинчиликлар билан бевосита боғлиқлиги кундек равшан бўлади.

Яқин-яқингача «Улуг Октябрь социалистик инқилоби» деб алқаб келинган мудҳиш тарихий воқеа дўппини кўрсатса, каллани олиб келадиган солдатлар ва қўлидаги отар тошдан бўлак ҳеч вақоси бўлмаган пролетариат ёрдамида большевиклар амалга оширган давлат тўнтариши эди. Шу тўнтариш вақтида большевиклар солдатларга қўшилиб, қанчадан-қанча беозор аҳолининг ёстигини қуритдилар, люмпер-пролетариат билан биргаликда хонадонларни, дўкон ва омборхоналарни армонсиз таладилар, боғлар ва экинзорларни пайҳон қилиб ташладилар. Бунинг устига, ўша йилларда қургоқчилик бўлиб, бугдой унмади. Очлик, даҳшатли эпидемия янглиг минглаб кишиларни нариги дунёга равона қилди. Шундай ўта мураккаб тарихий шароитда Врангель билан урушаётган солдатларга эмас, балки, аввало, очлик чангалида қолган аҳолига ёрдам бериш сув билан ҳаводек зарур эди.

Н.Тўрақулов раҳбарлигидаги МИК дастлаб ўқувчилар учун ўқув қўлланмалари нашрини йўлга қўйиш, ҳукумат қонунларини бузган кишиларга афв эълон қилиш, «қалин» тўлаш удумидан жабр кўраётган аҳолига енгиллик тугдириш масалаларини ҳал этгандан кейин бўлса ҳам губерниядаги очликдан силласи қуриган минглаб кишиларга моддий ёрдам кўрсатиш масаласини ҳал қилишга киришди.

Сўнгги масала бўйича қабул қилинган қарор билан бевосита танишиш МИКнинг шу йилларда олиб борган фаолияти тўғрисида озми-кўпми аниқ тасаввур уйғотиши мумкин.



«Туркистон Республикаси Советлари Марказий Ижроия Комитети  
ҚАРОРИ

1921 й. 24 июль. 81-сон. Тошкент ш.

**ОЧЛАРГА ЁДАМ БЕРИШ БЎЙИЧА МАРКАЗИЙ ВА  
МАҲАЛЛИЙ КОМИССИЯЛАР ТЎҒРИСИДА**

Очлик авж олган губерниялар аҳолисига амалий ёрдам кўрсатиши учун ва Туркреспубликадаги аҳолининг кенг оммаси ва барча ташилотларни шу ишга жалб этиши мақсадида Туркреспублика Советлари МИК ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. ТурМИК ҳузурида очларга ёрдам кўрсатиши бўйича марказий комиссия қуйидаги вакиллар (биттадан) таркибида тузилсин: а) ТурМИКдан, б) К.Н.Т. (Меҳнат Халқ Комиссарлиги)дан, в) Туркфронт Сиёсий бошқармасидан, г) Туркбюродан, д) Болалар ҳаётини яхшилаш комиссиясидан, е) Озиқ-овқат халқ комиссарлигидан, ж) Маориф халқ комиссарлигидан, з) Совлиқ-саломатликни сақлаш халқ комиссарлигидан.

2. Марказий комиссия жойлардаги тегишли ташилотларнинг вакилларида вилоят, уезд ва туман комиссияларини тузади.

3. Тайинланган комиссиялар, биринчи навбатда, зарур маҳсулотлар ва буюмларни тайёрлаш усулларини Озиқ-овқат халқ комиссарлиги ва Турксоюз органлари орқали сотиб олиш йўли билан ҳам, тўплаш ва ажратмаларни ташиқил этиши йўли билан ҳам топиб, тиббий ёрдам ва озиқ-овқат берувчи пунктлар, ошхоналар, бошпаналар ва ҳ.к. муассасаларни очади.

4. Республикадаги барча халқ комиссарликлари, муассасалар ва мансабдор шахсларга юклатилган вазифаларнинг бажарилишида комиссияга кенг миқёсда ёрдам бериш тавсия қилинади.

Туркреспублика Советлари МИК раиси ўринбосари И.Асфандиёров.  
Туркреспублика Советлари МИК котиби М.Юмакаев».<sup>7</sup>

Шубҳасиз, очликка гирифтор бўлган аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш, улар ҳаётини сақлаб қолиш учун тиббий ёрдам кўрсатиш – ҳар бир давлат ва ҳар бир жамиятнинг бирламчи вазифаси. ТуркМИК Туркистон Республикасининг бош ижро органи сифатида шу масала билан шугулланиши ва ўн минглаб кишиларни ўлимдан сақлаб қолиши зарур эди.

Дарвоқе, Марказ Ички Россия учун ҳам шундай долзарб бир вақтда Туркистонга бугдой юборган. Аммо у ўн минглаб кишиларни очликдан сақлаб қолиш учун эмас, балки ўзининг келажакдаги салоҳиятини ўйлаб шу ишга қўл урган.

<sup>7</sup> Н.Турақулов хизмат сафарига чиққан пайтда Н.Турақуловнинг ижозати билан мазкур қарорга унинг уринбосари И.Асфандиёров имзо чеккан.

Маълумки, Биринчи жаҳон уруши йилларида ва ундан кейин пахта экин майдонлари қисқариб, пахта ҳосили ҳам беҳад камайиб кетди. Агар 1915 йили пахта учун ажратилган майдон 19 фоизни ташкил этган бўлса, бу рақам 1917 йили 13 фоизга, 1920 йили 9 фоизга, 1922 йили эса ундан ҳам пасайиб кетган. Бу нафақат Туркистоннинг қишлоқ хўжалиги учун тоқат қилиб бўлмайдиган, балки Россия Федерациясининг ҳаётий томирларидан бўлган текстил саноати учун ҳам чидаб бўлмайдиган даражада аянчли ҳодиса эди. Экин майдонларини кенгайтириш, пахта ҳосилини ошириш ва пахта саноатини ривожлантириш учун эса ўлим тўшагида ётган ўн минглаб губерниялар аҳолисини тирилтириш, реанимация қилиш зарур эди. Шунинг учун ҳам Марказ Н.Турақулов раҳбарлик қилган Туркистон МИКига мактаб ёшидаги бола-



лар билан шугулланиш, ҳукумат қонунларини бузганларни оқлаш, очлик исканжасида ётганларга моддий ёрдам кўрсатиш имконини берди ва Н.Тўрақулов раҳбарлик қилган Туркистон МИК шу имкониятдан ўз вақтида фойдаланди десак адолатдан бўлади.

Камина шу йилларда амалга оширилган тадбирлар тўғрисида ўйлар эканман, бир муҳим масалага тўхтамасдан ўта олмайман. Бу Туркистоннинг аксар ҳудудларида кенг тарқалган «қалин» масаласидир. «Қалин» олиш ва «қалин» бериш одати олис асрларга бориб тақалади. Жамиятнинг бойроқ қисми ўз қонининг «тозалиги»ни сақлаб қолиш ниятида қизларини «қалин» тўлаш имкониятига эга бўлган кишиларгагина турмушга берган. Бундай имконият, шубҳасиз, жамиятнинг ҳамма қатламида ҳам бўлавермайди. Бора-бора бойлар ўз қизларини қўшни уруғларнинг шундай имкониятга эга бўлган кишиларига ҳам бера бошлаганлар. Бунинг замирида нафақат моддий манфаат ётган, балки қўшни уруғларга қиз бериш ёки улардан қиз олиш уруғлар ўртасидаги низоларнинг барҳам топишида муҳим омил бўлган.

Аммо янги ижтимоий, иқтисодий ва маданий муносабатлар даври бошланганидан кейин «қалин» кишилиқ жамияти тараққиётига тўсқинлик қилувчи масалалардан бирига айланди. Жамият аъзоларининг тинч-тотув яшашлари учун синфий тенгсизлик асослари-

ни парчалаш даркор бўлиб қолди. «Қалин» ана шу тенгсизликнинг эскирган шакли сифатида яшашда давом этиши жамият тараққиётига, кишиларнинг эркин, бахтли, осуда турмуш кечиришига раҳна сола бошлаган эди.

XX асрнинг 20-йиллари бошларида Назир Тўрақулов сингари ёш Туркистон Республикаси раҳбарлари ҳам, уларнинг 30 – 80-йиллардаги издошлари ҳам большевикларнинг коммунистик келажак ҳақидаги чўпчакларига ишониб 1917 йилдан кейин янги ҳаётни барпо этиш романтикаси билан яшадилар. Хусусан, Назир Тўрақуловнинг фикрига кўра, янги ҳаёт, янги ижтимоий-маданий муносабатлар қарор топаётган даврда «қалин» олиш ва «қалин» бериш одатининг давом этиши янги жамиятнинг табиатига зид, бойларнинг янада бойиши, камбағалларнинг эса янада камбағаллашишига сабаб бўлувчи ҳолат эди. Шунинг учун ҳам Турк-МИК раиси бу одатни феодал ўтмиш сарқити сифатида декрет қабул қилиш йўли билан йўқотишга бел боғлади. Туркистон Республикаси МИКнинг бу декрети ўзининг долзарблигини урушдан кейинги йилларга қадар йўқотмади. Бу ҳам Н.Тўрақулов бошчилигидаги республика ҳукуматининг ўша йиллардаёқ халқ ҳаётини енгиллаштириш ҳақида ўйлагани ва шу борада жон куйдирганидан далолат беради.

Ўйлаймизки, ушбу декрет билан танишиш сиз учун фойдали ва мароқли бўлса ажаб эмас.

«Туркистон Совет Социалистик Республикаси Советлари  
Марказий Ижроия Комитетининг  
ДЕКРЕТИ

1921 й. 14 июнь. 67-сон. Тошкент ш.

*Қирғиз ва туркман хотин-қизларининг ор-номуси ва инсоний гурури «қалин» (куёв томонидан келиннинг ота-онаси ёки қариндошларига тўланадиган айрича тўлов) тўфайли топталаётгани, қирғиз ва туркман хотин-қизларининг молдек пулга сотилиб, улар никоҳи моддий аҳволга боғлаб қўйилаётгани, бир томондан, бойлар мавқеининг мустаҳкамланиши, иккинчи томондан эса камбағалларни абадий никоҳсизликка маҳкум этаётганини эътиборга олиб Советларнинг Марказий Ижроия Комитети ҚАРОР ҚИЛАДИ:*

1. Ушбу декрет эълон қилинган кундан бошлаб келиннинг ота-онаси, қариндошлари ёки улар ўрнини босувчи кишиларнинг қандай шаклда ва қандай кўринишда (совга, қарз ва ҳ.к.) бўлмасин «қалин» қабул қилиши, куёв, унинг қариндошлари ёки улар ўрнини босувчи кишиларнинг қандай



шаклда ва қандай кўринишида (совга, қарз ва ҳ.к.) бўлмасин келиннинг «қалин» берган куёвга турмушга чиқишини шарт қилиб қўювчи «қалин» берилиши ман этилади.

2. «Қалин» ҳақидаги келишув, шартлашув ва битишув, шунингдек, ушбу декретнинг ман этишига қарамай, «қалин»нинг берилуви, декретнинг 3- ва 4-моддаларидан ташқари ҳолларда ҳақиқий ҳисобланмайди ва суд томонидан ҳимоя қилинмайди.

3. Агар никоҳ тузилган бўлса, ушбу декрет қабул қилингунга қадар тўланган «қалин» қайтариб берилмайди.

4. «Қалин» тўла ёки қисман тўланган, ammo никоҳ ҳали тузилмаган, шунингдек, «қалин» тўланган шахс отасининг меҳнаткашлар синфига мансублиги аниқланган бўлса, шу шахснинг талаби билан ушбу декрет эълон қилинган кундан бошлаб 6 ой мобайнида қайтариб берилади.

5. Никоҳдан ўтиш учун никоҳ ёшига етган никоҳдан ўтувчиларнинг фақат кўнгилли келишуви талаб қилинади; эркаклар 18 ёшдан, хотин-қизлар эса 16 ёшдан кичик бўлмасликлари, ақл-ҳушлари жойида, қариндош-уруғлари томонидан қаршиликка учрамаган бўлиши лозим.

6. Декретнинг бирор моддасини бузишда айбланган кишилар, хатти-ҳаракатларининг гражданилик оқибатларидан қатъи назар, жиноий тартибда масъулиятга тортиладилар.

7. Маҳаллий ҳокимиятлар суд жавобгарлигига тортилмаслик учун бу декрет талабларига қатъий риоя қилишга мажбурдирлар.

*Тукистон Советлари МИК раиси Н.Тўрақулов.*

*Халқ Комиссарлари Совети раиси Қ.Отабоев.*

*Туркесреспублика Советлари МИК котиби М.Юмакаев».*

Бу декретнинг ҳар бир ҳарфи ва руҳидан муаллифларнинг, биринчи навбатда, Н.Тўрақуловнинг мазкур нозик масалани чуқур ва атрофлича ўргангани ҳамда ислом динининг ҳуқуқий масалаларидан яхши хабардор кишилар эътиборидан ўтказиб олганлиги яққол сезилиб туради.

Н.Тўрақулов шу йилларда ёш республиканинг раҳбарларидан бири сифатида давлат миқёсида фикрловчи, халқ хўжалигини яхши хабардор, мамлакат келажаги илм-фан асосларини эгаллаган истеъдодли ёшларга боглик эканлигини билган, оддий меҳнаткашлар билан ҳам, амалдорлар қавми билан ҳам муомала қила олувчи шахс сифатида шаклланди. У республикага раҳбарлик йилган йилларда Туркистон давлат университети очилди (1920 йил 7 сентябрь), Қозоқ, Қирғиз, Тожик, Туркман маориф институтлари (билим юртлари)

ташқил этилди (1922 йил), ҳали университетда ўқиш ҳуқуқига эга бўлмаган, яъни ўрта мактабни битирмаган ёшлар учун ишчи факультетлари юзага келди. Бу муҳим ишларнинг амалга ошишида Назир Тўрақуловнинг хизматлари ҳам оз эмас эди. Бундан ташқари, у давлат ишлари билан республиканинг аксар вилоят ва қишлоқларида бўлиб, аҳолининг турмуш шароити билан яқиндан танишди. Айни пайтда, ўз устида ишлаб, тарихий ва фалсафий адабиётлар билан бирга ўзбек, қозоқ, қирғиз ва туркман тилларида ёзилган бадиий асарларни ўқиди. У катта ёки кичик жамоага раҳбарлик қилувчи ҳар бир киши ишбилармон, интизомли, маданиятли, камтар бўлиши лозим деб билди, ўзи ҳам шу фазилатларни эгаллашга интилди.

***(Давоми келгуси сонда)***



# АТОҚЛИ АРТИСТ ВА РЕЖИССЁР

Наим КАРИМОВ

Ўзбекистонда театр санъатининг майдонга келиши ва камол топишида Фаргона водийсида тугилган санъаткорларнинг хизматлари гоят катта. Афсуски, республика пойтахтида фаолият олиб борган ва ҳозир ҳам фаолият олиб бораётган артистлар ва режиссёрларнинг номлари томошабинларга яхши маълум бўлса-да, вилоят театрларининг шаклланиши ва камол топишига катта ҳисса қўшган санъаткорларнинг муборак номлари унутилиб кетмоқда. Санъат ва маданият институтидаги санъатшунослик ва театршунослик ихтисосликлари бўйича битирув-малакавий ишлар ва магистрлик диссертацияларининг асар қисми куни кеча саҳнага чиққан артистлар ва режиссёрлар ижодига бағишлангани ҳолда пойтахт ва вилоят театрларининг шаклланиши ҳамда ижодий ўсишида муҳим роль ўйнаган устоз санъаткорлар ҳаёти ва ижодий фаолиятини ўрганиш масаласи ҳеч кимни қизиқтирмайди.

Шундай унутилган истеъдодли артист ва режиссёрлардан бири Андижон вилоят театрига тамал тошини қўйган Исҳоқ қори Каримовдир.

Камина бу атоқли санъаткор исмини Чўлпонга, 1924 йили Москвада ташкил этилган ўзбек драма студиясига, ўзбек театри тарихига бағишланган ишларда, шунингдек, Комил Яшиннинг «Ёднома» асарида учратиб, унинг тақдири билан озми-кўпми қизиқиб келаман. Лекин Исҳоқ қори Каримовнинг 1937 йили қамоққа олиниши муносабати билан тузилган «дело»сидан зарур биографик маълумотларни топмаганим учун у ҳақидаги тасаввуримни ёрқин дейишим қийин. Шунга қарамай, «Водийнома» муштарийларини айнан шу отахон санъаткор ҳақидаги билганларим билан таништиришга журъат этиб турибман.

Маълумки, 1924 йили ўзбек театри учун ма-

лакали кадрларни тайёрлаш мақсадида Москвада Ўзбек драма студияси ташкил этилган. Студияга республиканинг турли вилоятларидаги театр ҳаваскорларини топиб юбориш учун Бухорога Фатхулла Умаров, Фаргона водийсига Исҳоқ қори Каримов юборилган. Тошкентлик театр ихлосмандлари билан эса Маннон Уйгур шахсан шугулланган. Шундай ташкилий ишлар натижасида Бухородан Лутфулла Назруллаев, Саъдихон Табибуллаев, Шариф Қаюмов, Ҳикмат Латипов каби ўнга яқин ёшлар, Фаргона водийсидан эса Исҳоқ қори Каримовнинг ўзи билан бирга Ҳожи Сиддиқ Исломов Ўзбек драма студиясида ўқишга юборилади. Студиячилар уч йил мобайнида театр сирларини ўрганиб, рус, жаҳон ва ўзбек драматургларининг асарларини саҳнага қўядилар.

1923 йили саҳналаштирилган ва ёзги таътил кунларида Ўзбекистонга «гастрол»га келган студиячиларнинг спектаклларида бири Мольернинг «Хасис» комедияси эди.

«Тошкентда ва Самарқандда ўйналган биринчи спектаклда, – деб ёзади академик Мамажон Раҳмонов, – ўзбек томошабини қутилмаган янгиликларга дуч келди. «Хасис» спектаклида улар ҳақиқий французларни кўрдилар. Бадиий безак, либос, грим ва париклар шунчалик юксак маҳорат билан ишлангандики, улар XVII аср француз ҳаётини реал акс этириб турарди. Актёрнинг пластик ҳаракати, саҳналарнинг тузилиши ўша даврга мантқиқан боғланган эди. Ҳар бир актёр ўз қахрамонининг характерини, ички дунёсини, руҳий ҳолатини, маънавий оламини очиб бера олганди. Айниқса, Исҳоқ қори Каримов яратган Гарпагон образи ҳаммани ҳайратга қолдирган. Зиё Саид ўз тақризидида «Хасис» спектаклига, жумладан, Гарпагон образига ҳақли



равишда катта баҳо бериб: «Спектаклда француз буржуазиясининг зикна, дунёга ҳирс қўйган ва олтинга топинган бандалари тўла фош қилинган. Воқеа қаҳрамони Гарпагон (Исҳоқ қори Каримов) ўзининг табиий ҳаёти, ҳаракати ва табиий кўриниши билан бошқалардан ажралиб турадиган ва олтинни пайгамбар деб тушунадиган хасис типини шундай ёпиштириб ўйнадики, асарнинг муваффақиятига бош сабаб ҳам шу...» (Қизил Ўзбекистон. 1923 й. 5 июль).<sup>1</sup>

Санъатшунослик фанлари доктори Тошпўлат Турсунов эса мазкур спектаклдаги Комиссар роли Аброр Ҳидоятговга, Валер роли Фатҳулла Умаровга, Ансельм роли Музаффар Муҳамедовга, хасис Гарпарон роли Исҳоқ қори Каримовга топширилгани ҳақида маълумот бериб, яна бундай ёзган: «Узоқ машқ ва изланишлар оқибатида Гарпагоннинг аянчли фожиасини кулгили вазият ва ҳолат воситалари билан мукамал очишга эришилди. Оқибатда тўртинчи пардадаги молу жавоҳирлар қутчасининг йўқолиш саҳнаси спектаклнинг ҳам авжи, ҳам хотимасига айланди. Исҳоқ қори Каримов овозининг борича «Ўгри! Қароқчи!!» сўзлари билан фарёд чекиб, саҳнага ўқдек отилиб чиқади-да, мослама кўприк устида(н) сакраб томоша залининг ўртасига боради; «Ўлдирдилар! Пичоқсиз сўйдилар!!» – деб фарёд солади. Кейин жонсарақ аҳволда саҳнага кўтарилиб: «Бор-будимни ўгирлашди!!» – деб дод солади-да, машҳур монологини бошлар экан, саҳнанинг орти, икки томони, томоша залидан халойиқ – Гарпагоннинг дўсту душманлари, хизматқору дастёрлари саҳнани тўлдириб, бойлигидан айрилиб, нотавон аҳволга тушган хасиснинг устидан куладилар. Гарпагон шарманда бўлади».<sup>2</sup>

1927 йили студияни тугатган аксар артистлар Ўзбек давлат труппасининг асосини ташкил этганлар. Труппа Чўлпоннинг «Ёрқиной», Фулом Зафарийнинг «Ҳалима» пьесаларини (янги саҳна талқинида) томошабинлар ҳукмига ҳавола қилган. 1928 йил 22 декабрда «Ҳалима» мусиқали драмасининг саҳналаштирилиши томошабинлар учун, айниқса, катта совга бўлган. Бу спектаклда Ҳалима ролини илк ўзбек актрисала-

ридан бири Турсуной Саидазимова қойилмақом қилиб ижро этган. Спектаклнинг бошқа бадий компонентлари ва ижрочилари ҳам томошабинларда яхши таассурот қолдирган. Ўзбек театрининг атоқли тарихчиларидан бири Мамажон Раҳмонов ушбу спектакль тўғрисида фикр юритиб, қуйидаги самимий сўзларни ёзган эди:

«Спектаклда Неъмат образини бу сафар машҳур ашулачи ва шу кунгача Мажнун ва Фарҳод ролларини ижро этиб келган Абдулҳақ Султонов яратди. Образнинг мусиқавий талқини, ҳеч сўзсиз, жуда таъсирли чиқди. Айниқса, хасталаниб қолиши ва ўлими олдидан уни кўргани келган ўртоқларига: «Бойлардан ўч олинглар! Хонадонига ўт қўйинглар!!» – деган хитоби Неъмат образининг талқинига қўшилган янги исёнкорлик урғулари эди.

Спектаклнинг салбий образлари – Ортиқбой (Е.Бобожонов), Муслимбой (М.Муҳамедов), шаҳар ҳокими (Ш.Қаюмов), дастурхончи (М.Мироқилов) маҳорат билан яратилди. Айниқса, Исҳоқ қори Каримовнинг Домла образи жуда қизиқ талқин қилинган эди. Аслида, бу роль кичик эпизодик характерга эга. Уни(нг) Ортиқбой болохонасида рус ҳоким тўра билан учрашадиган саҳнаси бор. Иккаласи ҳам кайф қилган бўлади. Бошига катта салла ўраган Исҳоқ қори, хусусан, мастликни жуда ўрнига қўяди. Домла: «Тақсир, сизда ҳам бир дин бор. Бизда ҳам бир дин бор. Ҳар иккаласи ҳам бир диндек», – деганда одамлар қотиб-қотиб куладилар. Охирида йиқилиб, бир оёғида болохона панжарасига осилиб қолади. Шунда залда кулги кўтарилиб, томоша зали қий-чув бўлиб кетади».<sup>3</sup>

Санъатшунос олимнинг ўз ёки замондошларининг хотираларига асосланиб ёзган бу сўзлари Исҳоқ қори Каримовнинг кичик ҳажвий ролларнинг моҳир ижрочиси, ҳажвий характер яратиш устаси сифатидаги образини нурлантириб юборади.

Исҳоқ қори Каримовнинг 1924 йили Москвага ўқишга борғунига қадар кечган ҳаёти ва ижодий фаолияти бизга номаълум бўлганидек, унинг Ўзбек давлат труппасида хизмат қила бошлаган 1928 йилдан 1930 йилгача бўлган ҳаёти ҳам қоронги. Исҳоқ қори Каримов билан Андижон

<sup>1</sup> Раҳмонов М. Ҳамза. Ўзбек давлат академик театри тарихи. Биринчи китоб. – Тошкент, 2001. – Б.72 – 73.

<sup>2</sup> Турсунов Т. XX аср ўзбек театри тарихи. – Тошкент, 2010. – Б.88.

<sup>3</sup> Раҳмонов М. Ҳамза. Ўзбек давлат академик театри тарихи. Биринчи китоб. – Тошкент, 2001. – Б.72 – 73.



театрида бирга хизмат қилган атоқли санъаткор Асад Исмаатовнинг маълумот беришича, у «қосимовчиларнинг аксилинқилобий гуруҳига мансуб бўлганлиги учун» 1930 йили «жазо муддатини ўтаб, қамоқдан бўшаб келган». Аммо Исҳоқ қори Каримовнинг 1937 йили қамоққа олиниши муносабати билан тузилган «дело»да бу масалага ойдинлик киритувчи бирор сўз учрамайди.

Лекин атоқли драматург Комил Яшиннинг замондошлари ҳақидаги хотираларидан шу нарса маълум бўладики, Исҳоқ қори Каримов миллатчилик ва аксилинқилобчилик руҳидаги хатти-ҳаракатлардан узоқ, театрдан, санъатдан ўз ҳаёти маъносини топган кишилардан бири эди. Сир эмас, 20-йиллар бошларида совет давлатининг гайримиллий сиёсатига қарши «босмачилик ҳаракати» кўтарилган ва бу ҳаракатдан тинч аҳоли ҳам озор чека бошлаган. Комил Яшин шундай ташвишли кунларни эслаб қуйидаги сўзларни ёзган: «...гоҳо томоша айни қизиб турган бир пайтда бирдан отишма бошланиб қоларди. Шаҳарни гарнизондаги қизил аскарлар ҳимоя қилишса ҳам, босмачилар кўпчилик бўлиб гоҳида марказга яқинлашиб қолганларида саҳнадаги артистлар ҳам жангга қўшиларди. Уларнинг бирортаси ҳам беқурол юрмасди. Босмачилар қувилиб, шаҳар тинчиганидан кейин томоша яна келган жойидан бошланаверарди. Машҳур артистлардан Исҳоқ қори Каримов, Фотих Бойбековларнинг елкаларидан бешотари тушмасди ҳисоби».

XX асрнинг 10-йилларида Андижондаги тараққийпарварлик ҳаракатида фаол қатнашган, 1917 йилдан кейин эса совет идораларида хизмат қилган кишилардан бири Акбар Ўразалиевдир. А.Ўразалиевнинг тергов пайтида берган маълумотига қараганда, 1922 йил ноябрь ойида Ўш уездида «босмачилик ҳаракати» тугатилгач, у Андижонга қайтиб келиб, «яна уезд-шаҳар инқилобий комитети раиси ўринбосари бўлиб» ишлаган, 1923 йил февралда эса шу комитетга раис этиб тайинланган. Исҳоқ қори Каримов, унинг айтишича, шу вақтда Ойим туманидаги «ўзини ўзи мудрофаа қилиш отряди»га командирлик қилган.

1937 йилнинг «қама-қама» кунлари бошланганида Совет давлатининг мустамлакачилик сиёсатидан норози бўлган кишиларгина эмас,

балки республика, вилоят ва шаҳар инқилобий комитетлари ходимлари, жумладан, А.Ўразалиев ҳам қамоққа олинди. Улар 1919 – 1920 йилларда фаолият кўрсатган «Миллий иттиҳод» ташкилотига аъзо бўлганликда айбланди. НКВД ходимлари учун бу ташкилотнинг 1924 – 1925 йилларда ўз-ўзидан тарқаб кетганининг заррача ҳам аҳамияти бўлмаган. Зеро, мақсад маҳаллий халқнинг мумкин қадар кўпроқ қисмини қамаш ва қириб ташлаш эди.

Хуллас, 1937 йил 21 июлда Исҳоқ қори Каримов «Миллий иттиҳод» аксилинқилобий миллатчилик ташкилотининг аъзоси бўлганликда айбланиб қамоққа олинди. Аҳолини, томошабинларни «босмачилар»дан милтиқ билан ҳимоя қилган санъаткор устига босмачилар томонига ўтиб, совет ҳокимиятига қарши курашган деган айб қўйилди. «Айблов хулосаси»да айтилишича, Исҳоқ қори Каримов Андижон театрида режиссёр бўлиб ишлаган йилларида миллатчилик руҳи балқиб турган асарларни саҳнага олиб чиққан, масалан, «Ойхон» спектаклида Совет давлати ташаббуси билан Қошғарда очилган маданият муассасаларини қоралаган, маҳаллий бойларни эса мақтаган эмиш. ЎзССР НКВД органлари қошидаги «учлик» ўша йилнинг 13 ноябрида шундай сохта ва уйдирма айблар асосида Исҳоқ қори Каримовга 10 йил қамоқ жазосини беради.

Исҳоқ қори Каримов қамоққа олинган кунларда у бош режиссёри бўлган Охунбобоев номидаги Андижон давлат театрида йигилишлар ўтказилиб, шу йигилишларда кечаги дўстлари унинг «кирдикорлар»ини фош этишга, айниқса, зўр бердилар. «Пахта fronti» газетаси саҳифалари уни ва унинг маслақдошларини фош этувчи мақолалар билан тўлиб-тошди. Шу газетанинг 1937 йил 15 сентябрь сонидида босилган «Халқ душманлари ва уларни сақлаб келган иккиюзлама мунофиқлар тамоман фош қилинсин!» деган мақолада, жумладан, бундай сўзлар ёзилган эди: «Маълумки, Исҳоқ қори Каримов, Расулжон Раҳимий, Расулжон Султонов, Салоҳ Сайфий каби аксилинқилобий миллатчи, халқнинг ашаддий душманлари жойлашиб олган ўртоқ Охунбобоев номидаги Андижон давлат театри ҳақида газетамизда бир қанча хабарлар босилди. Анча кечикиб босилган ва бир қадар



оперативчилигини йўқотган бу хабарларда кўрсатилишича, юқорида номлари кўрсатилган аблаҳлар театрда ўз мақсадларини бемалол амалга ошириб келганлар. Театр кучларини маиший томондан бузиш, постановкаларга ифлос «гоя»ларини суқиб, совет саҳнаси орқали оммага пьесаларни мазмун жиҳатидан бузиб кўрсатиш, театр мол-мулкани талон-торож қилиш билан шугулланиб келганлар».

Шу руҳдаги мақолалар газетанинг бир қанча сонларида босилиб, Исҳоқ қори Каримов саҳналаштирган «Фарҳод ва Ширин» спектакли тамомила яроқсиз деб топилди ва уни қайта саҳналаштириш вазифаси актёр Асад Исмамов зиммасига юкланди.

Найзавоз «дўстлар» Исҳоқ қори Каримов ва унинг маслақдошларига тўхмат тошларини отиш билангина кифояланиб қолмай, вазиятдан фойдаланиб Чўлпонни ҳам қоралашдан ўзларини тия олмадилар.

Мазкур газетанинг «Халқ душманлари... фoш қилинсин!» мақоласида яна бундай сўзлар ёзилган эди:

«Исҳоқ қори Каримов, Р.Раҳимий, Р.Султонов, Салоҳ Сайфийлар аксилинқилобий миллатчи, халқ душманларидир. Улар бизга душман эканларини яққол исбот қилиш учун мажлисларда ошкор қилинган қилмишларидан ташқари яна бир қанча фактлар(ни) кўрсатиш мумкин.

Маълумки, бултур халқ душмани Чўлпон Андиджонга «саёҳат» қилиб келди. Унинг бу келиши бежиз эмас эди.

У ўзининг ярим ойлик «саёҳат»и ичида кўп жойларда ўлтиришларда бўлди. Бу ўлтиришларда у советларга қарши игволар юргизди. Миллатчи шоир Абдулла Алавийнинг халқ душмани Ғози Юнусга атаб ёзган ва Ғози Юнус билан Ғафур Ғулломнинг бир-бирларига ёзишган аксилинқилобий шеърларини ўқиб юрди. Шунингдек, Чўлпон халқ душмани Файзулла Хўжаев ёрдами билан чет эллардан олдириб келган арабча пластинкаларни кўтариб юриб, ўтиришда иштирок қилганларга эшиттириб юрди.

Шундай ўлтиришларнинг бири яқинда фoш қилинган душман Расулжон Раҳимийнинг уйида ҳам бўлган эди.

Чамаси, бу ўтиришда маслаҳат бир бўлган бўлса керак, Чўлпон эртаси куниданоқ театр иш-

ларига аралаша бошлади. У даставвал «Актёрларнинг тили» мавзуда «лекция» ўқиди. Сўнг актёрларнинг тилини «синаш» учун ўзининг аксилинқилобий «гоя»лар билан тўлган «Кеча ва кундуз» романининг «характерли» жойларидан парчалар ўқиб кўрди...»

Куни кеча вилоят томошабинларининг ҳурмат ва муҳаббатини қозониб юрган санъаткор жазо муддатини ўташ учун Узоқ Шарқдаги Колима ярим оролига юборилди.

Исҳоқ қори Каримов 1941 йил 28 январда миллионлаб бегуноҳ маҳбусларнинг сўнгги манзили – Колимадаги шахталардан бирида рўй берган фалокат натижасида бош суяги жароҳатланиб, миясига қон қуйилиб, ҳалок бўлди.

У шу вақтда эндигина 46 ёшга кирган эди.

\* \* \*

Қуйида Исҳоқ қори Каримовнинг актёрлик ва режиссёрлик фаолиятини яхши билан драматург Комил Яшиннинг машҳур замондоши ва дўсти ҳақидаги унутилган мақоласини ҳурматли журналхонлар эътиборига ҳавола қиламан.

Мақола «Машъала» журналининг 1934 йил 4-сонида эълон қилинган.

Мақолага санъаткорнинг «Хасис» спектаклидаги Гарпагон, «Зирҳли поезд» асаридаги пис-тафуруш Хитой, «Яна уйланаман» пьесасидаги Имом ролида тушган суратлари илова қилинган эса-да, сифатсиз бўлгани учун улардан фойдаланиш иложи топилмади.

Комил ЯШИН

### Увоқ хусусиятлардан катта роллар яратувчи

Актёр ранго-ранг товушларга эга бир бебаҳо соз (инструмент), ёзувчининг асари мана шу соз қилларида жаранглайди.

Тобошачилар, айниқса, ёзувчилар ўз инструментининг игнасида ипигача билишлари керак.

Аброр Ҳидоят, Етим Бобожонов, Миршохид, Нарзуллаев Саъдихонлар ҳар чоқ ёзувчиларнинг диққат марказида туратурган санъаткорлардирки, мана шу саҳна усталарининг қаторида ўрта бўйли, чувак, қаншари паст,





бугдойранг, қийгоч кўз-огиз суяклари ирғиб чиққан; лаблари пиёз пўстидай юпқа; биров билан кўришганда юрак шодлигига ишора қилиб, кўзларини қисиб жилмаятурган; пешона ва кўз тагларини ажин босган; қур-қур тупургини тишлари орасидан сидириб олиб ютунатурган; қотма, анчагина «камгап», суҳбатда кишига навбат бермайтурган, мамадона, эпчил, чаққон, уддабурон бир киши борки, буни академик театрининг бўлмиш артисти, ҳозир Андижлон театрининг режиссёри Исҳоқ Каримов деб танийсиз.

Исҳоқ қорини саҳнада 15 йилдан бери биламиз. Исҳоқ қори бўлак усталардан ўз ижодиётидаги гўзал хусусияти билан жуда равшан ажралади. У асарда катта ўрин ололмаган, гапи йўк, кўзга кам қоқилатурган, ҳатто ёзувчининг ҳам эътиборидан четда қолган кичкина кучсиз бир типни – образни бўрттириб, тўлатиб, томошабинларнинг зихнига сингдириб, залнинг диққатини ўзига тортиб олади.

«Хужум» асаридаги эшоннинг муридани эсланг! Исҳоқ қори бу муридга минги, муте, сўтак димогидан пингиллаб сўровчи таъмагир характерларини бериб, шундай бир тип яратдики, бу тип «Хужум» постановкасида ўзига хос алоҳида ўрин тутди. «Хўроз» деган бир огиз сўзни айтиши буткул залда шагал тўкдиради. Унинг увоқдан мукамал бир тип яратишига мисол қилиб Андижонда қўйилган «Тарих тилга кирди» постановкасида босмачи Ғаффор бойнинг бир қўрбошиси ролида ўйнаганини олайлик.

Исҳоқ қори босмачиларга хос бўлган хусусиятларни, юриш-туриш, мимика (юз ҳаракати), тўнглик, дагаллик, ўгрилик ва бўлак қилиқларни жамлаб, умумлаштириб, шу қадар семиртирганки, ҳатто унинг ёнида шунча сўз, шунча ҳолат, иш ва курашга эга бўлган Ғаффор бой ҳам ип эшолмай қолади. Қорининг Темирнинг уйига босиб кирганлиги ўйинларини эсланг!

Бундан бўлак «Фарҳод ва Ширин» (академик театр постановкасида) тоғ қазувчи бир ишчини ранго-ранг меҳнат приёмлари билан бўрттириб, Масков студиясида тайёрланган «Қоровул уйқуси»да бир босмачи типини яратди. «Ҳалима»да табиб, муфти типларини ижод қилди. «Зирхли поезд»да бир хитой агенти[ни] буткул рух, юрак

сезгиси билан кўрсатди. У оригинал асарлардаги катта-катта типларни ўзининг кекса тажрибалари билан мукамаллаштирди. «Арслон», «Яна уйланаман»да домлалар; таржималардан «Коваи оҳангар»да Заҳҳок, «Шторм»да Братишка ролларида кўринди.

Исҳоқ қорининг ижодий ўсувига дунё классикларидан Мольернинг «Хасис» комедиясида Хасис, Гоголнинг «Терговчи»сида Бобчинский ролларида ўйнади.

Исҳоқ қорининг мақтарлик томони шуки, у ўз сеҳнида ижоди учун турмушдан, тарихдан, ҳаётнинг майда икир-чикирларини ҳам қўймай, бир талай захира гамлаган. Шунинг учун у бир тип яратмоққа киришганда дарров ўз хазинасидаги захираларга мурожаат қилади ва енгиллик билан, тугилмаган, муҳрланмаган нарсалар яратади.

Иккинчи мақтарлик томони шуки, у ўзида бўлган қўрларга қоқилмай, типларни ранго-ранг қилиш тилагида яна бойлик қидиради. Кўчада, трамвайда, ёш-яланг, хотин-халажлар тўпланган жойларда характер-тип кетидан юради. Бир нарсани илинтирдимиз, дарров пардозлаб, тарашлаб, силлиқлаб саҳнага кўтаради.

Исҳоқ қорининг увоқ нарсадан тип яратиш, ижод халтасини турмуш бойликлари билан тўлдириш, эски ва янги одамларнинг характер-қилиқларини юрак сезгиси, тушунча, қайги, шодликларини, турмушга бўлган муносабатларини ўрганишга астойдил эътибор қилуви ёш кучларимиз учун ўрناق бўлуви керак.

Лекин баъзи ўринларда қорининг типни ҳаддан ташқари кулки кепатасига солиб, асосий идеяга зарба бериш каби камчилиги бор. У ўз ижодиётини шу нўноқликдан халос қилмоғи керак. (Бунга «Ҳалима»даги муфти роли мисол бўла олади.)

Қори кейинги йилларда режиссёрлик бобида ҳам анча кўтарилди. «Тарих тилга кирди», «Ичкарида», «Фарҳод ва Ширин»ларни саҳнага чиқарди. Унинг режиссёрлик ижодиётида мўлгина кемтик ерлари бўлиб, «Тарих тилга кирди»ни академик театрининг постановкаси шаклидан ажратиб ололмаган бўлса ҳам, «Фарҳод ва Ширин»ни – танцаларнинг йўқлигига эътиборга олмаганда – қойил қилганига тан берамиз.



# АБДУЛЛАЕВ ҲАБИБ МУҲАММЕДОВИЧ

(1912 – 1962)

Рустамбек Шамсутдинов

*(Давоми. Боши 2017 йил 1 – 3-сонларида)*

Ҳ.М.Абдуллаевнинг нутқидан сўнг бюро аъзоларининг чиқишлари бўлди. Уларнинг нутқларини рус тилидан ўзбек тилига ағдариб, қандай бўлса шундайлигича келтиришни лозим билдик. Бизнингча, бу нутқлар ўша даврдаги республика раҳбариятининг фан тараққиёти ва илмий салоҳиятга, фан ютуқларини ишлаб чиқаришга, ҳаётга жорий қилишга қанчалик аҳамият бергани ҳақида тасаввур уйғотиши мумкин. Айниқса, республиканинг биринчи раҳбари Шароф Рашидовнинг сермулоҳаза фикрлари бугунги кун учун ҳам аҳамиятли эканини ҳис эта оламиз.

**Абдураззақов М.А.** Мен қуйидагиларни билдирмоқчиман. Чиндан ҳам, биздаги ўсиш сон кўрсаткичини ташкил этади. Шу билан бирга, сифат ҳам бўлиши керак. Бу фан ютуқларининг ишлаб чиқаришга жорий этилиши билан ўлчанади. Айтмоқчиманки, яратилаётган янгликларнинг ҳаммаси ҳам ишлаб чиқаришда қўлланиляпти дея олмайман. Ваҳолонки, иттифоқдош республикаларда, жумладан, Ўзбекистон Фанлар академиясининг фаолияти республика партия ташкилоти ва халқ олдида турган муаммоларни ҳал қилишга қаратилиши лозим. Бошқача айтганда, илмий ходимлар уларга ушбу вазифаларни ҳал қилишда яқиндан ёрдам кўрсатиши керак. Айттайлик, энергетиклар механика, автоматика соҳасида нима ишлар қилиши кераклиги ва ҳоказо. Ядро институтида эндигина бошланаётган бўлса-да, кўп ишлар қилинди. Ходимлар ишчилар синфининг меҳнатини енгиллатиш мақсадида нимадир қиляпти.

Агар бир қатор фан соҳаларини оладиган бўлсак, аҳвол оғир эканлигини кўрамиз. Масалан, Ўзбекистонда каноп етиштирилади. Уни бирон-та республика Ўзбекистон даражасида етиштира олмайди. Биз асосий ишлаб чиқарувчи ҳисобланамиз. Бироқ Фанлар академияси бунга бефарқ, улар каноп етиштирувчилар меҳнатини енгиллатиш ҳақида ўйлаб ҳам кўришмайди. Балки, бунга саноат соҳаси айбдордир. Бироқ Фанлар академияси нима иш қилди? Айтарли ҳеч нарса. Каноп етиштирувчилар ота-боболадан қолган оғир қўл меҳнатини бажаришмоқда. Албатта, биз фандан машиналар ишлаб чиқаришни талаб қилмаймиз. Лекин республика ва халқ хўжалиги олдида турган муаммоларга бефарқ бўлмаслик керак. Лозим бўлса, конструкторларга каноп етиштирувчилар меҳнатини осон қилиш учун зарур йўналишлар бериш мақсадга мувофиқдир. Бироқ Фанлар академияси бу борада ҳеч бир иш қилмади.

Ёки сабзавотчилик ва картошка етиштиришни олиб кўрайлик. Иттифоқдош республикалар илмий-тадқиқот институтилари суғорилмайдиган майдонлар учун машиналар яратишди. Бироқ улар суғориладиган ерларга ярамайди, асосий меҳнат яна қўл кучига қоляпти.

Мен қишлоқ хўжалигида меҳнатни енгиллатиш масаласини кун тартибига қўяман.

Бизда иккита кимё институти мавжуд. Уларда нимадир ишлар қилинапти. Бироқ уларда дефоляция, юқори самарали дефолиантлар яратиш масалалари устида суғ иш олиб бориляпти. Ваҳолонки, дефоляцияни ўтказишда



катта қийинчиликларга дуч келяпмиз, буни ҳаммангиз яхши тушунасиш. Цианамид кальцийни қўллашда маълум шароит талаб этилади: шамол ва шудринг бўлмаслиги керак, самолёт беш метр баландликда учиши лозим. Шундай қилингандагина самарадорликка эришиш мумкин. Шулардан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, академия республикамиз олдида турган йирик муаммоларни етарлича ҳал этолмаяпти. Шу нуқтаи назардан қаралганда, бу ерда олиб борилаётган ишлар партия ташкилоти талабларини, халқ хўжалиги эҳтиёжларини қондира олмаяпти.

Олимларимиз томонидан фан натижаларини бўрттириб кўрсатиш норозилик уйғотмоқда. Қиладиган ишларимиз кўп. Булар қарор лойиҳасида эътиборга олиниши лозим. Масалалар аниқ йўналишга эга бўлмоғи керак.

**Мусахонов М.М.** Мен шуни айтмоқчиманки, республикамиз, партия ташкилотимиз олимларимизнинг, бутун меҳнатқашларимизнинг меҳнати туфайли ривожланишда жуда катта ўсишга эришаётган экан, бунда бизнинг Фанлар академиямиз олимларининг ҳам ҳиссаси бор. Академия ишлади. Академиянинг тараққий этиши биз учун жуда қувонарлики, албатта, бунинг учун Марказий Комитетга, ҳукуматга, Ўзбекистон КП МКига, республика Министрлар Советига ва Фанлар академияси олимлар жамоасига катта раҳматлар айтаман.

Чиндан ҳам, ўсиш жуда юқори.

Бироқ ҳамма нарса биз ўйлаганимиздек бўл-яптими, мен эътиборингизни худди шу масалага қаратмоқчиман. Қўшиламан, ҳам институтлар, ҳам олимлар сониди ўсиш бор. Бу яхши, албатта. Бироқ айтиш пайтда биз ўсиш суръатлари билан боғлиқ бўлган самарадорликка эриша олмаяпмиз. Натижа кутилгандек бўлмаяпти. Шундан келиб чиққан ҳолда айтмоқчиманки, юқорида таъкидланганидек 500 – 1000 нафар илмий ходимлар ишлаётган институтлар бор. Лекин шундай катта институтда бор-йўғи бир нафар доктор ва бир нечта фан номзодинигина учратадими, холос.

Шуни айтиш керакки, илмий-тадқиқот институти у ерда қачонки фан докторлари иш олиб борган, раҳбарлик қилган, лаборатория-

лар ва олимлар фаолиятини тўғри йўналтира олган тақдирдагина кутилган натижани беради. 500 – 600 ходимнинг ишига биргина фан доктори раҳбарлик қилган жойда яхши натижага эришиб бўладими? Йўқ, албатта. Ёки бир нафар фан номзоди юзлаб кишига раҳбарлик қила оладими? Қила олмайди.

Кадрлар тайёрлашдаги номутаносиблик унинг сифатига таъсир ўтказмасдан қолмайди. Агар эътибор берсангиз, институт томонидан тавсия қилинган 300 та ишдан фақат йигирматаси ўтади, қолганлари эса қолиб кетади. Фанлар академияси иш топшириб, уни қайта қабул қилмаслиги ўта ноқулай ҳолатни юзага чиқармоқда. Шу тарзда номутаносиблик юзага келмоқда. Келгусида бунга жиддий эътибор қаратиш лозим.

Иккинчидан, ҳамма олимларимиз, институтларимиз ишлаб чиқариш, саноат корхоналари билан яхши алоқадами? Менинг ўйлашимча, ҳаммаси эмас. Бир қатор институтлар ва илмий ходимлар борки, улар ишлаб чиқариш билан яхши алоқа ўрнатган, бошқалар эса ундай эмас. Натижада ҳаётдан, олдинда турган вазифалардан узилиб қоляпти. Бу саноат соҳасида ҳал этилиши лозим бўлган муаммоларнинг бартараф этилишига тўсқинлик қилмоқда. Фанлар академияси ўта зарур бўлган ана шу алоқани тезда тиклаши лозим.

Тугалланган ишланмалар ҳақида ҳамда Фанлар академиясининг фаолият натижалари ҳақида маълумотномада ёзилган. Унда ушбу ишларнинг ҳаммаси ҳам кўнгилдагидек эмаслиги кўрсатилган. Академия фақат жавон тўлдириш учун ишламаслиги керак. Академия қурилиш соҳасида ҳам муҳим ҳисобланган масалаларни ҳал қилиши лозим. Демак, Фанлар академиясининг бутун фаолияти маълум бир мақсадга бўйсундирилиши керак, фан ютуқлари ишлаб чиқаришга жорий этилиши шарт. Кўплаб ишланмалар йиллар давомида жорий этилмасдан ётибди, сабаби, уларни охирига етказиш лозим, кўплари эса нотўғри бажарилган.

Фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш борасида етарли иш олиб борилмаганлиги Фанлар академияси фаолиятидаги жиддий хато ҳисобланади.



Ва охирги гапим. Бизда муҳокама қилиш зарур бўлган бир қатор ҳолатлар мавжудки, бунга малакали, катта ҳурматга эга бўлган олимларимизнинг деярли ҳамма ишларда ҳукмронлик қилиши сабаб бўлмоқда. Бу академиянинг партия ташкилоти илмий ходимларни марксизм-ленинизм руҳида тарбиялаш борасида суст иш олиб бораётганлигини кўрсатади. Олимми ёки йўқ, ким бўлишидан қатъи назар, партия ташкилоти у билан маълум тарбиявий иш олиб бориши талаб этилади. Кўринишидан Фанлар академиясининг партия ташкилоти ишида катта камчиликлар мавжуд, бу ҳақда маълумотномада ёзилган, ушбу камчиликлар маълумотномадан ташқари ҳам бизга яхши аён. Институтларда танқид ва ўз-ўзини танқид таъмоийлини кенгайтириш талаб этилмоқда.

Олимларнинг алоҳида ишлари инженер-техниклар жамоалари ўртасида муҳокама мавзусига айлантирилса жуда яхши бўларди. Бу ҳар битта институт, шу жумладан, инженер-техник ходимлар ишига яқиндан ёрдам берган, ҳар икки томонга ҳам бирдек фойда келтирган бўлар эди.

Менинг айтган фикр-мулоҳазаларим қарорда эътиборга олинса фойдадан холи бўлмасди. Таклиф этилаётган лойиҳани қабул қилиш керак деб ҳисоблайман.

**Мартинов.** Сўнги пайтда, айниқса, КПСС МКнинг ишлаб чиқаришга техникавий янгиликларни жорий этишни кенгайтириш масаласи кўриб чиқилган июнь пленумидан сўнг партия Фанлар академиялари фаолиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Ушбу пленумда таниқли академиклар сўзга чиқибди. Улар бир қатор яхши таклифлар билдиришди ва бу таклифлар пленум қарорида ўз ифодасини топди.

Сўнги йилларда КПСС МК уч марта мажлис ўтказди. Уларда ўта қисқа муддатда илмий ходимларнинг катта жамоаларидан кутилган натижани олиш мақсадида илм-фанни ишлаб чиқаришга яқинлаштириш масаласи кўриб чиқилди.

Ўртоқ Абдуллаев Фанлар академияси 8 минг кишидан иборат эканлигини айтди. Бу керакли иш, бўлгани яхши. Бироқ одамлар сони Фанлар академиясининг ишини белгиламаслиги керак. Биз ана шу одамлар нима натижа бераётганига қарашимиз керак.

Бир қатор институтлар мисолида шуни айтиш керакки, сўнги вақтда Фанлар академияси институтлари билан ишлаб чиқариш ўртасидаги алоқа яхшиланди. Айрим институтлар ишга яхши киришган, айниқса, Ядро физикаси институти Совет Иттифоқи халқ хўжалиги учун катта аҳамиятга эга бўлган дастурий ишларни амалга оширяпти. Бироқ Фанлар академияси беш йил мобайнида атиги 90 та ишланмани ишлаб чиқаришга жорий этганлиги унинг самарасиз ишлаётганлигини кўрсатади.

Тасаввур қилайлик бунга ишлаб чиқариш айбдор, у ерда фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этишни истамайдиган одамлар ўтирибди деб. Бунда, энг аввало, биз айбдор бўламыз. Бироқ олти йил ичида 8 минг нафарлик олимлар томонидан 90 та ишланманинг тақдим этилиши, менинг фикримча, Фанлар академияси учун фавқулудда ҳолат ҳисобланади.

Нима учун шундай бўлди? Бу ерда айб, энг аввало, Фанлар академияси президиумида, биринчи навбатда, унинг президентида. Ишланмаларни жорий этиш бўйича назорат йўқолган. Илмий таклифларни амалиётга жорий этишга мажбур қиладиган органлар кўп, Министрлар Советидан тортиб то МКгача. Уларга ушбу масалаларни қўйиб, ўз вақтида ҳал қилишингиз мумкин эди. Ушбу мавзулар Ўзбекистон саноатини ривожлантириш учун долзарб эмас кўринади, шундан бўлса керак, улар жорий этилмасдан қолмоқда.

Фанлар академияси фаолияти докторлар ва фан номзодларининг қанчалиги билан баҳоланаётганлигига мен қаршиман. Бу Фанлар академиясининг бугунги ҳолатини белгилайди, биз эса улар томонидан жорий этилган таклифларга қарашимиз лозим.

Бизда кўп институтлар нотўғри йўналишга чалғиб кетмоқда. Жумладан, Механика институти. Биз бу масалани кўриб чиққан ҳам эдик. Тушунаман, конструкторлик билан шугулланиш керак, бироқ Механика институтининг конструкторлик бюросига айлантирилишини нотўғри ва зарарли деб ҳисоблайман. Чиндан ҳам, тўрт йил мобайнида биз биронта тармоқда, айтайлик, пахта териш машиналарини такомиллаштириш борасида биронта ҳам назарий асосга эга бўлмадик.



«Ташсельмаш» заводида ГСКБ конструкторлик бюроси тузилган. Машина қисмларини ясаётган конструкторларга ёрдам бериши мумкин бўлган назарий асосларни ҳалигача олганимиз йўқ.

Назариянинг амалиётдан ажралиб қолганлигини тасдиқловчи иккинчи мисол, биз ГСКБ ротар дастгоҳлари устида иш олиб боряпмиз. Бироқ олимлардан бизга тўғри ҳисоб-китоб қилиш учун зарур бўладиган ёрдамларни ололмаёпмиз. Ваҳоланки, ротар дастгоҳларини яратиш яхши ва эзгу иш ҳисобланади.

Нега шундай бўляпти? Сабаби, ҳамма практицизм билан овора бўлиб қолган. Шу сабабли биз пленумларда бир неча бор чиқишлар қилдик, ушбу камчиликларни бартараф этиш учун ёрдам сўраб мурожаатлар қилдик.

Учинчидан, бизда бир-бирини такрорлайдиган институтлар кўп. Фанлар академияси ҳамда Совнархоз ушбу масалаларни мувофиқлаштириши керак эди. Бироқ биз буни ҳозиргача бажармай келяпмиз. Саноатда ҳам, Фанлар академиясида ҳам, унинг Тиббиёт институтида ҳам, бошқа жойларда ҳам бир-бирини такрорлаш ҳолатлари мавжуд.

Ишларни мувофиқлаштириш масаласи ўрганиб чиқилиб, қарор қабул қилинган. Ўртоқ Султонов бу ишга киришган эди, бизга ҳаммаси маълум бўлди. Демак, бу ерда ҳам Фанлар академияси президиумининг хатоси бор. Мен ўзимни айбсиз деб ҳисобламоқчи эмасман, лекин бундай бир-бирини такрорлаш ҳолатларига барҳам бериш керак эди.

Яна бир масала бу Фанлар академиясининг ишлаб чиқариш билан алоқаси ҳақида. Бизда нотўғри тушунча шакланган. Бу тушунча «Бизга пул ва штатлар ажратинг, шунда сиз айтган буюртмани бажарамиз» қабилида иш тутишдан иборат.

Мен ўзим МК пленумида қатнашдим. Қарорда айтиладики, биз меҳнат самарадорлигининг тез ўсишини таъминлашга қаратилган технологияларни жорий этиш учун олимларимиз илмий фаолиятини ишлаб чиқаришнинг ўзига яқинлаштиришимиз керак.

Бизда Иқтисодиёт институти бор. Мен иқтисод билан боғлиқ айрим масалаларни ҳал

қилиш мақсадида ёрдам сўраб бир неча бор мурожаат қилдим. Улар эса менга аввал штатлар ажратинг, шунда махсус лаборатория ташкил қилиб, сўнг ушбу масала билан шуғулланамиз деб жавоб қайтаришди.

Ахир бу нотўғри эмасми, ўртоқлар? Бутун кучимизни иқтисодга қаратиб, ундан самара олиш ўрнига яна давлатдан нимадир ундиришга ҳаракат қиламиз. Афсуски, бундай салбий ҳолатлар мавжуд, улар Фанлар академияси фаолиятида ҳам кўзга ташланиб турибди.

Менинг фикримча, барча кучларимиз ишлаб чиқаришнинг техник даражасини кўтаришга, асосий масалаларни ҳал қилишга қаратилмоғи лозим. Бу масалалар қабул қилинадиган қарор лойиҳасида ўз ифодасини топишини истайман.

Қарор лойиҳасига қўшиламан, Фанлар академиясида ютуқларнинг бўлмаслиги мумкин эмас, сабаби, Ўзбекистон КП Марказий Комитети КПСС МК пленуми қароридан сўнг бир жойда қотиб туриши мумкин эмас. Фанлар академияси ва унинг президиумида камчиликлар борлиги ҳақидаги фикрни маъқуллайман, бироқ 8000 нафардан иборат олимлар жамоаси мавжуд ҳолатни тўғри тушунишига ишонмайман. Биз академия фаолиятини одамлар сонига қараб баҳолай олмаймиз, бунинг учун, биринчи навбатда, иш сифатига эътибор қаратишимиз даркор.

**Муртазаев К.М.** Шубҳасиз, кейинги пайтда Фанлар академияси, илмий-тадқиқот институтлари ишида катта ўзгаришлар рўй берди, буни сўзга чиққан ўртоқлар ҳам таъкидлаб ўтишди. Бироқ фан масалаларида камчиликлар мавжудки, бу ҳақда ҳам юқорида сўз юритилганлиги боис ушбу масалага тўхталмоқчи эмасман.

Мен битта масалани ўртага ташламоқчиман. Шуниси ачинарлики, олимлар ўртасида нотўғри муносабат, бир-бирини кўролмаслик, бир-бирининг устидан юқорига шикоят ёзиш ҳолатлари мавжуд. Буларнинг ҳаммаси Фанлар академияси фаолиятига, бутун илм-фан ишига салбий таъсир ўтказяпти.

Академия кучини бир ерга жамлаш ўрнига айрим олимларимиз ўзларини нотўғри тутишяпти, бир-бирининг устидан юмалоқ хатлар ёзишяпти, бу фан ривожига тўсқинлик қилмоқда, холос.



Масала МК бюросида кўрилатганида бу ҳақда тўхталмаслик нотўғри бўларди. Олимлар ўртасида баъзан норозиликни, миллатчилик кайфиятидаги гап-сўзларни эшитиб қоласан. Амалпарастлик ҳолатлари ҳам юзага чиқиб қолмоқда. Айрим олимлар нималарни муҳокама қилмайди дейсиз. Партия ва халқ учун ишлаш, партиёга раҳмат айтиш ўрнига баъзи олимлар ўзларини нотўғри тутишяпти. Шуни эсдан чиқармаслик лозимки, агар Коммунистик партия бўлмаганида, айрим олимлар иштонсиз (қўполлигим учун кечирасизлар) юрган бўлишарди. Раҳмат ўрнига улар югур-югур, бир-бирининг устидан игво ёзиш, оёгидан чалиш билан банд.

Бугун ҳақиқатни гапирмасдан бўлмайди. Бундай салбий ҳолатлар яқин вақт ичида олимлик даражасига кўтариламан деб турган ёшларни нотўғри тарбиялашга олиб келади.

Бугун айримлар ўйлашяпти ким президент бўлади, кимни тавсия этиш керак, кимнинг устидан игво ёзиш керак деб. Ахир, бу совет олимга муносибми, ахир, бу академик, илмий-тадқиқот институти ходими учун ярашиқлими? Лекин ҳақиқатдан қочиб бўлмайди. Буларнинг барчаси Фанлар академиясининг салбий иш олиб бораётганлигини кўрсатади.

Наҳотки, Фанлар академияси партиёга дахлдор бўлмаса? Совет мамлакатада фанда бирон-та партиёсиз ташкилот бўлмаслиги керак!

Буларнинг ҳаммаси айтиш керак бўлган масалалардир.

Буларнинг барчасига кескин сиёсий баҳо бериш керак. Баъзан Фанлар академиясида ишлаётган коммунистлар миллий чекланиш кайфиятини ўзида ифода этишяпти. Аслида эса Фанлар академияси кишиларни тарбиялаш билан шугулланиши лозим. Мен бунга ҳеч сингдира олмаяпман ва ҳозир шулар ҳақида айтишга мажбур бўлдим.

Ёки хусусий мулкдорлик билан боглиқ кўринишларни олайлик. Мен бу ҳақда ҳам тўхталмасдан ўтолмайман, чунки ҳар куни шу масалада келатганларни қабул қиламиз. МКда олимларни ҳимоя қилишга, ишчиларни кўндиришга, олимлар чиндан ҳам хизмат кўрсатган одамлар эканини, уларга маълум имтиёзлар берилишини исботлашга тўғри келяпти.

Айрим олимларнинг ўзларини нотўғри тутиши энди ортиқча. Улар беш-олтита бўлса ҳам майлига эди, лекин бу нарса оммавий тус оляпти. Бундай фактларга ўз вақтида муносабат билдириб, айрим ўртоқларни тўғри йўлга солиб қўйиш керак.

Мен қарор лойиҳасини маъқуллаймаман.

**Насриддинова Ё.С.** Ўзбекистон Фанлар академияси КПСС МК ҳамда Иттифоқ ҳукумати раҳбарлиги остида катта ишларни амалга оширди, бунга шубҳа йўқ. Бизнинг олимларимиз ва мутахассисларимиз меҳнатига Ўзбекистон Компартияси XVI съезди ҳисобот маърузаси ҳамда унинг резолюциясида ҳам жуда яхши баҳо берилди.

Шу баробарда, бугун муҳокамага чиққан ўртоқлар тўғри таъкидлашди, агар катта ёрдам кўрсатилмаганида, қўллаб-қувватланилмаганида, олимлар нима ҳам қила оларди?

Партия ва ҳукуватимиз олимларга катта маънавий ва моддий ёрдам кўрсатмоқда. Бироқ бу ерда ўтирган аксарият олимлар бунга унутиб қўйишган. Кўпчилик капиталистик давлатларда бўлган. Биронта капиталистик давлатда олимлар шунчалик моддий ва маънавий таъминланганлигини кўрганмисиз? Шундай экан, натижа ҳам бўлиши керак.

Ана шу натижа бўляптими? Шундай ўртоқлар ҳам бор, яхши ишлашяпти, бироқ қарор лойиҳасида кўрсатилганидек, кутилган натижа бўлмаяпти. Натижага эришиш мумкинми? Мумкин, агар олимлар, энг аввало, академия президиуми аъзолари, илмий-тадқиқот институтлари директорлари бир ерга жиқслашиб, самарали иш олиб боришса.

Мен кадрларни танлаш масаласига тўхталмоқчиман. Бу кўп ишларда муваффақиятни таъминлайди.

Фанлар академияси, биринчи навбатда, унинг президенти Ҳабиб Муҳаммедович томонидан кадрлар танлашда бутунлай нотўғри ҳолатга йўл қўйилган. Ҳаммасига тўхталмоқчи эмасман, ҳозир Эшонов (ҳужжатда Нишонов, аслида, Эшонов – Р.Ш.) ҳақида гапирсам. Мен уни олим сифатида танимайман, бироқ у Министрлар Советида бўлим бошлиги бўлиб ишлаган. Қандай қилиб у Философия ва ҳуқуқ институти директори бўлиб қолганлигини ҳеч тушунмадим.



Ёки Иноятовни олиб кўрайлик. Институтлар директорларини, унинг илмий ходимларини танлашда президент томонидан ҳамisha тўғри йўл танланган деб бўлмайди. Бошқача айтганда, одамлар ишчанлик ва сиёсий етуклик даражасига қараб танланмаган. Йўл қўйилган фактлар ошна-огайничилик муносабатларидан келиб чиққан ҳолда кадрлар танланганлигини кўрсатиб турибди. Ҳеч ким Нишонов (Эшонов – Р.Ш.) сиёсий ва маънавий қиёфасига қараб институт директори лавозимига тайинланган дея олмайди.

Олимлар чўнтагига қарамаслиги керак дея олмаймиз. Бироқ давлат пули сарфланаётганда нега биз ҳаддан зиёд сахий бўлишимиз керак?

Тўғри, Министрлар Совети Фанлар академияси тақдимномасига кўра штатларни оширди. 1957 йилдан 1961 йилга қадар академия ходимлари сони 7 минг нафарга, яъни икки баробарга ортди. Бундай ўсиш керакмиди? Йўқ. Бунга зарурат йўқ эди. Фақат маъмурий-бошқарув аппаратида ишловчилар сони икки баробарга кўпайди. Бизда ҳар йили маъмурий-бошқарув ходимларини қисқартириш амалга оширилади, каранг, Фанлар академияси эса қанчалик кенгайган.

Агар Министрлар Совети маълум даражада талабчан бўлганида, ҳужжатлар имзоланаётганда сўраларди шунча штат нимага керак деб. Бўлмаса, илмий ходимни коммутаторда ушлаб туришга, ҳар бири уч кишидан иборат бўлган техник ходимларни тасдиқлашга изн берилмасди.

Фанлар академиясида бўлса-бўлмаса штатларни ҳаддан зиёд оширишга, ходимларга қонундан ташқари оширилган миқдорда иш ҳақи тўлашга йўл қўйилган. Давлат хазинасидан пул олаётганда нега ҳеч ким ҳисоб-китоб қилмайди? Нега штатлар кўпайтирилади, нимага оширилган маошлар тўланади?

Юқорида Муртазоев уй қуриш ҳақида гапирди. Афсуски, академикларнинг кўплари ҳовли-жой қуришга ҳаддан зиёд берилиб кетишди. Ваҳолонки, улар қулай коммунал квартираларга эга. Агар яшаш жойи бўлмаса, агар уйда илмий иш олиб бориш учун зарур шароитларга эга бўлмаса, бу бошқа масала эди. Қачонки

шинам уй-жойга эга бўла туриб, унга 3 – 5 километр яқин жойда бошқасини қуриши тўқликка шўхликдан бошқа нарса эмас.

Ўртоқлар айтиши мумкин Москвада қуриш-япти-ку деб. Биз нега уларга тақлид қилишимиз керак? Бизнинг олимларимиз ҳовли-жойда истиқомат қилаётган бир пайтда Москвада олимлар 5 – 10-қаватларда яшашяпти. Шунинг учун чиройли ҳовли-жойга эга бўла туриб Оржоникидзе районида яна уй қуриш шарт эмас. Агар ўша уйлар қонуний қурилганида гап ҳам бўлиши мумкин эмас эди. Нега бошқа йўлдан боришимиз керак?

Айрим олимларимиз ўзларини ноқулай аҳволга солиб қўйишди. МК бюросининг бошқа аъзолари қандай қабул қилганлигини билмайман, лекин менга КПССнинг XXII съезди якунлари бўйича ишчилар синфига тушунтиришим жуда қийин бўлди. 20 – 30 нафар кишини қабул қилар экансан, уларнинг 80 фоизи квартира беришни сўраб мурожаат қилишади. Қаранг, улар қандай қийин аҳволда яшашади. Шунинг учун олимларимизнинг тўқликка шўхлик қабалида иш тутиши одамни хафа қилади.

Бугун бюро аъзолари айрим фактларга эътиборни қаратиб, жуда кескин ва адолатли гапларни айтишяпти. Фанлар академияси аъзолари бундан тўғри хулоса чиқариб олишлари керак.

КПССнинг XXII съезди ҳамда Коммунистик партия ҳаракат дастури Ўзбекистон партия ташкилотлари, ўзбек халқи зиммасига юксак вазифаларни юклади. Саноат, қишлоқ хўжалиги ҳамда барча халқ хўжалиги тармоқларидаги ўсиш суръатларини олимларимиз яхши билишади. Улар партия ташкилотига партиямиз дастурини муддатидан илгари бажарилишига катта ёрдам кўрсатишлари керак.

Хўш, олимлар эришган ютуқлар ушбу дастур доирасида қаралганда бугунги талабга жавоб берадими? Лекин нимагадир айрим олимлар, Фанлар академиясининг айрим аъзолари эришилган натижаларни қайд этиш билан овора бўлиб қолишяпти.

Уларга раҳмат, эришилган натижалар чўнтагимизда турибди. Агар танқидий нуқтаи назардан таҳлил қилиб кўрадиган бўлсак, Фанлар академиясида бажарилган ишлар КПССнинг



XXII съезди белгилаб берган вазифаларга тўла жавоб берадими? Бунга ўзингиз ҳам йўқ деб жавоб берасиз. Сизлар олдинга қараб катта сакрашни амалга оширишингиз керак.

Ўйлаймизки, Фанлар академияси аъзолари бугунги муҳокамадан жиддий хулослар чиқаради ва МК бюросига амалий ишлари билан жавоб қайтаради.

МК бюроси қарорига келсак, мен уни маъқуллайман.

**Наймушин Г.Ф.** Менимча, тақдим этилган маълумотда ҳамда қарор лойиҳасида Фанлар академияси фаолияти батафсил ва рўй-рост кўрсатиб берилган. Агар тушунган бўлсам, Фанлар академиясидаги ўртоқларнинг ҳам ушбу маълумотга нисбатан жиддий эътирозлари йўқ.

Чиндан ҳам, агар жиддий ўйлаб кўрсак, ушбу маълумот билан яхшилаб танишсак, республикамизда амалга оширилаётган илмий ишлар нақадар кенг кўламда эканлигини, қандай масалалар ҳал этилаётганлигини кўраимиз. Фанлар академияси йирик марказга айланди, бу ерда катта куч тўпланган, давлат эса ундан маблагини ҳам, бошқа нарсасини ҳам аямаяпти. Бу партия ва ҳукуватимиз томонидан фанни ривожлантириш борасида кўрсатилаётган гамхўрликнинг ёрқин ифодасидир. Агар лозим бўлса, бу республикадаги барча илмий марказларнинг ривожланиши билан исботланган ленинча миллий сиёсатнинг кўриниши деган бўлардим.

Шу жиҳатларга эътибор бериб таҳлил қилганимизда давлатнинг Фанлар академиясига ва Фанлар академиясининг давлатга келтирган фойдаси ўртасида катта тафовут борлиги кўзга ташланади. Менимча, асосий вазифа ана шу номуносивликни тезда бартараф этишдан иборат, йўқса, ортиқча пул сарфлашдан нима фойда? Партия, КПСС МКнинг қатор қарорлари шуни талаб қилмоқда. Ходимлар сонини оширишга уриниш биз ўйлаган нарса эмас. Энг аввало, илмий ишлар сифатини ошириш керак. Кўп нарсаларни бердик, шунга қарамай, штатлар қоидасини бузиш ҳолатлари мавжуд. Ходимларнинг 8 минг нафарга етказилиши, бунинг устига, маълумотда қайд этилганидек, штатлар жадвалининг бузилиши шундан дарак берадики, бу ерда давлатнинг миллионлаб сўм

маблаглари юлиб олинган. Буни МК бюроси қарорига акс эттирмаслик мумкин эмас.

Хизмат вазифаси юзасидан баъзан шундай ҳолатларга дуч келаманки, улардан шундай хулоса чиқариш мумкин: бизда илмий кадрларни танлаб олиш, ўрганиш, сиёсий тарбия ишларини олиб бориш қониқарсиз йўлга қўйилган. Олимлар орасида ҳали тўла юзага чиқмаган салбий кайфиятдагилар ҳам йўқ эмас, мен бу ерда миллатчилик, советларга қарши фаолият ҳақида ҳали гапирганим йўқ. Республикада бундай ҳолатлар йўқ ва бўлмаслиги ҳам керак. Бироқ илмий-тадқиқот институтлари партия ташкилотларига бирлашган яхши кадрлар орасида ҳам бегона ўтлар учраб туради. Биз эса уларни вақтида анализ қилмаймиз, таг-томири билан суғуриб ташламаймиз.

МК бюроси қарорига илмий кадрларни чуқур ўрганиш, уларни сиёсий жиҳатдан чиқиштириш масалаларига эътибор қаратилиши лозим, шунда натижа ҳам яхши бўлади.

Бу масалалар ҳал этилиши учун улар Фанлар академияси президиуми амалий фаолиятига киритилиши ва МК бюроси қарорига бунга алоҳида эътибор қаратилиши керак.

**Федюнинский И.И.** Мен МК бюросига тақдим этилган қарор лойиҳасини маъқуллайман. Бу ерда айтилган гаплар учун ўз овозимни бераман.

Қарор лойиҳасида шундай деб ёзилган: «Фанлар академиясига йиллик мажлис ўтказиш, унда КПССнинг XXII съезди яқунларини ҳамда съезд қарорига асосан илм-фан олдига қўйилган вазифаларни муҳокама қилиш топширилсин».

Фанлар академияси ушбу масалада кечикаётган экан, бу президиум учун ҳам, академия учун ҳам яхши иш эмас. Барча бузгунчиликлар, фитначилик, гаразгўйлик, кўролмаслик, аноним хатлар, бир-бирини ковлашлар шундан келиб чиқади. Натижада улар мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдан узилиб қолмоқдалар. Фанда эса бундай бефарқлик ярамайди.

Зоя Раҳимовна (Гап Зухра Раҳимовна Раҳимбобоева ҳақида кетмоқда – Р.Ш.) мажлис ўтказганлиги ҳақида маълумот берди. Унда мазкур пунктни чиқариб ташлаш керак. Фанлар академияси президиуми буни инобатга олиши керак.





Иккинчи масала, мен ўртоқ Абдуллаевни жуда ҳурмат қиламан, унинг менга ҳеч қандай эътирози бўлмаслиги керак, уни хафа қилмоқчи ҳам эмасман. Лекин унинг аризаси менга ёқмади. МК бюросида партия аъзосини ишдан четлатиш ҳақидаги масала кўрилатган пайтда ариза бериши тўғри бўладими? Бундай пайтда ариза ёзиш шарт эмас.

**Азимов С.** Бугун МК бюросида ушбу масала кўрилатган пайтда 1956 йилда КПСС МК масъул ходимлари бошчилигидаги катта гуруҳнинг республикамизга келганлиги ёдимга тушди. Улар Фанлар академияси фаолиятини, илм-фаннинг келгусидаги ривожланишини батафсил ўрганиб чиқишган эди. КПСС МК комиссияси яқунлари бўйича чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган.

Сизга маълумки, ўшанда Фанлар академияси ёмон аҳволда эди. Ўшанда ўзимиз КПСС МКга мурожаат қилганмиз ва улар бизни қўллаб-қувватлаган. Бугун эса ўсиш суръатлари юқори. Бунга илмий-тадқиқот институтларидаги штатларни сунъий кўпайтириш орқали эришяпмиз. Кўп нарсаларни бой бериб қўйдик. Биз ушбу ўсиш билан бир оз чалгидик, «биз» деганимизда мен Фанлар академияси президиуми ҳамда бу ишга жавоб берадиган кишиларни назарда тутяпман. Биз илм-фанни ташкил қилишни, унинг сифатини таъминлашни бир оз унутиб қўйдик, натижада самарадорлик билан кам шуғулландик.

Агар ҳозир ўсиш ва самарадорликка қарайдиган бўлсак Николай Васильевич ҳақ, орада катта тафовут кўзга ташланиб турибди. Айни пайтда, бундай ўсиш ўз ортидан бошқа масалаларни ҳам юзага чиқаради. Бизда яхши тайёрланган кадрлар, секторлар, институтлар, лабораторияларни юксак даражада бошқара оладиган профессорлар, докторлар, фан номзодлари етарли даражада эмас.

Демак, Фанлар академиясининг асосий масалаларидан бири кадрлар тайёрлашдан иборат ва бу масалада хатоликларга йўл қўйилди. Фанлар академиясида йиллар давомида ўтириб қолган одамлар докторлар ва фан номзодлари бўлиш мақсадидагина докторлик ва номзодлик диссертацияларини ёзишди. Шунинг учун

бугун Фанлар академиясининг саноат, қишлоқ хўжалиги, гуманитар фанлар соҳасидаги фаолиятига назар солсак, у катта вазифаларни ҳал қилиши лозимлигини ҳис этасан киши. Бу масаланинг биттаси.

Иккинчи масала. Кадрларни танлашда ҳам катта хатоликларга йўл қўйилган. Юқорида мисол келтирилганидек, бу ерга тасодифий одамлар ҳам келиб қолган. Улар фандан узоқ бўлиб, ўзини моддий таъминлашдан бошқа нарсани ўйламайди.

Агар самарадорликка келсак, бошқа тоифадагиларни айтмай қўя қолайлик, фақат академиянинг ҳақиқий аъзолари ва мухбир аъзолари орасида йиллар давомида ҳеч қандай натижа бермаганлари бор. Улар майда масалалар билан ўралашиб, назария ва фан масалалари, илм-фаннинг долзарб масалаларини кўтариб чиқишмаяпти.

Фанлар академиясининг айби ва хатоси шундаки, бу одамлар энг долзарб илмий масалалар устида иш олиб боришга етарли даражада жалб қилинмаган. Фанлар академиясида биз долзарб мавзулар бўйича иш олиб боришни ташкил қила олмадик. Кўп мавзулар ноаниқ ва такрор характерга эга бўлиб қолди.

Ташкилий қўмита тузилиши муносабати билан бу масала изга туша бошлади. Фанлар академияси шу йўналишда масала тайёрлаган, яқин вақт ичида у кўриб чиқилиб, ижобий ҳал этилади деган умиддаман.

Энди президиум таркибига тўхталсак. Албатта, ўтган йиллар мобайнида улар катта ишларни амалга оширишди. Бироқ президиум таркиби бошиданок шундай ташаббускорликни, аҳилликни, дўстликни намойиш этганида эди, катта натижаларга эришган бўларди. Бунда президентнинг ҳам маълум даражада айби бор. Натижада Фанлар академиясига тааллуқли бўлмаган бошқа масалалар ҳам юзага келди.

Мен ўйлайманки, МК бюросида академияга боглиқ масалаларнинг кўрилиши илм-фанни янада ривожлантиришга асос бўлади. Академияда фаолият юритаётган ходимлар эса унинг ишини келгусида яхшилашга ёрдам беришади.

**Стародубцев С.В.** Бу ерда айтилган гаплар тўғри. Чиндан ҳам, бир бутунни ташкил қила-



диган бундай камчиликлар барча институтлардаги ходимларимиз малакасининг камлигидан келиб чиқди. Агар бизнинг Фанлар академиямиз билан Москвадаги институтларни олиб кўрадиган бўлсак, бир-биридан тубдан фарқ қилишини кўриш мумкин. Москвадаги институтларнинг оддий илмий ходимлари бизларни кига қараганда анча юқори поғоналарни эгаллайди.

Биздаги илмий анъаналар ҳали ўта майда, бу ишларимизни тўғри йўлга қўйиб олишга ўз таъсирини кўрсатяпти. Ҳозир бу ерда мавжуд бўлган илмий мактаблар, илмий йўналишлар эндигина шакллана бошлади.

Шуни ҳисобга олиш керакки, битта олимни тайёрлаш учун 20 – 30 йил вақт керак бўлади. Фан докторлари бирдан тайёр бўлиб қолмайди. Бу фақат айрим фантастик романлардагина содир этилиши мумкин. Битта номзодни тайёрлашга кетадиган ўртача муддат 20 йилни ташкил қилади. Мен статистика маълумотларига таяниб шундай деяпман.

Бунга тайёр эмаслигимизни, лабораторияларимизнинг етарли даражада жиҳозланмаганлигини, кутилган кадрлар келмаётганлигини ҳам албатта ҳисобга олиш керак. Ядро физикаси, электроника соҳалари бўйича кадрлар етишмайди. Биз кадрларни қабул қилиб, уларни мутахассисликлар бўйича қайта тайёрлашга мажбур бўляпмиз. Мана шу беш йиллик муддат ҳамма нарсага ўз таъсирини ўтказди. Иш шароитлари анча огир.

Бундай ҳолатларга ўзини тайёрлаш билан боғлиқ бўлган иккинчи ҳолат ҳам мавжуд. Агар бу ерда алколоидлар йўналишига асос солинган бўлса, албатта, алколоидлар бўйича олимларни тайёрлаш, агар математик статистика бўлса, статистларни тайёрлаш қатъий белгиланган. Ҳозир зарур бўлган бошқа бир қатор мутахассисликларни тайёрлаш эса белгиланмаган.

Рангли металллар бўйича ҳам мутахассислар йўқ. Ушбу соҳада бутун республикамиз бўйича бор-йўғи бир нафар фан номзоди бор.

Бу ердаги огир аҳвол фақат шулардангина иборат эмас. Абдуразоқов мисол келтириб ўтди. Бу шулардан бири, холос, бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Қарор ҳақида гапирар эканман, у ерда ёзилганлар қаторига яна шуларни қўшишни истардимки, улар барчани битта мақсадга сафарбар этсин. Таҳлилий қисмда Фанлар академиясидаги яхши ишларни ҳам кўрсатиб ўтиш керак. Ушбу фактлар асосида биз ёшлар таркибини тарбиялашимиз лозим. Шунинг учун қарорга яхши мисоллар ҳам қўшилиши шарт.

Академия нима билан шугулланиши керак деган саволга тўхталиб ўтсам. Албатта, у фақат конструкторлик ишлари билангина чекланиб қолмаслиги даркор. Республикада шуни кузатяпманки, саноатда ўз атрофини қўргон қилиб олиш тенденцияси мавжуд. Мен бу ерга 1956 йилда келиб, биринчи марта Олий Совет йигилишида қатнашганман. Шу ерда академия саноат соҳаси ишларига аралашмасдан, фақат илм-фан билан шугуллансин деган сўзларни эшитгандим. Бу ҳақда ўртоқ Оттигашев айтган.

Биз ташкил қилган янги комитетда ҳам ана шу эски гаплар такрорланяпти. Бир неча кун аввал яна ўша гапларни айтишди: илм-фан билан шугулланинг деган. Унинг хато гапираётганини айтдик, шунга иқдор қилдик.

Шу муносабат билан биз қуйидаги йўналишдан боришимиз керак: биз комитет ва совнархоз билан ўзаро ҳамкорликдаги бошқарма ва ташкилот тузишга келишиб олдик. Улар совнархозда ишлаётган кишиларни кўриб чиқишади. Шунинг учун одамларда хоҳиш-истак бўлиши керак. Николай Васильевич рози, у ўз аппаратини тузиш учун барча чораларни кўради. Биз ҳам шундай иш тутяпмиз. Ҳозирча бирор натижа бўлмади, бунинг маълум сабаблари бор. Ана шу сабаблардан бири – тажриба базасини ярата олмаяпмиз, ҳозир бу иш бир оз йўлга тушгандек.

Мен келтириб ўтган бундай объектив сабаблар йўл қўйилган камчиликлар юзасидан жавобгарлигимизни зиммамиздан соқит қила олмайди. Хатоларни тузатиш учун техник ва илмий соҳада фаолият юритаётган ходимларни сиёсий ва ижтимоий жиҳатдан тарбиялаш йўлидан боришимиз керак. Ҳозирча бу ишлар бизда юқори даражада деб айта олмаймиз.



Мен қарорда барча яхши ишлар кенг таҳлил қилинишини хоҳлардим. Президиум учун, институт жамоаси учун бу жуда муҳим.

**Мўминов И.М.** Бу ерда айтилган гаплар жуда тўғри, улар камчиликларни бартараф этишга қаратилган.

Камчиликларимиз шундан иборатки, биз ҳар битта тадқиқотчига етиб боролмадик. Биз бевосита ўз ходимларимиз билан иш олиб боришни ўрганишимиз керак. Агар ҳар битта ходимга етиб борганимизда, самарадорлик, тарбия, идеологик чиниқиш ҳақидаги масалалар ўз-ўзидан ҳал этилган бўларди.

Бизда мавжуд бўлган бундай камчиликлар ўз кучимиз билан, Фанлар академияси президиумининг янги таркиби ёрдамида бартараф этилиши лозим.

Иккинчи масала. Ўртоқлар КПССнинг XXII съезди материалларини ўрганиш тўғрисида гапиришди. Мен шу ҳақда тушунча бермоқчиманки, КПССнинг XXII съезди якунларини ўрганиш масаласи ҳамда академиянинг илмий-тадқиқот муассасалари олдида турган вазифалар академиянинг барча институтларида бўлиб ўтган очиқ партия мажлисларида муҳокама қилинди. Агар қарорда ушбу масалани умумий йигилишларда кўриб чиқиш топшириги юклатилаётган бўлса, у бу даврда академиянинг илмий муассасаларида бажарилди деб ҳисоблаш мумкин.

**Рашидов Ш.Р.** КПССнинг XXII съезди қарорлари Фанлар академиясининг барча институтларида бундан кейин ҳам чуқур ўрганилди деб ёзиб қўйинглар. МК ҳар бир қарори йўналтирувчи, илҳомлантирувчи, сафарбар этувчи кучга эга. Ушбу қарор ҳам шундай аҳамиятга эга, бутун жамоани партиянинг тарихий съезди қарорларини бажаришга йўналтиради.

**Юнусов С.** Сўзга чиққанлар бизнинг камчиликларимизни, айниқса, охири пайтда йўл қўйилган камчиликларимизни тўғри таъкидлашди. Бироқ уларнинг кўпини президент ва президиум аъзолари бошчилигида тўғриладик. Танқид авж олдирилди, ишимизда ўзгариш ва яхшиланишлар бор.

Бироқ бизда камчиликлар ҳам мавжуд. Менимча, ягона мушт бўлиб бирлаша олмаганли-

гимиз бунинг асосий сабабидир. Ўтмиш сарқитлари, қандайдир чеклашлар бунга халақит берди. Очиқ айтаман, биз ишлай олмадик. Агар ишлаганимизда эди, катта натижага эришган бўлардик. Биз буни бугун тушуниб турибмиз.

Ўйлайманки, олимларимиз йўл қўйилган камчиликларни тўғрилаш, фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш учун бутун имкониятларини ишга солишади.

Академиядаги ишларнинг аҳволи барча фанларни бир хилда ривожлантиришга тўсқинлик қилди. Фан эса битта организм, бу ерда маълум даражада тенглик зарур. Лекин барча фанларга бирдек эътибор қаратилмади, бу институтлар фаолиятига салбий таъсир кўрсатди, бундай бўлиши керак эмас.

Кадрлар яратиш масаласига ўтсам. Биз ўтган йиллар давомида асосий кучимизни республикамиз саноати ва қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга сарфладик. Бироқ олдин шундай тамойил мавжуд эди: агар алкалоидларми, бутун куч фақат шунга сафарбар этилган. Ахир фанни бир кунда яратиб бўлмайди. Фақат одамлар салмоғи билан ҳам фан яратилиб қолмайди, бунга фақат кадрларнинг сифат даражаси билан эришиш мумкин. Саноат билан ҳам узлуксиз ҳамкорлик қилиш керак эди.

Биз агитаторлар ва пропагандистлар бўлишимиз мумкин, бироқ қачонки корхоналарга янги ютуқлар жорий этилса, қачонки ишчилар ва инженерлар бизларни тушунса, ўшанда ҳақиқий ҳамкорлик тикланган ҳисобланади. Бу борада камчиликларимиз бор. Шуни ҳам ҳисобга олиш керак, охири пайтда биз саноат бошқарувини бутунлай қайта кўриб чиқдик. Бизга Москвадан биронта ростмана олим келмади. Хўжалик муносабатларида совнархознинг бўлгани яхши, лекин марказий институтлар Москвада қолиб кетмоқда. Бизга айтишганди: нима янгилик бўлса, мана, олинглар, совнархоз корхоналарига ёрдам беринглар деб. Мен Москвада Рангли металллар институти билан гаплашиб бизларга келишларини таклиф қилганман.

Камчиликларимиз кўп, бу ҳақда ўртоқлар айтиб ўтишди. Ўйлайманки, бундай жиддий танқидлардан сўнг биз бу камчиликларни албатта тўғрилаймиз.



**Фозилов Х.Н.** Мен айтмоқчиманки, Фанлар академиясининг таркиби нотўғри тузилган. Бизда вице-президентлар учта, улар бир пайтнинг ўзида бўлим раислари ҳам ҳисобланишади. Бўлим раислари бошқа вазифа билан шугулланмасликлари керак. Чунки бўлим илмий-методик марказ ҳисобланиб, ҳар бир ижрочига етиб бориши, бу ердаги ҳаётни тўла билиши, йўлбошчига айланиши, давлат аҳамиятидаги асосий мавзуларга йўналтира олиши лозим.

Натижаси нима бўляпти, бўлимлар ёмон ишлаяпти деган таъналар ёғиляпти. Ҳисоботлар қабул қилганимизда айрим институтлар бўлимлар иши талабга жавоб бермаслигини била туриб уларнинг хатосини ёпишга ҳаракат қиляпти. Академия таркибини яхшилаш зарур.

Менинг ўйлашимча, жамоатчилик бўлимлари ташкилотлари ҳаддан зиёд кенгайган. Сергей Васильевич билан бахslashганимизда барчага ёмон кўриндик. Тарих институтида 250 киши ишлайди. Тарихда асосан фундаментал масалалар, узоқ ва яқин ўтмиш билан шугулланиш керак. Бунинг ўрнига улар маиший ҳаёт, этнография масалалари билан шугулланишяпти. Ахир олий ўқув юртларининг тегишли кафедралари бор, бу масалалар билан улар шугуллансин.

Жамоатчилик бўлимлари ҳаддан зиёд семирив кетган, натижада ҳеч қаерга сигмайдиган мана шундай катта институтлар пайдо бўлмоқда. Бунга ҳам эътибор қаратиш керак. Лекин ҳеч кимга керак эмас.

Моддий база ҳақида биз кўп марта гапирдик, биз моддий базамизни мустаҳкамлай олмаямиз. Ядро физикаси институтини қуряпмиз, бироқ заводни битказиш учун пул йўқ.

**Рашидов Ш.Р.** Ядро физикаси институтини бошқа институтларга қарши қўйиш керак эмас. Бу институт бизнинг қароримиз билан қурилмаяпти, уни лаънатламанг.

**Фозилов Х.Ф.** Мен Ядро институтини лаънатламоқчи эмасман. Кучли ўсиш суръатлари ҳақида тинмай гапиришади. Шунда ичимдан зил кетаман бу намуна қилиб кўрсатадиган эмас-ку деб. Битта ёмон томони бор: 600 кишидан иборат бўлган САНИИРИ институтини

тайёр ҳолда олдик, Газ ва нефть институти эса 300 киши. Ядро физикаси институтини 1000 кишилик жамоа билан ташкил қилдик. Бизга яна 2000 кишини беришди. Агар тўғри иш тутилганида, бизнинг жамоа 5 – 6 минг кишини ташкил қилиши керак эди.

Бизда кўп камчиликлар мана шундай қолипга тушиб қолган. Агар секретариат ҳар йили президиум аъзоларини таклиф қилиб, суҳбатлар ўтказиб турганида, президиум аъзолари бир-бирини тез-тез танқид қилиб туришганида, барча эътирозлар юзага чиқиб, тўғрилланган бўларди. Бу ҳақда мен кўп марта гапирганман, лекин эътибор беришмаган. МК бюросининг илгариги қарори бизнинг ҳаммамиз учун сабоқ бўлди, биз президиумда катта ишларни амалга оширдик. Бу ишлар керак эди.

**Рашидов Ш.Р.** Менинг лойиҳа юзасидан бир нечта мулоҳазаларим бор. Фанлар академиясида маълум ўсиш бор деб ҳисоблайман. Бироқ бу ютуқлар фақат президиумники эмас, балки республиканинг барча илм аҳли ютуғи, айни пайтда, Коммунистик партия ленинча миллий сиёсатининг тантанасидир.

Қанча институтларни яратдик, уларнинг моддий базасини яхшиладик. Ўйланг, ўртоқлар, моддий база юзага келди. Илм-фан чиройли биноларга эга бўлди. Илгари бундай моддий база ҳеч қачон бўлган эмас. Партия ва ҳукуматимизнинг катта ёрдами, унинг илм-фанга кўрсатаётган гамхўрлиги туфайли биз бой моддий базага эга бўлиб турибмиз. Сиз бу билан фахрланишингиз, қувонишингиз керак.

Албатта, камчиликлар ҳам мавжуд. Ҳар қандай ривожланиш жараёнида камчиликларнинг бўлиши табиий. Бироқ бу ўсиш ва тараққиёт йўлидаги камчиликлардир. Буни тушуниб олиш керак.

Партия ва ҳукуматимиз моддий базани яхшилаш учун катта маблағ йўналтиряпти. Илм-фан учун қанча-қанча янги биноларни қуряпмиз! Ядро институти, Химия институти ва ҳоказолар қуриляпти.

Бироқ мен огоҳлантириб қўяй: Ядро институтини бошқаларга қарши қилиб қўйиш ва барча эътибор уни қуришга қаратиляпти деб ўйлаш нотўғри бўлади. КПСС МК ва СССР Ми-



нистрлар Советининг қарорига асосан ушбу институтни биз ўтган йилиёқ фойдаланишга топширишимиз керак эди, лекин бажара олаяпмиз. Фанлар академиясида эса буни бошқаларга қарши қўяётган одамлар бор экан. Ядро институти – бу бизнинг фахримиз ва қувончимиз, Совет Шарқида ленинча миллий сиёсатнинг намоишидир. Ким буни тушунмаса кўр одам ҳисобланади. Қувониш ўрнига бир жойда туриб ёқалашишяпти, иккинчи жойда эса гийбатлашишяпти.

Қарор лойиҳасида кўрсатиб қўйилган, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг йирик хатоси шундан иборатки, институтларда штатда турган ходимлар кўп, олимлар эса оз. Бу ерда кадрлар тайёрлашдаги етишмовчиликлар ҳам кўрсатиб ўтилган.

Москва, Ленинград олимлари, катта оғаларимиз ҳисобланган рус олимлари ҳамда бошқа республиклар олимлари ёрдамида фан докторлари ҳамда фан номзодларини тайёрлашнинг ҳозирги юқори даражаси ленинча миллий сиёсатнинг улкан галабасидир. Бунинг натижасида бизда фан номзодлари ва докторлар пайдо бўлмоқда. Буни бошқа масалаларга аралаштириб бўлмайди.

Бизда 13 киши докторлик ва 130 киши номзодлик диссертацияларини ёқлади. Бу Фанлар академияси томонидан партиямиз ленинча миллий сиёсати тўғри олиб борилганлиги натижасидир.

Бизда шундай илмий-тадқиқот институтлари борки, улар билан фахрланамиз. КПСС МК ушбу институтларни ташкил этишда бизни қўллаб-қувватлади, энди уларнинг ишини яхшилаш керак.

Олимларимиз пайдо бўла бошлади. Бизга энг яхши олимлар келаётганини тушунишимиз лозим. Бизга Москва, Ленинграддан, Совет Иттифоқининг бошқа шаҳарларидан фан докторлари ва номзодлари келишяпти. Лекин шуни ҳам ҳисобга олишингиз керак: минглаб фан номзодлари ва фан докторлари Москвадан Сибирга жўнаб кетишди. У ерда янги Фанлар академияси тузиляпти.

КПСС МК, шахсан Н.С.Хрушев кадрларни тарбиялаш ва ўстириш борасида тинимсиз гам-

хўрлик кўрсатаётганлиги шарофати билан бизнинг Ўзбекистонда ҳам кўплаб олимлар юзага келди.

Шуни ҳисобга олиш керакки, кўплаб институтларда ташаббускор инсонлар бор, улар кечаю кундуз иш ҳақида ўйлаб, халққа кўпроқ илм-фан янгиликларини беришга ҳаракат қилишяпти.

Ҳозир биз намликни ўлчаш электр асбобига эгамиз. Биз уни ўртоқ Абдураззоқов билан бирга пахтани қайта ишлаш саноати ходимларига кўрсатдик. Улар ушбу ажойиб прибордан жуда қувонишди.

Яқинда матбуотда Фанлар академиясининг Сув масалалари институти ходимлари дренаж ётқизувчи янги комбайн яратишгани ҳақида хабар берилди. Бундай комбайн дунёда йўқ. Энди тезкорлик билан дренаж ётқизишнинг катта имкониятлари очилди.

Пахтачилик ва чорвачиликда ҳам ташаббускорлар бор, биз уларни пешқадамлар деб атаймиз. Хўш, илм-фанда ҳам шундай пешқадамлар борми? Афсуски, йўқ. Сизлар бундай одамларга ҳурмат-эътибор кўрсата олмаётганингиз учун шундай бўляпти. Агар ташаббускор инсонлар орангизда кўпроқ бўлганида эди, Фанлар академиясидаги гап-сўзлар шунчалик камроқ эшитиларди.

КПСС XXII съезди ва партия дастури олдимизга ҳал этилиши зарур бўлган катта масалаларни қўйди. Бу масалалар ҳамма институтларда бирдек ишлаб чиқилишяптими? Шундай олимларимиз ҳам борки, улар ушбу масалалардан юзлаб километр олисда юришибди. Халқ хўжалигини ривожлантириш билан боғлиқ бўлган кўп масалалар ҳал этилмасдан келмоқда. Ранги металлургияни олиб кўринг. Биз москваликлар билан гаплашдик. Яқин вақт ичида республикамиз Совет Иттифоқида етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Шундай бир пайтда рангли металлургиянинг назарий масалалари, ривожланиш йўллари ишлаб чиқилмаган, кадрлар тайёрлаш ортда қолмоқда.

Шуни таъкидламоқчиманки, бир қатор муаммоли масалалар Фанлар академияси олимлари томонидан ҳал этилмай келинмоқда.



Иккинчи масала, ўртоқ президиум аъзолари, Фанлар академиямизда кўзбўямачилар етарлигидан ортиқча. Шундай олимлар борки, улар уч киши учун меҳнат қилишяпти, бошқалар эса ўнлаб йиллар мобайнида ҳеч нарса қилишгани йўқ.

Агар ишчи бир кун ишга чиқмай қолса, эртаси куни уни муҳокама қилишади. Сизларда институт директорлари олти ойлаб ишга келишмаяпти, сизлар эса уларни муҳокама қилмаяпсизлар. Улар уйдан қўнгироқ қилиб ёки хотини орқали институтдаги ишлардан хабардор бўлишяпти.

Агар сизлар тили бир қарич, ақли эса қисқа бўлган ана шу ишқасларга чидаб бўлмас ша роит яратиб берганингизда эди, бундай ҳолат юз бермаган бўларди.

Айрим олимларнинг иш самарадорлиги паст, фойда келтирмаётган олимлар ҳам кўп. Уларнинг борлиги Фанлар академияси камчиликларидан биридир.

Учинчи масала – талабчанлик етишмайди. Сизларда ҳаммага бир хил талаб қўйилмаган, айрим одамларни эркалатиб юборгансизлар, натижада академияда «олий табақа»даги одамлар пайдо бўлди. Улар президент ўринбосарини ҳам, илмий котибиятни ҳам менсимай қўйишган. Хоҳласа ишга келади, хоҳламаса йўқ. Ярим соат ишлаб қўйса, ҳафталаб академияга қадам босмайди, пулини эса олаверади.

Сиз давлат ишидасиз, шунга пул оляпсиз, сизга олимлар ишини назорат қилиш топширилган. Агар сиз институт директорларига, улар эса, ўз навбатида, лаборатория мудирларига талабчан бўлганларингизда эди, унда бутун академияда юқори талабчанлик ҳукмронлик қилган бўларди. Талабчанлик бўлмагач, айрим кишилар академияни тирикчилик манбаи деб қарайдиган бўлиб қолишди, улар уч-тўрт киши учун ишлаб, чиройли меҳнат қилаётган ҳалол инсонлар номига доғ туширишяпти.

Ўзбекистонда жаҳон миқёсида танилган олимлар бор. Фандан узоқ, ижтимоий-сиёсий ҳаётдан ажралган, тарбия кўрмаган бундай кишилар эса барчамизни иснодга қолдирыпти.

Сиз бундай одамларга қаттиққўллик кўрсатиб ишдан бўшатишингиз ва тегишлича тав-

сифнома тўлдириб беришингиз керак эди. Кейин кўрардик бошқа ишга қандай киришини.

Бизда шундай директорлар борки, улар мутлақо ишлашмайди. 2-3 ойлаб ижодий таътилда юришади, кейин албатта меҳнат таътилига чиқишади. Сўнг касал бўлиб қолишади, касалликдан сўнг икки-уч ой уйида ётади.

Мана, ҳозир бир-бирингизга қараяпсиз, лекин буни сизлар мендан кўра яхшироқ биласизлар. Бундай олимлар сизларни иснодга қолдирыпти.

Йўқ, кадрли ўртоқлар, сизлар бу масала устида жиддий ишлашингиз керак. Сизларга қаттиққўл ва ҳалол юрак керак. Ҳар қайси ота-она фарзандига танбеҳ беради, уларни тўғри тарбиялашга ҳаракат қилади. Нима учун нопок кишилар академиямизни иснодга қолдириши керак? Академияда бепарволик ҳолатини юзага чиқаргансизлар.

Борисоглебский келганида Нишонов (Эшоннов – Р.Ш.) 60 кишидан пул тўплаган. У маънавий қашшоқ одам. Сиз ҳам, Иброҳим Мўминович, бундай одамларга эътиборсиз бўлгансиз. Бу ҳақда ҳатто КПСС МК хабардор бўлган.

Кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш бўйича Зоя Раҳимовна жуда юмшоқ гапирди. Биз сизларга битта рўйхат берамиз, кўриб сочингиз тикка бўлиб кетади.

Вазифа шундан иборатки, сиз энг яхши, синалган одамларни танлаб олишингиз керак. Партиямизда ягона принцип мавжуд: одамларни, уларнинг ишини текшириб кўриш. Академияда эса одамларни ҳам, уларнинг ишларини ҳам текшириб кўрмаймиз – бу бизнинг энг катта хатоимиз. Фақат синалган одамларнигина танлаб олиш керак.

Агар одамларни синаб кўриш қўлингиздан келмаса, партия органларига боринг, улар ёрдам беришади. Натижаси эса маълум: битта ноинсоф юмалоқ ариза ёзади, жавобини эса бутун академия беради. Агар кадрлар танлашда тўғри йўл тутганингизда, бундай одамлар орамизда бўлмасди.

Зиёлилар съездида биз советларга қарши, миллатчилик руҳида ариза ёзган анонимчиларнинг бир қанчасини эълон қиламиз. Улар ўйлайдики бу аризаларни аноним ҳолда ёзсам, биров билмайди деб.



Одамларни қабул қилаётганингизда юзингизда табассум кўрмаймиз. Ҳабиб Муҳаммедович, сизда негадир ёшларга ишончсизлик муносабати мавжуд. Агар ёшларни чиқарсангиз, камчиликларингиз ўз-ўзидан камаяди. У бугун номзод бўлса, эртага докторликни ҳимоя қилади, уларга кенг йўл очиб беринг. Нотўғри ишга олинган ҳолатларни ҳозир бир бошдан санаб чиқмоқчи эмасман, ваҳолонки, улар барча институтларда, жумладан, Ядро физикаси, Тарих ва бошқа институтларда мавжуд.

Сиз олимларни яна бир марта текшириб чиқинг, тасодифан келиб қолган кишилардан қутулинг.

Фанлар академиясидаги мавжуд ҳолат. Шундай одамлар борки, улар ҳалол инсонларни сиқувга олади, ижодий ишлашига йўл қўймайди. Сўнги кунларда Ўзбекистон КП МКга номзодлик ва докторлик унвонларига эга бўлган ўнлаб олимлар келишди. Улардан бири уйини таъмирлаб беришни рўқач қилди. Биламан, бу бир баҳона, холос. Сўнг аниқ мақсадга ўтди мени қачон академик қилиб сайлашади деб. Агар ўртоқлар сайлашмаса, сўнги қоним қолгунича курашаман дейди.

Бу шундан далолат берадики, улар саводсиз одамлар. Мен шундай дейишга мажбур бўлдим: кадрларни жойига қўйиш ва ўзини лавозимга кўтаришимни сўраб келган делегацияни умримда биринчи марта қабул қилипман.

Ҳозир мен уларнинг исми-шарифини айтмоқчи эмасман, чунки уларга тушунтирдик, улар ўз хатосини англашди. Кечагина номзодлик диссертациясини ёқлаган киши айтяпти менда учта тавсифнома бор, мени академикликка сайланг деб. Унга айтдик биз академикликка кўрсата олмаётган яна 20 – 30 нафар фан докторлари турибди, сен эса эндигина номзод бўлибсан, ҳали бурнингни ҳам арта олмайсан деб.

Биз фақат муносиб инсонларни сайлашимиз керак.

Ҳабиб Муҳаммедович, мен сизга шуни айтмоқчиман: сиз йирик олимсиз. Бироқ суҳбатлашганимизда икки марта ўзингизни керакли даражада тута олмаслигингизга иқрор бўлдингиз. Зарурми-йўқми, МК бюроси аъзолари-

ни муҳокама қиласиз. Сиз менга бу ожиз томонингиз эканлиги ҳақида тушунча бердингиз. Бироқ келгусида биз сизнинг бу ожизлигингизга чидаб тура олмаймиз. Ожизлигингизни йўқотишингиз керак. Ҳабиб Муҳаммедович, сизга ва сизнинг дўстларингизга МК бюроси аъзоларини муҳокама қилишга йўл қўймаймиз. Яхши кўрасизми-йўқми, бундан қатъи назар, улар партия ташкилотларимиз томонидан сайланган, халқнинг ишончини қозонишган. Шунинг учун сиз ишдан бўшатишга норози кишиларнинг сўзларини камроқ эшитинг, бир нарсани гапиришдан олдин яхшилаб ўйлаб кўринг. Гапиришингиз шарт бўлганида минбарни бўшатиб берамиз. Бу ҳалол танқид бўлади, шунда биз сизга миннатдорчилик билдираемиз.

Сиз янги институтни ташкил қилишга чиндилдан, гайрат билан киришдингиз, кадрлар, фан номзодлари, фан докторлари тайёрлашга қатъий бел боғладингиз. Бироқ сиз жамоани жипслаштириш, бир ёқадан бош чиқариб, ижодий меҳнат қилишини таъминлаш билан деярли шугулланмадингиз. Бу ишга ишониб қолдингиз. Тўғриси айтман, аҳилликнинг йўқлиги, вице-президентнинг президентга қарши, институт директори ўринбосарининг эса директорга қарши курашиши 100 фоиз вақтни ўгирлайди. Одамлар давлат пулини ола туриб куни бўйи бир-бирини абгор қилиш билан шугулланади. Бундай аҳволда академия етакчи масалалар билан шугуллана олмайди. Бунга чек қўйишингиз керак. Президиум, биринчи навбатда, президент мана шу масалалар билан шугулланиши керак.

Жипслик ўта зарур, лекин у ҳозирча сизларда йўқ. Аксинча, ҳар ким якка ҳолда фақат ўзи учун курашиб келди. Жамоада бир-бирига қараб кулиб туришади, ташқарига чиқди, тамом, ўзаро кураш бошланиб кетади.

Сизга нон-туз бераётган академиянгиз бор. Сиз ҳамкорликни мустаҳкамлашингиз, бир-бирингизни тез-тез танқид қилиб туришингиз керак. Афсуски, булар яқин вақтгача сизларда мавжуд эмас эди. Бир гап айтсангиз, бу ҳақда бюронинг бутун аъзоси шу заҳотиёқ хабардор бўларди. Биз ҳамма нозик томонларингизни



биламиз, ким нима ҳақида гапирганидан ҳам хабардормиз, шунинг учун асабийлашамиз.

Нима учун бир жойга йигилиб, бир-бирингизга келинг, аҳил-иноқ бўлиб яшайлик дея олмайсиз? Ўртоқ Абдуллаев, вице-президентлар, илмий котибият, институтлар директорлари жамоани жипслаштириш, аҳилликда иш олиб бориш билан ёмон шуғуллангансиз.

Академияда гуруҳбозлик белгилари мавжуд. Академияда фаолият юритаётганларнинг 90 фоизи тўғри одамлар, улар халққа наф келтириш билан бирга бошқаларни қўрқитиб ишлашига имкон бермаётган, юз ва рақлаб шикоятлар ёзиш билан шугулланаётган ана шундай кимсалар учун ҳам жавоб беришяпти.

Президиумда ҳақиқий партиявий ҳолат, камчиликларни танқид қила олиш имконияти мавжуд бўлиши керак. Шундагина сизлар бир-бирингизни ҳурмат қилишингиз ва дўстлашингиз мумкин. Бундай муҳитда ишлар ҳам яхши кетади. Аммо сизларда ҳозирча бундай муҳит йўқ, уни албатта яратиш лозим.

Мен нимани таклиф қилмоқчиман? Менинг таклифим ўртоқ Раҳимбобоева, Муртазоев, Мўминов, Азимов, Қаюмов, Султонов, Стародубцевларга бугунги фикр алмашишлар асосида қарорни охириги марта таҳрир қилиб чиқиш ва уни икки мартага қисқартиришни топширишдан иборат.

Қарорнинг биринчи қисмида академиядаги мавжуд камчиликлар ҳақида, академияни шарманда қилаётган иш ёқмаслар тўғрисида, институтларнинг директорлари ва ўринбосарлари бўла туриб 4 ойлаб ижодий таътилда юрган, икки ойлаб касал бўлиб қолаётган, командировкаларда беҳуда вақт сарфлаётган юқори мартабали одамлар тўғрисида гапирилиши керак.

Шундай одамлар ҳам борки, камчиликларни кўра-била туриб ундан кўз юмади, ёнидан индамай ўтиб кетади. Агар яна бефарқлик қилсангиз, ишдан бўшатиласиз. Сиз аҳволни яхшиланг, одамларни 7 соатлаб ишлашга мажбурланг.

Москвада академиклар етти соатлаб ишлашади, яна уйда ҳам тек ўтиришмайди. Сизнинг

академиянгизда эса кўпчилик ёшлар, институтларнинг директорлари ва ўринбосарлари ҳисобда туради, лекин яхши ишлашмайди. Уларга таътил ва командировкалар беришнинг чеки бўладими? Давлат маблағларига ачининг, бунга кўз юмиб туриш мумкин эмас, чек қўйиш керак энди.

Мен ўртоқ Абдуллаевни касаллиги туфайли ёзган аризаси ва ваколат муддатининг тугаганлиги муносабати билан ишдан бўшатиш керак деб ҳисоблайман.

Институтларда кўп масалалар ҳал қилинмаяпти, уларнинг назорати йўқ. Ҳамма жойда режалар белгиланади, уларни бажариш шарт.

Ўртоқ Фозилов эртага маъруза қилиши керак. Сиз иш ёқмаслар ҳақида, давлат режасини бажаришга қаратилган меҳнат интизоми тўғрисида гапиринг. Одамлар бизда режа борлигини, уни бажариш учун боши билан жавоб беришлигини тушунишсин.

Сиз бир оз ўйлаб кўринг, фақат ёзма эмас, балки оғзаки тарзда ҳам яхшигина танқид қилиш мумкин.

### **Ўзбекистон ССР Фанлар академияси президиуми таркиби тўғрисида**

*Ш.Р.Рашидов, МК бюро аъзолари, Қаюмов.*

Бобоҳўжаев кўрсатилмасин, чунки у иш ёқмас, ҳар томонга оғиб туради, одамларни сиёсий ва ишчанлик фазилатларига қараб танлаш ва лавозимга кўтаришда ленинча тамойилларга жавоб бермайди.

Китаева Тошкентга келиб, Ўзбекистонда яшаш шарти билан аъзоликка сайлансин.

Раҳимбобоева, Азимов, Қаюмов, Султоновларга ташкилий жиҳатдан бу ишни текшириб чиқиш топширилсин.

Фанлар академияси президиуми аъзолари тасдиқлансин.

Президентликка Орипов (Убай Орипов – Р.Ш.), илмий ишлар котиблигига Ғ.Ҳамидхоннов, вице-президентликка С.В.Стародубцев ва И.М.Мўминовлар номзоди тавсия қилинсин...

**(Давоми келгуси сонда)**





# ЧЎЛПОН ВА «ДАРХОН» ГАЗЕТАСИ

Рустамбек ШАМСУТДИНОВ,  
Искандар МАДФОЗИЕВ

Чўлпоннинг серқирра ҳаётида газетачилик фаолияти ҳам ниҳоятда диққатга сазовордир. Унинг ўзи 1927 йилдаги ўзбек зиёлиларининг курултойига ёзган аризасида 1920 йилга қадар «ТуркРОСТА»да ишлагани, «Иштирокиюн», «Қизил байроқ», «Туркистон», «Бухоро ахбори» газеталарида масъул лавозимларда хизмат қилганини қайд этган. Туркистон компартияси Марказий Комитетининг 1922 йил 15 май, 31 июлдаги қарорларида ўзбек тилида чиқаётган «Қизил байроқ», «Туркистон» республика газеталарида Андижон фарзанди Усмонхон Эшонхўжаев билан Чўлпон бирга хизмат қилганликлари акс эттирилган. У.Эшонхўжаев газета муҳаррири, Чўлпон эса унинг ўринбосари бўлган. Бутун Туркистон ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаётида катта нуфузга эга бўлган бу газеталарнинг таҳририяти раҳбарлари андижонлик Усмонхон Эшонхўжаев ва Абдулҳамид Чўлпон бўлганлиги биз андижонликларга юксак фахр бахш этади.

Фаргона водийси, айниқса, Андижон, Маргилон, Ўш уездларида «босмачилик» ҳаракати анча авж олган паллада совет ҳарбий қўмондонлиги мазкур ҳудудларда ҳарбий ҳолат эълон қилди ва фавқулодда бошқарув органларини ҳам қайтадан ташкил этди. «Босмачилик»ка қарши курашда ҳам ҳарбий, ҳам тинч воситалар қўлланила бошланди. «Босмачилик» етакчилари билан тинч музокара олиб бориш, уларга гоаявий-сиёсий, миллий, мафкуравий кураш йўлини тутиш, душманга афв эълон қилиш, аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишлари олиб бориш сари йўл тутилди.

Ўшандай тарихий шароитда Андижонда ижтимоий-сиёсий, ҳарбий барқарорликни ўрнатиш давр талаби эди. Бунда Чўлпоннинг миллий газетачилик фаолиятининг бир дебочаси сифатида 1923 йили Андижонда асос солинган «Дархон» газетасини кўрсатиш мумкин. Тўғри, бу газета ҳақидаги айрим маълумотлар Зиё Саид, Р.Шамсутдинов, Н.Каримов асарларида қисман келтирилган.<sup>1</sup>

Чўлпоннинг «Дархон» газетасидаги фаолиятини ўрганиш илминда таниқли давлат ва жамоат арбоби, драматург Комил Яшин билан Андижон ва Тошкентдаги хонадониди суҳбатлашганимизда бу инсон Чўлпон ва «Дархон» газетаси ҳақида эслаб, ўз бисотидаги «Дархон» газетасининг бир қанча сонларини кўрсатган ва газета ҳақида кўплаб қимматли маълумотлар берган эди.

2016 йил сентябрда Москвага қилган илмий сафаримизда Москвадаги тегишли архивлар, Россия давлат кутубхонаси ва унинг Химки шаҳридаги филиалида, Давлат китоб палатаси, «ГУЛАГ» музейида бўлиб, бошқа масалалар қатори «Дархон» газетасининг таҳламаси бор-йўқлигини суриштиришимиз натижа бермаган эди. Шу йил 23 – 25 июль кунлари Тошкентга қилган хизмат сафарида дўстимиз профессор Н.Ф.Каримов билан биргаликда «Турон» кутубхонасидан «Дархон» газетасини изладик. Кутубхона ходимлари, ниҳоят, бизга 17 сондан


<sup>1</sup> Зиё Саид. Ўзбек вақтли матбуоти тарихидан материаллар. – Тошкент, 1927; Шамсутдинов Р. Тарихий меросимизга бир назар. – Андижон: Мерос, 1994. – Б.64 – 69; Каримов Н. Чўлпон. – Тошкент: Шарқ, – Б.193 – 206.



иборат «Дархон» газетасининг тахламасини кўрсатдилар. Бизга айтишларича, бу тахлама «Дархон» газетаси ходими Боис Қориев (Олтой) томонидан ўша даврда тақдим қилинган экан. «Дархон» газетасининг тахламасини қўлимизга олганда узоқ йиллардан бери кўнгилга туғиб қўйган муҳим бир мақсадга эришганимиздан қувончга тўлдик. Беихтиёр газетани варақлай бошладик. Унинг электрон нусхасини Андижонга олиб келдик.

«Водийнома»нинг 5-махсус сонидаги «Чўлпон – озодлик курашчиси» номли мақоламизда 1923 йил майда Андижон шаҳрига бронепоездда СССР Қурулли Кучлар бош қўмондони, ҳарбий-инқилобий кенгаши раиси С.С.Каменев, Фаргона қўшинлар гуруҳи штаби бошлиги В.Д.Соколовский, қўмондон А.И.Тодорский, Туркистон АССР Марказий ижроия комитети раиси И.Хидиралиев ва бошқалар келганлиги ҳақида хабар берилган эди. Айни шу расмий доирада Андижонда ўзбек тилида «Дархон» газетасини ташкил этиш масаласи кўрилган. Ана шу доира акс этган сурат илк бор журналимизда эълон қилинмоқда.

Абдулхамид Чўлпоннинг 120 йиллигига бағишланган материаллар қаторида шу газетанинг шарҳини «Водийнома» саҳифаларида бериб боришни лозим кўрдик.



Чўлпон доимий фойдаланган ва ижод қилган Тошкент шаҳридаги «Турон» кутубхонаси биноси (20-йиллар)



Ўртада: бошида будёновка қалпоғи, ўнг қулида ҳасса билан турган Туркистон АССР Марказий ижроия комитети раиси Иномжон Хидиралиев





\* \* \*

«Дархон» газетасининг 1923 йил 27 июнь 1-сони сарлавҳа остида: «Анджонда ҳозирги вақтда 2, 3 мартаба чиқатургон сиёсий ва ижтимоий газетадир. Анджон шаҳар уезд инқилоб-ҳарб шўроси ва инқилоб қўмитасининг фикр тарқатувчиси», – деб ёзилган. Газета 1000 нусада чоп этилган ва 4 саҳифадан иборат бўлган, нархи 1 сўм турган. Газетанинг бош муҳаррири Абдулҳай Тожиев эди, 11-сонидан бошлаб эса Исҳоқ Гозиев газета муҳаррири бўлган.

Анджон уезд-шаҳар ҳарбий-инқилобий қўмитасининг раиси Исҳоқжон Гозиевнинг гувоҳлик беришича, Чўлпон «Дархон» газетасида муҳаррир ўринбосари бўлиб хизмат қилган. Аммо И.Гозиев инқилобий қўмита раиси бўлганлиги туфайли муҳаррирлик ишини тўлалигича Чўлпонга топшириб қўйган. «Дархон»нинг амалдаги муҳаррири, аслида, Чўлпон эди.<sup>2</sup> Газетанинг 1-сонидан ўрин олган барча материаллар, мақола ва хабарлар остида имзолар учрамайди, фақатгина 4-саҳифада Чўлпон имзоси билан «Сени кўб кўрмасун!» ҳикояси берилган. Юқоридагиларга асосланиб газета материалларини тайёрлашнинг бутун огирлиги Чўлпон зиммасида бўлганлигини айтиш мумкин. Чунки матеариалларнинг бирортасига имзо қўйилмаган. Бунинг сабабларидан бири ўша таҳликали замонда ҳарбий-сиёсий танглик ҳукмрон бўлганлигидадир. Шу боис газетанинг 1-сонини тайёрлаш огир кечган, ҳали-бери мухбирлар корпуси шаклланмаган, қолаверса, имзо қўйиб мақолалар ёзиш муаллифлар учун хавф-хатар туғдириши мумкин эди, шу боис имзосиз мақолалар Чўлпон томонидан тайёрланган дейиш мумкин.

Газетанинг 1923 йил 27 июндаги 1-сони саҳифаларини қисқача шарҳлашга ҳаракат қиламиз.

Газетанинг илк сони таҳририят номидан берилган қўйдаги мурожаат билан бошланган:

### ЭЪТИЗОР

**Инқилоб ва ҳарб шўросининг амрига мувофиқ газетамизни кундалик қилиб чиқармоқчи эдик.**

**Локин шаҳаримиздаги босмахонада ҳарф ва ҳарф тергувчилар етишмагани учун ҳо-**

**зирга икки ё уч мартаба чиқармоқга мажбур бўлуб қолдик. Бу қадариси ҳам кўб қийинлар билан бўладир.**

**Ҳозир Тошкентга кераклик нарсаларни сўратиб қоғоз юборилди. Қоғозда сўралган нарсаларни Тошкентдан олуб юбормоқчи бўлуб фирқа марказ қўмитасининг масъул саркотиби ўртоқ Розенблум ваъда берди. Сўралган нарсалар келиши билан газетамиз кундалик бўлгусидир.**

**Ҳурмат билан: Бошқарма.**

Шу саҳифада халқаро сиёсий вазиятга бағишланган «Русия – Англия жанжали бартараф қилинди», «Япуния – Хитой – Русия», «Нари-беридан» каби мақолалар берилган.

2-саҳифаси «Солиқ чувалиши тугади» мақоласи билан бошланган. Кейинги мақола эса «Меҳмонлар» деб аталган:

### МЕҲМОНЛАР

**Туркистон уруш майдонининг бош қўмондони Корк, марказ давлат сиёсий идорасининг Туркистон фирқа марказқўмининг масъул саркотиби Розенблум, Туркистон уруш майдони сиёсий идора бошлиғи Опутников, собиқ Туркистон овқат комиссари Троицкий, музофот фирқа қўмитаси масъул саркотиби Сегизбоев ўртоқлар шаҳримизда меҳмондирлар.**

Шунингдек, бу саҳифада «Амриқо ҳукумати денгиз чегараларини кенгайтмакчи бўладир», «Чет элларда» рукни остида Ирландияда, Польшада, Юнонистонда, Булгорияда, Францияда бўлган ижтимоий-сиёсий воқеалар ҳақида маълумотлар берилган.

Газетанинг 3-саҳифасида «Босмачилик билан кураш» (штаб хабари, 24 июнь) номли хабар берилган. Уни айнан келтирамыз:

### БОСМАЧИЛИК БИЛАН КУРАШ

(штаб хабари)

(24 июнь)

Анджон уязида «Смета виссун» усулидаги топпончаси билан бир йигит ушланди.

Умрзоқ қўрбошининг икки йигити милтиқлари билан таслим бўлдилар.

<sup>2</sup> Шамсутдинов Р. Тарихий меросимизга бир назар... – Б.65.



Босмачилардан яна икки йигит қилич, милтиқ ва бошқа асбоблари билан топширилдилар. Биттасининг номи Мирзо Аҳмаддир.

Ҳожимат деган йигит яроғлари билан топширилди.

Йўлибой деган қўрбоши бир йигити қочмоқчи бўлгач, отиб ўлдирилди.

«Шарқ ўлкаларида» рукни остида «Туркия яна имтиёз берадир», «Ҳиндистон», «Хитой», «Шўролар Хивасида» кичик хабарлари берилган.

«Ўлкамизда» рукнида «Шўро жумҳуриятларида», «Андижонда ер-сув ишлари» рукнида эса қуйидаги хабарлар берилган:

#### Кўчат таласи

Уяз ер-сув шўъбаси томонидан ўткан йили бир кўчат толаси «Опытная плантация» қилиниб, бундан истифода қилмоқ иши темир йўл зироат идорасига топширилган эди. Андижоннинг вайрона деган жойида бўлган бу тола ҳозир ишлайтурган усталар йўқлиги учун илгари боса олмай турадир.

#### Авғон боғ

Эски ҳукумат вақтида яшаган ва ҳар хил маданий экинларнинг энг аъло навларидан нусха кўрсататурган машҳур «Авғон боғ» зироат таласи ҳозир буткул бузулиб кеткандир. 1921 нчи йилгача давом этиб келган бўлса ҳам, ундан бери у ерлар босмачилар қўлида қолиб, ҳукумат кучи билан ишламак мумкин бўлмаган. Шунинг учун ундаги қимматбаҳо нарсаларнинг кўпи таланиб кетган.

Ҳозирда эса унинг боғлиқ ерлари 5 йил муддат билан «Қўшчилар» союзига, экинлик жойлари бўлса ўшал жойдаги ерлик деҳқонларга бўлак-бўлак ижарага қўюлган.

#### Вайрона

Машҳур Йигчи эшон тўпалангида ерли халқ қўлидан тортиб олинган вайронадаги ерлар 1922 нчи йилда ер-сув шўъбаси томонидан Хоканд камбағалларига қайтиб берилган. Ҳозир ул ерда Хоканд камбағаллари 195 киши жўра (артел) бўлиб ишлайдир.

Ерлар буткул экилган.

#### ШАҲАРИМИЗДА:

##### Ёшлар қўзғолдилар

Бу чоқгача дараги йўқ бўлуб келган коммунист ёшлар бирлиги марказдан келган ишчиларнинг ёрдами билан ишга бошлади.

Ҳозир жиддият билан ишламакка бошлагон янги райкомга масъул саркотиб қилиниб ўртоқ Билолов белгиланди.

##### Ёшлар босмачиларга қарши

Янги ташкил этилган ёшлар ревкоми босмачиларга қарши курашда ёшларни яхшилаб ишга солиш ҳаракатига киришди.

##### Ёшлар ва саводсизлик

Ёшлар Ўрта Осиёдаги саводсизликни битирмак учун жиддий ҳаракат кўрила бошланди.

Эски шаҳар ёшлари учун биринчи июлдан қолмасдан бир саводсизликни битириш курси очилғусидир.

Бизнинг учун райкомда ҳозирлик бордир.

##### Кўмак уйқуси

Андижон «Кўмак» уюшмаси ухлайдир. «Нашри маориф» ҳам тузулганидан бери ортиқ бир нарса қила олгани йўқ. Сўнгги вақтдаги жонланишнинг асари бу уюшмаларда ҳам кўрилишига тегиш эди.

##### Янги мактаблар

Маориф шўъбаси томонидан босмачилардан тинчланган Миробод қишлоғида бир янги мактаб очилди.

Каппонда ҳам бир мактаб очилган эди. Яқинда Хоканд қишлоғида бир мактаб очилғусидир.

4-саҳифада Чўлпоннинг «Сени кўб кўрма-сун!» (Фаргона ҳаётидан) номли ҳикояси илк бор эълон қилинган.

Бу саҳифадан ҳам халқаро аҳволга оид «Сўнг хабарлар» рукнида «Амриқо Эронга ҳам суқуладир», «Италия билан битишиш арафасидамиз», «Лузон бузулса керак», «Англиянинг гўштланиши», «Англия Туркиянинг жон душмани» каби хабарлар ўрин олган.

(Давоми келгуси сонларда)



# «КАТТА ҚИРҒИН»

## ҚУРБОНИ БЎЛГАН ЖУРНАЛИСТЛАР

Рустамбек ШАМСУТДИНОВ

*Агар ҳар бир халқ, ҳар бир давлат мустақил бўлмаса, бошқалар унинг нафақат деҳқонини, нафақат ишчисини, ҳаттоки шоиру олимини ҳам, давлат арбобини ҳам истаганча хор қилиши, инсон шаънини тупроққа қориши мумкин экан. Буни биз кўрдик, биз яқин тарихимизда кечган ана шундай аянчли воқеалар мисолида мустақиллигимизнинг аҳамияти ва моҳияти, кадр-қийматини теран англаб етишимиз, уни ҳар қандай ёвуз кучлардан ҳимоя қилишга тайёр туришимиз шарт.<sup>1</sup>*

**Ўзбекистон Республикаси Президенти  
Шавкат МИРЗИЁЕВ**

1937 – 1938 йиллардаги «катта террор», «катта қиргин», «катта тозалов» ёки «ежовчилик» деб ном олган фожиа Ўзбекистонни ҳам ўз гирдобига тортган. Ўйлаб топилган айблар бўйича кўплаб нуфузли сиёсатчилар, ҳарбийлар, таниқли фан ва маданият арбоблари, республиканинг минглаб оддий аҳолиси: деҳқонлар, ишчилар, хизматчилар, руҳонийларга қатагон тиги қаратилган. Улар қаторида кўплаб ўзбек миллий журналистлари ҳам бўлган. Ушбу мақолада Ўзбекистонда қатагон қилинган журналистлардан атиги 8 нафарининг тақдири, қисмати ҳақида айрим маълумотлар келтирилади.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2016 йил 18 ноябрда Жиззах вилояти сайловчилари билан сайловолди учрашувидаги нутқи // Халқ сузи. 2016 йил 19 ноябрь.

**Фозилбек Отабек ўғли** 1886 йили Андижон шаҳрининг «Девонабой» даҳасида зиёли оилада туғилган, ўзбеклардан етишиб чиққан дастлабки публицист журналистлардан бири. Унинг фаолияти ҳақидаги маълумотлар Андижон вилоят давлат архивининг 312 – «Туркистон, Россия телеграф агентлигининг Андижон уезди шўъбаси фонди»да сақланмоқда.

«РОСТА» ходимларининг сўроқ варақаларида 1921 йил 15 январдан «РОСТА»да ишлагани, партиясизлиги, русча ва мусулмонча маълумотга эгаллиги, араб, форс тилларини билганлиги, журналист сифатида яхши танилганлиги, айниқса, миллий тил, удумларни аъло даражада билгани кўрсатилган. Фозилбек Отабек ўғли қарамоғида 5 жон (рафиқаси Саодат, ўгиллари Ҳабибулла, Ҳамидулло, Ҳамроқул, кизи Нодира) бўлган. Сўроқ варақасининг «Инқилобгача ва инқилоб даврида қандай нашрларда ишлагансиз?» деган саволига Фозилбек Отабек ўғли: «Инқилобга қадар инқилобчи бўлганман, инқилобий гояларни тарғиб этганман», – деб жавоб берган. Бундан маълумки, Фозилбек Отабек ўғли Андижондаги дастлабки маърифатпарвар, тараққийпарвар, яъни жадидлардан бири бўлган. У Абдулҳамид Чўлпон, Усмонхон Эшонхўжаев, Қўчқор Олимов, Саъдуллахўжа Турсунхўжаев билан маслакдош эди. Ушбу сатрлар муалифи 1995 йил сентябрда Анқарадаги «Туркий халқлар тарихини яратиш»га бағишланган халқаро конгресда қатнашганида Али Бодомчининг 1975 йили Истанбулда нашр этилган «1917 – 1934 йиллар. Туркистон миллий истиклол ҳаракати ва Анвар пошшо» китобини қўлга киритган эди. Китобда Фозилбек Отабек ва бошқа андижонлик тараққийпарварлар ҳақида мана бу сатрлар ёзилган: «1918 йил Ан-



дижонда бир қироатхона очилади, кенг зали бўлган бу қироатхонанинг идоравий ҳаётида Туркистон миллий бирлигининг Андижондаги вакили этиб Ҳусайн Ниёзий, Усмонхон Эшонхўжа ўғли, Вали Мақсудий, З.Аълам, Фозилбек Отабек ўғли, Абдулҳай Махдумлар сайландилар. Қироатхона халқ мактаби вазифасини бажарар эди. Ҳар оқшом усмонли зобитлар кунининг муаммолари, маданий, сиёсий ва тарихий мавзуларда халққа маъруза қилардилар. Рус ташвиқотларига ишонмасликка ва қўрбошиларга ёрдам кўрсатишга даъват этардилар...»

1920 йил 15 сентябрдаги ҳужжатга қараганда, Фозилбек Отабеков «Турк РОСТА»нинг Андижон уезди бўйича таҳририят шўъбаси мудирининг мусулмонча плакатлар чиқаришда фаол қатнашгани кўрсатилган.

Фаргона «РОСТА» мудирининг Иноземцевнинг 1920 йил 22 июлда Туркистон «РОСТА» мудирининг Цивилинг номига йўллаган телеграммасида шундай сатрлар бор: «Юнусовни (Чўлпонни – Р.Ш.) Янги Бухорога хизмат учун юбориб, уч ҳафта танаффусдан сўнг, 22 августда 30 нусха миқдоридида мусулмонча плакат чиқаришни қайтадан тикладик. Улуғ меҳнат билан тарқаб кетган Эски шаҳар шўъбасини ташкил этдик. Мудирликка эски газета ходими, партияга хайрихоҳ Отабековни таклиф қилдик. Плакатлар менинг назоратим остида чиқиб турибди...»

Унга берилган шаҳодатномаларнинг бирида шундай дейилган: «Ушбуни кўрсатувчи ўртоқ Отабеков Фозилбек Туркистон «РОСТА»си Фаргона шўъбаси Андижон ёрдамчи шўъбаси Андижон Эски шаҳар шўъбасининг мудиридир.

Унга Андижон Эски шаҳарида ахборот тармоқларини ташкил этиш, материаллар тўплаш ҳамда Тошкент, Фаргона шўъбалари, Андижон ёрдамчи шўъбаси билан ёзишмалар олиб бориш, маҳаллий матбуот органларини ахборот материаллари билан таъминлаш, марказ ахбороти бўйича мусулмонлар орасида тарғибот ишларини олиб боришни ташкил этиш ва раҳбарлик қилиш топширилган.

Ўртоқ Отабеков пулсиз ва навбатдан ташқари Андижон шаҳридан Фаргона «РОСТА», Тошкент «Турк РОСТА» манзилларига телеграмма йўллаш ҳуқуқига эгадир.

Туркистон Марказий ижроия қўмитасининг 1919 йил 1 ноябрдаги 95-сонли буйруғига асосан барча шахслар муассасалар ва жамоат ташкилотлари ўртоқ Отабековга ҳар жиҳатдан ёрдам, кўмак кўрсатишлари шарт».<sup>2</sup>

Фозилбек Отабек ўғли кўп йиллар мобайнида Андижоннинг машҳур Авгон боғидаги қишлоқ хўжалиги илмий-тадқиқот тажриба станциясида илмий ходим сифатида фаолият кўрсатган, агрономия соҳасида етук мутахассис ҳисобланган. Айни вақтда, у 1898 йилги Андижон қўзғолонининг шоҳиди сифатида илмий изланишлар олиб бориб, «Дукчи Эшон воқеаси» номли тарихий-бадиий асар яратган. Бу асар 1927 йили Самарқандда араб имлосида ўзбек тилида нашр этилган ва ҳозирда ҳам Андижон қўзғолони тарихидан бирламчи манбадир. Шу китоби туфайли у ҳам миллатчиликда айбланиб, Янгийўл районидаги Қовунчи қишлоғига сургун қилинган. Бу ерда пахтачилик бўйича меҳнат қилган ва шу жойда вафот этган.

**Расулжон Раҳимий** 1903 йили Қўқон шаҳрида туғилган, 1914 йили отаси вафот этган, 1919 йилгача болалар уйида тарбияланган, 1919 йили комсомол сафига ўтган, 1920 йилдан 1922 йилгача Бутунроссия фавқулодда комиссияси – ВЧК Фаргона бўлимидаги 58-эскадронда кўнгилли бўлиб хизмат қилган. 1920 йилдан 1929 йилгача раҳбарлик лавозимларида хизмат қилган. 1929 йили Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети «Қизил Ўзбекистон» республика газетасида ишлашга тавсия қилган, газетанинг қишлоқ хўжалиги, оммавий бўлимига мудирлик қилган. 1930 йил 7 апрелда Расулжон Раҳимий «Қизил Ўзбекистон», «Ўзбек-танская правда» кўчма таҳририятининг аъзоси сифатида Бухоро округига юборилади. 1931 йил 10 январдан эса «Қизил Ўзбекистон» газетасининг муҳбири сифатида Андижон округига юборилади ва Андижон шаҳар-район газетаси – «Пахта fronti»га ёрдам бера бошлайди. Тез орада «Пахта fronti» газетасининг муҳаррирлигига тайинланади. Ҳозиржавоб, сиёсий етук журналист Р.Раҳимий 1931 йилнинг июль ойида «Қизил Ўзбекистон» саҳифаларида ўша замон руҳидаги «Ойим большевиклари, бўш келман-

<sup>2</sup> Андижон вилоят давлат архиви. 312-фонд, 1-руйхат, 3-иш, 360-варақ.



гиз», «Мамлакат ўз қаҳрамонларини билсин», «Зарбали гектарлар», «Транспорт изида большевикларча курашиб», «Уни илгари юборишимиз керак», «Куричкин синфий кураш позициясида», «Темир билаклар рўзгори» каби 9 та мақоласи босилган. У танқидий мақолаларни алоҳида эҳтирос билан ёзган. Унинг «Қизил Ўзбекистон» саҳифаларида босилган «Ойим, Ворошилов, Косонсой, Янгиқўргон районлари пилла тайёрлашда оқсоқ», «Андижон районлари, бўшашмангиз!», «Бригадирлар ўз ишларининг натижаси учун кураш олиб боришлари керак», «Қолоқликка зарба бериб», «Йигимни тез суръатда таъминлайлик» сарлавҳали танқидий мақолаларида замон нафаси акс эттирилган. Аини вақтда, Расулжон Раҳимий ТАСС – Совет Иттифоқи телеграф агентлиги ва «Правда» газетасининг Ўрта Осиё бўлими мухбири бўлиб ишлайди. 1935 йили Андижон округи Избоскан райони МТС сиёсий бўлим газетасига масъул муҳаррирлик қилган, сиёсий бўлим тугатилиши муносабати билан Избоскан район газетасига муҳаррир этиб тайинланган. Унинг «Онтариш», «Хоин» драмалари 30-йилларда Андижон ва Ўш театрларида мувофақиятли қўйилган, томошабинлар олқишига сазовор бўлган.

«Катта террор» авжига минган кунлари газета ва журналлар саҳифаларида қатагон сиёсатини олиб борувчилар, «қонун посбонларининг фаолияти»ни мадҳ қилиш қизгин тус олган эди. «Қутурган итларга ўлим», «Қабиҳ ниятлар фош этилди», «Манфур айгоқчиларга лаънат», «Шонли НКВД ишларига тасанно» каби баландпарвоз, ҳақиқий аҳвол сохталаштирилган мақолалар чиқа бошлаган. Ҳатто «Қириб ташлансин» қабилдаги шеърлар ҳам пайдо бўлган.

Андижондаги «Пахта fronti» газетаси ҳам замона зайли билан ана шундай йўл тутган. Унинг 1937 йил сентябрь ойларида «Душманлар шафқатсиз фош қилинсин», «Иккиюзламачи мунофиқларга большевик матбуотида ўрин йўқ», «Миллатчи ва маиший бузуқлар тўдаси» номли мақолалари чоп этилади. Бу вақтда Расулжон Раҳимий Андижондаги Охунбобоев номли театр директори эди. 1937 йилнинг 21 августидан НКВДнинг Андижон бўлими 3-сектори ходимлари Расулжон Раҳимийни ҳибсга

олган эдилар. «Пахта fronti»нинг 1937 йил 16 сентябрь сонидан унинг «аксиланқилобий» фаолияти бошқалар каби газетанинг ўша сонидан кўрсатилган. У 5 ноябрда Войлошников, Берг, Кулинич томонидан тергов қилиниб, айблов хулосаси тайёрланади ва у Тошкентга юборилади. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлари қошидаги учлик 1937 йил 13 ноябрда Расулжон Раҳимийни 10 йил муддатга қамоқ жазосига ҳукм этади. Узоқ Шарқдаги ГУЛАГ лагерларидан бирига юборилади, бу ерда 1943 йили огир касалликдан ҳалок бўлади. 1959 йил 6 июнда Андижон вилоят суди президиуми «учлик»нинг 1937 йил 13 ноябрдаги Расулжон Раҳимийга нисбатан қўллаган ҳукмини бекор қилади, журналист, драматург, ёзувчи тўла оқланади.

**Анқабой Худойбахтов** 1905 йили Самарқанд вилоят Жиззах уезди Усман қишлоғида деҳқон оиласида туғилган. Отаси билан онаси 1916 йили вафот этгач, 11 ёшидан кичик ёшдаги укалари тирикчилиги ташвишида бўлиб, ноилжликдан укаларини одамларга тарқатади. Ўзи эса 1916 йили Самарқанд уезди Мобут волостининг Жомбой деган жойига келиб ҳар хил шахслар хўжалиғида 1918 йилгача батраклик қилиб кун кечиради.

1918 йилдан 1920 йилга қадар Жомбойдаги оч қолган болалар етимхонасида ҳаёт кечиради.

1920 йилдан 1922 йилгача Самарқанд маориф институтида, 1922 – 1924 йилларда Тошкентда В.И.Ленин номидаги Коммунистик университетда ўқиган. 1924 – 1925 йилларда Самарқанд область «Зарафшон» газетаси таҳририятида масъул муҳаррир ўринбосари бўлган, бир вақтнинг ўзида комсомол газетасига муҳаррирлик қилган, 1925 йили партиёга аъзо бўлган.

1925 йилдан 1928 йилгача Москвада Журналистика давлат институтида ўқиган. 1928 – 1929 йилларда «Зарафшон» газетаси масъул муҳаррири бўлган, 1929 – 1933 йилларда республика касаба союзи органи «Ишчи» газетасига масъул муҳаррирлик қилган.

1933 – 1936 йилларда Ўзбекистон коммунистик (большевиклар) партиёси Марказий Комитети партиё нашриёти бош муҳаррири бўлиб ишлаган.



1936 йил 3 сентябрда тўлгизган ходимларни ҳисобга олиш варақасида Анқабой Худойбаҳтов олий маълумотли, 1929 йилдан матбаачилар уюшмаси раиси, тожик экани, рус тилларини билиши, янги ўзбек алифбосини ўқитишни жорий қилишдаги фойдали фаолияти учун Ўзбекистон ССР Марказий ижроия комитети 1932 йили фахрий ёрлиқ билан тақдирлагани қайд этилган.

1936 йилдан у Республика радио комитетига раис этиб тайинланган. 1937 йил 1 июлда Ўзбекистон компартияси Марказий Комитети бюроси қарори билан (масалани бюрога Қ.О.Берегин тайёрлаган – Р.Ш.) Анқабой Радиокомитет раислигидан озод қилинади. Бюро қароридан кўчирмага Ўзбекистон компартияси Марказий Комитети секретари Цехер қўл қўйган.<sup>3</sup>

СССР Олий суди ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил 5 октябрдаги йигилишида Анқабой Худойбаҳтов отувга ҳукм қилинган, ҳукм ўша куни ижро этилган.<sup>4</sup>

**Аюпов Аъзам** 1904 йил сентябрида Тошкент шаҳрида хизматчи оиласида туғилган, отаси 1915 йилгача мануфактура савдоси приказчиси, саркори бўлган, 1917 йили вафот этган. Аъзам 1935 йили рус тилида битилган ўз таржимаи ҳолида шундай ёзган: «...1919 йилгача қуйи – ўрта мактабда (етти йиллик) ўқиганман ва 1921 йилга қадар турли курсларда ўқиб, бир вақтнинг ўзида ишлаганман. 1919 йилдан 1920 йилгача «Турон» кутубхонасида кутубхоначи, ундан сўнг «Қизил байроқ», «Туркистон» газеталари редакциясида ва ҳозир «Қизил Ўзбекистон» газетасида ишламоқдаман. Бу редакцияларда адабий ходим, корректор, бўлим мудир, масъул котиб ўринбосари, масъул котиб сифатида фаолият кўрсатганман. Ҳозирги вақтда «Қизил Ўзбекистон» редакциясида масъул котиб ва «Гулистон» журналида муҳаррир ўринбосари вазифасидаман».

Кадрларни ҳисобга олиш шахсий варақасида Аъзам Аюпов «Ер юзи» журнали масъул котиби, таҳририят аъзоси, «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» редакцияси ходимлари ка-

саба союзи раиси бўлганлиги, рус, турк, татар тилларини билгани қайд этилган.<sup>5</sup>

СССР Олий суди ҳарбий коллегиясининг 1938 йил 5 октябрдаги сайёр йигилишида у отувга ҳукм қилинган, ҳукм ўша куни ижро этилган.<sup>6</sup>

Партия XX съездидан сўнг кўплар қатори Аъзам Аюпов ҳам реабилитация этилган.

**Комилжон Алимов** 1903 йили Тошкентда ишчи оиласида туғилган. Унинг 1926 йил 30 сентябрда тўлгизган таржимаи ҳолида отаси Тошкентда йўл тозаловчи отлиқ темир йўлида («Конки») ишлагани, Марв шаҳрига келиб ишлагани, бу ерда Комилжон 1910 йили мусулмон татар мактабида, Тухтамишск рус-тузем мактабида ўқигани, оилавий шароити огирлигидан ўқишни ташлаб полковник Шонмовда 1915 йилгача хизматда бўлгани, февраль инқилобига пиво заводида ишлагани, магазинда фаррош бўлиб ишлагани, 1918 йил бошларидан Тошкентдаги катта ёшдагилар ўқийдиган курсда ўқигани, «Тўдалар» номли ёшларнинг миллий социалистик гуруҳига киргани, 1919 йили Тошкент Эски шаҳар ошпазлар союзининг котиби ва раиси бўлиб ишлагани қайд этилган.

1921 йили Москвада Шарқ меҳнаткашлари коммунистик университетида (КУВТ) таҳсил олади, Москвада ўқиётган ўзбекистонлик талабалар комсомол ташкилотида катта раҳбар бўлади, 4-Бутунроссия коммунистик ёшлар союзи съездида қатнашади. Сўнгра Туркистон Республикаси, Тошкент, Самарқанд областлари комсомол ташкилотларида раҳбарлик лавозимларида фаолият юритади.

1924 йили К.Алиев Туркистон компартияси Марказий Комитети матбуот бўлими мудир бўлиб ишлайди. Ўша йили Москвага Давлат журналистика институтига (ГИЖ) қабул қилинади. Ўқишни тугатгач Ўзбекистон партия ва деҳқонларининг газеталарига муҳаррирлик қила бошлайди. 1926 йили Тошкент область партия ташкилоти съездида ҳал қилувчи овоз билан Бутунўзбек партия ташкилотининг 2-қурултойига, 1925 йил декабрида Москвада

<sup>3</sup> Курсатилган манба. 37-варақ.

<sup>4</sup> РФ РФХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 531 – 532-варақлар.

<sup>5</sup> ЎзР ПДА, 58-фонд, 79-рўйхат, 99-иш, 95 – 98-варақлар.

<sup>6</sup> РФ ФХМА, 7-фонд, 1-рўйхат, 10-иш, 533-варақ.





бўлиб ўтган ВКП(б) XIV съездига вакил этиб сайланган. Ўша йилларда К.Алимов Ўзбекистон давлат нашриётига, Тошкент Эски шаҳар советига, ВКП(б) Марказий Комитети Ўрта Осиё бюроси матбуот бўлими коллегиясига аъзо бўлган.

1926 йили К.Алиев бир вақтнинг ўзида иккита газетага ва учта журналга муҳаррирлик қилган. Журналистика бўйича билими ва тажрибасини доимий равишда оширишга ҳаракат қилган ва бу соҳада республикада танилган нуфузли раҳбар ходим сифатида қадрланган.<sup>7</sup>

СССР Олий суди ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил 8 октябрдаги йигилишида Комилжон Алиев отувга ҳукм қилинган, жазо ўша куни ижро этилган.<sup>8</sup> Ҳозирда реабилитация қилинган.

**Заки Саттаров** 1904 йил 15 мартда Абдрикешлоғида деҳқон оиласида тугилган, татар, асосий касби хизматчи, ўрта маълумотли, 1930 йил 4 августда Зарафшон партия ташкилотида партияга қабул қилинган, 1922 йил Самарқанддаги интернатда 4-синфни битирган, 1922 йил 25 мартдан 1923 йил 1 январигача Сарабош қишлоғидаги Бобомурод халфада батрак бўлиб ишлаган, шундан сўнг Самарқанд область Довул волостидаги Имомназар Бобоназар бойда хизматкор бўлган. 1923 йил 1 ноябрдан 1925 йил 10 октябргача Искандар қишлоғидаги «Искандар» номли уругчилик хўжалигида, 1925 – 1926 йилларда Бокуда темир йўл қурилишида, 1926 – 1927 йилларда Каттақўргон уезди Чамбой волость ижроия комитетида Қорақурсак қишлоғида масъул котиб, 1928 йил 25 апрелдан 1929 йил 1 июлгача Каттақўргонда жойлашган республика 1-изоляторидида ўқув-тарбиявий бўлим мудирини, Каттақўргон район қишлоқ хўжалиги кредит ширкати раиси бўлиб хизмат қилган. 1930 – 1932 йилларда Мирбозорда Нарпай район колхозлар союзи раиси, 1932 йил декабригача Каттақўргон райони бўйича шикоятлар қабул қилиш бюроси мудирини бўлган. 1932 йил 8 декабрдан 1933 йил 1 октябргача Ўзбекистон компартияси Марказий Комитети органи «Кол-

хоз йўли» газетаси таҳририятининг Андижон ва Асака шаҳарларидаги махсус муҳбири бўлиб хизмат қилган.

З.К.Саттаров 1933 йил 1 октябрдан 1934 йил 1 октябргача Марҳамат районидаги «Сталинчилар овози» газетасига муҳаррир, МТС сиёсий бўлим бошлиғи, район ижроия комитети раиси вазифасида фаолият кўрсатади.

У 1931 йил 1 октябрдан 1937 йил 28 мартгача Самарқанд шаҳар партия комитети органи «Ленин йўли» газетасида масъул муҳаррир бўлган.

1933 йили Русское селода Марҳамат район ижроия комитети пленумида З.Саттаров пленум аъзоси ва ижроқўм президиуми аъзоси, Марҳамат район ижроия комитети раиси ўринбосари этиб сайланади. Ўз даврида Марҳамат райони ва Самарқанд шаҳар партия комитетларига аъзо бўлган.

Шахсий варақада турк, рус, қозоқ, ўзбек, татар тилларини билиши қайд қилинган.

1937 йил 27 майда партиявий хушёрликни сусайтиргани учун ВКП(б) Марказий Комитетининг Ўзбекистон бўйича партия контрол комиссияси вакили томонидан З.Саттаровга қатъий ҳайфсан эълон қилинган. Унинг яшаш манзили Самарқанд шаҳри Карл Маркс кўчаси 21-уй бўлган.<sup>9</sup>

СССР Олий суди ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил 13 октябрдаги йигилиши Заки Қиёмович Саттаровни отувга ҳукм қилган, ҳукм ўша куни ижро этилган.<sup>10</sup>

**Абдулҳай Тожиев** 1899 йили Тошкентда тугилган. Уч йиллик рус-тузем мактаби ва олти ойлик муаллимлар курсини, кейинчалик Москвадаги Коммунистик университетни (1920) тугатган. Қизил профессорлар институтида ўқиган, Тошкент Эски шаҳар партия комитети тарғибот ва ташвиқот бўлими мудирини (1920 – 1921), халқ маорифи бўлими мудирини (1921), Туркистон компартияси Сирдарё область партия комитети котибини (1921 – 1922), «Туркистон» газетаси муҳарририни (1923 – 1924), Ўзбекистон компартияси Тошкент область партия комитети масъул котибини (1925 – 1926),

<sup>7</sup> ЎзР ПДА, 58-фонд, 65-руйхат, 52-иш, 93 – 99-варақлар.

<sup>8</sup> РФ ФХХМА, 7-фонд, 1-руйхат, 10-иш, 542-варақ.

<sup>9</sup> ЎзР ПДА, 58-фонд, 78-руйхат, 147-иш, 1 – 14-варақлар.

<sup>10</sup> РФ ФХХМА, 7-фонд, 1-руйхат, 10-иш, 545-варақ.



Ўзбекистон компартияси Марказий Комитети тарғибот ва ташвиқот бўлими мудирлари (1927 – 1929), «Қизил Ўзбекистон» газетаси муҳаррири (1929), Бутуниттифоқ советлари МИК Миллатлар совети котиби (1929 – 1935), Тошкент шаҳар совети раиси (1935 – 1937) ва ЎзССР советлари МИК раиси ўринбосари (1937) лавозимларида ишлаган. 1937 йил 3 августда Тошкентда қамолқа олинган ва Москвада 1938 йил 27 апрелда бўлган суд қарорига кўра отиб ташланган. Вафотидан сўнг оқланган.<sup>11</sup>

**Усмонхон Эшонхўжаев** 1899 йил 14 октябрда Андижоннинг Эски шаҳар қисмида ўқимшли деҳқон оиласида таваллуд топган, мусулмон мактабида, мадрасада, рус-тузем мактабида, олий бошланғич билим юртида, эркалар гимназиясида ўқиган. 1916 – 1917 йилларда Андижонда чиқаётган «Туркестанское слово», сўнгра «Туркестанский голос» газетасида хизмат қилган.

У.Эшонхўжаев 1922 йил июлидан Туркистон компартияси Марказий Комитети матбуот сектори мудирлари, ташвиқот ва тарғибот бўлими мудирлари ўринбосари, «Туркистон» номли ўзбек газетаси, «Инқилоб» номли адабий-оммавий ва сиёсий ойлик журнал муҳаррири, сўнгра «Қизил байроқ» газетаси, «Билим ўчоғи» журналининг муҳаррири бўлиб ишлаган.

Эхтиросли публицист У.Эшонхўжаев Москвада Свердлов номидаги Коммунистик университетда, Қизил профессорлар институтида ўқиган. У Москвадалигида Ўзбекистон матбуотида босилган ижтимоий-сиёсий, мафкураравий-назарий мақолаларни қунт билан ўқиб борар, долзарб масалаларга ўз муносабатини билдирадди. 1927 йил 21 январда «Фаргона» газетасида Холмат Охундийнинг «Ленин ижтимоий инқилоб пайгамбари» номли бош мақоласи чоп қилинади. «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1927 йил 18 февраль сонидида бу мақолага акс садо тарзида И.Қамчинбек имзоси билан «Ленин ва ленинизм Охундий тасвирида» сарлавҳали катта мақола босилади. Мақола катта шов-шувга сабаб бўлади. Унга Москвадан Усмонхон Эшонхўжаев ҳам ўз му-

носабатини билдириб, «**Ленин пайгамбар эмас, лекин пайгамбар**» номли мақола юборади. «Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1927 йил 1 май сонидида мақола чоп қилинади. Аммо бу мақола расмий доираларда нотўғри таҳлил этилиб, унинг муаллифини Ўзбекистонни индустрлаштиришни бутун СССРни индустрлаштиришига қарши қўйганликда, ЎзССРни «қизил мустамлака» деб айтганликда, Ленинни «пайгамбар» атаб, большевизмни эса динга айлантганликда айблайдилар. Бундан ташқари, Ўзбекистоннинг ўша вақтдаги биринчи раҳбари Акмал Икромов Усмонхон Эшонхўжаевнинг мақолаларида Туркистон буюк ўзгаришлардан сўнггина озодликка чиқади, ҳозирги озодлик номигадир, холос, ўлкада юз берган «инқилоб» – бу фақат шаклдир, тўла маънодаги озодликни биз ҳозир кўрмаймиз деган фикрларидан унга қарши курашда фойдаланишга ҳаракат қилган. Унга кейинчалик аксилпартиявий гуруҳ ташкилотчиси деган сиёсий айб қўйилади.

Нихоят, 1937 йил 15 августда Қозон шаҳрида НКВДнинг давлат хавфсизлик комитети бошқармаси 4-бўлими томонидан ҳибсга олинади. У бу вақтда Қозон шаҳри Большая Галактианцкая кўчаси 3-уй 4-хонада яшаётган, Қозон темир йўли сиёсий бўлим курслари мудирлари лавозимида ишлаётган эди. 1937 йил 13 октябрда Қозон турмасидан Тошкент турмасига келтирилади. Унга Жиноят кодексининг 58 – 64-моддаси 2-банди билан айб қўйилади. СССР Олий суди ҳарбий коллегиясининг сайёр ҳайъати йигилиши 1938 йил 4 октябрда Усмонхон Эшонхўжаевни отувга ҳукм қилади, ҳукм ўша куни кечқурун ижро этилади. Шунда у эндигина 39 ёшга тўлган эди. 1957 йил 1 августда СССР Олий суди томонидан реабилитация қилинади.

Бу сингари қатагон тигига учраган журналистлар республикамиз бўйича талайгинадир. Уларнинг фаолияти, қисмати, тақдирини, бой меросини ўрганиш ва улар ҳақида чин ҳақиқатни кенг халқаро оммасига етказиш муҳим ижтимоий-сиёсий, маънавий аҳамиятга эга.

<sup>11</sup> Тарихнинг номаълум саҳифалари. Биринчи китоб. – Тошкент: Фафур Фулом, 2009. – Б.113.



# СОВЕТЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ МИЛЛИЙ СИЁСАТИ ЎЗБЕК ЗИЁЛИЛАРИ ТАЛҚИНИДА

(ОГПУ МАТЕРИАЛЛАРИ АСОСИДА)

Рустамбек ШАМСУТДИНОВ

Маълумки, Москванинг диктовкаси ва қис-  
тови билан, Ўрта Осиёдаги Туркистон, Бухоро  
ва Хоразм Республикаларининг маҳаллий аҳо-  
лиси ва миллий арбоблари истагига қарамай,  
1924 – 1925 йилларда миллий давлат чегарала-  
ниши ўтказилди. Туркистон АССР, Бухоро ССР  
ва Хоразм ССР негизда Ўзбекистон ССР, Турк-  
манистон ССР, Тожикистон АССР, Қирғизистон  
автоном области, Қорақалпоғистон автоном  
области юзага келди. Бу билан большевизм яго-  
на туркий халқларнинг парчаланишини таъ-  
минлаб миллий хонадонларга бўлиб юборди.  
Ўлкада улуг рус шовинизми сиёсатини юритиш  
учун шарт-шароитлар яратилди. Шовинистик  
тартиб-қоида ва идора қилиш талабларига жа-  
воб берадиган бошқарув услуби жорий этилди.  
Чунки миллий давлат чегараланиши шундай  
айёрлик ва усталик билан ўтказилдики, бу ҳу-  
дудда қадим-қадимдан тугишган қон-қарин-  
дошдек аҳил бўлиб яшаб келаётган қирғиз,  
қозоқ, тожик, туркман, ўзбек ва қорақалпоқ-  
ларнинг бирортаси бу бўлинишдан қониқиш  
ҳосил қилмади. Уларнинг қалбида миллий че-  
гараланишдан норозилик сақланиб қолди. Бу  
ҳол ҳозирги кунда ҳам ўзининг салбий таъси-  
рини кўрсатмоқда.

«Миллий» давлатлар ташкил этилганидан  
сўнг уларнинг бошқарув органлари марказдаги  
совет органлари тартибда ва улар андозасида

ташкил этилди. Бундан асосий мақсад бутун  
бошқарув жловини Москвада мужассамлаш-  
тириш бўлган. Бундай тизим марказ учун жуда  
қулай эди. Айни чоғда, большевиклар янги бир  
«сиёсий ўйин», «сиёсий алдов» тактикасини  
қўллади. У тарихга «коренизация» (маҳаллий-  
лаштириш) номи билан кирди. Ўзбекистон та-  
рихшунослигида ўтмишимизнинг мана шу са-  
ҳифаси деярли ўрганилмаган.

20-йилларда Ўзбекистонда большевиклар  
олиб борган маҳаллийлаштириш сиёсати ва  
амалиётидан, айниқса, ўзбек миллий зиёли-  
лари қаттиқ норози бўлган. Чунки бошқарув  
тизимини маҳаллийлаштириш ниқоби остида  
руслаштириш сиёсати юритилган эди. Шу жа-  
раён советларнинг куч ишлатиш органларидан  
бири – ОГПУ (Организация государственного  
политического управления) ҳужжат ва ма-  
териалларида акс этирилган, бу манбаалар  
«мутлақо махфий» тамгаси остида тадқиқот-  
чиларга берилмай келинган эди. Эътиборин-  
гизга ана шу ҳужжатлардан бири – ОГПУнинг  
ВКП(б) Марказий Комитетига 1928 йил 31 майда  
йўллаган «**Ўзбекистонда сиёсий кайфиятлар  
тўғрисида**»ги маъруза хатида маҳаллийлаш-  
тириш, яъни ўзбеклаштириш, панўзбекчилик,  
антисовет тарғибот, ўзбек миллатчилиги так-  
тикаси, антисовет фаолиятининг ташкилий  
принциплари, Ўзбекистонни бошқариш тарзи



қандай бўлиши, омма умидининг пучга чиқиши сарлавҳалари остида Ўзбекистондаги миллий масала, миллий сиёсат соҳасидаги ижодий ходимларнинг, зиёлиларнинг ҳолати, кайфияти умумлашган тарзда берилган. Унинг қанчалик ҳаққонийлиги, тўғрилиги ҳақида аниқ фикр билдириш мураккаб. Шундай бўлса-да, бу расмий ҳужжатда келтирилган фикр-ғоялар кўпчилик учун эътиборлидир.

### Маҳаллийлаштириш

Ўзбек миллий зиёлиларини назорат қилиш шуни кўрсатмоқдаки, Ўзбекистон маданияти ва иқтисодиётининг ўсиши негизида, умуман, миллий зиёлилар орасида Москва таъсиридан эмансипация сари ривожланиш тенденцияси тараққий этмоқда, бу панўзбекчиликка интилишда (миллий шовинизмда), миллий озчилик манфаатларини эътиборга олмаслик, Ўзбекистонда фақат ўзбекларнинг гегемонлигини ўрнатишга ҳаракат қилишда ўз ифодасини топмоқда.

Бундай интилиш, айниқса, маҳаллийлаштириш ва мустамлакачилик масалаларида аниқ ўз ифодасини топмоқда. Мисол учун:

1) Ўзбекистондаги собиқ аксинқилобий ташкилотларнинг иштирокчиларидан бири, ўқитувчи, бой ўғли **Шорасул** шундай деган: «Наҳотки, бутун мамлакатнинг кўчириб келтирилганлар билан тўлдириб борилиши давом этса?»

«Бизнинг миллатчилигимиз руслар миллатчилигининг натижасидир».

2) **Санжар** (бир вақтда «Муштум» журнали муҳаррири бўлган) ва Элбек (янги алфавит комитети котиби), таниқли ўзбек зиёлилари айтишмоқда: «Руслар доимий равишда Туркистонни тўлдириб бормоқдалар ва фоиз ҳисобида руслар ўзбеклар миқдорига етиб бормоқдалар. Бизларни ким бу фалокатдан қутқаради?»

3) **Мунаввар Қори Абдурашитов** – Ўзбекистондаги пантуркчиларнинг лидери, революциянинг биринчи даврида Туркистондаги турли аксилинқилобий миллий уюшма ва ташкилот-

лар иштирокчиси ва раҳбари шундай деган: «Революция бизга ҳеч нарса бергани йўқ: ҳамма нарса эскидек, фақат байроқ ўзгарган. Байроқ остида ишсизлар ўлкага жойлаштирилмоқда».

4) **Эсон Афанди** – таниқли советларга қарши пантуркчи, ўқитувчи, партия аъзоси бўлган: «Куч руслар томонида ва агар уларнинг кучи келиб жойлашаётган экан, бунга ҳеч таажубланмаслик керак. Бизнинг шахримизда уй қураётган 2800 кишидан ўзбеклар учун фақат 24 кишигагина берилган. Мана сизга совет ҳокимиятининг миллий сиёсати».

Ана шу хатдан: «Советлар Туркистонга русларни кўчириб келтирмоқда ва уларга энг яхши боғлар тақдим этилмоқда».

«САГУ рус талабалари билан тўлдирилмоқда, ўзбеклар арзимас озчиликни ташкил этмоқда».

«Большевизмнинг энг салбийлиги унинг мустамлакачилик сиёсатидир, Туркистонга руслар келтириляётганидир».

5) Масъул ходимнинг мақоласида: «САГУда минглаб талабалар, ўзбеклар эса ўнлабгинадир ва бу Ўрта Осиё давлат университети деб номланган!».

6) **Ғ.Юнус айтади**: «Биз ўзбекларни ҳайдаб чиқардилар, ваҳолонки, бугун бир чиновниклар штатини таъминлаб келмоқдалар. Бу ўзбеклар учун Марказдан бу ерга ишчиларнинг келтирилиш сиёсати жуда ҳам зарардир, чунки ўзбекларнинг ўзлари ерсизликдан азоб чекмоқдалар. Аммо эндиликда чинакам ҳақиқий коммунист бўлиш мумкин эмас, ҳақиқат учун айб-ламоқдалар».

7) **Санжар**: «Москва 3 йил давомида Ўзбекистонга 3 миллион крестьянларни кўчириб келтиришга қарор қилди. Ишсизлар кўриниши остида ўлкага аҳоли жойлаштирилиши юз бермоқда».

8) Советларга қарши мафкура учун партиядан ўчирилган халқ маорифи инструктори Воҳидов шундай деди: «Бухорода аввал 90000 аҳоли бўлган, энди эса 30000 қолган, аммо улардан 5 – 10 минг «ўзбеклар» Самара губерниясидан».



9) **А.Қ.Муҳиддинов** – Тожикистон Халқ комиссарлари совети раиси юқорида тилга олинган Мунаввар Қори билан бўлган суҳбатда шундай деган: «Душанбеда руслар тожикларга нисбатан кўпдир. Большевиклар миллатчилар тайёрламоқдалар. Ходимлар русларни сиқиб бораётганидан шикоят қилмоқдалар, Москванинг ўзи баҳона белгиламоқда, бу ерда эса фабрикалар очилмаяпти, бунга Москва йўл бермаётибди».

10) Бой ўгли, ўқитувчи, коммунистик ёшлар союзи аъзоси **Мақсудов** шундай деган: «Москванинг қарори бўйича, Россиядан Туркистонга 10 миллион кўчмандилар ташланмоқда».

11) **Эсон Афанди**: «Ўлкага кўчириб келтиришлар тўхтайдими, агар шундай бўлса, босмачилик қўзғалади».

«Эски шаҳар янги шаҳарга қўшиб юборилмоқда. Бу русларни жойлаштириш учун осон бўлади».

12) **Мунаввар Қори**: «Аблаҳ мужиклар Ўрта Осиёга келтириб жойлаштирилмоқда. Улар маҳаллий аҳолига қараганда кўпроқдир. Агар авваллари йирик боғлар Ивановларга мансуб бўлса, ҳозирда ўзбек камбағаллари улардан иш топмоқдалар».

13) **Шорасул** дарсларида: «Барча руслар ва чет элликлар биз учун бегона. Уларга ён бермаслик керак, уларни Туркистондан сиқиб чиқариб юбориш зарур. Аблаҳ европалликлар маданиятга эришишмоқда ва Хитойни эзмоқда».

Шундай қилиб, ушбу мисоллардан миллатчи зиёлилар ҳамма соҳада – матбуотда, хусусий кенгашларда, тасодикий гаплашганларида ва бошқа ҳолатларда Ўзбекистонда русларнинг зўравонлиги ва ўлканинг мустамлакага айлантирилаётгани тўғрисида шикоят аризалар кўзга ташланмоқда. Шу билан бир қаторда, совет апаратини маҳаллийлаштириш қозғолига ўтказилаётгани, иккинчи даражали лавозимлардаги маҳаллийлаштириш қўлланилаётгани, айти пайтда, раҳбарлик қилувчи юқори лавозимлар – ВКП(б) Марказий Комитети Ўрта Осиё бюроси, ГПУ руслар қўлида қолмоқда, ҳо-

зиргача сиёсий раҳбарлик руслар томонидан амалга оширилмоқда (партия томонидан ўтказилаётган маҳаллийлаштириш реал натижалар бермаяпти), чунки:

1) **Мунаввар Қори** доирасидагилар: «Европалликларнинг ўзлари маҳаллийлаштириш гоёсини дискредитация қилмоқдалар: «номуносиблар»ни бир томондан ҳайдамоқдалар ва тайёрламаяптилар. Билувчи кишиларни эса «идеалогия» учун четлатмоқдалар, руслар учун эса ҳеч қандай тўсиқ қўйилмаяпти».

2) Қўқон техникумининг юбилей журналидан келтирилган парча: «Маҳаллийлаштириш – масҳара! Қачон темир йўл маҳаллийлаштирилади?.. Қачон ҳамма жойда ўзбекча ёзувлар бўлади? Ҳозирча маҳаллийлаштиришнинг 100% фақат қоровуллар ва отбоқарларга нисбатан қўлланилган».

3) **Эсон**: «Бизнинг тилимиз гарчандан тан олинса-да, аммо у хавф остидадир».

«Банклардан яҳудийлар тўласича фойдаланмоқдалар, ўзбеклар эса ҳеч нимага эга эмаслар». «Руслар ўзбекларга ишонмаяптилар. ГПУда бирорта ҳам ўзбек йўқ. Юқори муассасаларда умуман ўзбеклар йўқ».

4) **Обиджон Маҳмудов** – кекса жадид, собиқ Ўрта Осиёдаги турли аксилинқилобий, миллатчилик ташкилотларининг раҳбари: «Тошкентдаги ишлар Москвага юборилмоқда, у ерда эса арманлар ўтиришибди. ГПУ Марказий ижроия комитетига бўйсунмайди, маҳаллийлашмаган. Раҳбарлик Москвадан олиб борилмоқда. Аввалги мустамлакачилик сиёсати янги байроқ остида олиб борилмоқда».

5) **Мунаввар Қори**: «Менга бир масъул ходимнинг тушунтиришича, иш шунчаки Иноғомов шахсиятида эмас, унинг номидан ҳукумат ҳамда партиядан унинг ташқарисида, зиёлилар орасида ҳам миллатчилик билан кураш олиб бормоқда. Улар ўзларининг ўзбекларни ишга қабул қилаётганини кўрсатмоқда, бироқ бошқача турли ваз-қарсонлар билан ўз одамларини лавозимга қўйишмоқда. Зеленский-Бельский ҳукумати. Ҳукуматда ўзгариш бўлмайди. Таркиби Москвага соладиган борки, алмашти-



ришга ҳеч ҳожат йўқ. Ҳозирги таркибдаги жоҳиллар, карьеристлар халқ тўғрисида ўйламайдилар. Бироқ Татаристонда ҳокимият татарлар қўлида. Руслар Татаристонни сотиб юбора олмайдилар. У ердаги халқда уйғониш бор ва ҳар бир соҳада ўз кишиларини тайёрламоқда ва келгиндилар аста-секин республикадан қувиб чиқарилди».

«Маҳаллийлаштириш йўқ. Атайин Азиялеб кирдим: бор-йўғи 1 ўзбек ишламоқда». «ГПУ маҳаллийлаштирилмаган. Ўзбекистон мустақиллиги қаерда? Сунъий равишда гуруҳлараро курашни кўзгамоқдалар. Москва диктовка билан иш кўрмоқда, қайта сайловлар ГПУ назорати остида. Биз ўзимизникиларни қўймоқдамиз, улар эса бизникиларни ҳайдаб юборишмоқда».

6) **Эсон Афанди** дарс вақтида ўқувчиларга: «Тожиқ миллати йўқ, улар шунчаки ўзбекларнинг қулидир. Туркий миллатнинг барча ўғиллари сафи бир ва фақат русларга турк халқларини миллатларга бўлиб юбориш фойдалидир ва миллий низони яратиб, ундан фойдаланишмоқда. Совет ҳокимияти коммунизм байроғи остида руслар ҳукмронлигини ўрнатмоқда. Аммо жаҳон коммунизм йўли жаҳон миллатчилигидир».

Унинг ўзи шахсий суҳбатларида: «Бизда миллатчилик бўлмаган, уни ўйлаб чиқардилар, шунчаки русларга бизнинг «миллатчилигимиз» керак эди. Миллатчилик маданиятли русларда бизниқига қараганда юз карра кучлидир...»

«Мен бир партиявий кишига нима учун айна руслар хўжайиндир, бизнинг СНК (Халқ комиссарлари совети – Р.Ш.) ҳеч нарса эмас. У фикримга қўшилди».

«Бу ерда агрономия яхлит бир бутун тўласинча руслар қўлидадир».

7) Коммунистик ёшлар союзи аъзосининг нашр қилишдан қайтариб берилган мақоладан кўчирма: «1920 йилга қадар Туркистон Республикасининг собиқ барча муассасалари европаликлар қўлида: туб аҳоли ўзининг ҳуқуқига эришмаган эди. Маҳаллийлаштириш бў-

йича комиссия ишлаётганига қарамасдан, Ўзбекистонда ҳам ана шу манзара. Агар Тошкент алоҳида европача округга айлантирилса, бунга таажжуб қилишга ҳожат йўқ, бу ерда маҳаллийлаштириш иши энг ёмон аҳволда, Ўрта Осиё бюросидан қўйи аппаратгача, ҳатто область ижроия комитети ва область молия бўлимигача ҳамма жойда европаликлардир. Аммо энг ёмон аҳвол – бу Тожикистон: тожиқ миллати уйқуда. У ҳақда тушунча Тожикистон АССРдан иборат, холос. Ҳозиргача темир йўл ўтказилмаган. Шунга қарамасдан, Тожикистон европаликлар билан шу қадар тўлиб кетганки, руслаштириш шиори яқин келажақда амалга оширилади. Билимдон кишилар ишга жалб этилмаётир. Маҳаллийлаштириш тескари томонга қараб ўтказилмоқда».

8) 1926 йил 28 февралда Бош вақф бошқармаси Носир Саиднинг 389-сонли хати билан Бухоро вақф бўлимига рус тилида ёзган жавобидан: «Яна иш юритув рус тилидами? Йўл қўйилмайди ва сиёсий нуқтаи назардан жиноят...»

9) Партияликнинг аризасидан: «Ўзбеклар жуда огир зулм юқини кўтармоқда, чунки ГПУ маҳаллийлаштирилмаган. У ерда мустамлакачилар аҳолини бўғмоқда. ГПУ томонидан ҳибсга олинганлар изсиз йўқолмоқда». Яна бир бошқа масала суд органлари: ўзбеклар ва адолатлилик. Шундай вақт келадики, европаликлар мусулмонлар олдида жавоб берадилар. Охун Бобога ўхшаганлардан бизга фойда йўқ: саводсиз батрак – руслар қўлида қўғирчоқ.

10) «Муштум» журналида берилган мақоладан кўчирма: «Ўзбек киносида ҳаммаси бўлиб 1 қоровул – ўзбек. Гарчанд маҳаллийлаштириш – фавқулодда масала, агар уни тўғри йўлга қўйсанг миллатчилик айбига эга бўласан».

11) Хатлардан кўчирма: «Ўзбек – завод бошқармаси аъзоси, хизмат сафарига юбориш баҳонаси билан кўчага ташладилар».

12) «Қизил Ўзбекистон» газетасидаги мақоладан: «2 мусиқа техникуми: эски ва янги шаҳарлар. Эски шаҳардагиси ачинарли аҳволда, тегишли органлар унинг бюджетини қирқиб



юборган ва унга совуқ муносабатда». Айни чоғда, янги шаҳар техникуми гуллаб-яшнамоқда. 200 га яқин ўқувчиларга эга, ўзбеклар эса ўртача фақат 10 кишидир.

Оценивая организацию «Гайратлиляр», БАИС КАРИЕВ АЛТАЙ указывает на то обстоятельство, что по его мнению эта организация объединяла далеко не все националистические элементы. Лично у обвиняемого сложилось убеждение, что БАТУ персонально поддерживает связь с какой то другой организацией старой интеллигенции (ФИТРАТ, ЧУЛПАН, ИЛЬБЕК и др.) о которой ему ничего не известно.

Политическую платформу организации «Гайратлиляр» БАИС КАРИЕВ АЛТАЙ характеризует так:



«Наша организация «Гайратлиляр» была антисоветской и контрреволюционной по существу своих политических установок. Поэтому ее нельзя рассматривать как внутривнутрипартийную группу, как Троцкистов, правых, или группу Иногамова в условиях Узбекистана.

Программа ее создавалась не в рамках партии, а против партии и советской власти.

В своих предыдущих показаниях я уже говорил о наших программных установках, которые повторяю нигде письменно не зафиксированы, а складывались сами собою, в ряде бесед не по определенному плану, мы ставили своей задачей дать молодежи националистическое воспитание, т.е. подготовить кадры националистов, которые нужны будут, когда мы добьемся отторжения Узбекистана от СССР.

Именно полное отделение от советского союза было нашей конечной целью. Помню, как Бату на одном заседании (ГАПЕ) сказал: «Нам нужно создать свою Узбекскую коммунистическую партию, независимую от ВКП(б)». Это он говорил для того чтобы внешне скрыть явную контрреволюционность нашей организации. Думалось так, что после отторжения от СССР Узбекистана, последний будет превращен в буржуазно демократическую республику.

Добиться независимости мы мыслили так: прежде всего подготовить кадры людей, преданных националистической идее, которые могли бы обеспечить существование будущего национального государства. Для захвата власти в свои руки и последующей ее охраны мыслилось провести посылку молодежи в военные школы, где она могла бы получить специальное военное образование. О поголовном вооружении населения не говорили, боясь, что на такой низкой ступени культурного развития это опасное предприятие, которое может кончиться неизвестно чем. Военные специалисты из среды узбекской молодежи нам нужны были для того, чтобы в удобную минуту захватить вооруженным путем власть в свои руки.

Это конечный вывод, который делается из наших установок.

Таким образом, если кратко формулировать, можно сказать, что наша организация пресле-

довала цели свержения советской власти и создание узбекской буржуазно-демократической республики.

Обвиняемый САБИР КАДЫРОВ, в свою очередь, показал:

Признаю, что, примерно, в июне м-це в моем доме был устроен гап, на котором присутствовали БАТУ, Я, НАСИР САИДОВ, АЛТАЙ. Говорили об АБИД САИДОВЕ. БАТУ сказал, что АБИД ведет себя невозможно и что в отношении его надо принять решительные меры (подразумевалось убийство). Присутствовавшие с ним согласились и высказались в таком же виде. Необходимость ликвидации его подтвердил и я.

Не говоря прямо о наличии оформленной контрреволюционной организации, САБИР КАДЫРОВ показывает следующее:

Признаю свое участие в сложившейся в аппарате Наркомпроса в контрреволюционной группировке, преследовавшей националистические задачи.

Считаю необходимым остановиться на следующих моментах нашей деятельности.

Осенью прошлого года среди ответственных работников (членов Коллегии) Наркомпроса, недовольных политикой Советской власти в отдаленных окраинах Советского Востока, зародилась мысль о необходимости об «единения для противодействия» «колониаторской» политике и осуществления националистических задач. С этой целью было решено периодически устраивать собеседования так называемые гапы. В инициативной группе состояли – я, зам. Наркома просвещения БАТУ, члены Коллегии Наркомпроса – БАИС КАРИЕВ, НАСЫР САИДОВ, ШАКИРБЕКОВ и зам.зав. Политпросветом САЛИМИ. Впоследствии к нам присоединился член Коллегии Наркомпроса ЗАХИДОВ. Организация гапов была нами поручено ШАКИРБЕКОВУ. Гапы устраивались, примерно, раз в неделю. На гапах обсуждались вопросы национальной политики, говорилось о продолжении колониаторства и о необходимости этому противодействовать.

Для осуществления поставленной перед собой цели мы основной задачей на сегодняшний день считали подготовку многочисленных на-

ционалистически воспитанных кадров, с помощью которых в будущем можно будет добиться независимости Узбекистана. Одновременно мы считали, что узбекская националистическая общественность должна поддерживаться связью с западно-европейскими капиталистическими государствами.

Для подготовки националистических кадров мы широко использовали аппарат Наркомпроса, особенно школьную сеть. Имея собой единомышленников в лице членов Коллегии Наркомпроса, мы имели полную возможность наводить его аппарат как в центре, так и на периферии националистически настроенными контрреволюционными элементами и добиться того, чтобы в наших школах все преподавание велось в националистическом духе. Для этого в школах, в свою очередь, подбирались соответствующий преподавательский персонал, основной задачей которого являлось воспитание и пробуждение в учащихся националистического чувства. Надо сказать при этом, что для этого подбирались и соответствующий состав учащихся, и в своих директивах мы указывали на необходимость приема в школу только детей коренных национальностей (главным образом узбеков), не уделяя внимания на классовый подбор.

Таким образом аппарат Наркомпроса и Коллегии его мы превратили в орудие нашей нац. деятельности.

В своей к.-р. деятельности в НКПроме мы были почти абсолютно застрахованы от контроля и давления со стороны др. органов, т.к. там имелись наши единомышленники.

Чрезвычайно характерны следующие показания САБИР КАДЫРОВА относительно идеологических установок САБИР КАДЫРОВА и его единомышленников:

Национальную политику Сов. власти в Узбекистане мы расценивали как колонизаторскую политику, как продолжение великодержавной политики царизма.

Такая политика в сущности, обеспечивала благосостояние исключительно русской нации за счет эксплуатации коренного населения.

Так, например, европейцы, проживающие в Узбекистане, находятся в самых благоприятных условиях, тогда как узбекская часть населения обречена на самое жалкое нищенское существование.

В культурном отношении также наблюдали лишь отрицательные моменты. Так, например, грамотность европейского населения в Узбекистане доходит до 100%, а грамотность коренного населения едва достигает 20%, что объясняется явно пристрастным подходом европейцев к вопросу обучения, заботясь только о европейцах, совершенно забывая коренное население (охват детей школьной сетью: русских 100%, коренных национальностей около 30% и то в подавляющем большинстве за счет городов).

Подготовка кадров из коренных национальностей также хромает на обе ноги даже при наличии высших учебных заведений, подготавливающих высококвалифицированные силы. Никакие меры к вовлечению в эти учебные заведения представителей коренных национальностей не принимались. Эти учебные заведения (ВУЗы) обслуживали исключительно горожан, главным образом европейцев.

Представители коренных национальностей не только не вовлекались в ВУЗы, но даже не создавались различные препятствия к их поступлению в эти учебные заведения.

Наблюдали, что узбекизация проводится в жизнь недостаточно, что европейцы не желают изучать языки коренных национальностей. Работникам из коренного населения европейцы не только не помогали в их работе, но относились к ним пренебрежительно, не доверяли руководству политикой.

Политикой соввласти мы были недовольны в вопросах: а) Экономики Узбекистана, б) национального взаимоотношения и в) культурного строительства.

Мы считали, что Узбекистан имеет в достаточном количестве естественные богатства и товарную продукцию для того, чтобы стать самостоятельной экономической единицей, а, следовательно, иметь свою собственную промышленность как легкую, так и тяжелую.



Считали, что Советская власть умышленно не допускает развития самостоятельной промышленности в Узбекистане исключительно потому, что стремится оставить его (Узбекистан) сырьевой базой, чтобы выкачать его богатства. Другими словами: Узбекистан являлся колонией внутренней России, снабжающей сырьем ее промышленность.

В отношении экспорта мы рассуждали так: «Все добытые средства от экспорта сырья и кустарной промышленности Узбекистана расходуются только в пределах Москвы-России, что последняя старается развернуть эту отрасль хозяйства Узбекистана только в своих собственных интересах, чтобы обеспечить свое экономическое благосостояние за счет экономических ресурсов Узбекистана».

5. Итоги следствия по состоянию на 1 августа

Признание большинством обвиняемых своей вины позволяет сразу широко развернуть следствие по настоящему делу. Совершенно несомненно, что признавшие в своей причастности к убийству и организации рассказали только незначительную часть известного им и в дальнейшем следствии их показания должны будут систематически пополняться и детализироваться. На данной стадии следствия твердо установлено, что:

1. Убийство АБИД САИДОВА, которого считали изменником, являлось террористическим актом контрреволюционной организации. Физическими исполнителями этого террористического акта по заданию организации выступали НАСЫР САИДОВ, ХАЙРУЛЛА ХАН АЛЯВИ и ХАСИЛЬ ВАСИЛИ. Вопрос об убийстве был поднят и решен в среде руководящих деятелей той к.-р. организации, которая раскрыта расследованием убийства.

2. Вышеуказанная к.-р. организации вдохновлялось и руководилась группой ответственных работников Наркомпроса УзССР. В результате создалось положение, при котором узбекская часть Коллегии важнейшего Наркомата превратилась в центр, направлявшей деятельность к.-р. националистической организации.

3. Организация «Гайратлиляр», наиболее полно прощупанная следствием на его тепе-

решней стадии, являлась, в составе руководства которой был Заместитель Народного Комиссара Просвещения УзССР – Б А Т У. Она находилась в стадии своего оформления и ее структура и порядок работы не были четко определены.

ПП ОГПУ в Ср. Азии (МИРОНОВ)  
Нас. ВО ПП ОГПУ (ЗИБРАК)

#### **Изоҳлар:**

**Фитрат** (тахаллуси; асл исм-шарифи Абдурауф Абдурахим ўғли) (1886, Бухоро – 1938 йил 4 октябрь, Тошкент) – машҳур ёзувчи, драматург, тарихчи, адабиётшунос, тилшунос ва санъатшунос олим, таниқли давлат ва жамоат арбоби, 1938 йил 4 октябрда Тошкентда отиб ташланган. 1957 йил 1 августда оқланган. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, 1991 йил 25 сентябрда Фитратга (вафотидан кейин) Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти берилди.

**Файзулла Хўжаев** (1896 – 1938) – таниқли давлат ва сиёсат арбоби. Бухородаги жадидчилик ҳаракатининг таниқли намояндаларидан ва Ёш бухороликлар партиясининг асосчиларидан бири. Бухорода мадраса таҳсилини олган ва Москвада хусусий муаллимлар қўлида ўқиган. 1917 йилдан бошлаб Фитрат билан бирга Ёш бухороликлар партиясининг сўл қанотига бошчилик қилган. 1920 йил 14 сентябрда БХСР ҳукумати тузилгач, Ф.Хўжаев БХСР Халқ Нозирлар Шўроси раиси (1920 – 1924), Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Совети раиси (1925 – 1937). Ф.Хўжаев 1937 йил 17 июнда (бошқа бир ҳужжатда 9 июлда) Москва шаҳрида қамоққа олинган. 1938 йил 13 мартда Москвада «Советларга қарши ўнг троцкийчи блок» иши бўйича сохталаштирилган суд жараёнида ўлим жазосига ҳукм қилинган ва ўша йилнинг 15 мартда қатлгоҳда отиб ташланган. 1965 йил 6 мартда оқланган.

**Салимхон Тиллахонов** (1900 – 1931) – жадидчилик ҳаракати намояндаларидан бири. Тошкентда зиёли оилада туғилган. Тошкентда совет ҳокимияти ўрнатилгач, Тошкент Эски шаҳар маориф бўлими мудирини. Маориф институти директори, 1923 йили ташкил қилинган



«Нашри маориф» уюшмаси ташкилотчиларидан бири. «Миллий иттиҳод» ташкилотининг Сирдарё вилояти раҳбарларидан. Кейинчалик бу ташкилот асосида ташкил топган «Миллий истиқлол» яширин ташкилоти фаолиятида (1926 – 1929) муҳим роль ўйнаган. С.Тиллахонов 1929 йил 6 ноябрда ОГПУ томонидан қамоққа олиниб, 1931 йил 23 июнда Москва шаҳрида отиб ташланган. 1989 йил 24 мартда оқланган.

**Лазиз Азиззода** (1895 – 1987) – шарқшунос олим, «Бухоро ахбори» газетаси масъул муҳаррири.

**Мустафо Чўқай** (Мустафо Чўқай, 1886 – 1941) – таниқли давлат ва сиёсат арбоби. Оқмачит (ҳозирги Қизил Ўрда) шаҳри яқинида туғилган. У туркийларнинг қипчоқ уруғига мансуб бўлган, она томонидан насаби Хива хонларига бориб тақалади. Тошкентдаги рус гимназияси (1902 – 1910) ва Петербург университетининг ҳуқуқ факультетида (1910 – 1916) ўқиган. Россия Давлат Думаси мусулмон фракцияси котиби (1916 – 1917). 1917 йил апрелда Петрограддан Тошкентга қайтиб, сиёсий жараёнлар ичида тобланди. Туркистон ўлкаси мусулмонлари Марказий Шўроси раиси, «Бирлик туги» газетаси муҳаррири (1917). Туркистон Мухторияти ҳукуматининг ташқи ишлар нозири (1917 – 1918), Бош нозир (1918 йил январь – февраль). 1919 йил февралда у Европа давлатларига махсус меморандум билан мурожаат қилиб, истиқлолчилар курашини қўллаб-қувватлаш ва большевикча режимни ағдаришга чақирган. 1919 – 1921 йилларда Тифлис (ҳозирги Тбилиси) шаҳрида яшаган.

Мустафо Чўқай 1921 йил ёздан муҳожирликда Туркия, Франция, Польша, Германияда яшаган. Туркистон Миллий Бирлиги Марказий Қўмитаси раиси (1929 – 1941). Париж ва Берлинда 1929 – 1939 йилларда ўзбек тилида «Ёш Туркистон» журналини чиқарган. 1941 йил 27 декабрда Берлиндаги «Виктория» касалхонасида вафот этган ва Берлиндаги мусулмонлар қабристонига дафн қилинган. Мустафо Чўқайнинг Туркистон Мухторияти ҳукумати фаолиятига бағишланган асари «Истиқлол жаллодлари (1917 йил хотиралари)» номи билан Тошкентда 1992 йили нашр қилинган.

**Рамзий** (Маннон Ромиз, Маннон Абдуллаевич Рамзий, 1896 – 1938) – журналист, ёзувчи, жамоат арбоби. Тошкент шаҳрида туғилган. 1918 – 1930 йилларда совет ва партия идораларида раҳбарлик лавозимларида ишлаган. Маориф, миллий матбуот ва нашриёт ишларининг ривожланишида фаол иштирок этган. Рамзий Тошкент Эски шаҳар ижроия қўмитасининг раиси (1922) бўлган. 1924 – 1925 йилларда Помирда ишлаган. «Туркистон», «Камбагал деҳқон», «Қизил Ўзбекистон» газеталари ва «Ер юзи», «Маориф ва ўқитувчи» журналлари муҳаррири (1927 – 1929), Ўзбекистон ССР маориф халқ комиссари (1927 – 1930). Адабий-танқидий ва публицистик мақолалар ёзган. 1930 йил 1 сентябрда «Наркомпрос иши» бўйича қамоққа олинган. 1933 йил 31 мартда Москвада бўлиб ўтган суд жараёнида 9 киши қаторида ўлим жазосига ҳукм қилинган, сўнгра бу ҳукм 10 йиллик қамоқ жазоси билан алмаштирилган. Миркомил Миршароповнинг «иши»даги маълумотномада ёзилишича, Ўзбекистон Компартияси МК 1-котиби А.Икромовнинг аралашуви билан 1934 йили Маннон Рамзий муддатидан олдин қамоқдан озод қилинган У Ростов-Дон шаҳридаги «Ростсельмаш» заводида кадрлар тайёрлаш бўйича бўлим бошлиги вазифасида ишлаган. 1937 йил 17 августда Ростов-Донда қамоққа олинган. Москвада 1938 йил 27 апрелда бўлиб ўтган судда Маннон Рамзий ўлим жазосига ҳукм қилинган ва ўша куни отиб ташланган. Вафотидан сўнг оқланган.

**Боту, Мақсуд Ҳодиев** (1904 – 1938) – шоир, жамоат арбоби. Тошкентда туғилган. Рус-тузем мактаби (1914 – 1917), ўқитувчилар тайёрлаш курси (1918 – 1920), Москва давлат университетининг иқтисод факультетида (1925 – 1927) ўқиган. Фитрат билан Боту ўртасидаги муносабатлар 1918 йилдан бошланган Фитрат унинг устози ҳисобланади, шоирга «Боту» тахаллусини ҳам Фитрат танлаган. Фитрат муҳаррирлигида Тошкентда 1920 йили нашр қилинган «Тонг» журнаliga Боту масъул котиблик қилган. Фитрат билан Мунавварқори ўртасидаги гоёвий келишмовчиликлар жараёнида (бу пайтда Мунавварқори туркпараст, Фитрат ўзбекпараст бўлган) Акмал Икромов



билан Боту устозлари Фитрат фикрларини қўллаб-қувватлашган. Аммо давр кейинчалик устоз ва шогирдни икки томонга ажратиб юборди. Боту устозидан узоклашиб большевиклар томонига бутунлай ўтди. У 1927 йил бошларида Москвадан Самарқандга келиб, Марказий партия мактабининг раҳбари бўлади. Ўзбекистон Компартияси МК матбуот бўлими мудирини (1927), Самарқанд обкомида агитация ва пропаганда бўлими бошлиғини (1928 – 1929), Ўзбекистон ССР маориф халқ комиссарининг ўринбосарини (1929 – 1930) лавозимларида ишлайди. Боту лирик шоир сифатида шеърини тўпламлар чоп этган. У 1930 йил 27 июлда «Наркомпрос иши» бўйича қамоққа олинган. 1933 йил 31 мартда Москвада бўлиб ўтган суд жараёнида ўлим жазосига ҳукм қилинган, сўнгра бу ҳукм 10 йиллик қамоқ жазоси билан алмаштирилган. Боту жазони ўташ учун Соловки оролларидаги концлагерга юборилган. 1937 йили Москвага олиб келиниб, қайта суд қилинган ва 1938 йил 9 майда отиб ташланган. 1960 йил 26 мартда оқланган.

**Олтой, Боис Қориев** (1903 – 1977) – шоир ва адабиётшунос. Тошкент шаҳрида тугилган. Отаси Абдувоҳид қори 1917 – 1918 йилларда ташкил топган «Шўрои исломия» жамиятининг раиси, «Фуқаҳо» жамиятининг фаолларидан бири, Ўрта Осиё уламоларининг «Маҳкамаи шаръия» идораси раиси бўлган. Боис Қориев 1919 йилдан «Чигатой гурунги» ташкилоти фаолиятида қатнашган. Унга «Олтой» тахаллусини устози Фитрат берган. У ўзбек билим юртини тугатиб (1924), шу ерда ўқитувчи ва директор бўлиб ишлаган. У «Ёш ленинчи» газетасининг 1-муҳаррири (1925) (1929 – 1930) бўлган.

Олтой 1930 йил 26 июлда «Наркомпрос иши» бўйича қамоққа олинган. У ҳам М.Рамзий ва Боту сингарини 1933 йил 31 мартда Москвада бўлган суд жараёнида аввал ўлим жазосига, сўнгра 10 йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилинган. Олтой Ухта-Печорск ва Воркутта лагерларида жазони ўтаган. 1940 йили озод бўлиб, Чимкентда яшай бошлаган. 1941 йил январда қамоққа олиниб, 5 йил муддат олган. 1946 йил озод бўлиб, Ўрта Чирчиқ туманида яшаган. 1948 йил 24 декабрда у 3-мартга қамоққа олин-

ган ва 10 йил жазога ҳукм қилинган. 1955 йил 14 мартда озод қилинган. 1956 йил 12 сентябрда Олтой оқланган.

Олтой Тил ва адабиёт институти (1959 – 1966) ва Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейида катта илмий ходим (1966 йилдан) вазифасида ишлаган. Филология фанлари номзоди (1963). Олтой шеърини тўпламлар ва адабиётшуносликка оид илмий мақолалар ҳамда хотиралар эълон қилган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими (1975).

**Саъдулла Қосимов** (1901 – 1930) – миллий раҳбар ходимлардан бири, жамоат арбоби. Тошкентда тугилган. С.Қосимов 1922 йилдан Туркистон АССР судлов тизимида фаолият кўрсатган. Тошкент вилояти суди раиси (1925 – 1926). Ўзбекистон ССР Олий судининг раиси (1926 йил июнь – 1929 йил март). Ўз фаолияти давомида Марказнинг шовинистик сиёсатига қарши чиққан. Шунинг учун лавозимидан бўшатилиб, қамоққа олинган (1929 йил баҳори). 1930 йил март – июнь ойларида республика пойтахти Самарқандда бўлиб ўтган суд жараёнида С.Қосимов ва унинг тарафдорлари (7 киши; Ўзбекистон ССР Олий судининг собиқ прокурори Бадриддин Шарипов ва б.) «буржуа миллатчилари» сифатида «босмачилар»ни қўллаб-қувватлаганликда айбланган. Уларга «қосимовчилик» тамгаси босилган. С.Қосимов, Б.Шарипов, Насритдин Алимов, Спиридонов отиб ўлдиришга, Мирсоат Мирзокиров, Иброҳим Хўжаев, Самигжонов 10 йил муддатга қамоқ жазосига ҳукм қилинган. С.Қосимов 1930 йил ёзида Самарқандда отиб ташланган.

**Обид Саидов** – «Миллий истиқлол» ташкилотига сукулиб кирган ГПУ айгоқчиси. Тергов ҳужжатларида ёзилишича, 1930 йил ёзида у миллий ходимлар томонидан ўлдирилган. Мавжуд ҳужжатларда унинг ўлими тўғрисида бир-бирига зид маълумотлар келтирилган. Бу маълумотлар орасида тарихий ҳақиқатга мос келувчи фикрни топиш қийин. Тахминимизча, О.Саидов ўлимидан совет сиёсий идоралари (ГПУ ва б.) провакация мақсадида фойдаланиш учун уларнинг ўзлари бу қотилликни «тайёрлашган» ва уни ташкилот аъзолари қўли билан амалга оширишган. Айнан унинг ўлимидан





кейин Боту, Рамзий ва бошқаларнинг қамоққа олинishi ҳамда «Наркомпрос иши» вужудга келди.

**Носир Саидов** – «Миллий истиқлол» ташкилоти аъзоси, ГПУ айгоқчиси Обид Саидовнинг укаси. Обид Саидов ўлдирилгач, Ўзбекистон ССР Маориф халқ комиссарлиги раҳбарлари билан биргаликда Носир Саидов ҳам 1930 йил ёзида қамоққа олинади. Москвада 1933 йил 31 мартда бўлиб ўтган суд жараёнида у ҳам олдин ўлим жазосига, сўнгра эса 10 йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

**Чўлпон** (Абдулҳамид Сулаймон ўгли Юнусов, Абдулҳамид Сулаймонов, 1898 – 1938) – жадид адабиётининг йирик намояндаси, янги ўзбек шеърятининг асосчиси, таниқли ёзувчи, драматург, таржимон, танқидчи, маданият ва жамоат арбоби. Андижон шаҳрида тугилган. Дастлаб мадрасада (1908 – 1912), сўнгра рус-тузем мактабида (1912 – 1914) ўқиган. 1914 йили Тошкентга келиб, «Садои Туркистон» газетаси билан ҳамкорлик қилган. Бошқирдистон Мухторияти ҳукуматида (Оренбург) ҳукумат раисининг котиби (1918), Туркистон АССР Маориф халқ комиссарлиги қошидаги Илмий кенгашда раис (1920 – 1923), «Бухоро ахбори» газетасида муҳаррир (1921 – 1922), «Турон» театрида директор (1921; 1922 – 1923), Ўзбек драма студияси (Москва, 1924 – 1927) ва Ўзбек давлат драма театрида адабий эмакдош (1927 – 1931), СССР ХКС ва Шарқ халқлари марказий нашриётида таржимон (Москва, 1931 – 1934), «Муштум» ва «Гулистон» журналларида адабий ходим (1935 – 1937) бўлиб ишлаган.

Чўлпон ўз асарларида Туркистон мустақиллигини куйлаган. 1937 йил 13 июлда Тошкент шаҳрида қамоққа олинган. 1938 йил 4 октябрда отиб ташланган. 1957 йил 1 августда оқланган. Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги эълон қилинган, 1991 йил 25 сентябрда Фитрат, Абдулла Қодирий (1894 – 1938) ва Чўлпонга (вафотидан кейин) Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти бе-

рилди. Чўлпон «Мустақиллик» ордени билан ҳам тақдирланди.

**Элбек** (Машриқ Юнусов, 1898 – 1939) – шоир, тилшунос ва фольклоршунос. Бўстонлиқ туманида тугилган. 1911 йили муҳтожлик орқасида Тошкентга кўчиб келган. «Хоний» мактаби (1911), сўнгра Авлонийнинг янги усул мактабида (1914) ўқиган. Наримонов номидаги таълим-тарбия техникумида ўқитувчилик қилган (1920 йилдан). Маданий қурилиш илмий-тадқиқот институтида илмий ходим бўлиб ишлаган (1931 – 1934). У истеъдодли шоир сифатида кўплаб шеърый тўпламлар эълон қилган.

Фитрат бошқа шогирдлари қатори унга ҳам тахаллус танлаб «Элбек» нисбасини берган. Фитрат бошчилик қилган «Чигатой гурунги» ташкилотида Элбек ҳам фаол қатнашган. Тошкентнинг «Тил ва имло» тўдасига дастлаб Чўлпон, сўнгра Элбек раҳбарлик қилган. Фитрат томонидан нашрга тайёрланган «Ўзбек ёш шоирлари» (1922) тўпламида унинг ҳам шеърлари босилган. У 1937 йили қатагон этилиб, 10 йиллик жазо муддатини ўташ учун Магаданга жўнатилган ва ўша ерда 1939 йил 11 февралда вафот этган. 1957 йил 1 августда оқланган.

**ЯШИН, Комил Яшин** (тахаллуси; асл номи Нуъмонов Комил) (1909.25.12, Андижон – 1997.25.9, Тошкент) – шоир, драматург, публицист ва жамоат арбоби. Ўзбекистон халқ ёзувчиси (1969), Ўзбекистон ФА акад. (1968), Меҳнат Қаҳрамони (1974). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1939). Ҳ.Носированинг турмуш ўртоғи. Ленинграддаги ўрмон хўжалиги ин-тида ўқиган (1925 – 1928). Андижон мактабларида ўқитувчилик қилган (1928 – 1930). Андижон вилоят ва Ўзбек мусиқали драма театрларида адабий эмакдош (1930 – 1936), Санъат ишлари бош бошқармасида бошлиқ (1946 – 1949), Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида раис (1958 – 1980), «Ўзбек тили ва адабиёти» жур.да бош муҳаррир (1969 – 1980, жамоатчилик асосида).



# ОТРЫВКИ ИЗ ВОСПОМИНАНИЙ ГАФУРА ХАЙДАРОВА

*(Давоми. Боши аввалги сонларда)*

Дежурные по столовой, в основном, отвечали за чистоту и порядок. Им включалось в обязанность перед закрытием столовой (после ужина) подмести помещение, убрать мусор, обязательно протереть пол (земляной) разведенным в ведре говяжьим кизяком, расставить столы и стулья по местам, провести влажной трябкой двери и окна и т.д. Словом столовая должна выглядеть чистой и прибранной и сдать пост завтрашним дежурным, предварительно закрыв двери на замок. Принявшие вахту дежурные, как правило, на час раньше других ребят приходили в столовую и приступали к выполнению своих обязанностей.

Серьёзный недостаток (если не брать во внимание не деревянный настил пола) помещения столовой заключался в том, что над единственной его дверью отсутствовал навес и не была прихожей, из-за чего дети страдали в любую погоду, особенно в дождливую или снежную.

Дело в том, что кубатура столовой не соответствовала количеству её посетителей, она было настолько малой, что приходилось пропускать ребят посменно, малыми группами, а приходили же детдомовцы в столовую все сразу, в общем строю, с песней и под музыку (такой полувоенный распорядок был заведён с первых дней) и вынуждены были ждать своей очереди, рассыпаться или укрыться где-нибудь не положено, терпи. Никак не забуду красные распухшие носы детдомовцев, в том числе и своего, от постоянно и обильно текущих сопель, из-за отсутствия носовых платков, вытирали кончиком рукава пальто, которые моментально леденели и каменели, а повторные вытирания ранили носы и придавали нестерпимую боль и ходили все ребята с лоснящимися от обледевелых сопель «лацканами».

Кормили неплохо. После всего пережитого в «сотых» №5 Николо-Александровска детдомовская пища нам казалась райской. Меню состояло из различных первых и вторых блюд, даже национального плова и европейского киселя, правда, молочных продуктов почти не давали, т.к. ни в селе, ни в детдоме коров не держали (отсутствовала кормовая база).

Дежурные детдомовцы и воспитатели, с привязанными на рукавах красными лентами, следили за порядком и дисциплиной.

Столовая работала в режиме самообслуживания, каждый детдомовец подходил к окошку за пищей лично сам, садился на отведённое ему место, а после завершения трапезы сам же относил посуду к окошку, где для этого стоял стол.

Директор (фамилия его, кажется, была Машлаков) часто заходил в столовую, интересовался мнением ребят о качестве обеда или завтрака, спрашивал наедаемся ли, а попутно просил нас с уважением относиться к пище, без речь хлеб.

Он это говорил не зря. Многие дети бросали повсюду недоеденные куски хлеба, особенно слегка прожжённые ломтики. Он брал такие кусочки в рот, жуя и проглатывая, говорил ребятам, что они очень полезны здоровью человека, кто их будет есть больше, тот будет хорошо плавать и станет краснофлотцем.

Мы пока плохо разбирались в русской речи, но с помощью дежурного воспитателя глубоко вникли в мудрые слова директора. Они сильно повлияли на нас и отношение ребят к хлебу насущному резко стало меняться.

**(Давоми бор)**



# КОЛХОЗЛАШТИРИШ ТАРИХШУНОСЛИГИГА ДОИР

Бахтиёр РАСУЛОВ,

т.ф.н., эркин тадқиқотчи

**Резюме:** Мақолада совет даврида қишлоқ хўжалигини колхозлаштириш тарихи бўйича Ўзбекистон ва хориж тарихшунослиги ҳақида сўз юритилади. Бу мавзу бўйича тадқиқот натижалари, хулосалари дарслик ва ўқув қўлланмаларида ҳам ўз ифодасини топганига эътибор қаратилган.

**Калит сўзлар:** коллективлаштириш, колхозлаштириш, колхоз шакллари, қулоқлаштириш, сургун, хориж тарихшунослиги.

**Резюме.** В статье проанализирована некоторые аспекты историографии истории коллективизации в Узбекистане, прослеживаются этапы становления и развития историографии как в Узбекистане, так и зарубежном.

**Ключевые слова:** коллективизация, колхозное хозяйство, виды колхозов, раскулачивание, ссылка, отечественная историография, зарубежная историография.

**Summary:** In this article the policy and practice of collectivization of Soviet power in agriculture was analyzed, Uzbek and foreign historiography was studied. And also, the results and conclusions of the researches and the elucidation of materials related to this problem in textbooks and teaching aids have been studied.

**Key words:** collectivization, collective farm economy, collective farm types, dispossession, exile, foreign historiography.

Совет салтанатининг инқирози ва республикалардаги мустақиллик учун кураш натижасида бирин-кетин мустақил давлатлар ташкил топди. Совет даврида амалга оширилган коллективлаштириш, қулоқлаштириш ва деҳқонларни сургун қилиш тарихини янги-ча талқин этиш сари қадам ташланди. Бунда буйруқбозликка, зўравонликка асосланган метод ва механизмлар моҳияти очиб берилган, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, кадр-қиммати оёқости қилингани, жисмоний ва руҳий азоб берилгани умумий тарзда ёритилган. Айниқса, «қулоқлар»нинг сургундаги аҳволи, меҳнат посёлкаларидаги ниҳоятда огир турмуш тарзи, яшаш шароити фожиали экан-

лиги янги фактик материаллар асосида очиб берилган. Бу ўринда архивлардаги «махфий», «мутлақо махфий», «ўта махфий» тамгалари босилган ҳужжат ва материалларни илмий истеъмолга киритган олимлардан В.П.Данилов<sup>1</sup>, Н.А.Ивницкий<sup>2</sup>, Н.Л.Рогалина<sup>3</sup>, Е.А.Зеленин<sup>4</sup>,

<sup>1</sup> Данилов В.П. Коллективизация: Как это было? // Страницы истории советского общества. – М., 1989; Уша муаллиф: Коллективизация // Переписка на исторические темы. Диалог ведет читатель. – М.: Политиздат, 1989. – С.355 – 400.

<sup>2</sup> Данилов В.П., Ивницкий Н.А. О деревне накануне и в ходе сплошной коллективизации // Документы свидетельствуют: Из истории деревни накануне и в ходе коллективизации. 1927 – 1932 гг. – М., 1989.

<sup>3</sup> Рогалина Н.Л. Коллективизация: уроки пройденного пути. – М., 1989.

<sup>4</sup> Зеленин И.Е. Осуществление политики «ликвидации кулачества как класса» // История СССР. 1990. №6. – С.31 – 47.



Д.Волгогонов<sup>5</sup> ишлари диққатга сазовор. Ўзбекистондаги бундай жараёнлар академик Р.Х.Аминова<sup>6</sup> томонидан кўрсатиб берилган. Улар тарихчилар муаммони мафкуравий қолиплардан чиқмасдан, унга мос ургу берган ҳолда ёритишга мажбур бўлганликлари оқибатида илмий холислик тамойили бузилиб, ҳақиқий тарихий воқелик асл манбалар асосида ёритилмаганини эътироф этганлар, янгича ёндашув, янгича концепция асосидаги тадқиқотларга йўл очганлар.

РФ ФА Россия тарихи институти катта илмий ходими В.Н.Земсковнинг Россия марказий давлат архивлари материалларига асосланган тадқиқотлари<sup>7</sup> қулоқлар сургуни ва сургун қилинган деҳқон оилаларининг кейинги аҳволи масаласига бағишланган. Уларда қарийб 30 йил давом этган сургун жараёнидаги ижтимоий-демографик ўзгаришлар, махсус кўчкиндиларнинг сони ва улар жойлаштирилган минтақалар, хусусан, Ўзбекистон бўйича дислокацияси ҳақидаги умумлашган маълумотлар берилган. Олимнинг монографиясида 30-йиллардаги қулоқлар сургуни, урушгача ва уруш йилларидаги мажбурий кўчириш ва махсус посёлкалар тизими, 1946 – 1953 йилларда сургун қилинган деҳқонлар аҳволи, собиқ қулоқларнинг махсус посёлкалардан озод қилиниши ва махсус комендатураларнинг тугатилиши масалалари катта ва кенг қўламли архив манбалари асосида очиб берилган.

«Қулоқлаштириш» сиёсатини амалга оширишнинг Иттифоқ миқёсидаги механизмини ёритишда Н.А.Ивницкийнинг тадқиқотлари<sup>8</sup> ўзига хос ўринга эга. У ВКП(б) Марказий Ко-

митети (Сиёсий бюро, Секретариат, Ташкилий бюро ва унинг комиссиялари), ОГПУ, Ер ишлари халқ комиссарлиги фондларидаги материалларга асосланиб қулоқлаштириш тарихининг қатор жиҳатларини ёритиб берди. Унинг излаишларида коллективлаштириш, қулоқлаштириш, қулоқлар сургуни, махсус посёлкалар ва махсус кўчкиндиларнинг ҳуқуқий ҳолати тўғрисидаги меъёрий ҳужжатлар, меҳнат кўчкиндиларининг қишлоқ хўжалиги, саноат ва қурилишдаги фаолияти, уларга тиббий-санитария хизмати кўрсатиш ва маданий-оқартув масалалари ўз ифодасини топган.

Масалага янгича нуқтаи назардан ёндашган Н.Ф.Бугай, А.Н.Дугин, В.Я.Шашков, В.Самосудов Н.Мальцева, П.Полян каби тадқиқотчиларнинг асарларида<sup>9</sup> коллективлаштириш билан боглиқ «қулоқлаштириш» ва сургундаги фожиалар холисона очиб берилган. Академик Р.Х.Аминова 90-йилларда эълон қилган тадқиқотларида<sup>10</sup> ўзбек қишлоқларидаги ёппасига коллективлаштириш зўравонлик билан ўтказилганлиги, «қулоқлаштириш» жараёнидаги адолатсизликлар ҳақида маълумот берган. А.А.Голованов ва И.Саидов<sup>11</sup> деҳқонларнинг ижтимоий дифференциацияси ва мулкий табақаланишига совет режими аграр сиёсатининг таъсири ва унинг салбий оқибатларини кўрсатиб ўтган, О.Назаров<sup>12</sup>

<sup>5</sup> Волгогонов Д. Триумф и трагедия. Политический портрет И.В.Сталина. В 2-х книгах. – М.: АПН, 1989.

<sup>6</sup> Аминова Р.Х. Коллективизация в Узбекистане: как это было? // Коммунист Узбекистана. 1989. №9.

<sup>7</sup> Земсков В.Н. Спецпереселенцы // СОЦИС. 1990. №11; Ўша муаллиф. Кулацкая ссылка в 30-е годы // СОЦИС. 1991. №10; Ўша муаллиф. Судьба кулацкой ссылки (1930 – 1954 гг.) // Отечественная история. 1994. №1; Ўша муаллиф. Спецпереселенцы в СССР, 1930 – 1960. – М.: Наука, 2003. – 306 с.

<sup>8</sup> Ивницкий Н.А. Коллективизация и раскулачивание (начало 30-х годов). – М., 1994; Ўша муаллиф. Репрессивная политика советской власти в деревне (1928 – 1933 гг.). – М., 2000; Ўша муаллиф. Судьба раскулаченных в СССР. – М.: Собрание, 2004. – 296 с.

<sup>9</sup> Бугай Н.Ф. Погружены в эшелоны и отправлены к местам поселений // История СССР. 1994. №1; Ўша муаллиф. Депортация // Политический собеседник. – Минск, 1990. №6; Дугин А.Н. Спецпоселение // Полиция и милиция России. – М., 1993; Шашков В.Я. Раскулачивание в СССР и судьбы спецпереселенцев 1930 – 1954 гг. Дисс... д.и.н. – М., 1995; Самосудов В.М. Современная отечественная историография коллективизации (80-е – середина 90-х годов). – Омск, 1998; Мальцева Н.А. Очерки истории коллективизации на Ставрополе. – СПб., 2000; Полян П. Не по своей воле... История и география принудительных миграций в СССР. О.Г.И. Мемориал. – М., 2001; Бердинских В. Спецпоселенцы. Политическая ссылка народов Советской России. – М., 2005.

<sup>10</sup> Аминова Р.Х. Коллективлаштириш – қашшоқлаштириш демак // Шарқ юлдузи. 1992. №12. – Б.183 – 188; Ўша муаллиф. Возвращаясь к истории коллективизации в Узбекистане. – Ташкент: Фан, 1995.

<sup>11</sup> Голованов А.А. Крестьянство Узбекистана: эволюция социального положения. 1917 – 1937. – Ташкент: Фан, 1995; Голованов А.А., Саидов И.М. Дехканство Узбекистана на историческом повороте второй половины XIX – первой трети XX вв. – Самарканд, 2007.

<sup>12</sup> Назаров О.Р. Проведение сплошной коллективизации сельского хозяйства в Узбекистане и её социально-экономические последствия (1929 – 1937 гг.) (на примере Ташкентской и Ферганской областей). Автореф. дис... канд. ист. наук. – Ташкент, 2001.



эса Тошкент ва Фаргона вилоятлари мисолида ёппасига коллективлаштиришнинг ижтимоий-иқтисодий оқибатларини ёритишга ҳаракат қилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 22 июлдаги «Ватан ва халқ озодлиги йўлида қурбон бўлган фидойилар хотирасини абадийлаштириш тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 1 майдаги «Қатагон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида»ги Фармони<sup>13</sup> мазкур мавзунини Ўзбекистон, Ўрта Осиё мисолида ёритишга катта имконият уфқларини очиб берди. Бу ҳужжатлар асосида республика «Шаҳидлар хотираси» жамоат фонди ва «Мерос» халқаро илмий-амалий экспедиция хайрия жамоат фонди ташкил этилди, «Қатагон қурбонлари музейи» ишга тушди. Ўзбекистон Республикаси Президенти девони архиви ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг идоравий архив материалларидан фойдаланиш учун имконият яратилди.

Мазкур илмий йўналиш бўйича проф. Р.Т.Шамсутдиновнинг янги концептуал-методологик тамойилларга асосланган йирик монографик тадқиқотлари<sup>14</sup> муҳим аҳамият касб этди. Уларда масаланинг бир қанча аспектлари биринчи бор нафақат Ўзбекистон, балки бутун Ўрта Осиё минтақаси қамраб олинган ҳолда таҳлил қилинган. Мазкур тадқиқотларда ватанимиз ва хориждаги мавзуга доир асарлар, ноёб архив ҳужжатлари илмий истеъмолга киритилди. Коллективлашти-

<sup>13</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 22 июлдаги «Ватан ва халқ озодлиги йўлида қурбон бўлган фидойилар хотирасини абадийлаштириш тўғрисида»ги қарори // Халқ сўзи. 1999 йил 24 июль; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 1 майдаги «Қатагон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида»ги Фармони // Халқ сўзи. 2001 йил 2 май.

<sup>14</sup> Шамсутдинов Р.Т. Ўзбекистонда советларнинг қулоқлаштириш сиёсати ва унинг фожеали оқибатлари. – Тошкент: Шарқ, 2001; Ўша муаллиф. Қишлоқ фожеаси: жамоалаштириш, қулоқлаштириш, сургун (Ўрта Осиё республикалари мисолида). – Тошкент: Шарқ, 2003; Ўша муаллиф. Шимолий Кавказ сургунидидаги юртдошлар қисмати (А.Мамажонов билан ҳаммуаллифликда). – Тошкент: Шарқ, 2005; Ўша муаллиф. Тарихнинг ҳасратли саҳифалари. Ғ.Убайдуллаев, Б.Расулов, М.Акбарова, А.Мамажонов ва бошқа. – Тошкент: Шарқ, 2006; Шамсутдинов Р.Т., Акбарова М. Шимолий Қозоғистон сургунидидаги юртдошлар қисмати. – Тошкент: Шарқ, 2009. – 230 б.

риш, қулоқлаштириш ва сургун жараёнининг мазмун-моҳияти, унинг партия ва муҳолифат томонидан қилинган талқини, «қулоқлар сургунининг босқичлари ва мажбурий кўчириш жараёнидаги ОГПУнинг роли Ўзбекистон тарихшунослигида биринчи бор янги архив маълумотлари асосида таҳлилга тортилди. Ўзбекистонлик деҳқон оилаларининг сургунини асосан Украина, Шимолий Кавказ ҳамда Шимолий Қозоғистон йўналиши бўйича амалга оширилганлиги асосланди. Олим «қулоқлар сургунининг дагиларнинг мислсиз оғир турмуши, яшаш шароити, такроран қатагон қилинишини биринчи бўлиб ёритди. Иккинчи жаҳон урушида иштирок этган ва ҳалок бўлган юртдошларнинг номма-ном аниқланиши эса тадқиқотларнинг амалий аҳамиятини кучайтирди.

Мавзу тарихшунослигининг айрим масалалари Р.Шамсутдинов, Д.Алимованинг тадқиқотларида<sup>15</sup> ўз ифодасини топган. Д.Алимова ва Р.Шамсутдиновнинг қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш тарихини ўрганиш ва тарихшунослиги муаммоларига доир мақоласида<sup>16</sup> зўрлик билан ўтказилган коллективлаштириш ва деҳқонларнинг оммавий чиқишлари, қулоқлаштириш, деҳқон оилаларининг депортация қилиниши, Ўрта Осиё, Украина, Шимолий Кавказ, Шимолий Қозоғистондаги меҳнат посёлкалари, сургун қилинганларнинг тақдири, «қулоқлар»нинг такроран қатагон қилиниши, Иккинчи жаҳон урушида меҳнат кўчкиндилярининг иштироки, қулоқларнинг озод қилиниши масалаларининг ўрганилиш ҳолати ва бундан кейин тадқиқ қилинадиган масалалар кўрсатиб берилган.

«Тарихнинг ҳасратли саҳифалари»<sup>17</sup> китоби ва «Ватанимиз ўтмишидан»<sup>18</sup> тўпламида-

<sup>15</sup> Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка. 1929 – 1955 гг.; Документы и материалы. Т.1 – III / Сост: Р.Т.Шамсутдинов, Б.М.Расулов; Под ред. Д.А.Алимовой. Т.1. – Ташкент: Шарқ, 2006.

<sup>16</sup> Алимова Д., Шамсутдинов Р. К изучению проблемы историографии и истории коллективизации сельского хозяйства // O'zbekiston tarixi. – Toshkent. 2007. – Б.24 – 35.

<sup>17</sup> Тарихнинг ҳасратли саҳифалари. – Тошкент: Шарқ, 2006.

<sup>18</sup> Ватанимиз ўтмишидан. – Андижон: Андижон, 2007.



ги Р.Т.Шамсутдинов, Б.Расулов, М.Абдуллаев, М.Акбарова, Н.Худоёровнинг мақолалари ҳам мавзу тарихшунослигида муҳим ўрин тутди. Уларда Украина, Шимолий Кавказ сургун билан бир қаторда Шимолий Қозоғистонга сургун қилинган юртдошлар тақдири, қатагон қилинган мулкдорлар фожиаси, такрорий қатагон масалалари, муҳожирликка чиқиб кетганлар, Бутово қабристонига дафн этилган қатагон қурбонларининг қисмати оид янги материаллар илмий истеъмолга киритилган ва янги талқин қилинган. М.Абдуллаев<sup>19</sup> Ўзбекистон қишлоқларидаги деҳқон оилаларининг Украинага сургун, А.Мамажонов<sup>20</sup> Шимолий Кавказга сургун қилинган юртдошларимиз қисмати, М.Акбарова<sup>21</sup> Қозоғистонга сургун қилинганларнинг ҳаёти ва тақдири, Н.Худоёров<sup>22</sup> Ўзбекистондаги меҳнат посёлкалари фаолияти бўйича қимматли материалларни илмий истеъмолга киритиб, муаммони назарий жиҳатдан комплекс ўрганишга илмий асос солдилар.

Маълумки, 1937 – 1939 йилларда ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлик»лари томонидан 41 минг нафардан кўпроқ, 1939 – 1953 йилларда 61 минг 799 киши қамалган. Қатагон қилинганлардан 14 минг 20 киши отиб юборилган, 93 минг 112 киши узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилиб, 60 дан зиёд концентратив лагерлар ҳамда колонияларда

жазони ўташган.<sup>23</sup> Уларнинг катта қисмини ёппасига коллективлаштириш жараёнида қатагон қилинган «собик қулоқлар», колхозчилар ташкил этган. НКВД ва ГУЛАГ лагерларидаги маҳбуслар қисмати ва тақдири, уларнинг меҳнати, бунёдкорлик фаолиятини ўрганиш тарихшунослигимиздаги муҳим масалалардан биридир. Бу мавзунинг Р.Т.Шамсутдинов ўзининг «Маҳбус юртдошлар», «Бутовада дафн этилган юртдошлар» каби мақолаларида<sup>24</sup> биринчи бўлиб тадқиқ этди. Унинг сўнгги йилларда олиб бораётган изланишлари<sup>25</sup> Ўрта Осиёдаги сиёсий қатагон тарихининг янги бир йўналишини ёритишга бағишланганлиги билан диққатга сазовордир.

Ўзбекистондаги коллективлаштириш, қулоқлаштириш ва деҳқонлар сургун масаласи бўйича проф. Р.Т.Шамсутдинова ва доц. М.Абдуллаев томонидан эълон қилинган энг сўнгги таҳлилий материалларда<sup>26</sup> муаммонинг мақсад, тажриба ва оқибатлари кенг ёритилар экан: «... бу жараёнда зўрлаш, қулоққа тортиш, солиқ солиш, сургун, қатагон қилиш амалиёти қўлланилди. Кўпинча коллектив хўжаликка киришни истамаган камбағал ва ўртаҳол деҳқонлар жабр кўрди», – деб хулоса берилган. Шунингдек, ёппасига коллективлаштиришга қарши ўзбек қишлоқларида юз берган оммавий норозилик ҳаракатлари моҳиятини очиб берувчи янги архив ҳужжатлари илмий истеъмолга киритилган.<sup>27</sup>

Шу ўринда Ўзбекистондаги коллективлаштириш ва унинг фожиали оқибатлари янги руҳда талқин этилган умумтаълим мактаблари

<sup>19</sup> Абдуллаев М.Ф. Ўзбекистонда советларнинг «қулоқ» қилиш сиёсати ва унинг фожиали оқибатлари (1929 – 1945 йиллар). Тарих ф. н. дисс... автореф. – Тошкент, 2002.

<sup>20</sup> Мамажонов А. Коллективлаштириш жараёнида Ўзбекистон қишлоқларидан Шимолий Кавказга сургун қилинганлар. Тарих ф. н. дисс... автореф. – Андижон, 2005.

<sup>21</sup> Акбарова М.Л. Шимолий Қозоғистонга сургун қилинган ўзбеклар // Жамият ва бошқарув. – Тошкент, 2006. №2. – Б.176 – 179 (Р.Шамсутдинов билан ҳаммуаллифликда); Шимолий Қозоғистонга сургун қилинган деҳқонлар ва уларнинг фожиали ҳаёти // Ватанимиз ўтмишидан. – Андижон, 2007. – Б.65 – 82 (Р.Шамсутдинов билан ҳаммуаллифликда); Акбарова М.Л. Жизнь и судьба кулаков, высланных из Средней Азии в Казахстан. Автореф... дисс. канд. ист. наук. – Ташкент, 2010.

<sup>22</sup> Худоёров Н.М. Савай меҳнат посёлкасидаги «қулоқлар» // Жамият ва бошқарув. – Тошкент, 2003. №3; Норин меҳнат посёлкасидаги «қулоқлар»нинг турмуш тарзи // Ўзбекистонда этнодемография жараёни. Халқаро илмий конференция материаллари. – Тошкент, 2005.

<sup>23</sup> Шамсутдинов Р. Истиқлол йўлида шахид кетганлар. – Тошкент: Шарқ, 2001. – Б.19 – 20.

<sup>24</sup> Қаранг: Тарихнинг ҳасратли саҳифалари. – Тошкент: Шарқ, 2006. – Б.186 – 191, 227 – 278.

<sup>25</sup> Шамсутдинов Р.Т., Холмирзаев Э. ГУЛАГ лагерларидаги ўзбек маҳбусларининг қисмати // АндУ Илмий хабарнома. 2011. №1. – Б.51 – 56; Шу муаллифлар. ГУЛАГ лагерларидаги ўзбек маҳбуслар. Тарихнинг номаълум саҳифалари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011.

<sup>26</sup> Шамсутдинов Р., Абдуллаев М. Ўзбекистонда коллективлаштириш, қулоқлаштириш ва деҳқонларни сургун қилиш: мақсад, тажриба ва оқибатлари // Водийнома. 2017. №3 (5) (Махсус сон). – Б.36 – 49.

<sup>27</sup> Абдуллаев М., Темиров Ш. Коллективлаштиришга қарши деҳқонлар кўзголини // Водийнома. 2017. №3 (5) (Махсус сон). – Б.50 – 55.



ўқувчилари ва олий ўқув юртлари талабалари учун чиқарилган дарслик ва қўлланмалар<sup>28</sup> коллективлаштириш сиёсатига янгича методологик қарашларни ифодалаб, Ўзбекистонда коллективлаштиришнинг айрим салбий оқибатлари кўрсатиб берди. Бу масала юртимизда махсус курс сифатида ўқитилаётганини таъкидлаган ҳолда, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги таркибидаги давлатларда ҳолат қандай эканлигини таҳлил қилиш катта аҳамиятга эга. Чунки ҳозирги глобаллашув жараёнида тарих фани мафкуравий кураш қуроли сифатида<sup>29</sup> талқин қилинаётган мураккаб бир даврда бу масала долзарблик касб этмоқда.

Қозогистон тарихчилари ҳам коллективлаштириш, қулоқлаштириш ва сургун муаммолари юзасидан кенг кўламли тадқиқотлар олиб боришгани, уларнинг хулосалари дарслик ва ўқув қўлланмаларида ўз аксини топганлигини кузатишимиз мумкин.<sup>30</sup> Хусусан, «История Казахстана» қўлланмаси муаллифлари иккинчи бўлимни «Қозогистон тоталитар тизимнинг ўрнатилиши даврида» деб номлаб, коллективлаштириш жараёнига тўлиқ 2-параграфни ажратишган. Қозогистон ССР юқорида кўрсатилган қарор бўйича коллективлаштириш 1932 йилнинг баҳорида (кўчманчи ва ярим кўчманчи районлардан ташқари) тугалланиши белгиланган регионлар гуруҳига киритилганига қарамай, бу ерда ҳам рақамлар кетидан қувиш авж олгани билдирилади. Агар Қозогистон бўйича 1928 йили 2% хўжалик колхозга кирган бўлса, 1930 йилнинг 1 апрелида 50,5%, 1931 йил-

нинг октябрида 65% ни ташкил этган.<sup>31</sup> Қўлланмада коллективлаштиришнинг фавқулоддалиги, унинг совет ҳокимиятининг қулоқ ва бой хўжаликларни тугатишни ҳам ўзига қамраб олганлиги<sup>32</sup> кўрсатилган.

Муаллифлар Қозогистоннинг ўзига хос хусусиятидан келиб чиқиб чорвачиликка жуда катта зарар етказилганлигига эътибор қаратганлар. 1928 йили бу иттифоқдош республикада 6509 та йирик шохли ҳайвонлар боқилган бўлса, 1932 йилга келиб уларнинг сони 965 тага тушиб қолгани, ўлка учун анъанавий бўлган бутун бошли туячилик тармоги деярли йўқ бўлиб кетганлиги кўрсатилган.<sup>33</sup>

Н.Э.Масанов, Ж.Б.Абылхожин, И.В.Ерофеева, А.Н.Алексеенко, Г.С.Баратованинг «История Казахстана: народы и культуры» номли ўқув қўлланмаси<sup>34</sup> ўзининг концептуал асосларига кўра диққатга сазовор. Унда тили, дини, этник келиб чиқишидан қатъи назар, халқлар ягона тарихга эга экани кўрсатилади. Муаллифлар коллективлаштиришнинг моҳиятига кенг тўхталиб, бу масалада бутун жамият аъзоларининг эмас, балки совет ҳокимиятининг манфаатларига жавоб берувчи сиёсат юритилгани очиқ берилган. Бу кампаниянинг террорчилик характери қулоқ ва бойларни синф сифатида тугатиш курси доирасида авж олган қатагон чораларида намоён бўлгани кўрсатилган.<sup>35</sup>

Коллективлаштириш, қулоқлаштириш масалалари кўшни Тожикистонда<sup>36</sup> ҳамон қулоқларни тугатиш, умуман олганда, тўғри ва зарур иш бўлган деган руҳда талқин этилмоқда. Қирғизистонлик тарихчи А.Асанкановнинг «История Кыргызстана (с древнейших времен до наших дней)» номли дарслигида<sup>37</sup> колхозлаштириш

<sup>28</sup> Алимова Д. ва б. Ўзбекистон тарихи (1917 – 1991). 10-синф учун дарслик. – Тошкент: Шарқ, 2000. – 416 б; Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида / Илмий муҳаррир М.Жўраев. – Тошкент: Шарқ, 2000. – 688 б; Шамсутдинов Р., Каримов Ш. Ўзбекистон тарихидан материаллар (Учинчи китоб). – Андижон, 2004. – 652 б; Shamsutdinov R., Karimov Sh. Vatan tarixi. Ikkinchi kitob. – Toshkent: Sharq, 2010. – B.310 – 332; Shamsutdinov R., Karimov Sh. Vatan tarixi (O'zbekiston sovet mustamlakachiligi davrida). Uchinchi kitob. – Toshkent: Sharq, 2016. – 464 b.

<sup>29</sup> Учебник истории, как оружие идеологической войны [Электронный ресурс]. Режим доступа: <https://punkt-a.info/news/politika-i-jekonomika/uchebnik-istorii-kak-oruzhie-ideologicheskoy-voyny>. (дата обращения: 27.07.2017).

<sup>30</sup> История Казахстана с древнейших времен до наших дней (Очерк). – Алматы: Деуір, 1993. – 416 с; История Казахстана: народы и культуры: Учебное пособие / Масанов Н.Э. и др. – Алматы: Дайк-Пресс, 2001. – 600 с.

<sup>31</sup> История Казахстана с древнейших времен до наших дней (Очерк). – Алматы: Деуір, 1993. – С.308.

<sup>32</sup> Ўша жойда.

<sup>33</sup> Кўрсатилган манба. – Б.310.

<sup>34</sup> История Казахстана: народы и культуры: Учебное пособие / Масанов Н.Э. и др. – Алматы: Дайк-Пресс, 2001. – 600 с.

<sup>35</sup> Кўрсатилган манба. – С.295.

<sup>36</sup> Хайдаров Г.Х. История таджикского народа: XX век. – Худжанд, 2001. – С.501.

<sup>37</sup> Асанканов А.А. История Кыргызстана (С древнейших времен до наших дней). – Бишкек, 2009. – С.544.



Қирғизистондаги кўчманчи ва ярим кўчманчи аҳолини ўтроқ ҳаёт тарзига ўтказиш билан бирга олиб борилганига алоҳида ургу берилган. Умуман, дарслиқда колхозлаштириш ва ўтроқ турмуш тарзига ўтиш, айрим камчиликларга қарамай, ижобий ҳолат сифатида талқин этилади.

Мазкур муаммо тарихшунослигини қиёсий таҳлил қилиш учун хорижий тадқиқотчиларнинг асарлари ҳам ўрганиб чиқилди. XX асрнинг 50 – 80-йилларида хорижда эълон қилинган асарларда<sup>38</sup> Ўрта Осиёда, хусусан, Ўзбекистон қишлоқларида совет ҳокимияти томонидан ўтказилган колхозлаштириш масаласи қизгин муҳокама қилинган.

Италиялик тадқиқотчи Ж.Боффа<sup>39</sup>, франциялик олим Н.Верг<sup>40</sup> ва Г.Алексопулос Совет давлати раҳбарлари қулоқлар ва «ҳақсизлар»га мавжуд тузум учун энг хавфли тоифа сифатида қараганига алоҳида эътибор беришган, 1935 йилнинг 28 февралидан 27 мартга қадар чегара ҳудудларни «тозалаш» чоғида барча қатагон қилинганларнинг 70 фоизидан ортигини қулоқлар ва «ҳақсизлар» ташкил этганлигини кўрсатиб ўтишган.<sup>41</sup>

Америкалик Ш.Фицпатрик коллективлаштириш масаласига ўзига хос ёндашган. У Совет давлати ҳар доим ҳам қишлоқни эксплуатация қилмади, жамиятни замонавийлаштириш – модернизациялашни ҳам амалга ошириб борди<sup>42</sup> деган фикрни ўртага ташлайди. Италиялик тарихчи А.Грациози коллективлаштиришга кенгроқ қараб, унда Россиянинг келгуси тараққиётига сабаб бўлган ҳолатларни кузатишга ҳаракат қилади.<sup>43</sup> Америкалик этнолог-тарихчи Ж.Скотт<sup>44</sup> масалани маданиятлар қарама-қаршилигида кўриб чиқади ва қишлоқни коллективлаштиришга нисбатан кундалик яширин қаршилиқни тадқиқ этади.

Хуллас, колхозлаштириш сиёсати ва амалиёти тарихшунослигининг таҳлили муаммони ўрганишда турли қарашлар мавжуд эканлигидан далолат беради. Шунингдек, бу жараённинг Ўзбекистондаги ўзига хос қирраларини тарихийлик тамойили асосида холисона ўрганиш, миллий гоё руҳида ҳаққоний талқин қилиш учун зарур илмий замин мавжуд дейишга тўла асос бор.

<sup>38</sup> Ecker, Frank Adolph. Transition in Asia: Uzbekistan under the Soviets. Thesis. – Michigan, 1954; Kulski W.W. The Soviet Regime: Communism in Practice. P.XIV, 807. – N. Y.: Syracuse University Press, 1954; Nacou D. Du kolkhoze au sovkhoe. – Paris, 1958; Charles Bouvier. La Collectivisation de l'Agriculture: URSS, Chine et. Democraties Populaires. – Paris: Librairie Armand Colin, 1958. – 246 p; Geoffrey Wheeler. The Peoples of Soviet Central Asia: A Background Book. – London: Bodley Head, 1966; Lewin M. Russian Peasants and Soviet Power: A Study of Collectivization / tr. I. Nove. – New York, 1975; Davies R.W. The Socialist Offensive: The Collectivization of Soviet Agriculture, 1929 – 1930. – Cambridge, Mass., 1980. Vol.1; Atkinson D. The End of the Russian Land Commune, 1905 – 1930. – Stanford, 1983; Shanin T. Russia as a «Developing Society» // The Roots of Otherness: Russia's Turn of Century. – New Haven, 1985. Vol.1; Lewin M. The Making of the Soviet System: Essays in the Social History of Interwar Russia. – New York, 1985.

<sup>39</sup> Boffa Giuseppe / Storia dell' Unione sovietica. Dalla rivoluzione alla seconda Guerra mondiale Lenin e Stalin 1917 – 1941. – Milano: Arnoldo Mondadori Editori, 1976; Ўша муаллиф. История Советского Союза. От революции до второй мировой войны. Ленин и Сталин. 1917 – 1941. В двух томах. – М.: Международные отношения, 1990. – 630 с.

<sup>40</sup> Werth N. Histoire de l'Union sovietique / De l'Empire russe' a l'Union Sovietique 1900 – 1991. – Presses Universitaires de France, 1991; Ўша муаллиф. История Советского государства 1900 – 1991 / Пер с фр. 2-е изд. – М.: ИНФРА-М, 2003. – 544 с.

<sup>41</sup> Alexopoulos G. Stalin's Outcasts. Pliens, Citizens and the Soviet State, 1926 – 1936. – London, 2003; Хаустов В., Самуэльсон Л. Сталин, НКВД и репрессии 1936 – 1937 гг. – М.: РОССПЭН, 2010. – 64 с.

<sup>42</sup> Фицпатрик Ш. Сталинские крестьяне. Социальная история Советской России в 30-е годы: деревня. – М., 2001.

<sup>43</sup> Грациози А. Великая крестьянская война в СССР. Большевики и крестьяне. 1917 – 1933. – М., 2001.

<sup>44</sup> Скотт Дж. Благими намерениями государства. Почему и как провалились проекты улучшения условий человеческой жизни / Пер. с англ. Э.Н.Гусинского, Ю.И.Турчиновой. – М., 2005. – С.307 – 353.



# ВОДИЙНИНГ УЗОҚ ЎТМИШИГА БАҒИШЛАНГАН ТАДҚИҚОТ

Фарҳод МАҚСУДОВ,  
ЎзР ФА Археология институти

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Археология институти етакчи илмий ходими А.Анорбоевнинг «Ахсикет – қадимги Фаргонанинг пойтахти» («Ахсикет – столица древней Ферганы»<sup>1</sup>) номли илмий монографияси 2013 йили Тошкентда нашр этилди. Ушбу изланиш Эски Акси (Фаргона-Ахсикет) археологик ёдгорлиги материаллари асосида Фаргона водийсининг қадимги ва ўрта аср даври шаҳар маданияти тарихига бағишланган. Мазкур монография Фаргона водийси шаҳар маданияти узоқ йиллар давомида олиб борилган археологик қазишмалар натижасида қўлга киритилган топилмалар асосида ва ёзма манбаларни кенг жалб қилган ҳолда синчиклаб ёритилган илк академик тадқиқотдир. Муаллиф бой археологик материаллар асосида Фаргона водийсида ажойиб ва сирли бўлиб келган Ахсикетнинг бир ярим минг йиллик тарихига, яъни милoddан аввалги III – II асрлардан то мўгул истилосигача бўлган даврига ойдинлик киритишга эришган.

Монография ЎзР ФА Археология институти Илмий кенгаши томонидан нашрга тавсия этилиб, унга академик А.А.Асқаров маъсул муҳаррирлик қилган. Таниқли қадимшунос олимлар – профессор Р.Ҳ.Сулаймонов ва етакчи илмий ходим Ж.К.Мирзааҳмедов тадқиқотнинг рас-

мий тақризчилари бўлган. Тадқиқотни китоб ҳолида босиб чиқариш Наманган вилоят ҳокимлигининг молиявий кўмаги билан амалга оширилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак.

Монография русча ёзилган бўлиб, йирик форматли, қора-оқ ва рангли расм, чизма ва бошқа тасвирлар билан безатилган, адади 650 нусха. Китобнинг кўк рангли қалин муқовасида Фаргона водийсида қадимда машҳур бўлган мифологик қанотли «самовий тулпор»нинг расми тасвирланган. Монография кириш, икки қисм ва кенг хулосадан ташкил топган бўлиб, 536 (67 босма табоқ) бет текст ва 63 та рангли расмдан иборат.

Ушбу изланишга илмий баҳо беришдан олдин Фаргона водийсининг географик хусусиятлари ва ўтмишига қисқача тўхталиб, бу ҳудуд бўйича қадимшуносликда мавжуд муаммоларни тилга олиб ўтиш керак. Фаргона водийси Ўрта Осиёнинг шимол-шарқда жойлашган тоғлараро ботиқ бўлиб, тевараги Тангритоғ ва Помир тизмалари билан ўралган. Дунёнинг энг узун дарёлари қаторида турадиган Сирдарё Фаргона воҳасида юзлаб сой ва кичик дарёлардан ташкил топади. Фаргона водийси кунботар томонда «Хўжанд дарвозаси» деб аталадиган тор ўтиш йўли орқали Ўрта Осиёнинг Турон пасттекислиги билан уланади, шунингдек, Сирдарё ҳам шу ердан водийнинг ташқарисига оқиб чиқиб, Орол сари йўл олади.



<sup>1</sup> Анарбаев А. Ахсикет – столица древней Ферганы. – Ташкент, 2013.

Тахминан 66 млн йил олдин юзага келган палеоген даврига оид Тетис деб аталган денгизнинг қўлтиги ҳолига айланган Фаргона водийси бу қадимий денгизнинг 23 млн йил олдин қуриб кетиши билан ҳозирги ҳолатига яқин шаклга эга бўлганлиги геологик тадқиқотларда ойдинлашмоқда. Тошга айланган қадимий денгиз чиганокларининг водийни айланасига ўраб турган тоғолди ҳудудларида кўплаб топилиши бунга ёрқин далилдир, чунки ўша қадимий палеоген денгизининг қиргоги ҳозирда Фаргона водийсининг тоғолди ҳудудларига тўғри келади. Шу даврдан, яъни 23 млн йил олдиндан Фаргона водийсининг табиий ривожланиши узлуксиз давом этади. Бундан 3 млн йил олдин бошланиб, 10 минг йил олдин тугаган музлик даври эса мазкур ҳудудга илк инсонларнинг келиши билан алоҳида ўрин тутади.

Ер илмида плейстоцен, жамият илмида эса тош асри деб аталган музлик даврида Фаргона водийсида тундра, яъни шимолий ўрмон иқлими ҳукмрон бўлганлиги сўнгги тадқиқотларда аниқланган. Бу даврда водийнинг тоғли қисмларидаги зич ўрмонларда мегафауна деб аталувчи йирик ҳайвонлар кенг тарқалган эди. Турли қушлар, бугу, унгуру айиги, унгуру арслон ва қоплонлари, ёввойи буқа ва тўнғизлар, тоғ қўй ва эчкилари каби ҳайвонлар бой ўсимлик олами туфайли бу ерларни ўзига макон тутган.

Фаргона водийсининг ер юзаси шакллари узоқ геологик ўтмиш билан боглиқ бўлиб, уларнинг беш тури аниқланган: юксак тоғлар, тоғолди теграси, адирлар, адиророти ботиқлар ва текислик теграси. Ер юзаси шаклларининг турлилиги Фаргона водийси табиати ва иқлимининг турлилигига сабаб бўлган. Натижада бу ҳудудда овчилик, термачилик, зироатчилик ва чорвачилик каби хўжалик турлари учун керакли шароит мавжудлиги инсонларнинг диққатини тортган. Хусусан, сўнгги юз йиллик давомида олиб борилган археологик изланишларда Фаргона водийсининг тош асридан инсон томонидан ўзлаштирила бошлагани аниқланган.

Умуман олганда, Фаргона водийсида мавжуд табиий ва экологик шароитлар бу ерда иқтисодий ривожланишнинг асосий йўналишлари учун доим қулай бўлган. Овчилик ва термачиликдан сўнг зироатчилик ва чорвачилик хўжаликларининг юзага келиши билан шаҳарчилик маданияти тараққий эта бошлади. Хусусан, илк шаҳарлар қадимги даврлардаёқ жамият маъмурий, ижтимоий ва иқтисодий ҳаётининг муҳим марказларига айланган.

Кишилик жамиятининг илк чоғларида юзага келган шаҳарлар жамиятнинг ажралмас қисми сифатида ривожланиб келмоқда ва борган сари уларнинг аҳамияти ортмоқда. Тарихдан маълумки, шаҳарлар инсонлар бир ерга тўпланадиган, ҳамкорлик қиладиган ва турли фаолият билан шуғулланадиган маскан бўлган. Бу ерда, биринчи навбатда, одамлар ўртасида меҳнат тақсимооти ва турмуш тарзи бўлиниши юзага келади, натижада ишлаб чиқаришнинг янада эффективроқ турлари тараққий этади. Илгор гоёларнинг бир ерда жамланиши натижасида айнан шаҳарларда янги технологиялар, диний қарашлар, фалсафий тушунчалар илгари сурилган ва турли ижодий, тижорий, сиёсий уюшмалар фаолият юритган.

Шаҳарнинг юзага келиши, унинг морфологияси, ривожланиш динамикаси ва урбанизация жараёнларининг муаммолари доим тарихчи, археолог, географ, социолог, демограф, иқтисодчи олимларнинг диққатини торттиб келган. Бироқ ҳануз шаҳар атамасининг барча томонидан қабул қилинган ягона тавсифи йўқ. Археологлар томонидан илгари сурилган «шаҳар» тушунчаси унинг йириклиги, тузилиши ва бажарган вазифасига кўра белгиланади.

Ўрта аср шаҳри тарихий топографиясининг умумий характеристикаси биринчи бўлиб В.В.Бартольд<sup>2</sup> асарларида келтирилади. Унга кўра, Ўрта Осиёнинг ўрта асрлардаги шаҳарлари уч қисмдан иборат бўлиб, ҳукмдор саройи (арк), ички шаҳар (шаҳристон) ва ташқи шаҳар (рабод) каби қисмларни ўз ичига олган. Бундай тавсиф барча археологлар

<sup>2</sup> Бартольд В.В. Полное собрание сочинений. Т.IV. – М., 1966.



томонидан ҳозирги кунгача қўлланилади. Хусусан, археологик ва ёзма маълумотлар кўмагида минтақа ўрта аср шаҳарларининг ўлчамлари, тузилиши ва бажарган вазифасига багишланган А.М.Беленицкий, И.Б.Бентович ва О.Ф.Большаков<sup>3</sup> томонидан 1973 йили яратилган йирик асарда ҳам В.В.Бартольднинг фикри тан олиниб, шаҳарларнинг тарихий топографияси, ижтимоий ва иқтисодий муносабатлари ҳар томонлама таҳлил этилган.

Фаргона водийси шаҳарларини биринчилар қаторида археологик жиҳатдан тадқиқ этган изланувчилардан Ю.А.Заднепровский<sup>4</sup> бу ерда илк шаҳарлар учун хос бўлган бир неча хусусиятни ажратади ва Фаргона шаҳарларининг йирик майдонга, тараққий этган мудофаа тизимига, ҳукмдор саройига эга бўлганини, деҳқончилик маркази сифатида ҳамда ҳунармандчилик ва тижорат маркази сифатида фаолият юритганини таъкидлайди. Хусусан, сўнгги жез ва илк темир даврларида, яъни тахминан миллоддан аввалги иккинчи минг йилликнинг иккинчи ярмида Фаргона водийсининг шарқида йирик марказга айланган Далварзинтепа ёдгорлиги илк шаҳарлар қаторига киритилган. Кейинги босқич, яъни миллоддан аввалги биринчи минг йиллик ўрталарига тегишли давр шаҳарларига яна Шарқий Фаргона ҳудудида топиб ўрганилган Эйлатон шаҳар харобаси киритилган.

Миллоддан аввалги биринчи минг йилликнинг иккинчи ярмидан Фаргона водийсида муҳим шаҳарлардан бири Фаргона-Ахсикет қад кўтара бошлайди. Кенг китобхонлар оммасига тақдим этилаётган ушбу китоб қадимги Фаргона водийси бош шаҳри бўлмиш Ахсикет тарихига багишланган илк монографик изланишдир. Бу тадқиқот асосида 1980 – 1990 йилларда олиб борилган археологик қазишмаларнинг натижалари ётади, муаллиф ушбу ёдгорликда очилган қурилмаларнинг ва қўлга

киритилган топилмаларнинг даврий туркумланишини тақдим этади. Бу эса бош шаҳарнинг ўтмишини тиклашга имкон яратади. Қадимги даврда Фаргона водийсида кенг тарқалган қизил қоламали («ангоб») сопол идишларнинг янгида даврлаштирилиши ва саналаштирилиши асосида қадимги давр ва илк ўрта асрларда мавжуд бўлган Фаргона шаҳарларининг даврларига биринчи бор аниқлик киритилган. Изланишнинг муҳим янгиликларидан бири қадимги Фаргона бош пойтахти Фаргона (Ахсикет) шаҳрининг Эски Ахси ёдгорлиги ўрнида бўлганлиги аниқланишидир. Бошқа томондан, бу шаҳар ҳудудида топилган сопол буюмлар, тангалар ва ўқ учларининг таҳлили натижасида аниқланган қурилиш босқичларининг мутлақ саналари Фаргона водийси тарихида содир бўлган маълум тарихий воқеалар билан солиштирилиб уларнинг бир-бирига тўғри келиши аниқланган.

Ахсикетда сўнгги 30 йил ичида қазишмалар жараёнида 18 планиграфик (қадимий қурилма тарҳини аниқловчи) ва стратиграфик (қадимий маданий қатламларни аниқловчи) қазув объектларида қўлга киритилган бир неча минг археологик топилма асосида қатор номзодлик диссертациялари ёқланган, булардан Ғ.Мирзалиев<sup>5</sup>, О.Папахристу<sup>6</sup> ва С.Илёсовани<sup>7</sup> кўрсатиш мумкин. Бу тадқиқотларда асосан ўрта аср Ахсикет шаҳри моддий маданиятининг айрим муаммолари, сопол буюм мажмуаларининг солиштирма таҳлиллари ва саналаштирилиши, темирчилик ва темирга ишлов бериш ва бошқа шунга ўхшаш мавзулар ёритилган. А.Анорбоевнинг мазкур китоби эса олдинги тадқиқотларни мужассамлаштириб, янги қўлга киритилган археологик маълумотлар билан бойитиб, қадимги ёзма манбалар билан солиштириб амалга оширилган тадқиқотдир.

<sup>3</sup> Беленицкий А.М., Бентович И.Б., Большаков О.Г. Средневековый город Средней Азии. – М., 1973.

<sup>4</sup> Заднепровский Ю.А. Древнеземледельческая культура Ферганы. МИА 118. – М., 1962.

<sup>5</sup> Мирзалиев Ф. Неглазуванная керамика XII – начала XIII вв. с городища Эски Ахси // ИМКУ. Вып.20. – Ташкент, 1986.

<sup>6</sup> Папахристу О. Черная металлургия средневекового Ахсикета. АКД. – М., 1985.

<sup>7</sup> Ильясова С. Глазуванная керамика Шаша и Ферганы XI – начала XIII вв. АКД. – Самарканд, 2008.

Умуман олганда, бу тадқиқотни олиб боришдан олдин А.Анорбоев олдида Фаргона водийси тараққий этган қадимги ва ўрта аср шаҳарларининг тарихий топографияси, муҳофаа тизими, умуман, моддий маданияти тарихий-археологик жиҳатдан етарли даражада ўрганилмаганлиги ва сопол буюмларнинг стратиграфик жадвали ишлаб чиқилмаганлиги каби муаммолар турарди. Бунинг сабаби 80-йилларгача йирик шаҳар харобаларида олиб борилган қазилмаларнинг аксарияти фақат юзаки текширишлардан иборат бўлганлиги эди. У йилларда археологик тадқиқотлар асосан мазорқўргонларни, қишлоқ маконларини ва кичик қадимий шаҳарчаларни ўрганишга қаратилган. Мисол учун, бир ёдгорликда қизил қопламали сопол буюмларнинг юзага келиши, ривожланиши ва йўқ бўлиши кузатилмаганлиги сабабли бундай сополларнинг саналаштирилиши жуда кенг давр, яъни милоддан аввалги IV – I асрлар ва милодий I – IV асрлар билан белгиланарди. Илк ўрта асрлар даври сопол идишлари комплекслари V – VI асрлар ва VII – VIII асрлар билан даврлаштирилган. 40-йилларда бошланган кенг кўламли археологик тадқиқотлар Фаргона водийсида ҳам ўтказилганига қарамай, бу муҳим стратегик тарихий ўлканинг узок ўтмиш тарихи ва унинг даврлаштирилиши ечилмай қолиб кетган эди.

А.Анорбоевнинг 80 – 90-йилларда Эски Ахси (Ахсикет) ва бошқа ёдгорликларда олиб борган археологик тадқиқотлари Фаргона водийси шаҳар маданияти тарихини ўрганишга имкон берди. Шундай қилиб, мазкур монографиянинг асосий мақсади Эски Ахси (Ахсикет), Эйлатон, Мугтепа (Косон), Поп, Симтепа, Машъад (Маргилон), Мўйи Муборак-Тепакўргон (Қўқон), Мингтепа (Эрши) ва бошқа қатор ёдгорликларда топилган барча археологик материалларни жамлаш, таҳлил қилиш орқали Фаргона водийси шаҳарларининг милоддан аввалги III – II асрлардан мўгул истилосигача бўлган тарихини босқичма-босқич ёритишдан иборат бўлган. Шу билан бирга, ушбу изланишга олдинги йилларда амалга оширилган археологик ва тари-

хий тадқиқотларнинг натижалари кенг жалб қилинган, кўплаб тарихий ёзма манбалардан ҳам фойдаланилган. Натижада А.Анорбоев Фаргонанинг 1,5 минг йил давомидаги шаҳар маданияти узлуксиз тарихини тиклабгина қолмай, балки унинг моддий маданияти узлуксиз тарихини яратди. Хусусан, милоддан аввалги IV – I ва милодий I – IV асрларда сопол идишлар комплекси 70 – 90 йил орасида, илк ва ривожланган ўрта асрлар сопол идишлар комплекси 50 – 60 йил орасида даврлаштирилди. Бу Фаргона археологиясида эришилган катта ютуқ ҳисобланади.

Китобда ривожланган ўрта асрлар, яъни ислом даври Ахсикет шаҳри меъморчилиги, шаҳар топографияси, тураржой ва ҳунармандчилик маҳаллаларининг жойлашиши, қурилиши, жамоат қурилмалари ҳамда ободончилик масалалари кенг ёритилган. Хусусан, шаҳар тарихий топографияси ва муҳофаа тизимининг ривожланиши аниқ археологик материаллар асосида таҳлил қилиниб, янги илмий ҳулосага келинган. Масалан, милоддан аввалги 104 – 101 йилларда бўлиб ўтган Хитой-Фаргона уруши таъсирида пайдо бўлган муҳофаа истехкомлари ва уларнинг ўзига хослиги диққатга сазовордир. Шу билан бирга, Ахсикет (Ахсикет) шаҳрининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида ҳунармандчилик катта ўрин эгаллаганлиги алоҳида такидланиб, айниқса, темирга ишлов беришнинг ўрни бой археологик маълумотлар асосида ёритилган. Маълум бўлишича, ривожланган ўрта асрларда устаси фаранг Ахсикет усталари соф пўлат ишлаб чиқаришни билишган ва ундан тошга урса синмайдиган ўткир қилчлар тайёрлай олишган.

Шундай қилиб, кенг кўламли археологик материаллар асосида Фаргона водийси шаҳар маданиятини тадқиқ этган А.Анорбоев қадимги ёзма манбаларда тилга олинган шаҳарлар локализацияси, яъни жойлашуви масаласини қайта кўриб чиқиб, қуйидаги янги илмий ҳулосаларга келган. Қадимда Фаргона водийси аҳолиси ўзининг сиёсий уюшмаси, яъни давлати ва бош пойтахтини бир топоним билан

Фаргона (Паргана) деб атаган. Бу топоним атрофи тоғ ёки девор билан ўралган жой номини англатган. Қадимда Хитой тарихчилари хорижий топонимларни Хитой тилига таржима қилиб манбага киритган. Шунинг учун Хитой тарихчиси Сима Цян Фаргона шаҳрини Юан деб таржима қилади. Фаргона давлати ҳақида гап кетганда уни пойтахтдан фарқлаш учун 2 та иероглиф ишлатилган, яъни «Дай-Юан» – «Катта Фаргона» деб ёзилган. А.Анорбоевнинг фикрича, Фаргона водийсининг Юан (Паргона) деб аталган бош шаҳри Эски Ахси (Ахсикет) археологик ёдгорлиги ўрнида жойлашган. Бундай хулосага муаллиф чуқур тарихий-археологик таҳлил натижасида келганлиги кўринади.

Қадимги хитой манбаларининг мураккаблиги ва айрим ҳолларда янглиш ўгирилиши ҳисобига Фаргона водийси шаҳарларининг жойлашуви масаласида хатоларга йўл қўйилган. Ҳозирда ҳар бир ўқувчи А.Анорбоевнинг «Ахсикет – қадимги Фаргонанинг пойтахти» номли илмий монографиясини ўқигач қадимда Фаргона конфедератив давлат бўлганлиги, яъни давлатлар уюшмасидан иборатлигини, унинг бош пойтахти ва давлати бир топоним билан Фаргона деб аталганлигини билиб олади. Шунингдек, машҳур Эрши атамаси ҳам, бир томондан, «самовий тулпорлар» етиштириладиган кенг ҳудудни билдирса, бошқа томондан, шу топоним остида ҳудуд маркази ҳисобланган шаҳар номини англатган бўлиши керак деб тахмин қилади А.Анорбоев. Эрши шаҳри Мингтепа ёдгорлиги ўрнига, Эрши ҳудуди эса Мингтепанинг жанубий ва жанубишарқий тоғолди ҳудудларига тўғри келиши таъкидланади.

Шу билан бирга, А.Анорбоевнинг фикрича, милоддан аввалги II асрда шимоли-шарқдан келган юечжи қабилалари вакиллари Фаргона водийсида сиёсий ҳокимиятни қўлга кирит-

гач, бу давлатнинг янги бош шаҳри шу қабилянинг маҳаллий тилдаги номи билан Гуйшуан (Кушан) деб атала бошлайди. Бу шаҳар эса ҳозирги Мугтепа (Косон) харобаси ўрнида қад кўтариб Турк хоқонлиги давригача ўз фаолиятини давом эттиради. Шунга қарамай, А.Анорбоев таъкидлаганидек, Ахсикет тарих саҳифасидан ўчиб кетмай, Фаргона давлатининг иқтисодий маркази бўлиб қолаверади. Кейинчалик Фаргона шаҳри араб тарихчи ва географлари Табарий ва Ибн Хордадбех асарларида тилга олинади.

Ушбу маълумотларни ҳар томонлама таҳлил қилиб А.Анорбоев қуйидаги хулосага келади. Араблар босқини арафасида Фаргона конфедератив давлатининг бош пойтахти Фаргона шаҳрида бўлган. Фаргона шаҳри IX асрнинг иккинчи ярмидан араб манбаларида «Ахсикет-Ахсикат» деб ёзила бошлайди. Лекин маҳаллий халқ ўз пойтахтини Фаргона деб аташда давом этади. Буни нумизматик материаллар ҳам тасдиқлайди, яъни Фаргона водийсида жойлашган зарбхоналар ичида фақат «Фаргона» сўзи битилган зарбхона ҳам мавжудлиги бир неча ўнлаб тангаларда кузатиш мумкин. Бошқача қилиб айтганда, «Ахсикет-Фаргона», «Ўзган-Фаргона», «Қуба-Фаргона», «Ўш-Фаргона» деган зарбхоналар қаторида фақат «Фаргона» сўзи битилган зарбхона ҳам борлиги аниқланган. Бундай ҳолат XI аср ўрталаригача давом этади. Шу билан бирга, муаллиф Хитой манбаларида тилга олинган Ючен шаҳрининг ҳам янги локализациясини бериб, уни археологик материаллар асосида исботлашга интилади.

Хулоса қилиб айтганда, А.Анорбоевнинг «Ахсикет – қадимги Фаргонанинг пойтахти» деган асари Фаргона водийсининг узоқ ўтмиш тарихини ўрганишда янги босқич ҳисобланади.

# АЛАШЎРДА, ТУРКИСТОН МУХТОРИЯТИНИНГ 100 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНҒАН ХАЛҚАРО АНЖУМАН

Шамек ТЛЕУБАЕВ,  
тарих фанлари номзоди, доцент

*2017 йил 23 июнда Абай номидаги Қозоқ миллий педагогика университетида Алашўрда ҳукумати ва Алаш автономияси (мухторияти)нинг 100 йиллигига бағишланган «Алашорда, Туркестан Мухтариаты: взгляд через столетия, позиция, выводы» мавзuidaги халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.*

Конференциянинг ялпи мажлисида Абай номидаги Қозоқ миллий педагогика университети ректори, п.ф.д., профессор Т.О.Балмкбаев, ўқув-услубий ишлар бўйича проректор, т.ф.д., профессор Г.К.Кенжебаев, университет фан бўлими бошлиги Б.Е.Оспанов иштирок этди.

Конференцияда Марказий Осиё мамлакатлари (Ўзбекистон, Қирғизистон, Қозогистон), шунингдек, илмий-тадқиқот институтлари илмий ходимлари ва олий ўқув юртлари ўқитувчилари қатнашдилар.

Ялпи мажлисда т.ф.д., профессор академик М.К.Койгелдиев, И.Арабаев номидаги Қирғиз давлат университети ректори, т.ф.д., профес-

сор Г.А.Абдъфахмонов, Андижон давлат университети профессори, т.ф.д., «Мерос» халқаро хайрия фонди илмий-амалий экспедиция раҳбари Р.Т.Шамсутдинов, Ж.Баласағмн номидаги Қирғиз миллий университети профессори, т.ф.д., Т.Чоротешн, Ал-Форобий номидаги Қозоқ миллий университети профессори, т.ф.д., Т.О.Омарбеков, Ч.Ч.Валихонов номидаги Тарих ва этнология институти етакчи илмий ходими, т.ф.н. А.Даулетхан, ф.ф.д., профессор Т.Журтбайнинг маърузалари тингланди.

Конференцияда XX аср бошларида Марказий Осиё халқларининг миллий-озодлик ҳаракати тарихи муаммолари, Алашорда миллий ҳукумати ва Туркистон Мухторияти ҳукуматининг шаклланиши каби масалалар муҳокама этилди.

Академик М.К.Койгелдиев (Қозогистон) 1917 йили қозоқ жамиятидаги ҳаракатлар муайян бир мақсадга эга миллий мустақиллик ютуқларидан бири эканлигини, бироқ совет ҳукумати мазкур ҳаракатнинг ўзига хослиги ва характерини тан олмай, жамиятда синфий табақаланишни талаб этганини таъкидлаб ўтди.

Профессор Р.Т.Шамсутдинов ўзининг чиқишида Москва ва Тошкент марказий архивларида сақланаётган ҳужжатларни илмий муомалага киритиш зарур эканлигини кўрсатиб, улардан Афғонистон-Ҳиндистон миллий-озодлик ҳаракатининг таниқли арбоби, профессор Муҳаммад Баракатиллохон, Туркистон сиё-



Абай номидаги Қозоғистон миллий педагогика университети Қозоғистон тарихи кафедраси мудирини, Қозоғистон тарихчилари ассоциацияси президенти, Қозоғистон Республикаси Миллий академияси академигини М.К.Қўйгелдиев «Алашўрда, Туркистон Мухториятига: 100 йил қаридан қараш, нуқтаи назар, хулосалар» халқаро илмий-амалий анжуманидаги фаол иштироки учун профессор Р.Т.Шамсутдиновга «Алашўрданинг 100 йиллиги хотира медали»ни топширмоқда.

сий арбобларидан Собир Муҳаммедович Юсупов, Низомиддин Хўжаев, Ҳаққул Ҳусанбоев, Иномжон Хидиралиевнинг Халқ комиссарлари совети раиси В.И.Ленин билан учрашувларидаги суҳбатлари, унинг номига ёзилган расмий хатлар, Туркистон Мухторияти ва унинг большевиклар томонидан қурол кучи билан йўқ қилиниши ва бунинг Ўрта Осиё халқлари тарихидаги мудҳиш ўрни ҳақида гапирди. Бу борадаги янгича ёндашувлари анжуман иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди. Алашўрда ва Туркистон Мухторияти тарихининг Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Ўзбекистон тарихчи олимлари томонидан муофиқлаштирилган тарзда тадқиқ этилиши,

бу мавзуда диссертациялар, монографиялар, ҳужжат ва материаллар тўпламлари яратиш зарурлигини асослади. Туркистон Мухторияти раҳбарларининг ҳаёт йўли ҳақида асарлар яратилиши зарурлигига эътибор қаратди. Ўз навбатида, Алашўрда ва унинг арбоблари ҳақида қозоқ тарихчилари, айниқса, академик Манбет Қўйгелдиев, профессор Турсун Журтбайнинг илмий тадқиқотлари ҳақида ўзининг фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Маърузачининг таъкидлашича, Россия ва Ўзбекистон архивларида эълон қилинмаган ҳужжатлар Туркистон Мухторияти тарихининг кам ўрганилган жиҳатларини тадқиқ этишда муҳим роль ўйнайди.

Профессор Т.О.Омарбеков (Қозогистон) ўзининг чиқишида қозоқ зиёлиларининг 1917 йилги воқеаларга бўлган қарашларига таъриф берди. Профессор Т.Кененсариев (Қиргизистон) Қўқон (Туркистон) ҳукуматининг тузилиши сабаблари ва таркиби, уларнинг гоъвий асосларини ўз чиқишида баён этди. Доцент К.С.Молдокасышов (Қиргизистон) XX аср бошларидаги Қиргизистон сиёсий элитаси ва миллий-озодлик ҳаракати раҳбарлари ҳақидаги янги архив маълумотларини тақдим этди.

Қиргизистонда 1917 йили «учҳокимият даврида»ги ижтимоий-сиёсий ҳаракатларга доцент Б.З.Бақеева баҳо берди.

Сиёсатшунослик фанлари номзоди Б.Абдығалиулуглы (Қозогистон) «Алашские военньё формирования на Семиреченском фронте» мавзуда чиқиш қилди. Қозогистон ҳудудла-

рида 1918 — 1920 йилларда бўлган фуқаролар уруши тарихимизнинг тўла ўрганилмаган «оқ доғлари»дан бири деб ҳисоблайди муаллиф.

Профессор И.Айтимбет (Қозогистон) Алашорда тарихи бўйича масалаларни Қозогистон олий ўқув юртлари ва мактаблари ўқув дастурларига киритиш зарур эканлигини таъкидлади.

Конференция доирасида қарорлар қабул қилинди.

Академик М.К.Койгелдиев ўзининг яқунловчи сўзида қуйидагиларни таъкидлаб ўтди: «Шуни таъкидлаб ўтмоқ лозимки, конференциямиз ўз олдида қўйган мақсадга эришди. Ўзбекистон, Қиргизистон ва Қозогистон олимлари томонидан қилинган маъруза ва хабарлар нафақат 1917 йил воқеаларини ўрганишдаги янгиликлар билан, балки фактларга бойлиги ва сермазмунлиги билан ажралиб турди.

## РЕЗОЛЮЦИЯ

**Международной научно-практической конференции «Алашорда, Туркестан Мухториаты: взгляд через столетия, позиции, выводы» посвященной 100-летию правительства Алаш орды и Алашской автономии.**

В работе научной конференции приняли участие ученые из стран Центральной Азии (Казахстан, Узбекистан и Кыргызстан), научные сотрудники и преподаватели научно-исследовательских институтов и университетов республики.

Участники научной конференции с удовлетворением отметили, что научные форумы проводимые в год столетия Алашорды и Туркестан Мухториаты способствуют более глубокому осмыслению и освоению исторического опыта. Научная разработка этих проблем требует объединения усилий ученых-гуманитариев наших стран, ибо наши народы прошли вместе периоды колонизации, антиколониальных выступлений 1916 год, революционные изменения

1917-го и последующих лет, а также реформы 1920 – 1930-х годов.

Мы не можем игнорировать тот факт, что народы наших стран хотят знать правду об этих периодах нашей общей истории как-бы горька она ни была. Поступательное развитие наших независимых государств во многом зависит от правильного осмысления нашего исторического прошлого опыта, при этом не закрывая глаза и на наши собственные слабости с целью не допускать их повторения в будущем. В сегодняшних условиях нам необходимо всмотреться глубже в самих себя, чтобы увидеть наши общие интересы в контексте исторического прошлого. Всматриваясь в наше прошлое мы все более убеждаемся в том, что история нас объединяет и что в ней присутствует неисчерпаемый заряд для совместной созидательной деятельности.

Вместе с тем, участники конференции отмечают, что в разработке проблем истории революционных перемен 1917-го года в регионе



все еще немало «белых пятен». Так, например, исследователи слишком робко отходят от идеологических штампов советской историографии относительно анализа причин образования в центральноазиатских колониях российской империи национальных правительств Алашорды и Туркестан Мухториаты. Исторические перемены в жизни народов региона все еще рассматриваются в русле методологии общеимперской истории.

Отдельные зарубежные исследователи до сих пор не склонны признать национально-освободительный характер народных движений 1916, 1917 – 1922, 1929 – 1931 гг. Не до конца раскрытыми остается целенаправленный характер репрессии 1920 – 1930-х и начало 1950-х годов, жертвами которых пали выдающиеся просветители и лидеры освободительного движения татарского, башкирского, кыргызского, узбекского, казахского и других народов бывшего Советского Союза. Перманентное уничтожение антиколониальных сил с применением самых жестоких мер и методов стал нормой для советского режима. И этот факт не получил должного отражения в нашей историографии.

Так, например, просветительство в национальных окраинах большевизмским режимом было оценено как явления национализма и как тюркизма. И этот идеологический прием взят в основу актов физического истребления выдающихся заступников национальных культур просветителей, таких как, Ахмет Байтурсинов, Мунаввар Кары, Ишангали Арабаев и многих других.

Вышеназванные и другие вопросы нашей общей истории нуждаются в осмыслении с позиции современных методологических перемен, что необходимо для формирования научного мировоззрения в обществе адекватное современным вызовам. Как отметил Президент Республики Казахстан Н.А.Назарбаев в своей программной статье «Взгляд в будущее: модернизация общественного сознания»: «Начатые нами масштабные преобразования должны

сопровождаться опережающей модернизацией общественного сознания. Она не просто дополнит политическую и экономическую модернизацию, она выступит их сердцевинной.

Первое условие модернизации нового типа – это сохранение своей культуры, собственного национального кода. Без этого модернизация превратится в пустой звук». Участники конференции считают:

1. Большевистское руководство с самого начала не признавала самостоятельный характер национально-освободительных движений, считав их резервом пролетарской революции в России. Отталкиваясь от данного постулата большевистское руководство навязывала национально-освободительным силам, с одной стороны, отказаться от основной цели – возрождение национальной государственности, с другой, требовало встать на путь классового расслоения, тем самым выхолащивая с него антиколониальное содержание. Между тем, в этот исторический период для народов региона принципиальное значение имело не размежевание на основе классовых различий, а национальное единство для возрождение национальной государственности и сохранения территориальной целостности.

2. В советской историографии правительства Алашорды и Туркестан Мухториаты рассматривалось не иначе как контрреволюционное образование. На самом деле, провозглашение вышеназванных правительств было вызвано, во-первых, необходимостью защиты естественных и вполне обоснованных интересов народов региона в условиях всеобщей анархии и разрухи;

во-вторых, правительства Алашорды и Туркестан Мухториаты избранные народными представителями на съездах в гг. Оренбурге и Коканде на основе обычаев и традиции народов Центральной Азии являлись единственно легитимными;

в третьих, правительства Алашорды и Туркестан Мухториаты были готовы к разумным



# ОЛТОЙШУНОСЛИККА БАҒИШЛАНҒАН ХАЛҚАРО ФОРУМ

Маъмуржон САИДХОНОВ, Тожиддин РАҲМОНОВ,  
Андижон давлат университети доцентлари

**Қирғизистон пойтахти  
Бишкек шаҳрида  
Қирғизистоннинг тарихий ва  
маданий меросини асровчи  
«Мурас» фонди томонидан  
«Олтой цивилизацияси  
ва олтой тиллар оиласига  
кирувчи қондош халқлар»  
номли халқаро форуми  
ташқил этилди.**

*Маълумки, олтой тиллар оиласига турк ва мўгул тиллари киради ва шу тилларда сўзлашувчи халқлар милоддан аввалги 1-мингйилликда турк-мўгуллар номи билан аталиб, олтой оиласининг гарбий шохобчасини ташқил қилган. Ўтган шунча давр мобайнида олтой тиллари оиласига мансуб халқлар ҳудудий жиҳатдан кенг тарқалиб кетган эса-да, уларни бирлаштириб турувчи кўп жиҳат-*

*лар мавжуд ва улар турли йўналишдаги тадқиқотлар жараёнида намоён бўлмоқда. Гарчи турли ижтимоий-сиёсий жараёнлар, мамлакатлардаги айрим қонун ва қоидалар, диний фарқлар, тилларнинг ижтимоий мавқеи йиллар ва асрлар давомида ўзгариб, халқларнинг ижтимоий турмуш тарзига таъсир этган бўлса-да, этногенези бир бўлган ушбу халқлар ҳаётида муштарак жиҳатлар жуда кўп эканлиги маълум. Ушбу форумнинг мақсади ҳам ҳудудий жиҳатдан жуда кенг ҳудудни қамраган олтой тиллар оиласига мансуб халқларнинг тарихи, маданияти, урф-одатлари, тили ва бошқа ижтимоий хусусиятларидаги алоқадорликни, муштаракликни, шунингдек, йиллар бўҳронида юзага келган ўзига хослик, бошқа халқлар билан ассимиляцияга киришиш ҳолатларини аниқлаш, уни илмий исботлаш, қонуниятларини асослаш юзасидан дунёдаги етук олимларнинг машваратини ташқил қилишдан иборат эди.*

Форумнинг расмий қисми Бишкекдаги Қирғизистон Республикаси Президентининг «Энасой» номидаги 1-рақамли қароргоҳида бўлиб ўтди. Унда Қирғизистон Президенти Алмазбек Шаршенович Атамбаев нутқ сўзлади. У ўз нутқида тарихи, келиб чиқиши бир бўлган олтой тиллари оиласига мансуб халқлар бирлашиши кераклигини, нафақат тарихан, балки келажак тадқиқотларда ҳам, ўз келажак-



ларини яратишда ҳам ҳамкорлик қилишлари лозимлигини, бу йўлда ушбу форум ва унинг натижалари, йўриқлари дастуриламал бўлиши зарурлигини таъкидлаб ўтди. Шунингдек, Президент қадимда Ўрхун-Энасой ёзуви барчамиз учун муштарак бўлганини, кейинчалик тарих тақозоси билан кирилл ёзуви бизни бирлаштирганини, ҳозирда Россиянинг Олтой ўлкаси, Қрим, Хакасия, Чувашистон, Ёқутистон, Татаристон, Бошқирдистон Республикалари, Марказий Осиёдаги бошқа қатор туркий халқлар кирилл ёзувидан фойдаланганлари сабабли меросимизни ўрганишда қийналмаслигимизни айтиб ўтди.

Йигилишда Бошқирдистон Республикаси бошлиғи Рустем Закиевич Ҳамитов, Татаристон Республикаси бошлиғи Рустам Нургалиевич Минниханов, Россия Федерацияси Давлат Думаси депутати Иван Итулович Белеков, Ёқутистон Республикаси Давлат йигини раиси Александр Николаевич Жирков сўз олиб,

ушбу форум олтой тиллари оиласига мансуб халқлар ривожланиши учун қўйилган эзгу қадам эканини айтиб ўтдилар.

Куннинг иккинчи ярмида «Олтойшунослик XXI асрда» деб номланган ялпи мажлис бўлиб ўтди. Унда жаҳон олтойшунослиги ва туркийшунослигига катта ҳисса қўшиб келаётган тарихчи, этнограф, археолог, тилшунос, маданиятшунос олимлар: Россия Ижтимоий фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси, профессор Виктор Яковлевич Бутанаев, профессор Ерден Кажыбек (Остона, Қозогистон), Россия Фанлар академияси мухбир аъзоси, Россия Туркологлар қўмитаси раиси ўринбосари, профессор Дыбо Анна Владимировна, Корея Республикаси Маданият, спорт ва туризм вазирлигининг Осиё маданияти маркази бошлиғи Чжон Бонсу, Россия Ёзувчилар уюшмаси котиби ва ҳамраиси Бедюров Бронтой Янгович, Қирғизистон Республикаси Фанлар академияси мухбир аъзоси Абла-



бек Асанканов олтойшуносликнинг долзарб масалалари бўйича маъруза қилдилар.

«Ҳозирги олтойшунослик: методология, назария ва методлар», «Тарих, археология, этнография», «Лингвистика» деб номланган 3 та шўба йигилишлари Қирғизистоннинг Чўлпонота шаҳридаги Иссиққўл дам олиш зонасида жойлашган Қирғизистон Республикаси Президентининг 2-қароргоҳида бўлиб ўтди. Унда 12 мамлакатдан ташриф буюрган 20 дан ортиқ халқ ва элат олимлари, ижодкорлар, давлат ва жамоат арбоблари ўзларининг олтойшуносликнинг долзарб масалаларига бағишланган маърузалари билан қатнашдилар. Ҳар бир секцияда олтойшунослик масалалари бўйича ўртага ташланган муаммолар қизгин баҳс ва мунозаралар асосида ўтиб, хулоса ва ечимлар ишлаб чиқилди.

Жумладан, Хакасия ва Чувашистонда ижтимоий-сиёсий вазият тақозоси билан хакас ва чуваш тилларининг истеъмол доираси йилдан-йилга пассивлашиб бораётгани ва шу ҳолат давом этса, бу тиллар ўлик тилга айланиб қолиши ҳақида айтилди. Ҳозирда Хакасияда она тилида (хакас тилида) қарийб 10 фоиз одам гаплашади.

Халқаро форумда иштирок этган ушбу мақола муаллифлари ҳам «Лингвистика» шўбасида «Ўзбеклар новербал коммуникациясининг ўзига хослиги» (М.Саидхонов), «Ўзбек

халқ қўшиқларининг лисоний жиҳатлари» (Т.Раҳмонов) мавзуларида маъруза қилдилар ва илмий жамоатчиликнинг эътиборини тортдилар.

Секциялардаги йигилишлар якунлангач, маърузалар бўйича очиқ мулоқот ўтказилди ва 2-ялпи мажлисда «Олтой цивилизацияси ва олтой тиллар оиласига кирувчи қондош халқлар» халқаро форумининг декларацияси қабул қилинди.

Форумда иштирок этган 111 олимнинг илмий маърузалари матнини ўз ичига олган «Алтайская цивилизация и родственные народы алтайской языковой семьи» (Бишкек: Турар, 2017) номли тўплам нашр этилди. Тўпламнинг нуфузли таҳрир ҳайъати таркибида Андижон давлат университети профессори, тарих фанлари доктори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Рустамбек Шамсутдиновнинг ҳам борлиги эътиборга лойиқ.

Форум иштирокчилари Бишкек, Чўлпонота шаҳарларининг эътиборга молик жойларини томоша қилдилар, Иссиққўлда «Алиқул» теплоходида сайрда иштирок этдилар, Қирғизистон санъат усталарининг концерт дастуридан баҳра олдилар.

Бишкек шаҳрида ўтказилган олтойшуносликка бағишланган форум иштирокчиларда катта таассурот қолдиргани шубҳасиз.